




Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy
(Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh
State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State
Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
"Mentor" scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал "Наставник"

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Ғайзиева	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг аҳамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	Г.Х.То`раева	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонова	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилианализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар	97-101
21	Н.Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З.Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С.Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С.Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С.Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А.Э.Зиётова, Э.А.Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А.Ш.Эшмуҳаматов, Ж.Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А.Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П.Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш.Ж.Хашимов, С.Х.Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А.Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154
32	А.Пўлатов	Мусулмон мамлакатларида ислом омили ва сиёсий фаолият	155-161
33	Н.Абулҳасан	Виртуал терроризм ва унга қарши курашиш	162-172
34	М.Muhammadsidiqov	Mintaqaviy hamkorlik jarayonlarining metodologik asoslari	173-180
35	М.Сайидов	Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштириш йўллари	181-186
36	А.Рўзиев	Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро деалектикаси	187-193

ДАВРНИНГ РУҲИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ

*Н.А.Шермухамедова – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ профессори,
фалсафа фанлари доктори*

Ҳаммамизга маълумки, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойилларида билимларнинг инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, шунингдек таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, ҳар томонлама камол топган, маънавий бой инсонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бизнинг энг катта бойлигимиз бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти”¹. Замонавий давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш тамойилларига риоя қилишга асосланади. Шунинг таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси таълим сифатини ошириш мақсадида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар билан кўп тарафлама ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилмоқда, қўшма таълим тузилмалари ривожлантирилмоқда, ўқитувчи кадрлар алмашиш кенг тус олмоқда. Хусусан сўнгги йилларда Англиянинг Вестминстр университети, Сингапур институти, Италиянинг Турин институти, Губкин номидаги политехника университети, Ломоносов номидаги МДУ, Малайзия институти, Плеханов номидаги иқтисод университетлари филиалларининг ташкил қилиниши, таълим давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини англатмоқда. Зеро, таълим трансмиллий тушунчага айланиб, мамлакатлар, қитъалар оша ўзгараётган дунёда касбий кўникмаларни шакллантириш учун зарур билимларни ўзлаштиришнинг универсал воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида минтақавий стандартларни яратиш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалга тадбиқ этиш, электрон ахборот алмашинуви, Интернет-технологияларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Хуллас, Ўзбекистонда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга йўналитирилган сиёсат босқичма босқич амалга оширилмоқда.

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан курашимиз// Мирзиёев Ш.Мнинг Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи 2016й. 15 декабрь.

Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириши жараёнида назарда тутилган- жамиятни олий малакали илмий ва илмий-ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, шахсинг таълим ва касб-кор соҳасидаги ижодий қизиқишларини қондириш масалаларига ижодий ёндошилмоқда. Бугун давлатимиз бу вазифани амалга ошириш борасида турли илмий тадқиқот муассасалари (, изланувчилик, докторантура)да ўқишни давом эттиришни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда, ва амалий, инновацион, фундаментал илмий тадқиқод ишларини амалга ошириш учун етарли молиявий маблағлар ажратмоқда.

Бинобарин цивилизациянинг ривожланиши шу даражада жадал суръат олдики, бунда инсон глобал муаммоларни ҳис этмаслиги мумкин эмас. Таълим тизимини давр талабларига мослаштириш оламшумул муаммога, буни тушуниш эса – таълим тизимида давлат, жамият ва фуқаролар муносабатининг асосий белгисига айландики, бу таълим тизими миллий маҳсулотнинг ўз улушини истеъмол қилувчи тизимдир деган тасаввурларга барҳам берди. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда таълимни жамиятнинг, бир томондан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсонни камол топтирадиган, бошқа томондан эса – дунёқарашни шакллантириш манбаи, жамиятнинг маданиятлилик даражаси кўрсаткичи ҳисобланадиган йирик тармоғига айланиш тенденцияси тобора бўртиброқ намоён бўлаётгани тасодифий бир ҳол эмас. Мамлакат қудрати аввало таълим тизими билан белгиланиши аниқ-равшан тус олмоқда. Жамиятнинг таълим тизимида қараб жамиятнинг ўзи, унинг маърифатлилик даражаси ва келажаги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин, десак, асло муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар таълим тизими мамлакатнинг дунё миқёсидаги аҳамиятини янада бўртиброқ намоён этмоқда. Таълим миллий таълим тизимининг дунёда юз бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнларига айниқса таъсирчан бўлган қисми саналгани боис, бунда у айниқса муҳим роль ўйнайди. Таълим тизимини давр талабларига мувофиқ ўзгартиришга қодир бўлмаган, ўзгартиришни истамаган, ўзгартиришга улгурмаган мамлакат ривожланишда орқада қолиши ва ҳозирги дунёда маргиналга айланиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай модернизация юксак технологияларни ўзлаштиришни тақозо этади, уларни эса фақат энг янги илмий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш мумкин.

Фаннинг ривожланиши доим таълим тизими билан узвий боғлиқ бўлган, бугунги кунда фаннинг роли тинимсиз ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон фанлар академиясининг академиклари билан учрашувда фан тараққиётини,

хусусан фундаментал фанлар соҳасини янги босқичга кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, таълим илмий кашфиётлар сонини бевосита белгиламайди. Аммо таълим тизими, жамиятда илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш, олинган натижалардан амалда фойдаланиш имконини берувчи интеллектуал муҳитни яратади. Айни шу сабабли таълим тизимига миллий даромадни истеъмол қилувчи тизими сифатидагина ёндашиш ўринли бўлмайди, зеро бу соҳада илмий-техник ва ижтимоий тараққиётга замин яратилади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ҳаракат стратегиясининг 4 бўлимида таълим тизимини барқарорлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасининг қўйганлиги, таълим мамлакат тараққиётининг муҳим омили эканлигидан далолат беради .

Зеро, жаҳон тажрибаси давлат таълим тизимида тежамкорликка ҳаракат қилиши ҳеч қаерда ва ҳеч қачон иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминламагани ва муқаррар тарзда ижодий имкониятларнинг камайишига сабаб бўлганидан далолат беради. Дарҳақиқат, барча маърифатли мамлакатларда маданият, тиббиёт, ижтимоий таъминот ва таълим соҳалари асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади – бу соҳалар мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий генофонди ҳисобланади. Таълим тизими ўзининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларни ўзи топишига қараб мўлжал олиши инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини бузади (зеро университетда таълим олиш имкониятига жамиятнинг ўзига тўқ қатламларининг вакилларигина эга бўлади), бу эса турли ижтимоий қатламлар орасида аниқланувчи истеъдодлар сонининг камайишига олиб келади. Бундай таълим тизимида давлат кучли бўлиши мумкин эмас. Бу таълим тизими умуман пул ишламаслиги керак деган маънони англатмайди. Ҳозирги жамиятда таълим хизматлари анча қиммат туради. Аммо истеъдодларни ўз вақтида аниқлаш устувор аҳамият касб этиши даркор. Бундан хулоса шуки, таълим тизими бакамол авлод тарбиясининг муҳим омили сифатида доим давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида туриши ва иқтидорли ёшларга имтиёзлар яратилиши лозим. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устивор йўналишларидан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанавий таълим тизими замирида XIX асрнинг охири – XX аср бошида А.Фитрат, А.Авлоний ва илмий педагогиканинг таълим тизимини билувчи одамни тайёрлашга йўналтирган бошқа асосчилари томонидан таърифланган ғоялар ётади. Бугунги кунда бу модель тушунувчи (бошқа одамларни, ўзга маданиятларнинг вакилларини тушунадиган) одамни тайёрлашга қаратилган мўлжал билан тўлдирилиши

лозим. Ҳамма нарсa бир-бири билан боғлиқ бўлган дунёда бошқа одамларни тушунишга, улар билан мулоқот қилишга, ўз эгоизмини енгишга қодир бўлмаган одам ижтимоий хавфли хусусият касб этади.

Инсонни ҳозирги дунё воқелиги билан мос равишда яшашга ўргатиш – таълим тизимининг энг муҳим вазифаси. Бунда гуманитар таълим зиммасига алоҳида масъулият тушади, зеро янги авлоднинг дунёқараши унга боғлиқ бўлади. Мутахассисларнинг дунёқарашини тарбиялашда табиий-илмий ва техник таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви айниқса катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, таълимнинг инсонпарварлашуви бу шунчаки ижтимоий гуманитар фанларнинг сони ёки ўқув соатларини кўпайтириш эмас, балки табиий илмий ва техник фаолият тизимига гуманитар билим норма ва қадриятларини киритиш, яъни табиий илмий ва техникавий билим мўлжалларини инсон манфаатларига хизмат қилдиришга йўналтиришдир. Зеро инсонпарварлашув нафақат фанда кашфиёт яратиш, балки бу жараёнда инсоннинг олий қадрият эканлигини эътиборга олиш демакдир.

Таълимнинг инсонпарварлашуви фан ҳақиқатнинг тагига етишгагина эмас, балки ундан инсон равнақи йўлида фойдаланишга қараб ҳам мўлжал олиши лозимлигини англатади. Бошқача айтганда, фан ўзининг ташқи мўлжаллари қаторига ўзининг мазмун яратувчи фаолияти, инсоннинг моҳияти, унинг вазифаси, кишилиқ жамиятининг гуманистик мазмуни ҳақидаги масалаларни ҳам киритиши лозим. Таълимнинг инсонпарварлашуви инсонийлик тамойилларининг ҳозирги мазмуни ҳақидаги тасаввурларни яратишни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан таълим бугунги кун эҳтиёжларидан илдамроқ юриши лозим. Бунда билимнинг ўзигагина эмас, балки ундан фойдалана олишга ҳам урғу берилиши даркор (аммо бу таълимнинг қимматини камситмаслиги керак – айти ҳолда мавжуд билимнинг ҳар бир лаҳзада мумкин қадар амалий бўлиши шарти назарда тутилмоқда). Бу таълим ва тарбиянинг аҳамияти асосан тенглашишини англатади – айти ҳолда тор профессионал таълимнинг аҳамиятини бекор қилиш эмас, балки уни дунёқараш контекстига, маданий тарихий масъулият майдонига киритиш назарда тутилади. Билимнинг жадал суръатларда ўсиши, дунё илмий манзараларининг ўзгариши билимнинг прогноз унсурларини кучайтиришни тақозо этади. Шундай қилиб, бу ерда касбий фаолиятнинг қадриятлар билан алоқасини янада кучайтириш, таълим тизимига глобал – маданий, ахлоқий, экологик ва бошқа шунга ўхшаш мезонларни киритиш зарурлиги тўғрисида сўз юритилади.

Фаолиятнинг турли соҳаларида қарорлар қабул қилиш тизимларида гуманитар билимнинг улуши сезиларли даражада кўпайган шароитда мутахассислар гуманитар тайёргарлигининг торлиги етказадиган зиён улар эгаллаган лавозим даражасига тўғри пропорционал бўлади (инсон эгаллаган ижтимоий иерархия поғонаси қанча юқори бўлса, у шу даражада мураккаб, масъулиятли ва кенг дунёқарашни талаб этувчи вазифаларни ҳал қилишига тўғри келади). Шу сабабли таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви давр талабига айланади, бу соҳадаги дастурлар иқтисодий жиҳатдан айниқса самарали бўлади. Таълим тизими илмий тафаккурнинг барча ютуқлари ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиш билан бир вақтда доим келажакка қараб мўлжал олиши лозим. Таълим тизими ҳаёт эҳтиёжларини қай даражада тўла қондирса, жамият ҳаёти бошқа соҳаларининг ривожланишига унинг таъсири шу даражада кучли бўлади. Айни шу сабабли фан ва таълим тизими ўртасида вужудга келган тафовутни бартараф этиш замонавий таълимнинг кун тартибида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу таълим тафаккурни ижодий ривожлантиришни назарда тутишини англатади, зеро ҳаёт тинимсиз илгари сурувчи ностандарт вазифаларни фақат шу йўл билан ечиш мумкин. Демак, билимни муттасил янгилашга бўлган интилишни тарбиялаш таълимнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, глобал дунёқарашни шакллантиришни назарда тутати. Хўш шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда ташкил этилган гуманитар таълим тизимининг имкониятлари талабга жавоб берадими? Назаримизда биз ижтимоийлаштириш ҳақида кўп гапириб унинг амал қилиш механизмларининг самарадорлигига эътибор қаратмай қўйгандекмиз. Биргина мисол 1997 йилдан буён Ўзбекистон Републикаси таълим муассасаларининг барча босқичларида “Маънавият асослари”, 2001 йилдан “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларини ўқитиш жорий этилганлиги бир томондан таълимнинг ижтимоийлашувига йўналтирилган саъй ҳаракат сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ иккинчи томондан эса шу давргача бу фанлар бўйича мантиқан изчил ўқув адабиётларининг йўқлиги, мавжуд дастурларда бир хил фикрларнинг доимий такрорланиши фанлар мазмунига нисбатан жиддий ёндашувнинг шаклланмаганлиги таълимнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. “Маънавият асослари” фани дастурининг биринчи мавзусида И.Каримовнинг маънавиятга берган таърифи ҳақида фикр бориши баробарида иккинчи мавзу И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавият масалалари деб номланишини қандай тушуниш мумкин? Диншунослик фанининг дастурида учта диннинг пайдо бўлиши ва асослари ҳақида сўз бориб бирорта мавзунинг диний экстремизм ва фундаментализмга

бағишланмаганлигини, айти пайтда дунёда халқаро диний ташкилотларнинг фаолиятини, ишидек аср вабоси, кибертерроризм каби иллатларнинг турли кўринишларда намоён бўлаётганлиги дастурларда ёритилмаганлигини қандай тушуниш мумкин. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг дастурида ҳам барча босқичларда ғоя ва мафкуралар тарихи, бунёдкор ва вайронкор ғоялар каби масалаларнинг такрори ва айти пайтда уларга фундаментал жавоб берадиган яхлит ўқув адабиётнинг йўқлиги ҳозирги давргача парадокс ҳолат сифатида давом этиб келмоқда эди. 7 феврал 2017 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий ижтимоий ривожлантириш ҳаракат стратегияси қабул қилингандан сўнг мамлакат тараққиётининг барча соҳаларида хусусан таълим соҳасидаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича аниқ фаолият олиб борилмоқда.

Зеро, таълим тизими, глобал ва миллий омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган муайян тарихий шароитда мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Таълим тизими бу уни ташкил этувчи таълим институтларигина эмас, балки тегишли давлат идоралари томонидан олиб борилувчи таълимга оид давлат сиёсати, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнининг моддий таъминоти, «жамият – шахс – давлат» муносабатларида манфаатларнинг муайян нисбати ҳамдир. Шу сабабли бир мамлакатда вужудга келган ва ривожланган таълим тизимини бошқа мамлакатга, ўзга тарихий шароитларга кўр-кўрона кўчириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам миллий таълим муассасаларида вужудга келган ижобий анъаналар, тўпланган тажриба, шаклланган илмий мактабларни сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихан вужудга келган ҳар қандай тизим каби, таълим тизими ҳам анча инерцион бўлиб, унда ҳаддан ташқари кескин бурилишлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай бурилишлар қаторига ғарб таълим тизимларининг дастурларидан кўр-кўрона нусха кўчиришни ҳам киритиш мумкин. Ўз таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини аниқ тасаввур қилиш, ўзлаштиришлар ва уларнинг оқибатлари родини ҳисобга олишга асосланган интеграциягина самарали бўлиши мумкин. Ўзбекистонда таълим соҳасида босқичма босқич амалга оширилаётган ислохотлар миллий манфаатларга йўналтирилгани, унда ўзига хос тамойилларга риоя қилингани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлигини эътироф қилиш лозим. Зеро, АҚШда Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон таълим тизимининг тизимли ташкил этилганлигига алоҳида юқори баҳо берилмоқда, постсовет маконида фақат Ўзбекистон республикасида таълимнинг хусусийлаштирилмаганлиги даврнинг руҳи нуқтаи назаридан энг тўғри йўл эканлигини алоҳида эътироф қилинмоқда. Бироқ, таълимни ислох қилиш

муаммосининг бошқа жиҳатлари, чунончи: университетлар бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиши, уларнинг фаолиятини молиялаштиришда бизнеснинг иштироки, дин билан ўзаро муносабатларини алоҳида ўрганишни талаб этади. Ислохотнинг бош тамойи – «зиён етказма».

Бугунги кунда инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, аҳолининг интеллектуал тайёргарлик даражаси мамлакат суверенитетининг ҳокимият, ҳудуд, табиий ресурслар, қуролли кучларнинг мавжудлиги каби муҳим омилига айланаётган шароитда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш миллатнинг халқаро обрўси, унинг маънавий нуфузи ва инсон салоҳияти сифатининг ошишига элтувчи муҳим омилга айланмоқда. Таълим тизимини муттасил такомиллаштириш, олий таълим соҳасида таълим стандартларини турли минтақавий давлатлараро бирлашмалар доирасида янада универсаллаштириш аксарият мамлакатлар, шу жумладан мустақил ривожланаётган Ўзбекистон учун демократик ислохотларни давом эттиришнинг муҳим омилига айланмоқда.

Зеро, мамлакатда фалсафий мушоҳадали, юқори малакали кадрлар мавжудлиги ракеталар, нефть ва ҳудудлар мавжудлигидан ҳам муҳимроқ ва жозибалироқ омилга айланиши лозим.

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ – ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

*С.С.Агзамходжаева – ф.ф.д., Ўзбекистон Давлат
консерваторияси профессори*

Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унинг ўзига боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила куришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади. Агарки фақат оилани ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбида барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг ғазабнок бўлишига олиб келади. Шуниси қувонарлики, сўнгги йигирма йилда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларнинг сони кўпайиб бормоқда. Юртимизда барча учун “Тенг имконият ва тенг ҳуқуқлар белгиланган”, шу боис маош олиш, ишга кириш, у ёки бу соҳада муайян ютуқларга эришиш ҳоҳ эркак ёки аёл бўлсин, бу инсоннинг мақсадли фаолиятига боғлиқ.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бироқ баъзи соҳаларда, тўғрироғи аёлларни раҳбар лавозимига тайинлашда уларга нисбатан ишончсизлик устиворлик қилади. Масалан Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Олий ўқув юрти бор, бироқ уларнинг бирортасини аёл бошқараётгани йўқ. 90 йилларда эса профессор Ҳалима Алимова Тошкент текстил ва енгил sanoat институти ректори лавозимида ишлаган ва айнан шу институт Ўзбекистон республикаси тест маркази томонидан ўтказилган аттестация ва аккредитациядан энг юқори балл билан биринчи ўринни эгаллаган. Опанинг бошқа ишга ўтганлигига анча йиллар бўлсада институтда ҳалигача улар ўрнатган темир тартибга риоя қилиниб келинмоқда. Нима учун?, шунинг учунки раҳбар аёл ўз жамоасини оиласи сифатида қабул қилади, хўжаликдаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг энг осон, беозор йўлини танлайди. Шу боис аёлларимизга раҳбар лавозимлари

ишониб топширилса, улар орасида Ўзбекистоннинг бирор давлатдачи Мухтор элчиси, вазир, вазир ўринбосари ва ҳаказо кабиларни аёлларимиз ҳеч иккиланмай эплаган бўлар эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки аёлнинг шахс сифатида камолотга эришуви –да эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли. Чунки фақат эр қўлласагина аёл ўз мақсадига эркин эриша олади, фақат эр қўлласа аёл жамиятда ўз ўрнини топади, фақат эр тушунсагина оилада ўзаро ишонч, садоқат ва ҳурмат бўлади, фақат эрнинг мададини ҳис қилсагина аёл чинакам бахтли бўлади ва қалби ором топади.

Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради... Бизнингча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир бундай эмас. Чунки фақат аёл Оллоҳ унга ато этган тўлғоқ азобини сабр тоқати, кучи, бардоши билан енга олади, тўлғоқ азобининг нималигини эса фақат аёл билади. Аёл ҳар қандай мусибатни кўтариши, ҳар қандай жисмоний оғир ишни бажариши мумкин. Фақат аёл ишдан қайтиб, чарчокни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараши, меҳмон кутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва бу ишларни кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Ундан ташқари аёл дардга тоқатли. Оддий тумов, бош оғриғи, томоғ оғриғи кабилар аёл учун дард эмас, оғриқ суягига тақалмаганича аёл миқ этмай юради. Эркакларчи?, салгина шамоллаб қолишса кўрпа ёстиқ қилиб, ётиб олади, чунки уларни шу ҳолатда боласини асрагандек парваришлайдиган аёли бор. Шу боис эркаклар аёлнинг кучи, иродасини ҳис қилишсада, илгари ҳам, ҳозир ҳам, уларни эркалаш маъносида “Ожиза” деб атаган бўлишса ажаб эмас.

Бугунги кунда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида кўп фикрлар илгари сурилмоқда. Энг аввало ҳар иккаловининг масъулияти, ўзининг оила олдидаги бурчини тўлиқ ҳис қилиши, ўзаро ҳурмати, оиладаги муаммоларнинг ечимини бафурча биргалашиб ҳал қила олиши, эркакнинг ўзини аёлидан юқори қўймаслиги, беписанд бўлмаслиги, шунингдек аёлнинг ҳам эрига нисбатан айнан шундай муносабати, оила бюджетини талон тарож қилмаслиги кабилардир. Агар аёл тенг ҳуқуқлиман деб, оналик масъулиятини унутса, ўзини фақат ишга бағишласа-ю, уйда саранжом-саришталик бўлмаса, бундай “тенглик” ҳеч кимга татимаиди. Агарки эр кўча хандон уй зиндон бўлса, аёлининг бошини таънаю дашномлардан аритмаса бундай оиладан барака кетади. Шу боис “тенг ҳуқуқлилик”да мураса-ю мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя қилиш муҳим. Оилада барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллардан бири бу оила аъзоларининг маънавий-руҳий яқинлигидир. Нима учун ғарб мамлакатлари кино фильмларида оила аъзолари бир-бирига сени яхши кўраман дея олади-ю, бизда эса бу эриш туйилади. Шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки, 2008 йил Тошкент шаҳри 50-сонли мактабнинг 9 синф ўқувчилари билан ўтказилган анкета-сўровномаси таҳлилига кўра 45 та боладан 27 таси онаси ва отасининг яхши сўзини эшитмаганлигини, отаси ҳеч қачон ўпмаганлигини, яхши баҳо олганида мактамаганлигини айтган. Фақат 18 та бола ота-онаси баъзида уларни макташини, яхши кўришини, аслида бундай сентементаллик учун улар анча улғайганлигини ёзган. Ота-она учун боланинг сочларига оқ оралаб, юзларига ажин тушганида ҳам фарзанд бўлиб қолади, шу боис, уни қучиш, макташ, у билан ғурурланиш ёш танламайди. Агар биз менталитетимизга фарзандларимизга муносабатни уларнинг ёшига, жисмоний ўсишига эмас, балки, кўнглига мослаб борсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бугунги эркаклар учун аёлларнинг қадр ошмоқда. Дунёнинг қайси мамлакатада бўлмасин эркак учун аёл энг аввало иффиати, назокати, ҳаё-ибоси, меҳри-вафоси, садоқати билан қадрли. Нима учун?, чунки шиддат билан ўтаётган умрнинг ҳар бир куни сарқаш дарё тошқинлари каби муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. Кун бўйи ишдаги ташвишлардан чарчаб уйга келган эркак албатта аёлидан эътибор, меҳр кутади. Агар аёл шу эътибор ва меҳрни бера олса эркак қаерда бўлмасин уйга ошиқади, аёлига ташна бўлиб яшайди ва бу ташналик уни ҳеч қачон тарқ этмайди. Шунингдек аёл эр келар вақтида мунтазам уйда бўлмаса ёки эшик жиринглаганда пинагини бузмай эрини хуш кайфият билан кутиб олмаса, бундай вазиятда эркак кўпроқ вақтини кўчада ўтказишга, ишдан бошини кўтармасликка ҳаракат қилади, аста-секинлик билан эр ва аёл ўртасида кўринмайдиган девор ҳосил бўлиб, оиладаги энг яқин икки киши бир-биридан бегоналашади, бу бегоналашув асоратлари болаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир этади. Шу боис, биргаликдаги турмушнинг дастлабки кунлариданок ўзаро ҳурмат, эътиборнинг қарор топишига, эр-хотинни ёки хотин эрни ўзгартиришга эмас, балки бир бирининг феълига мослашишга ҳаракат қилинса, бундай оилада абадий бир бирига интизорлик шаклланади. Бунга эришиш қанчалик қийин бўлишидан қатъий назар, эришган оилалар том маънодаги бахтли оила бўла олади.

Европадаги тадқиқотларга кўра овқат пишириш, кир ювиш, тикиш бичишни биладиган аёллар сони камайиб бормоқда экан. Хўш бу борада биздаги вазиятни қандай баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кир ювиш, овқат пишириш бизнинг аёллар учун муаммо эмас, бу кундалик вазифалар, тикиш бичишга келсак илгари ҳам ҳозир ҳам бу ишни ҳамма аёл қилган эмас, албатта бундан тугма қадаш каби майда-чуйда тикишлар мустасно. Айни пайтда, илгариги аёллардан фарқли ўлароқ бугунги кунда

мураккаб жарроҳлик операцияларини қилаётган, ёстикдек келадиган катта илмий асарларни яратаётган, давлат бошқарувида (кам сонли бўлсада) ҳеч оғринмай иштирок этаётган, 100-200 гектарлик ерларда боғдорчилик ёки пахтачилик билан шуғулланиб катта мувоффақиятларга эришаётган ва умуман қайси соҳа бўлмасин, бошлаган ишларини охирига етказа олаётганлигини ҳам эътироф қилиш лозим. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлишган. XXI аср аёлларининг эса фарзанд тарбияси, оиласига садоқатидан ташқари бошқа қадриятлари ҳам шаклланди. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, эгаллаган касби орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истагидир, бу ижобий ҳол. Ундан ташқари такомиллашган маиший хизмат кўрсатиш технологиялари муайян даражада қўл меҳнатини осонлаштиради.

Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчиси ё бўйсунувчи, эргашувчиси ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретига қандай чизгилар билан бойитиш мумкин? Аёл барча даврларда энг аввало “Она”дир, кейин эса у бошқарувчи ва бўйсунувчи, эргаштирувчи ва эргашувчи ҳамдир. Оналик бу табиат қонуни ва уни бузишга ҳаракат қилганлар адашганлар тоифасига киради. Ижтимоий фаолияти эса унинг иқтидори, қобиляти, ташаббускорлиги билан белгиланади. Ҳеч бир даврда аёллар фақат бошлиқ бўлиши ёки фақат эргашиши лозим деб ҳисобланмаган. Аксинча ҳозирги кунда аёлларга муносабат ижобий томонга ўзгариб, уларнинг она бўлиши билан бир қаторда потенциал қобилятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий ўзбек аёли – у ўз бегининг бегойими, фарзандининг меҳрибон онаси, ота-онасининг меҳрли фарзанди, дугонаси, ёру-биродарларининг оқибатли дўсти, шунингдек жамоасида ўз ўрнини топа олган касб эгаси бўлиши лозим. Замонавий аёллар фақат бугуни билан эмас, балки ўтмишда ўтган аёлларнинг хатосидан хулоса чиқариб, келажак аёлларига ўрнак бўла оладиган аёл бўлиши керак. Мустақил Ўзбекистонимизда келажак пойдеворини қўйишга ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати билан касбидан камол топиб, айна пайтда ўзбек аёлига хос ифбат, ор-номусини сақлаб, меҳр-оқибатга риоя қилаётган аёллармиз билан ғурурлансак арзийди.

Мадомики аёл олдида оила ва иш дилеммаси юзага келса, аёл фақат оила, оила ва яна оилани танлаши лозим. Чунки фарзандсизлик аёл учун энг катта бахтсизлик. Оилали, фарзандли аёлгагина касбий ютуқлари татийди, акс ҳолда унинг барча ютуқлари саробга тенг. Айна пайтда оила деб аёл ўзлигидан кечмаслиги, жамиятдаги касбим деб оиласини йўқотмаслиги керак. Бунинг учун аёл ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиши, мақсадини аниқ билиши,

хар икиловини мутаносиб олиб боришга эришиши лозим. Шунинг учун ҳам аёл аёлда!. Бизнингча оилавий муаммоларнинг сабабларидан бири бу иқтисодий етишмовчилик ҳисобланади. Бунинг олдини олиш учун аёл ўзининг иқтисодий имкониятларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, энг кичик моддий эҳтиёжларини қондириш учун аёл ўзининг имкониятларидан фойдаланса оилада иқтисодий мажоро камроқ бўлади, бу нингу чун эса аёл ишлаши лозим.

Бугун оила қадрият сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг барча мамлакатларида эътироф этилмоқда. Фарзанд оиланинг муҳим таянчи. Уни дунёга келтириш, камолга етказиб, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш масъулияти оиланинг олий қадрият эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Зеро ўтган асрнинг 50-70 йилларида ўз даврининг машҳур аёллари касбий ютуқларидан сармаст бўлиб, фарзанд тарбияси у ёқда турсин, ҳатто бола кўришни орзу қилмагани оқибатидаги машъум тақдири янги аср аёллари учун ҳаёт мактабини ўтади. Бугун дунёнинг таниқли актрисалари, сиёсат арбоблари нозик қоматлари бузилишидан кўркмасдан, нафақат ўзи фарзанд кўрмоқда, балки бировларнинг фарзандларини тарбияламоқда. Арзимаган сабабларга кўра ажралиш оқибатида фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналар бундан тегишли хулоса чиқаришса яхши бўлар эди.

Оила қадрият сифатида эътироф этилаётган бир пайтда ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари кўпаймоқда ... Дунёда бир хил фазилатли, феъл-атворли одамнинг бўлиши мумкин эмас. Шу боис мутлақо бошқа муҳитда яшаган, оилада олган тарбияси бир-бирига ўхшамайдиган, фазилати бир-бирини тўлдирмайдиган икки ёшнинг турмуш қуриши натижасида уларнинг келгуси ҳаётидаги тотувлик албатта оналар тарбиясига боғлиқ. Улар қизларига ўспиринлигидаёқ бировнинг хасми эканлигини, шунинг учун у аёл зоти қилиши зарур бўлган энг оддий ишларни қилишни ўрганиши, хушмуомала, такаллуфли бўлиши оила барқарорлигининг пойдевори бўлишини тушунтириши лозим. Афсуски бугунги кунда баъзи оналаримиз қизларини ҳаддан ташқари эркалатиши ва баъзи ҳолларда жуда ҳам ёш турмушга бериши оқибатида ёш оилаларда муаммолар пайдо бўлмоқда. Оила қурмоқ бу қизнинг келинликнинг оқ либосини кийиб, ўз гўзаллиги ва латофатини кўз-кўз қилиш билан белгиланмайди. Оила қуришнинг масъулияти ва мажбуриятлари бор, бу масъулият ва мажбуриятни эса фарзанда она тарбиялайди. Демак ёш оилалардаги барқарорликни сақлашга ота-оналар масъулдирлар. Фақат оиланинг муқаддас эканлигини англайдиган, отасиз ё онасиз қолган фарзандларнинг етим боладан фарқи бўлмаслигини тушунган одамгина оиланинг қийинчиликларига, турмушнинг “муштларига” тоқатли бўлади.

Менимча хою-ҳавасларга берилиб, севдим, севилдим деб айюҳаннос солиш нотўғри. Оила қуришда эҳтиросга эмас, балки ақлга таянилса, балки ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари камаярмиди. Оила гулга ўхшайди, гулга қанча сув қуйсангиз, у узоқ муддат кўзни қувонтиргани каби, эр-хотиннинг бир-бирига меҳри оила пойдеворини мустаҳкамлаш омили бўлади. Зеро ҳақиқий муҳаббат никоҳдан кейин бошланади. Аини шу даврда ўзаро ҳурмат, меҳр шаклланади. Жуфти ҳалолларнинг бир-бирига бўлган чинакам меҳри ҳар қандай севгидан кучлироқ.

Аёл зотининг қудрати нимада? Аёлнинг қудрати янги инсонга ҳаёт бахш этиш, уни тарбиялаш, фарзандига ҳеч ким бера олмайдиган меҳрни бера олишида. Аёлнинг ожизлиги эса кўз ёшларида. Зеро аёл энг бахтли онлари ва бахтсизлигида ҳам маржон-маржон кўз ёшларини аямайди. Кўз ёшлари унга куч бағишлайди ва у яна яшашда давом этади.

ЁШЛАРДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

*Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич - фалсафа фанлари доктори,
профессор*

XXI аср Ўзбекистонда янгича дунёқарашга эга бўлган билимли, зукко, фаол ва замонавий технологияларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаб вояга етказишни талаб этмоқда. Ижтимоий ҳаётда ёшларнинг фаоллигини ошириш, ҳар бир соҳада эркин фикрлайдиган, айниқса, диний бағрикенгликни ўзида мужассам этган, келажакка ишонч ва интилиш туйғусини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Фан-техника ютуқларининг янгиланиб бориши, ахборот олишнинг тезлигини кучайиб бориши, ўз навбатида фуқароларнинг, қолаверса, ёшларнинг онгини дунёвий ва диний билимлар билан бойитиб, маънавий дунёсини серқирра бўлиб боришида диний бағрикенгликнинг ўрни катта ҳисобланади. Улардаги бугунги ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни аждодларимизнинг ахлоқий қарашлари билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшларнинг ахлоқий тафаккурида диний бағрикенгликни кучайтириш, хулқ-атворида миллий қадриятларни эъзозлаш, ватанни севиш каби туйғуларни камол топтириш катта аҳамият касб этади. Бу борада Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари ва маърузаларида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тинчликни таъминлаш, бағрикенглик муҳитини қўллаб-қувватлаш асосий тамойил сифатида илгари суриб келинмоқда. “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил қилади” [1]. Шу боисдан юртимизда динлараро бағрикенглик ғояси келажак авлодларни ҳам бир мақсад сари бирлаштиради.

Жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида мамлакат миқёсида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва диний тадбирларнинг барчасида юрт тинчлиги, халқ осойишталиги, давлат хавфсизлиги, Ватан равнақи, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ ёш авлодни тарбиялаб камол топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ҳам долзарбдир. Айниқса, халқимизнинг миллийлигини, ўзлигини теран англаб етиши, тарихан шаклланган маърифат булоқларидан баҳраманд бўлиши, диний қадриятларни

эъозлаши, уларни ҳар томонлама ўрганиши бугунги кун учун долзарб масаласига айланди. Ёшларнинг маънавий дунёсини эзгуликка қаратилиши ҳар хил вайронкор ғоялардан сақланиш, диний экстремистик оқим ва кучлардан гоҳ бўлиш, терроризмдан сақланиш, эгоцетризмга берилмаслик каби умуминсонийликка асосланган қарашларни шакллантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диний бағрикенглик асосида ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ йўлга қўйилган. Унинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътоқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб ёзилган. Шу Қомусимиз асосида динни ва диний дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига сингдириб бориш, диний бағрикенглик тамойилини миллий ғоямиз руҳида камол топтириш маънавиятимизнинг муҳим қирраси ҳисобланади.

Айниқса, таълим тизимини инсопарварлаштириш, ёшларимизда хорижий тилларга бўлган иштиёқмандликни кучайтириш ва шу аснода бағрикенглик маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар асосида “Бизнинг – Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда” [2]. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таълимга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бормоқда.

Айни пайтда турли оқим ва таълимотларнинг муқаддас динимизни ўзига ниқоб қилиб олган ҳолда, эзгуликка қаратилган ишларимизни, айниқса, мустақилигимиз ва эркинлигимизни кўра олмайдиган ёвуз кучларнинг таҳдидидан огоҳ бўлишимизда диний бағрикенгликка ёшларимизнинг муносабатини тўғри йўлга чорлаш лозим. Ёшларимизни маънавий ва маданий қадриятларни асраб-авайлашга ўргатиш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бағрикенглик асосида амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш, иқтисодиёт ва ҳуқуқнинг ривожига қонун устуворлигига эришиш долзарб масалага айланди. Ҳурфикрлилик, виждон эркинлиги, диний бағрикенгликнинг ёшлар маънавий дунёсида комил инсон ғояси билан

уйғунлашуви, озод ва обод Ватанни барпо этишда турли мафкуравий қарашлардан доимо огоҳ бўлиб яшаш объектив ҳақиқатга айланиб бормокда. Айни чоғда жаҳон сиёсий майдонларида юз бераётган жараёнларда мафкуравий курашлар халқларни бирлаштиришга интилитирмокда. Натижада бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг мафкураси «умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Улардан тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир» [3]. Жаҳон халқларининг бундай биргаликдаги фаолияти аввало хавфсизликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир қилади, учинчидан, турли дин вакиллари бирлаштириб, диний бағрикенгликни кучайтиради.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук бўлиб камол топишини таъминлаш, диний онгини мафкуравий майдонлардаги турли жараёнларда бўладиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан эҳтиёткорлик руҳида шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ва савиясини юксалтириш, теран фалсафий тафаккур қилишга ва сўзлашга ўргатиш, динга бўлган муносабатда бағрикенгликни қарор топтиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда олижаноб ғоялар ва эзгу ниятлар сари интилаётган ёшларимизда жаҳон ёшлари билан баҳамжиҳат ва ҳамкорлик асосида ҳаётга теран назар ташлашни, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни ўзи мустақил ҳал этишга эришиш ҳиссини қарор топтириш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва муаммони холисона ижобий ҳал қилишга ўргатиш, юксак инсоний фазилатларни ва туйғуларни тарбиялашимиз давлатимизнинг бош мақсадларидан биридир.

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш, мафкуравий бўшлиққа йўл бермаслик, теран тафаккурни камол топтириш воқеликнинг кундалик эҳтиёжига айланди. Ёшларни зийрак, билимга чанқоқ, меҳнатсевар, юртга фидойи, миллий ғурур ва ифтихори учун курашадиган, мард ва жасур, ўзликни англаган, моҳир ва зукко қилиб тарбиялаш миллий ғоямизнинг тарихан ривожланиб келган томирларидан жой олишининг ўзи биз учун катта бахтдир.

Ёшларимизни инсонпарвар ва ватанпарвар, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбиялаётган «толерантлик турли хил қарашларни, эътиқодларни кўп қиррали жаҳон маданиятини ҳурмат қилиш, умуминсоний қадриятларни қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ўзлигини намоён қилиш асосидаги инсоний индивидуалликнинг кўринишидир» [4].

Хар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга кадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, турли диний қарашларга ва эътиқодларга эҳтиёткорлик билан толерантлик асосида ёндошишни, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни ўзида мужассам этишга ўргатмоғимиз лозим. Ёшларимизни комил инсон қилиб тарбиялашга интилаётган бугунги маънавий дунёмиз динга муносабатимизни ҳурфикрлилик, виждон эркинлиги қоидалари билан узвийликда қарор топтираётган экан, барча соҳаларда содир бўлаётган янгиликларни ҳолисона ўрганиш, жамият, халқ, миллат ва инсон учун хизмат қиладиган дунёқарашни шакллантириш бош мақсадимиздир.

Жамиятимизда диний бағрикенглик асосида давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳамда этник бирликларини инобатга олиш, диний эътиқодларнинг барчасини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган маданиятни юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тараққиётимизни ҳурфикрлаш, ҳаракат ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг объектив қонунлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий ҳаётда ёшларнинг фаолиятида диний тафаккурнинг хилма-хиллиги билан маънавий дунёқарашни янгилаб боради. Келажак авлоднинг диний қадриятларга, турли диний маросимларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатини бағрикенглик негизида ривожлантириб боришимиз даркор.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. 296-бет.
2. Каримов И.А. Ўз кежалагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 381-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 22-бет.
4. М.Сафаров. Толерантлик ва миллий ғоя // «Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи» мавзусидаги республика илмий-услубий анжумани тўплами, 1-қисм, ГулДУ, 2011. 87-бет.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ МАЪСУЛИЯТИ

Г.М.Тўраева – Жиззах вилояти ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенат аъзоси

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ҳаёти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу ўзига хослик – сиёсий ва маънавий омилларнинг ягона мақсадга: миллат бирлигини таъминлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, аждодлар мероси, халқ анъаналари ва қадриятларини сақлаган ҳолда умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириб бориш каби ўта муҳим ва миллат келажагини таъминловчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганлигида намоён бўлади.

Маънавий омилларга асосланган сиёсий – ижтимоий жараёнлар ва тартибот шахс, ижтимоий гуруҳлар ва миллат сиёсий маданиятини юксалтириб боришга хизмат қилади. Сиёсий жараёнларнинг жамият маънавий ҳаётидаги функционаллашуви даражасининг ортиб бориши жамият аъзолари сиёсий маданиятининг юксалиб бориши билан узвий боғлиқдир. Ўз навбатида, кишилар сиёсий маданиятининг юксалиб бориши жамият маънавий ҳаётининг янгиланиши ва юксалишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида бозор муносабатларининг амал қилиши шароитида ижтимоий жараёнларнинг ҳар жиҳатдан юксалиб бориши шахс, миллат ва жамият равнақининг маънавий асосларига боғлиқ. Жамиятда маънавий муносабатларни бойитиш инсон, миллат, давлат ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг ривожланишига ва унинг ҳар бир соҳада тараққий қилиши учун имкониятлар яратади.

Маънавият инсон, жамият, миллат, халқ, давлатнинг куч-қудратини ташкил этувчи, тараққиётнинг имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи жуда зарурий ижтимоий – тарихий ҳодисадир. Инсоннинг яшаш ва фаолият усули, моддий ва маданий эҳтиёжлари, унинг тафаккури, дунёкараши, ахлоқий қиёфаси, ижодининг бутун ранг -баранглиги маънавиятида акс этади. Етук маънавият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни кўришга, оғир шароитларда юксак мақсадларни олдига қўйиб, унга имон, эътиқод билан интилишга қодир бўлади. Маънавият шахс баркамоллигини, ижтимоий қиёфасини шакллантириш орқали жамият тараққиётининг асосий кучига айланади.

Ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат қудрати, унинг табиий бойликлари, ҳарбий кучига ва ҳатто ишлаб чиқариш технологияларига ҳам боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган юксак

маданиятли, маънавий баркамол инсонлардир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан таъкидланганидек, “Ўта ўқимишли, рухан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аجدодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган ҳалқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади”, шунинг учун “ҳалқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак. Мана шу асосдагина миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган”¹.

Шу боис малакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ шахс ва жамият маънавий маданиятини тиклаш ва юксалтириш борасида стратегик аҳамият касб этувчи дастурлар ишлаб чиқилди. Улардаги концептуал йўналишлар қуйидаги мазмунга эга:

- ўзликни англаш, аجدодлар меросини чуқур ўрганиш, миллий қадриятларга таяниш;
- инсон манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш;
- таълим – тарбия тизимини такомиллаштириш, илм–фан , адабиёт ва санъатни ривожлантириш;
- дунёвий маданият ва умуминсоний қадриятларнинг илғор жиҳатларини ўзлаштириш;
- динлараро ва миллатлараро тотувликни амалга ошириш;
- оила, маҳалла ва таълим-тарбия тизими ўзаро алоқасини таркиб топтириш, фуқаролик институтлари фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўз – ўзини англаш шахс, миллат ва жамият маънавий камолотининг асосий негизидир. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтмиш маънавий меросини ўзига сингдирмаган, аجدодлар меросини қадрлай олмаган миллатнинг эътиқоди суст, ғояси ноаниқ бўлган. Маълум маънода, аجدодлар мероси ва унга ворисликни теран англаш ҳар бир миллат ёки ҳалқнинг келажагини аниқ белгилаб олиш имконини ҳам беради. Улуғ маърифатпарвар

¹Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж.- Т.:Ўзбекистон, 1996. – Б.13

Маҳмудхўжа Бехбудий “мозий истикболнинг тарозусидир”, деб бекорга таъкидламаган эди.

Биз миллатимиз мавқеини, ҳалқимизнинг жаҳонда тутган ўрнини англамоғимиз учун ҳам ўзлигимизни англашимиз зарур. Жаҳон маданият бешигини тебратган ҳалқимиз буюк фарзандлари Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбандий, Улуғбек, Навоий, Бобур каби даҳолари билан ҳақли равишда ғурурланади. Ўзбек диёри Соҳибқирон Амир Темурни етиштирди. Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз маънавият хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди. “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз”² дир. “Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно – мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт”³.

Биз қураётган жамият муҳташам биносининг пойдевори унинг виқорига мос бўлишлиги ғоясини илгари сурганда И.Каримов демократик, адолатли, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи бозор иқтисодиёти ва унинг яратувчиси, бунёдкори, умуртқа суяги бўлган маънавият билан мутаносиблигига эришишни назарда тутган эди. “Бозор муносабатларига хос бўлган рухият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади...бу масаланинг ечими – мулкчилик шакллари ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир”⁴. Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч – ғайратини юзага чиқаради, унинг ақлий, ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади деб таъкидлаганда мамлакатимизнинг биринчи президенти мутлақо ҳақ эди.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.7-ж.//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.- Т.:Ўзбекистон,1999. – Б.132

³ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.72

⁴ Каримов И.А.Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.:Ўзбекистон.1994. – Б.44 - 254

Мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришнинг тақдириломон аҳамиятининг эътироф этилиши, унинг расмий давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, мустақиллик маънавиятининг, ҳеч муболағасиз, буюк ютуғи бўлди. Бу шундай даражада ютуқки, уни, оқибати жихатидан, фақат маънавиятнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ҳал қилувчилик аҳамиятининг эътироф этилиши билангина қиёслаш мумкин.

Шахс, миллат ва жамият маънавиятини юксалтириб бориш мамлакат тараққиётининг асосий манбаи ва мезони бўлиб ҳисобланади. Олдимизга қонун устуворлиги ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик эркин фуқаролик жамияти қуришдек ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қиладиган вазифа қўйилган. Бундай жамиятни қуриш, унинг маънавиятини шакллантириш, фуқароларни ўз ҳақ – ҳуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланишлари учун тинимсиз меҳнат қилиш, ўз ҳақ – ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, янгича, мустақил фикрлайдиган одамларни, довурак ва шижоатли, доноларга хос вазмин ва идрокли, тadbиркорларга хос етти ўлчаб бир кесадиغان шахсларни тарбиялаб вояга етказиш лозим, шундагина “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”⁵.

Шахснинг яшаш ва фаолият усули, унинг тафаккури, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, моддий ва маданий эҳтиёжлари маънавиятида акс этади. Шахс маънавиятининг зоҳирий (ташқи) сифатлари билан ботиний (ички) моҳияти ўзаро муштарак ҳолда такомиллашсагина, том маънодаги маънавиятли шахснинг шаклланиш имконияти юзага келади. Инсоннинг амалий фаолиятидаги адашишлар, нотўғри, асоссиз ғояларга эътиқод қўйиш каби салбий ҳолатлар маънавий қашшоқлик ёхуд ҳалқимиз ибораси билан айтганда, “имони заиф”лик, ўзи интилаётган мақсаднинг моҳиятини тўла англаб етмаслик, ироданинг сустлиги, эргашувчанликка мойиллик туфайли юзага келади. Маълумки, имон маънавиятининг ботиний моҳиятларидан бири бўлиб, киши учун ҳаётда тўғри йўл топишнинг муҳим омили ҳисобланади. Имонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни инсондаги маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпинча имон, асосан, диний тушунча сифатида

⁵Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.. Асарлар. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.3–51

кишиларимизнинг онгига, тафаккурига ўрнашган. Аслида эса имоннинг ҳам диний, ҳам дунёвий талқини мавжуд. Ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлиш, бутун инсониятга меҳр – муҳаббат билан қараш, жамиятдаги кишиларнинг хулқ – атвор меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш, жамиятдаги тартиб - қоидаларга онгли муносабат, адолат, ҳалоллик ҳам имондир. Имоннинг зоҳирий сифатлари ҳиммат ва саховат, орият ва номус, заковат ва фаросат, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмаслик, ҳалоллик, эзгу ишлар қилиш тамойилларида намоён бўлиб, уларни кишиларимиз, айниқса ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдириш зарурияти ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. И.Каримов сўзлари билан айтганда, “ҳар қайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл – юрт, қўйингки, ота – она олдида масъулият уйғотиш, имон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир”⁶.

Жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг энг биринчи қурбонлари ҳам имони заиф бўлган кишилар ҳисобланади. И.Каримов томонидан таъкидланганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда. Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён – атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади. Чунки “маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”⁷.

⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт- пировард мақсадимиз. 8- ж.-Т.: Ўзбекистон. – Б.30

⁷ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.12

Соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг ҳатти – ҳаракати, ҳулқ – атвори дастлаб оилавий тарбия заминидан юзага келади. Бола қалбидаги биринчи маънавият куртаги ота – она эккан уруғдан униб чиқади. Бу энг тоза ва мусаффо уруғ бўлмоғи керак. Бу уруғнинг томирлари инсон катта бўлганида қиладиган ҳатти – ҳаракатларининг заминигача бориб тақалади. Шу боис ҳалқимиз тарбия мазмунига азалдан ноёб ўзига хослик – инсоф ва диёнат, ор – номус, орият, шарму – ҳаё, ибодат – иффат, меҳр – оқибат, андишалилик, мурувват, бағрикенглик, оилага садоқат, кексаларни иззат – ҳурмат қилиш, сабр – тоқат, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилган. Ҳолбуки, “бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онг-шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”⁸.

Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ – одоб, инсоний муносабатлар асосига қуришга эътибор бериш долзарб аҳамият касб этади. Оилавий тарбия қандай бўлса, жамиятнинг ҳолати ҳам шунга мос бўлади. Маҳалла муносабатлари эса бу жараёни такомиллаштиришга хизмат қиладди. Зеро, ўзаро аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим – есирларнинг бошини силаш, тўй – томоша, қўни – қўшничилик, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш сингари анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган⁹. Одамлар, хусусан, ёшлар юриш – туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа диққат – эътибори, назарида бўлган. Ҳар бир киши маънавий – ахлоқий талабларни ўзи учун бегона деб билмаса, ҳулқ – атвор нормаларига нафақат риоя этиш, балки унга ихлос қўйса, унинг маънавий камолоти тезлашади. Ахлоқ билан уйғунлашмаган билим ва ақл, гўзаллик ва одоб билан уйғунлашмаган меҳнат ва фаолият инсоннинг тўлақонли маънавий камолотига хизмат қилмайди. Баҳоуддин Нақшбанд талабаларни ўз сулукига қабул қилиш пайтида ёшлардан: “Бирон касбинг борми?” – деб албатта сўрар эканлар. Хунарсиз кишиларни эса ўқишга қабул қилмаганлар. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлайди: “Агар киши хунарли бўлса, у киши билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради. Борди-ю, касби бўлмаса, билимини тирикчиликка сарф этади, ҳалол меҳнатни унутади”.

⁸ Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият,2008. – Б.8

⁹ Ўша асар:- Б.58

Бугунги кунда глобаллашув давлатлар, халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалишига, айниқса, турли қадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашувига, шунингдек, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши каби омилларни юзага келтирди. Интеллект, ақл-заковатнинг кучи, муайян шахснинг билиш иқтидори глобаллашув жараёнида цивилизациялараро таъсир моҳиятини англай олишда кўринадилар. Демак, шахснинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувни билиб олишга ёрдамлашиш, ён – атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Фақат ана шу йўл билангина келажагимиз бунёдкорлари бўлган баркамол шахсни тарбиялайди.

Шу каби жараёнларнинг марказида турган субъект – шахс тарбияси, маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидагиларга аҳамият бериш зарур.

Биринчидан, Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва сиёсий барқарорликни таъминлаши, энг аввало, амалга ошириш зарур бўлган туб иқтисодий ислохотларни фаол, изчиллик билан олиб боришга, маънавий юксалишга ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида жуда катта бунёдкорлик ишларни амалга ошириш имкониятини бермоқда. Буни Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар тушуниб етиши, шу мамлакатнинг тинчлиги, тараққиёти, порлоқ келажаги учун жон қуйдириши, қайғуриши, керак бўлса, жонини фидо қилишини англай билиши ва шунга мувофиқ фаолият кўрсатиши керак;

Иккинчидан, жамият ҳаётини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнини такомиллаштириш асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш амалга оширилар экан, миллатнинг маънавияти, илғор қарашлари, миллий қадриятлари, одамларни жипслаштирувчи миллий анъаналар бу жараёнларга ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларига сингдириб борилиши лозимлиги доим диққат марказида бўлиши керак. Кишилар, аввало ёшлар демократлаштириш шароитларида диний, дунёвий, миллий қадриятларимиздан воз кечмаслигимизни, аксинча, маънавиятнинг асосини ташкил этадиган олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, имон, ҳалоллик, бурч, маъсулият, адолат, инсоф сингари юксак фазилатларни фаолиятимиз мезонига айлантиришимиз шартлигини тушуниши зарур.

Учунчидан, жамият аъзоларининг турли қатламларида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш усул ва воситаларини имкони

борича кўпроқ ишга солиш, маънавий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро функционал мувофиқлигини изчиллик билан такомиллаштириб бориш керак;

Тўртинчидан соғлом ва эркин тадбиркорлик шахсдаги энг яхши хислатларни руёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу боис таълим муассасаларида мулкӣ муносабатлар – ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимот ва истъомол каби иқтисодий муносабатларни чуқур, амалий ўргатувчи “Тадбиркорлик ҳақида сўз” курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

ЁШЛАР КИБЕР ИЖТИМОЙЛАШУВИ АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ф.Б.Файзиева - ЎзМУ, катта ўқитувчи

Замонавий технологиялар, хусусан Интернет ҳозирги дунёда глобал жаҳон тармоғини ифода этиб, фойдаланувчиларни турли ижтимоий гуруҳларга ажратади. Интернетнинг мақсадли имкониятлари ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган ва глобал компьютер тармоғи замонавий ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига кўпроқ салбий ва ижобий таъсир ўтказётганлигини фақат тахмин қилиш мумкин. Фақат шуниси равшанки, ҳозирги вақтда Интернет ёшлар ижтимоийлашувида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Интернет, социомаданий феномен бўлгани ҳолда, ахборот-коммуникацион технология сифатида замонавий ахборот жамиятининг ўзгаришида борган сари сезиларли омил бўлиб бормоқда. Бугун интернет инсон фаолият учун фақатгина техник-технологик, иқтисодий, ҳамда борган сари ошиб бораётган ижтимоий аҳамиятини намойиш этибгина қолмасдан, тўлақонли ижтимоий институтга айланди. Ёшлар учун Интернет – бу ахборот муҳити бўлиб, у стандарт коммуникацион модел (манба – хабар - қабул қилувчи) бўйича фаолият кўрсатадиган коммуникациялар турлари, шакллари ва кўринишлари учун жараён бўлиб хизмат қилади. Фақат ёшларнинг Интернетдаги коммуникациялари турли шаклларга эга бўлмоқда: web-саҳифалар яратишдан дўстлар билан ёзишмалар алмашишгача. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини (манба – хабар-қабул қилувчи) кенг миқёсда ўзгариши мумкин «манба бўлиб ҳам одам, ҳам одамлар гуруҳи», «хабар» бўлиб – тасвир, аудио-, видеоматериал ёки матн, «қабул қилувчи» – бўлиб эса биргина одам ёки тармоқнинг миллион фойдаланувчиларидан иборат бўлган бутун бошли аудитория бўлиши мумкин. Тармоқда алоқа қилганда ёшлар ўзининг реал ёшини, жинсини, ташқи кўринишини кўрсатмаслиги мумкин, ўзига мавжуд бўлмаган хизматларни қўшиб қўйиши ва бу билан ўзининг ижтимоий мақомини ошириши мумкин бўлади.

Ҳозирги жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган социомаданий ва институционал ўзгаришлар шахс ҳаётининг фаолиятининг турли соҳаларига интенсив таъсир кўрсатмоқда. Замонавий дунё кўринишини ўзгартирмоқда ва бунинг оқибатида ёшлар ижтимоийлашув омиллари ҳам ўзгармоқда[1].

Албатта, турли социологлар томонидан —тармоқдаги гуруҳлар ва Интернет аудиторияси мавзуси бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилмоқда. Алоҳида туркум ишлар виртуал маконда инсоннинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш усуллари таҳлиliga бағишланган, аммо янги ахборот технологияларининг ижтимоийлашув жараёнларидаги ўрни масаласи шу пайтгача тизимли равишда ўрганилмаган бўлса-да, интернетда ўзини намоён этиш стратегиялари ва уларнинг реаллик билан боғлиқлигини ўрганиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини қайд этиш зарур[2].

Ёшларда — ижтимоий тармоқлар ва интернетнинг бошқа фаол иштирокчиларида — аҳолининг бошқа вакилларига нисбатан ҳаётий фаолияти бошқача ташкил этилади, интеллектуал-билиш қобилиятлари ривожланади, улар ташқи дунёни ва уни ташкил этувчиларини — қайсидир маънода бошқача социо- макон тармоқли ўлчамда бошқача қабул қилишади. Бу ерда гап фақат замонавий компьютер-коммуникацион технологияларини ва компьютер техникасини эгаллаш тўғрисида бормай, балки фундаментал маънавий-маданий тузилмаларнинг, тушунчавий майдоннинг ва турли қарашларнинг, дунёқарашнинг ўзгариши тўғрисида боради.

Ижтимоий тармоқга таъриф берадиган бўлсак, ижтимоий тармоқ (ингл. social network) — ижтимоий позицияларни, социал акторлар (иштирок этувчилар) ва уларнинг ўзаро алоқаларини бирлаштиради. Ижтимоий тармоқ бир гуруҳ манбалардан иборат бўлиб, бу ерда ришта ролини ижтимоий акторлар ва уларнинг ўртасидаги алоқалар бажаради, алоқа пайтида ахборот алмашинади. Шундай қилиб, ижтимоий тармоқлар ҳаракати доирасида бир соҳага тегишли бўлган ижтимоий акторлар, уларнинг ўртасидаги алоқалар ва ресурс типлари бирлашади. Бошқа манбаларда ҳам терминга шунга яқин изоҳлар берилган[3].

2018 йил маълумотларига кўра биргина мамлакатимизнинг ўзида Интернет фойдаланувчиларининг сони 20 миллионни ташкил этади ва бир йил мобайнида 5,3 минг фойдаланувчига ошади.бир неча баробарига ошди ва ҳозирги вақтда бутун дунё бўйлаб икки миллиондан кўп одамни ташкил этади.[4]Бугунги кунда кибермуҳитдаги шахснинг оёқа туриши зарурлиги тўғрисида гапириш мумкин ва бевосита интернет муҳитда ҳаётий фаолиятини ташкил этишга бўлган эҳтиёж кудан кунга долзарб бўлиб бормоқда ва замонавий социумнинг сал бўлмаса шахснинг ижтимоийлашувининг зарурий мезонига айланиб бормоқда.

Жаҳон «глобал ўргимчак тўрида» (Интернет тармоғининг жамиятда кенг тарқалган синоними), XXI асрда кибермуҳит — инсоннинг янги ҳаётий муҳити континиумида асосий жойни эгаллаб олганидан кейин — замонавий инсоннинг

киберижтимоийлашув контекстида ижтимоий тарбиясининг ҳақиқий майдонига айланган бир қатор сервислар ва ресурслар “қоиноти”ни кузатиш мумкин. Айтилгандан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш мумкинки, инсоннинг киберижтимоийлашуви, бир томондан, нисбатан инновацион феномен бўлгани ҳолда, иккинчи томондан аллақачон дунёмизнинг ҳақиқий воқелигига, замонавий шахс ижтимоийлашувининг ажралмас қисмига, шунингдек инсонийлик жамиятининг илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти двигателига айланган. Интернет ўз-ўзидан замонавий ёшларнинг киберижтимоийлашуви жараёнида ижтимоий тармоқдаги янги поғонаси бўлиб қолмаганлигига алоҳида урғу бериш зарур бўладива энг талаб этиладиган поғонаси бўлиб қолганини фойдаланувчилар сонининг ўсиб кетишини исботлайди.

Бироқ кибермуҳитнинг ахборот-коммуникацион инфратузилмаси соҳасидаги нотўғри вазиятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу индустриядаги ўзгаришлар тезкор юз беради ва шундай кўламли таъсирга эгаки, бугунги кундаги инновацион ютуқлар эртага «кечаги кун» бўлиб қолмоқда ва мос равишда ушбу жараёнларни бир вақтнинг ўзида ўрганиш ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳам эмпирик, ҳам назарий даражада ўрганиш зарур бўлади. Янги минг йилликда замонавий ахборот-коммуникацион, компьютерли ва рақамли технологиялар турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги улкан узилишларни камайтириш имконини беради. Замонавий технологиялар билимлар ва тажриба алмашиш имконини беради, улар маданиятлар ўртасидаги мулоқотни фаоллаштиришга қодирдир. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги «рақамли технологиялар орасидаги узилиш»таълим масалалари билан шуғулланаётган кўпчилик халқаро ташкилотларнинг фаолятида энг муҳим стратегик вазифа бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Убайдуллаева Р.Т. Социокультурные особенности рациональности / Р. Т. Убайдуллаева ; // Обсерватория культуры: журнал-обозрение. - 2012. - № 1 (январь-февраль). - С. 20-24. - Библиогр.: с. 24 (7 назв.) . - ISSN 2072-3156
2. Жичкина А.Е. Взаимосвязь идентичности и поведения в Интернете пользователей юношеского возраста. Автореф. дис. канд. психол. наук. — М., 2001; Талышних Н.К. Культура «сетевых сообществ»: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. Ростов н/Д, 2004; Талышних Н.К. Социокультурный статус индивида в «чате» // Труды аспирантов и соискателей РГУ: Т.8. Ростов н/Д: РГУ, 2002; Куприянов И. В. Компьютерный андеграунд в

- контексте становления культуры информационного общества: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Ростов н/Д, 2003.
3. Boyd, D. and Ellison, N. Social Network Sites: Definition, History, and Scholarship (англ.) // Journal of Computer-Mediated Communication. — 2007. — Vol.13, no.1. — P.210–230 ISSN 10836101. — DOI:10.1111/j.1083-6101.2007.00393.x Социальные сети и виртуальные сетевые сообщества / отв. ред. Верченков Л. Н., Ефременко Д. В., Тищенко В. И. — М.: ИНИОН РАН, 2013. — 360 с. — ISBN 978-5-248-00644-1. Davis, Donald Carrington, "MySpace Isn't Your Space: Expanding the Fair Credit Reporting Act to Ensure Accountability and Fairness in Employer Searches of Online Social Networking Services", 16 Kan. J.L. & Pub. Pol'y 237 (2007).
 4. <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni/>

ШАХС КАМОЛОТИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

*Ф.Маматқулов - фалсафа фанлари номзоди,
ЖДПИ доценти*

Мустақилликка эришганимизга 27 йил тўлиб, 28 йилга қадам қўйиш арафасидамиз. Шу давр ичида республикаимиз иктисод, маданият, маънавиятни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси, дунёқараши, Ватанига бўлган меҳр-мухаббати сезиларли даражада ошиб бораётганлигини нияти пок ҳар бир инсон калбан ҳис қилади.

Бозор иктисодиётига ўташнинг асосларини мустаҳкамлаб бориш, ҳукукий, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил қадамлар қўйилди. Икки палатали парламент шаклланди. Қабул қилинаётган қонунлар пишиқ-пухта бўлиб бормоқда, сенат ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайди, унинг ишлаш салмоғи бошқа давлатлар юқори ташкилотлари билан тенглашиб бормоқда.

Энг муҳими, маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ўрганиш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Мустақиллик ўзбек халқи ҳаётининг турли ижтимоий соҳаларидаги каби унинг маънавияти, бой ва қадимий маданияти, кўп асрли маданий мероснинг тақдири тарихида ҳам тубдан ўзгарган янги даврни - бу бойликларга халқнинг умумий мулки деб қараш ва ҳўжайинлик қилиш даврини ҳам очиб берди. Шу билан бирга тараққийпарвар инсоният томонидан асрлар давомида яратилган энг яхши маданий ёдгорликлар ҳам унинг маънавий хазинасидан муносиб ўрин олди.

Ўтмишда жуда озчилик кишиларгагина маълум бўлган мутафаккир ва фозилларнинг илмий-фалсафий мерослари, ижодкорларнинг бадиий ижод маҳсуллари эндиликда кенг халқ оммасининг маънавий мулкига айланиб бормоқда, улардан жуда купчилик бахраманд бўлмоқда. Буларнинг асоси, ёки негизи мустақиллик шарофатидир.

Маънавият сўзи мустақилликдан олдин деярли ишлатилмаган. Маданият тушунчасига изоҳ берилганда унинг иккига - моддий ва маънавий маданиятга бўлинади, деб айтиб ўтилаверган, холос. Унинг ўрнига “идеология” - “ғоя” ва “мафкура” атамасига жуда катта урғу берилаверган эди.

Маънавият - инсоннинг ички олами, дунёси деб тушунадиганлар кўпчиликни ташкил қилишига шубҳа йўқ. Аслида шундайми? Йўқ, албатта. Масалага бундай ёндошиш мавҳумликдан бошқа нарса эмас. Бу борада

маънавиятга таъриф беришда жуда кўплаб қарашлар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Хўп маънавиятни инсоннинг ички дунёси, руҳий олами ҳам дейлик. Ана шу “ички дунё”, “руҳий олам” қай йўсинда ва ниманинг оқибатида шаклланади, деган масала кўпчиликини қизиқтиради. Ҳалигача ана шу масалага жўялироқ жавоб топилганича йук. Бу борада Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги айтган сўзлари ҳақиқатнинг илдизини очиб борган, десак асло янглишмаймиз.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарининг 72-саҳифасида қуйидагича таъриф ёзилган: “Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас, маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўйилмайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчиликлар даврида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган буюк алломалар - Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Исмоил Бухорий, ат Термизий, Ахмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина олиму фузалолар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардандир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир”. Маънавиятнинг моҳияти шунда, деб англаш мумкин.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов яна бир уринда маънавият нима? — деган саволга киска ва лунда жавоб берганлар: Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”. Нега энди маънавият бунчалик қудратлидир? Маънавиятнинг асл манбаи илоҳий нур, Олий ҳақиқат нуридир. Ана шу Олий ҳақиқат нури инсонда меҳнат туфайли ва фақат меҳнат туфайли, борлиқни яшнатишга қалбдан берилиб сайқал беришга ҳаракат қилинмаса кунгилдагидек мақсадни амалга ошириб бўлмайди. “Руҳий олам” нинг камол топишида ташқи оламдан олинган таасурот, хис-хаяжон ва қолаверса, унинг инсон миясида жонли образларда акс этиши муҳим босқич саналади. Олинган таасуротнинг жонли акс этиши пировардида илм йўли билан таҳлил қилиш орқали синтезлаб, “Ўзиники” қилиб олиш муҳимдир.

Аниқроқ қилиб айтганда, миллат маънавиятининг энг ёрқин ва тўлақонли акс эттирувчи кўзгуси - адабиёт ва санъатдир. Кўп мутолаа, айниқса, бадиий адабиёт мутолааси шахснинг маънавиятини, у ёки бу нарсага бўлган муносабатни аниқлашда зарурат бўлса, санъат дунё тузилишининг, ҳатти-ҳаракатларнинг, сўзлар ифодасининг товланишини, гўзаллигини хис қилса,

ана шу хиссиётлар йиғилиб олам ҳақидаги тасаввурларнинг ниҳоятда ранг-баранглигини тафаккурлашга ёрдам берса, демак ҳар иккала жиҳат инсоннинг “ички олами”нинг мукаммал шаклланишида жуда катта манбадир.

Маънавият жуда кенг қамровли тушунчадир. Инсоният ўз тарихи мобайнида ниманики яратишга улгурган бўлса ва шундан рухий лаззат олса - унинг маънавияти кенгайишига маълум таъсир кўрсатган. Ибтидоий одам хиссиёти билан ҳозирги замон одами хиссиёти ўртасида жуда улкан фарқ бордир. Демак, инсон шахс сифатида қадам-ба-қадам шаклланиб бора бошлади, нутқнинг, алоқа воситаси ҳисобланмиш тилнинг шаклланиши шахс тақомилини ҳам тезлаштирди. Бу жараён тобора тезлашгандан тезлашиб бормоқда.

Очиғини айтганда, таълим-тарбияга янги техник воситаларнинг ва технологияларнинг бирин-кетин кириб келиши гўёки таълим тизимини такомиллаштириб юбораётган, ақл, фаросат ва дунёни англаб етиш жуда тезлашаётгандек туюлади. Фикримизча устма-уст янгиликлар, услублар кириб келмасин, барибир, ўзи билган имкониятдан зиёд билим беришга ожиздир. Компьютер техникасини ҳам инсон ихтиро қилган, уни дастурлаш, муаммоларни ечиш имконияти, фақат инсон томонидангина амалга оширилади. Инсондан улуғ, инсондан буюк нарсаяўқ» оламда. Юқорида таъкид этилган маънавий салоҳият, билим, илм дунёни борган сари очилмаган сир- асрорини очиб бормоқда, инсоннинг “ўзлик бисоти”га айланиб бормоқда. Демак, маънавият - инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатни, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир. Маънавиятга бу тариқа ёндошиш - унинг серкирралигини кўрсатиб бериш бўлса-да, бериладиган “рухий олам” деган икки оғиз сўзга яхлит ва атрофлича жавобдир. Шунинг ўзига қараб, маънавиятга нечоғли аҳамият берилаётганлигини англаб етиш қийин кечмайди. Яхлит ҳолда ушбу ҳислатлар мужассам бўлган инсон том маънодаги маънавиятли ёки комил инсондир.

Комиллик ҳам бир қатор ҳислатларни ўзида жамлайди. Доно, назокатли, ўйлаб сўзлайдиган ва фикри мақсадли, жисмонан бақувват инсон-комил инсондир.

Хуш комил инсон ҳақида ва унга маънавиятнинг таъсири қандай? -деган савол қўямиз. Инсон номи доимо мағрур ва улуғвор жаранглайди.

Парвардигор марҳамати ва мўъжизаси сифатида яратилган улуғ зот томирида Одам Ато ва Момо ҳаво қони жўш уриб туради. Ер юзидаги 200 дан

ортиқ каттаю кичик мамлакатларда олти миллиарддан кўпроқ турли ёшдаги, тили, дини, урф-одати, билими, турмуш тарзи, дунёқараши, ахлоқ-одоби, хатто ташки киёфаси ҳар хил бўлган минглаб инсонлар истиқомат қилмоқда. Уларнинг барчасининг фаолиятида маънавий етакчилик қилиб боради. У қандай тоифадаги инсон бўлишидан қатъий назар унинг ўз маънавий дунёси мавжуддир. Кўпчилик маънавий дунё деганда фақат яхшилик келтирувчи, аҳилликка чорловчи ҳодисани тушунадилар. Маънавийнинг одили ҳамда разили борлигини камдан-кам ҳаёлга келтирадилар. Масалан, бир ота-онадан ўн фарзанд дунёга келса, ўн хил фазилатга эга бўлиб камол топади. Беш қўл баробар эмас, деган нақл тўғри айтилган. Қайсики, бир инсон шоҳми, олимми, деҳқонми, жангчими эл-юрт манфаати йўлида улуг ишларни бажариб, яхши ном қолдириб кетади, бошқа бирови эса инсонийлик номига доғ тушириб, гуноҳи азмга ботиб, ёмон ном олиб дунёдан ўтади. Чунки бу хил инсоннинг икки хил маънавий қарашлари мавжуддир. Бир оқил одамдан сўрабдилар: - Сиз қандай қилиб оқилу фузаво бўлдингиз? Ул киши жавоб берибдилар: “Мен нопок ва ноинсофларнинг қилмишларини амалда қўлламадим”. Зотан, инсонларни инсон қилиб камол топтириш асоси тарбиядир. Ҳамма замонларда ҳам билимли, маърифатли, фозил, одобли, эл-юрт учун фидойи, баркамол инсон масаласи муҳим масала ҳисобланган.

Маънавий баркамол инсон ҳеч қачон ўз нафсининг қўлига айланиб қолмайди. Ҳалол меҳнат билан умр ўтказишни афзал билади. Бойлик тўплашни ҳаётнинг мазмуни, яшашдан мақсад деб тушунмайди. Шу ерда андаккина эътироз бор. Хўш, нафснинг ўзи нима? Нафс инсоннинг муносабатлари натижасидир. Нафс азалий ва бундан кейин ҳам тириклик бор экан мавжуд билади. Жамият, иқтисодиёт ва бошқа жабҳалар ривожланиб борган сари нафс ҳам чегарасидан чиқади, ноийклашиб олға силжиб бораверади. Нафс инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқдир. Аммо фақат нафсни қўйиб юборишдан, унинг жировини ўз ихтиёрига қўйиб юборишдан инсон ўзини тия билиши керак. Бир аллома айтган экан: - “Яшаш яхши, яхши яшаш эса ундан ҳам яхшидир”. Ҳарқалай меҳнатимизнинг пировард натижаси турмушимизнинг гўзал бўлишига, емак-ичмакда, кийинишда ва бошқа жиҳатларда ҳеч кимдан кам бўлмасликка қаратилгандир. Нафсни “жиловлаш” деган сўз ҳар соҳада инсон ўз муносабатларида “Меъёрни билиш” демакдир. “Меъёрни билиш” инсонийлик доирасини ушлаб туришга ҳаракат қилишдир. Бир коса овқат билан корин туядиган бўлса, мазали экан, деб иккинчи коса овқатни ейшдан на ҳожат. Худди шу меъёрнинг бузилиши соғлиққа, ортиқча танада ёғ тўпланишга олиб келувчи зарардир. Инсон шу ҳолатларни ақлан англаб етмас экан нафснинг меъёрини ҳам билмайди. Бу комилликка йўлловчи

омилнинг чегарадан чиқишидир.

Демак маънавиятсиз инсон бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлса маънавий етук, ахлоқан пок ва мукаммал инсонларсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди. Савол туғилиши мумкин. Мукаммал бекамукўст инсон бўладими? Йўқ, албатта, мукаммаллик сўзи давр руҳидан келиб чиқадиган нисбий тушунчадир. Доимо инсон мукаммалликка интилади, Олам, жамият, табиат доимо ривожланишда экан “мукаммаллик” тушунчаси ҳам у билан боғлиқ инсоният дунёси ҳам ривожланиб, сайқал топиб бораверади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: “Маънавият инсоннинг; халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йук жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Маънавий баркамоллик ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртига, тили, дини, маданий мероси, урф-одатлари ва қадриятларига бўлган меҳру мухаббатиди ва шу йўлда фидойилигида намоён бўлади” (1).

Демак, шахс камолотини маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавият ривожини эса кишилик жамиятининг олға интилишисиз англаб бўлмайди. Бири иккинчисига чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун эса ижтимоий жараёнларда ҳар бир инсон фаол бўлиши лозим

Ҳақиқий инсон ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймайди, ҳамиша элга ғамхўр бўлади.

Инсондаги гўзал фазилатлар, (масалан ахлоқий) ўз-ўзидан вужудга келмайди, аксинча, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Одамлар табиатан турлича бўлиши мумкин, шундайлари борки, қалби мисли дарёдек кенг, булоқ сувидек мусаффо, саховатли, мурувватли, одамохун, кек нималигини билмайди. Чунки уни ўраб олган муҳит шундай яхши хислатларга эга бўлган. Яна шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, уларда худбинлик, фақат ўз манфаатини кўзлаш, панд бериш, кек саклаш ҳам бўлади. Бундайлар маънавий қашшоқдир.

Маънавий етук инсонларни тарбиялаш хусусида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: “Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила - жамият асоси, маҳалла-миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди” (2).

Ёшларнинг ўқишга, ишга, юриш-туришга, кийиниш маданиятига бўлган муносабати юқори поғонада эмас. Оила, ота-она, маҳалла-қуй ва бошқа мутасадди даргоҳлар бу масалага эътиборни сусайтиргандек туюлади.

Лорсиллатиб тор шим кийиши, киндиккача очиб қўйиш (қизларнинг) ўзбек менталитетига мутлақо тўғри келмайди. Ана шундай бир паллада жамият тегишли йўл-йўриқлар устида ўйлаб кўриши керакдир.

Шунинг билан бирга кейинги йилларда оилавий китоб-хонликлар, ёшларнинг кутубхонага бориши ва ундан фойдаланиши, газета-журналлар мутолааси, театр, кино, клуб ва музейларга бориши каби тадбирларни қоникарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Ваҳоланки, Ўрта Осиё қадимдан маърифат ўчоғи ҳисобланган. Алломаларимиз хорижий халқларнинг алфавитларини ва ёзув-чизувларини яратиб кетганлар. Махмуд аз-Замахшарий араб алифбосини, ёзувини яратиб берган. Ўзи эса арабларга араб тилини ўргатган. Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин. Шундай заминда илдиз отиб улғаяётган ёшларимизнинг муносабатларини шундайича қолдириб бўлмайди. Бу кечирилмас гуноҳдир.

Бугунги кунда вояга етаётган маънавий баркамол ёшлар учун кўпчиллик тенденциясига амал қилиш, уни мукаммал ўрганиш - дунё миқёсига чиқиш, Ватанимиз, халқимиз, миллатимизни дунёга танитишга имкон беради. Ҳозирча бундай ёшлар санарли даражададир. Дарҳақиқат ҳамма ютуқларга бирданига эришиш амри маҳол. Ҳар қалай аста-секинлик билан Ўзбекистон ёшлари жаҳон сахнасига чиқиб, ўз салоҳиятларини намоён қилмоқдалар. Бир суҳбатдошим икки ўғлининг ҳам ҳозирча 5 та жаҳон тилларини билиши ҳақида гапирганда анқайиб қолганим йўқ. Чунки кўп тилни билиш азалий қон-қонимизда бор. Биргина Ал-Фаробий 72 тилни билган ва ўз иқтидори билан жаҳонни лол қолдирган, шунингдек бошқа олиму фузалоларимиз ҳам ўз даврида камида 3-4 тилни билган. Буларнинг ҳаммаси ўз она тилини инкор қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Ҳар бир ўзбек фуқароси ўзбек тилини мукаммал билиши шарт. Чунки бу тил - Ўзбекистон давлати тилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. “Ўзбекистон”, Т., 1994 йил, 9-бет.
2. Каримов И.А. "Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Т., “Ўзбекистон”, 1997,3-бет.

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ДИНИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАСАЛАСИ

*Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович - фалсафа фанлари номзоди,
Фарғона давлат университети доценти*

“Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътиборни қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”(1).

Кейинги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар қатори, диний соҳадаги ислоҳотларга, жумладан, диний қадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ва диний алломаларнинг асарларини йиллар давомида ўрганиш натижасида билдикки, уларнинг асарларида ҳам зарarli ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалаларига оид ахлоқий-тарбиявий фикрлар борлигини англаб етдик. Жумладан, шариат, қонун-қоидалар билан бир қаторда ахлоқий камолот, маданият, маърифат, маънавият, қадрият, ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод, ишончу ихлос ва виждон билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий масалаларни шакллантиришга кўмак берадиган омиллар эътибордан четда қолмаганлигини кўрамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримов таъкидлаганларидек,- “...Баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибисиз, ғўр ёшларни ўз тузоға илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда”(2). Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ёшларининг маънавий қиёфасини мустақиллик мафкураси, унинг инсоний тамойиллари асосида шакллантиришга бош вазифа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Шунингдек, ёшларнинг маънавиятига ва мафкуравий тарбиясига, уларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. “Менинг назаримда,- деб ёзади Ислom Каримов, ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида, - “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”(3).

Жамиятимизда ўсиб келаётган ёш авлодни асраб-авайлаш, онги эндигина шаклланаётган ёшларни бегона, ёт ғоялар ортидан эргашиб кетишларини олдини олиш ва уларни келажак учун комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги глобаллашув шароити жамиятда юксак ахлоқий ва ҳар жиҳатдан ривожланган, дунёқараши, фикрлаш қобилияти кенг ёшларни талаб этмоқда.

Барчамизга маълумки кейинги йилларда мафкуравий полигонлар кучайиб, одамларнинг онги ва дунёқарашини турли зарарли ғоялар орқали вайрон этиш ҳолатлари, турли диний, этник ва бошқа оқимлар, ёвуз кучлар ўзларининг зарарли ғоялари билан ёшларимизнинг қалби ва онгини эгаллаш учун курашлар кузатилмоқда. Колаверса, динни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиши натижасида турли салбий ҳодисалар, жамият тараққиётида кутилмаган фожиалар келиб чиқаётганлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Маълумки, жамиятимизда дин юксак маданият ва маънавий қуроли, бекиёс ахлоқ мактаби сифатида баҳоланади. Дин – эзгулик манбаи сифатида одамларга куч-қувват бағишлайди, иродасини мустаҳкам, бир-бирига меҳр-оқибатли қилади. Ислом динининг манбалари “Қуръон” ва “Ҳадис”ларда илоҳиёт, диний масалалар билан бирга ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналари, инсонпарварлиги, улар ўртасида зиддият, низоларнинг олдини олувчи, адолат ўрнатишга қаратилган ахлоқий фикрлар ҳам кенг ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Лекин сўнгги кунларда динни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиши натижасида турли салбий ҳолатлар, жамият тараққиётида кутилмаган фожиалар келиб чиқмоқда. Бу иллатларнинг бош мақсади мустақиллик, мамлакат аҳолисининг осойишталиги, тинч тараққиётга таҳдид солиш билан бирга, бошқа мамлакатлар ўртасида низоларни келтириб чиқариш, турли миллат ва халқларнинг тинчлигини бузишга қаратилгандир. Бунинг оқибатида эса жамиятда мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми, маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик каби салбий муносабатлар юзага келиши муқаррардир.

Ёшлар зарарли ғояларга берилиши натижасида миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ҳурмат қилмасдан, маънавий қашшоққа айланиши, жамият ҳаётида юзага келадиган нотинчлик, беқарорликка нисбатан уларда бефарқлик ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Ёшлар онги захарланиши оқибатида эса жамият тараққиёти издан чиқади. Сохта ғоялар улар қалбини эгаллаб, ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради, одамлар фикрлаш, ақл-идрок билан иш тутиш ўрнига ортиқча

хис—ҳаяжонга бериладилар, ҳаётга нисбатан норозиликлар кучаяди, ёшлар руҳиятидаги парокандалик ва паришонлик, охир оқибатда эса тарки дунёчилик кайфиятини уйғотади.

Турли бузғунчи диний оқимларнинг бундай таъсирларига тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз, хусусан ёшларимизни маънавий жиҳатдан муҳофазалаш, диний қарашларини тўғри шакллантириш орқали бузғунчи оқимларнинг мақсадларини англаб етиш ва қарши фикр билан жавоб беришда уларга қўмаклашиш, шу билан бирга, бугунги мураккаб жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли диний ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг, хусусан ёшларнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини англаб етмоқ зарур. Бундан ташқари салбий иллатларга қарши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, ўзликни англаш каби муқаддас тушунчаларни сингдириш, муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик биз учун нафақат юксак ғурур-ифтихор манбаи, улкан имкониятлар тимсоли, айни вақтда жуда катта маъсулият ҳамдир. Юртимиз равнақи ва тинчлигини асраш ёшларнинг тинимсиз изланиши ва фидокорона меҳнати билан боғлиқдир. Хусусан, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ёшларимизнинг онги ва қалбида миллий ва умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлашда барчамиз масъулмиз. Албатта, бу йўлда эришган ютуқларимизни асраб-авайлаб ўсиб келаётган ёш авлодга етказишимиз лозим. Ёшлар ўз фаолиятида турли хил ғоявий ва мафкуравий тўсиқларга учрамаслиги учун, уларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантирмоқ керак. Бунинг учун ёшлар орасида соғлом муҳитни яратиш, таълим-тарбия жараёнларини давр талаблари асосида янада кучайтириш талаб этилади.

Бугунги кунда тинчлик ва хавфсизлик тушунчаси дунё миқёсидаги глобал муаммога айланиб бормоқда. Тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга даҳлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Осмонимизнинг

мусаффолиги, ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти ва албатта Ватан тинчлиги бизнинг эртанги кунимиз, хотиржам оила даврасида тин олишимиз, касбий муваффақиятларимизни белгилаб беради. Айниқса, диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ўсиб келаётган ёшларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ислом динимизнинг бағрикенгликлик ва инсонпарварлик ғояларини тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатларaro тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини кенг тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, умумий ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришдан иборатдир”(4).

Хулоса қилиб айтганда зарарли оқимлар, ёт ғоялар - жаҳолат, ёвузлик ва ваҳшийликдир. Жамиятмизда ўсиб келаётган ёш авлодни бундай бегона ғояларда ҳимоя қилиш, ер юзидаги барча соф виждонли кишилар, халқ ва миллатлар ҳамкорлигида халқаро муносабатлардаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашиш, ҳар бир миллат ва давлатнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли эканлигини амалда эътироф этиш, уларнинг миллий манфаатлари ва суверенитетини ҳурмат қилиш билан бу каби муаммоларга қарши оқилона курашиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2017. Б-27
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 37
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б-20
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017. Б-418

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ГЎЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ АХАМИЯТИ

*Ибрагимов Солижон Эргашевич, Қариш муҳандислик–иқтисодиёт
институтини “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз истиқлолини, мана шу гўзалликни асраб-авайлаб, тушуниб уни хис қилиб, янада бойитиш тафаккурини ёш авлодда шакллантириш эстетик тарбиянинг вазифаси ҳақида сўз юритилган

Аннотация: В статье рассматривается задача эстетического воспитания по формированию у подрастающего поколения идеи сохранения, понимания, ощущения и приумножения независимости нашей страны, этой красоты.

Resume: The article discusses the problem of aesthetic education in the formation of the younger generation of the idea of preserving, understanding, feeling and increasing the independence of our country, this beauty.

Таянч сўзлар: гўзаллик, нафосатли тарбия, эстетик идеал, комил инсон, озодлик, ёшлар тарбияси

Ключевые слова: красота, тонкое воспитание, эстетический идеал, совершенный человек, свобода, воспитание молодежи.

Key words: beauty, subtle education, aesthetic ideal, perfect person, freedom, education of youth.

Мақолада гўзаллик тушунчаси нафосатшуносликнинг мезоний тушунчаси сифатида ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни кўрсатилган. Ватан энг олий қадрият экан, Мустақиллик олий гўзалликдир. Мамлакатимиз истиқлолини, мана шу гўзалликни асраб-авайлаб, тушуниб уни хис қилиб, янада бойитиш тафаккурини ёш авлодда шакллантириш эстетик тарбиянинг вазифаси ҳақида сўз юритилган

Маънавий баркамол инсонни шаклланишида гўзаллик тушунчасининг аҳамияти каттадир.

Бугун Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат, эркин, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда. Ҳозирда амалга оширилаётган барча ишлар, ишлаб чиқиляётган дастурлар моҳиятан инсонпарвар жамият фуқаросининг тарбияси масаласига қаратилган.

Маълумки, тарбиянинг бош вазифаси инсон борлигининг камол топтиришдан иборат. Зеро, ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий, сиёсий каби қатор тарбия шакллариининг барчасида инсон масаласи ётади.

Нафосатли тарбия жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак

берувчи муҳим унсур бўлиб, у инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда ана шу орқали инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи кучдир.

Нафосатли тарбиянинг вазифаси шундан иборатки, у инсонларни янгиликлар яратишга ундабгина қолмай, айти пайтда уларни нафосат тамойиллари, гўзаллик талаблари асосида ривожлантиришга ўргатади ҳам.

Бугунги кун инсонлардан мақсадлар, туйғулар, ишлар ва фикрлар уйғунлигини ҳамда оламнинг гўзаллиги билан бирга унинг мураккаблиklarини енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Зотан, бу миллий мафкурани шакллантиришдек долзарб вазифани теран ҳис этишда катта аҳамиятга эга. Негаки, «мафкурани шакллантириш жараёнида авваламбор, мамлакатни бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиши лозим» дейилиши бежиз эмас.

Нафосатли тарбия инсонда ҳаёт ва санъатдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлиш, уларни баҳолай билиш ҳамда ўзи ҳам гўзалликлар яратиш туйғуларини шакллантиришга кўмак беради. Аммо, бу жараён ўз-ўзича эмас, балки бир қатор омиллар ва воситалар иштирокида амалга оширилади. Жумладан, оила, маҳалла, мактабдан ташқари муассасалар (боғча, боғча-гимназиялар), мактаб (академик лицей, касб-хунар коллежлари) бадий-ҳаваскорлик тўғараклари, олий ўқув даргоҳлари, ҳамда жамоалари нафосатли тарбияни шакллантирувчи асосий омиллар бўлиб саналади.

Бугунги кунда миллий ғоя ва миллий мафкура ҳаётини эҳтиёж даражасига кўтарилди. Шундай экан, ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис қилиши лозим. Эндиликда мафкура дунёсида пайдо бўладиган бўшлиқ пировардида жамият, инсон ва мамлакат учун нақадар катта хавф солишини англамоқдамиз. Тарбиянинг нафосатли шакли эса мазкур жараёнларда ёш авлодни гўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиатга бўлган муносабатини, бадий адабиётга қизиқишини, жамият маънавий ривожига янги қарашларни гўзаллик ва улуғворлик асосида тарбиялашдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Инсон диди, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, дунёқарашига яраша гўзалликдан, санъат асаридан баҳра олади ва шу жараёнда унда эстетик ўсиш, ривожланиш, руҳ нафислашуви, дид ўткирлашуви жарёни кечади. Воқеликка эстетик муносабат инсонлардаги буюк неъмат ҳис-туйғу, эстетик дид, эстетик баҳолаш, эстетик фаросат, эстетик идеал, эстетик фикр орқали ифодаланади.

Бугунги кунда миллий ғоя ва миллий мафкура ҳаётӣ эҳтиёж даражасига кўтарилди. Шундай экан, ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис қилиши лозим. Эндиликда мафкура дунёсида пайдо бўладиган бўшлиқ пировардида жамият, инсон ва мамлакат учун нақадар катта хавф солишини англамоқдамиз. Тарбиянинг нафосатли шакли эса мазкур жараёнларда ёш авлодни гўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиатга бўлган муносабатини, бадий адабиётга қизиқишини, жамият маънавий ривожига янги қарашларни гўзаллик ва улуғворлик асосида тарбиялашдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Эстетик идеал ижтимоӣ ҳаётдаги ва санъатдаги гўзалликни баҳолаш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Эстетик идеал жамиятнинг юксак ва олийжаноб мақсади, келажакда кўзланган ғояси, орзусидир. Бу жараён маданият, санъат ва таълимни ривожлантириш, комил инсонни шакллантириш билан бевосита боғлиқдир. Ўрта аср тасаввуф илми ва амалиётида ҳам комиллик ғояси асосий масалалардан бири эди. Бугунги кунда асосий мақсад комил инсон ғоясини кишилар онгига сингдиришдан иборат экан бу маънавий ҳаётимизнинг замиригина бўлиб қолмай, эстетик идеал даражасига чиқди. Комил инсон ғояси азал-азалдан ҳалқимизнинг эзгу орзуси, маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган [1,56-б.].

Нафосатшуносликнинг муҳим ва асосий категорияларидан бири гўзаллик тушунчасидир. Бу тушунча табиат ходисаларининг ижтимоӣ ҳаётнинг, инсон фаолиятининг кишини лаззатлантирадиган, завқ-шавқ берадиган, меҳр – мухаббат, эркинлик туйғусини уйғотадиган ҳамда, предметни ҳиссий шаклда ўзлаштиришини ифодалайди.

Гўзаллик ижтимоӣ тарихий ходиса бўлиб, бошқа барча ижтимоӣ ходисалар каби объективдир.

Гўзаллик объекти – ҳаётнинг ўзи. Инсон -табиатнинг энг гўзал маҳсули, ақл-заковат, ирода эгаси.

Гўзаллик тушунчаси жуда кенг, кўп қиррали тушунча бўлиб у нафакат ҳаётдан завқланишни, балки фидоийликни ҳам тарбиялайди. Н.Г. Чернишевский ўзининг «Санъатнинг воқеаликка эстетик муносабатлари» асарида шундай ёзади: “кишига ёқадиган нарсалар ичида энг умумий бўлгани, дунёдаги ҳамма нарсадан кўпроқ ёқадигани-ҳаётдир; бундан ҳам энг ёқадигани–кишининг ўзи яхши кўрадиган ҳаётдир. Бинобарин энг гўзал нарса ҳаётдир»[2, 23-б.].

Афғонистон озодлиги учун курашган, ижодкор Махмуд Тарзий (1868-1935 й) Гўзаллик- бу биз истиқомат қилаётган дунёдир, агар у хануз гўзал ва

нафис бўлмаган экан, у холда дунёни шундай қилиш бизнинг муҳим вазифамиздир. Дунёда энг гўзал нарса бу озодликдир. Уни қандай қилиб бўлса ҳам қўлга киритишимиз даркор - деган эди [3, 203-б.].

Чернишевский ҳам, Махмуд Тарзий ҳам гўзаллик сифатида ҳаётни айтишар экан, энг гўзал нарса бу озодлик эканини таъкидлашарди. Немис шоири, файласуфи Шиллер (1759 – 1805) ҳам “Гўзаллик инсон озодлигининг рамзи” деб бежизга айтмаган. Туркистон озодлиги учун курашган, советлар даврида қатағонга учраб отиб ташланган шоир Чўлпоннинг “Бинафша” шеърини одайлик:

“Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган?
Бинафша менманми, бинафша менми,
Севгингга қайғуга тутилган?”

Бинафша – дунё бозорида сотилган гўзал Туркистоннинг тимсоли. Ватанпарвар шоир учун Туркистон энг олий гўзалликдир. Аммо, қурқув хукмронлик қилган тузумда факат ҳаёл гўзалдир:

Хаёл, ҳаёл Ёлғиз ҳаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман....

Демак қорни тўқ, усти бўт бўлиб эркин ва озод эмас экан киши, ўзини англаган инсонга асирликнинг бу “жаннати” татимайди. Навоий бобомиз айтганидек:

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш .

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, фуқаролик жамияти барпо этиш сари кетаётган эканмиз, гўзаллик тушунчасининг ахамияти янада ошади. “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваломбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”, деган эдилар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов[4, 140-б.]. Буюк ёзувчилар, шоирлар, ижодкорлар гўзаллик улуғладиган ва уни англайдиган муҳитда, юртда, мамлакатда вояга етади.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан энг олий қадрият экан, Мустақиллик олий гўзалликдир. Мамлакатимиз истиқлолини, мана шу гўзалликни асраб-авайлаб, тушуниб уни хис қилиб, янада бойитиш тафаккурини ёш авлодда шакллантириш эстетик тарбиянинг, қолаверса барча таълим ва тарбия вакиллариининг вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й, 56-бет.
2. Э.Юсуров, Ф. Исмоилов. Инсон баркамоллиги. Т., “Ўзбекистон”,1990, 23бет.
3. Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий фалсафий фикрлари тарихи очерклари. Ўзбекистон, “Фан” нашриёти,1971, 263 бет.
4. И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008,140-бет.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

И.М. Арзиматова - ФарДУ доценти

Ҳозирги кунда глобаллашув жараёни янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз домига тортмоқда. Айниқса, мафкуравий ва маънавий соҳада ўз ғоя ҳамда мафкураларини сингдириш, таъсир доираларини кенгайтиришда глобаллашув жараёнлари муҳим ҳалқа бўлиб хизмат қилаётгани ҳаммамизга аён.

Биргина ахборот-коммуникация соҳасидаги глобаллашув жараёнини кузатар эканмиз, унинг таъсири жаҳонда ғоявий ва маданий гегемонлик учун асосий қуролга айланаётганини кўрамиз. Ахборот технологиялари юксалган давлатлар эса, бу жараённинг ҳаракатга келтирувчи кучлари бўлмоқда. Бизнингча, глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар, аввало маданий-маърифий соҳада яққол намоён бўлмоқда.

Глобаллашув яратаётган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мафкуравий марказлар фойдаланмоқдалар. Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий йўқотишлар, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётганини, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига хавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур хатарлар маънавиятга қаратилган таҳдидлар бўлиб, Биринчи Президент Ислом Каримов мазкур хавфлар ҳақида фикр юритиб, уларни қуйидагича таърифлаган эди: "Маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман"[1].

Маънавий таҳдид инсон эркинлигига, уни ғоявий қарам қилиш, руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган бўлиб, у жозибали шиорлар ва ғоялар остида яширинади, диний ва миллий ришталарга болта уради, ёшларнинг қалбини ва онгини эгаллашга, уларнинг дунёқарашига зарарли фикрларни тиқиштиради, охир-оқибатда мамлакат хавфсизлигига ва миллий манфаатларга таҳдид солиб, жамиятни инқироз кўчасига олиб келади. Демак, мазкур хатарлар мамлакати, миллати, ўзи яшаб турган жамиятнинг келажаги ҳақида қайғурадиган, ўзини фуқаролик позициясига эга, юртга дахлдорлик

ҳисси юксалган ҳар бир инсонни ташвишга солиши, ўз навбатида унинг олдини олиш учун ўз иқтидори ва салоҳиятини ишга солишни талаб этади.

Маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида маънавий илдизлари заифлашган халқ энг оддий хавф-хатар олдида ҳам ожиз бўлиб қолади. Бугун дунёдаги катта-кичик ҳар бир фуқаро мамлакат - она сайёрамизнинг дуч келган чорраҳасида ўз манфаатини қидириб, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда, аввало, ўз манфаатларидан келиб чиқар экан, янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган "мафтункор, жозибали" воситалардан, жумладан интернет, радио ва телевидение имкониятларидан, чиройли кўриниш ва манзараларга буркалган кўп серияли кино маҳсулотларидан, оммавий ахборот воситаларидан ғоятда унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ва имкониятлар ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўллардан оғдиришга қаратилади.

Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига ўтказётган салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида Интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларимизни ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда, бошқача қилиб айтганда ўзига хос “илдизи йўқ индивид”ларнинг шаклланишига, ўз тарихий илдизларидан узоқлашувига олиб келмоқда.

Иккинчидан, "оммавий маданият" турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши. Булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Ёт маданият қадриятларини ўзида ифода этаётган “оммавий маданият” ёшларимизда ғарбона индивидуализм, эгоцентризм, нигилизм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, ёшлар орасида тақлидчилик, ғарбона идеалларга кўр-кўрона эргашиш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини эгаллаб олаётганлигини сезиш қийин эмас. Оқибатда, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер

ўйинлари олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Маълумки, Ғарб дунёсида устувор ҳисобланадиган қадриятлар сифатида, шахсий эркинлик ва индивидуал ҳуқуқлар, шунингдек, ўзлигини намоён қилиш эркинлиги устун қўйилса, Шарқ маданиятида устуворлик жамоа манфаатлари, оила шаъни ва муқаддаслиги, ижтимоий анъана ва тартиботлар, катталарга ҳурмат каби қадриятларга ажратилади. Инсон ва жамиятга нисбатан қарашларда мавжуд бўлган мазкур жиддий тафовутлар цивилизациялараро қарама-қаршиликларга сабаб бўлмоқда ва яқин йилларда уларнинг янада кучайиши тахмин қилинмоқда. Глобаллашув шароитида маданиятлараро интеграция энг аввало, маънавий-ахлоқий ва маърифий мезонлар, умуминсоний қадриятлар асосига қурилмоғи лозим. Афсуски, аксарият ҳолларда ёшларни босқичма-босқич миллий ўзлигидан айириш, миллий анъаналари ва урф-одатларига зарба бериб, тарихий хотирасини қирқиш, шу орқали миллатлар устидан ҳукмронликка эришиш тамойили кучаймоқда. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай ёзган эди: "Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда"[2].

Она юрт инсонга энг муқаддас туйғуларини, энг гўзал таассуротларни тақдим этади. Ватаннинг ўзи қанчалик бебаҳо бўлса, уни англаш туйғуси, унинг меҳр-муҳаббати ҳам шунчалик бебаҳодир. Шунинг учун бу туйғуни ёшлиқдан тарбиялаб бориш, камолга етказиш катта аҳамиятга эга, чунки ватанпарварлик туйғуси - инсоннинг доимий эҳтиёжи. Бу туйғу қанчалик мукаммал бўлса, инсон шунчалик баркамол бўлиб улғаяди. Бу эътиқоднинг негизини “Ўзбекистон-ягона Ватан” деган тушунча ташкил этади. Бунда “Ягона Ватан” ғояси ўзининг туб моҳияти билан миллий мустақиллигимизга путур етказадиган миллатчилик, шовинистик ғояларини, маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик иллатларини таг-томири билан йўқотишда, ҳар бир шахс ягона Ватан фарзанди эканлиги билан фахрланиш туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қили айтишимиз мумкинки, “Ягона Ватан” ғояси, бир томондан, Ўзбекистон заминида келажаги буюк, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият барпо этиш учун халқимиз куч-қувватининг жипслашишини, халқ иродасини бунёдкорлик ишларига сафарбар этишни талаб қилса, иккинчи томондан эса, миллий мустақиллигимизга хавф солаётган мафкуравий

тахдидларга зарба бера оладиган ватанпарвар авлодни тарбиялашни кўзда тутди.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б 13.
- 2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б 119.

GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLARDA AXBOROT ISTEMOLI MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

*G.X. To'rayeva – SamDU Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti Ijtimoiy fanlar kafedrasida
assistenti*

XXI asrga kelib insoniyat tez suratlarda o'zgarib borayotgan o'ta shiddatli va murakkab davrda yashamoqda. Bugungi kunda xalqlar va mamlakatlar o'rtasidagi aloqalar nihoyatda kuchayib beqiyos rang – baranglik va murakkablik kasb etmoqda. Yangi asrning mohiyati va qiyofasi haqida turlicha qarashlar mavjud. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganidek “Kimdir uni yuksak texnologiyalar zamoni desa, kimdir tafakkur asri, yana birov yalpi axborotlashuv davri sifatida izohlamogda... Ammo ko'pchilikning ongida bu davr globallashuv davri tariqasida taassurot uyg'otmogda”¹⁰.

Bugungi kunda globallashuv jarayoni yangi hudud, mintaqalarni, barcha faoliyat sohaslarini o'z domiga tortib bormogda. “Globallashuv jarayonining yana bir o'ziga xos jihati shundan iboratki, hozirgi sharoitda u mafkuraviy ta'sir o'tkazishning nihoyatda o'tkir quroliga aylanib, har xil siyosiy kuchlar va markazlarning manfaatlariga xizmat qilayotganini sog'lom fikrlaydigan har qanday odam, albatta kuzatishi muqarrar”¹¹. Birgina axborot sohasidagi globallashuv jarayonini oladigan bo'lsak, uning ta'siri jahonda yetakchilik qilish insoniyat ongini, ayniqsa, yoshlar ongini zaharlashi kechayotgan shiddatli kurashda namoyon bo'lmoqda. Globallashuv jarayonlarini dunyo miqyosidagi yagona davlatni qaror toptirish, yagona jahon madaniyatini shakllantirishdek, faqat ayrim mafkura markazlarining manfaatlariga javob beradigan maqsadlarga xizmat qildirish yo'lidagi intilish kuchaymogda. Agar o'z vaqtida bu jarayonning jilovi tortilmasa, globallashuvni madaniyatlararo muloqot vositasiga, milliy o'ziga xoslikni boyituvchi omilga, dunyodagi rang-baranglikning muhim manbaiga aylantirilmasa kishilik jamiyati global taqdirning ojiz o'yinchog'iga aylanib qolishi hech gap emas.

Hozirgi kunda hayotimizda sodir bo'layotgan tub o'zgarishlarning nafaqat sifati, xarakteri, balki sur'atlari ham muhim ahamiyat kasb etmogda. Darhaqiqat, XX asrning 2-yarmida taraqqiyot sur'atlari beqiyos jadallashdi. Kitob chop

¹⁰ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. –T., “Ma'naviyat”, 2008. – B.110

¹¹ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. – T., “Ma'naviyat”, 2008. – B.113

etishning miqyosi va ko’lami insonning yangi bilimlarini egallash imkoniyatini kuchaytirdi.

Globalashuv jarayoni yoshlar uchun katta imkoniyatlar eshigini ochib bermoqda. Lekin dunyodagi ayrim kuchlar shunday ham murakkab dunyoni yanada murakkablashtirishga zo’r bermoqdalar. Xususan, doim zo’ravonlik va gegemonlik hisobidan boylik orttirib kelgan kuchlar “ommaviy madaniyat” go’yasini keng targ’ib qilmoqdalar. Bu jarayon bugun rok va pop musiqa va video va turli janrdagi filmlar, seriallar rang-barang ko’ngilochar shou tomosholar o’yinlarni qamrab olmoqda. “Ommaviy madaniyat” niqobidagi aksil madaniyat paydo bo’lib, tobora keng yoyilib bormoqda. “Tabiiyki, “ommaviy madaniyat” degan niqob ostida axloqiy buzuvchilik va zo’ravonlik, individualizm, egosentrizm g’oyalarni tarqatish, kerak bo’lsa shuning hisobidan boylik orttirish boshqa xalqlarning necha ming yillik an’ana va qadriyatlari, turmush tarzining ma’naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo’porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo’ymaydi”¹², deb ogohlantiradi I.A Karimov.

Ushbu madaniyatning asosida avvalo tijorat, moddiy manfaatdorlik borligini zamonaviy fan ham e’tirof etmoqda. “Ommaviy madaniyat”ni niqob qilib, buzuvchilik va zo’ravonlik singari inson shaxsini yemiradigan, yoshlar ongini zaharlaydigan g’oyalarni targ’ib etadigan asarlarning haqiqiy madaniyatga hech qanday aloqasi yo’q. Afsuski, zamonaviy ommaviy madaniyat XX asr sivilizatsiyasi mahsuli o’laroq, standartlashgan iste’mol mahsulotlari “erkin” xulq-atvor namunalari yig’indisi sifatida tor mazmunda tushunilayotir.

Unutmaslik kerakki, ayrim yoshlarning rivojlanmagan didiga ommaviy madaniyatda ko’p uchraydigan mazmunan sayoz, siyqa va jo’n mahsulotlarning mos kelishi va mavjudligini inkor etib bo’lmaydi. Ommaviy madaniyat bir tomondan aksilmadaniyatga borib taqalsa, ikkinchi tomondan mumtoz madaniyatga borib taqaladi. Shu bois, bunday madaniyat namunalari ichida nozik did va yuksak mahorat bilan yaratilgan ko’plab asarlar ham mavjud.

Globalashuvning salbiy oqibatlarini, “ommaviy madaniyat” niqobidagi aksilmadaniyat va turli g’arazli, noxolis axborotlar xurujining ta’sirini mumkin qadar kamaytirish uchun, yoshlar siyosiy ongini, huquqiy, axloqiy, estetik madaniyatini yuksaltirish talab etiladi.

Birinchidan, yoshlar ushbu xurujlarga qarshi o’z aqllari, bilimlari, intellektual salohiyatlari bilan kurashishlari lozim. Buning uchun oilada ota-ona farzandlarini mustahkam irodali, iymoni but qilib tarbiyalashni eng asosiy vazifa deb

¹² Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch. – T., “Ma’naviyat”, 2008. – B.117

hisoblashlari lozim. Bu bilan yoshlarimiz o'z qadriga yetadigan, sabotli, mustahkam irodali bo'lib tarbiya oladilar.

Ikkinchidan, yoshlarni turli zararli adabiyotlarni mutolaa qilishdan saqlash kerak. Chunki, hozirgi kunda hech qanday nashriyot nomi yozilmagan, noma'lum bo'lgan har xil adabiyotlar chop etilmoqdaki, ularni yoshlar mushohada qilishlari qiyin bo'lmoqda. Zero ularning ayrimlari yoshlar ongini zaharlash uchun harakat namunasidir.

Uchunchidan, yoshlar uchun hozirgi kunda xavfli bo'lib borayotgan narsa bu uyali aloqa vositalaridir. Chunki har qanday salbiy holatni, yot oqim g'oyalari bayon ettiruvchi ma'lumotlar ana shu vositalar orqali keng tarqalib bormoqda.

Biz axborot texnologiyalari, ayniqsa, internet tarmog'i tez suratlar bilan rivojlanib borayotgan, o'ta tezkor va murakkab bir zamonda yashamoqdamiz. Ular insonlar va jamiyat hayotinig ajralmas qismiga aylandi desak hech adashmaymiz. Internet tarmog'ining salmog'i va ko'lamini kundan-kunga kengayib, jamiyatning barcha sohalarini qamrab olmoqda. Ushbu zamonaviy axborot texnologiyalari, fan, ta'lim va madaniyatning taraqqiyotiga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Internet tarmog'ining insoniyat uchun katta imkoniyatlar eshigini ochib berayotgan qulayliklarini ko'rib turibmiz, biroq hozirgi kunda internet tarmog'i insoniyatning ming yillar davomidagi tajribalarini o'z domiga qamrab olmoqda. Shu bois uning to'ridan yaxshilikga undovchi g'oyalar bilan birga buzg'unchilikni, vayronkorlikni aks ettiruvchi g'oyalar ham joy olmoqda. Navqiron avlodning asosiy qismi jahonda mashhur bo'lgan ijtimoiy tarmoqlarda doimiy band bo'lishi, bu esa g'arazli kimsalarning o'z g'arazli maqsadlarini amalgam oshirishga zamin yaratmoqda. Ular diniy ekstremizm, terrorizm, missionerlikka undovchi bir talay ijtimoiy guruhlar yoshlar ongiga turli xil yot g'oyalarni singdirishga harakat qilmoqda.

Ijtimoiy tarmoqda tarqatilayotgan hamma axborotlarni to'g'ri va ishonchli deb bo'lmaydi. Chunki u yerda istalgan odam o'zining istagan noto'g'ri axborotlarini qoldirishi va uni barcha ishtirokchilar bemalol ko'rishi mumkin. Bu esa, o'z navbatida yoshlarning noto'g'ri axborotlar olishiga va ularda noto'g'ri tasavvur hosil bo'lishiga zamin yaratib bermoqda. Shuning uchun ularda mafkuraviy imunitetni shakllantirish juda muhimdir. Buning uchun yoshlarga internetdan to'g'ri foydalanish haqida tushuncha berib borish, internetga yoshlarga xos bo'lgan ma'lumotlar kiritib borish muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun Respublikada mavjud internet saytlarini, jumladan, ijtimoiy tarmoqlarni, davlat va nodavlat tashkilotlarning veb-saytlarini doimiy ravishda tezkor ma'lumotlar bilan to'ldirib borish; Internet tarmog'ini milliy qadriyat va an'analarimizni o'zida aks ettiruvchi veb sahifalar bilan boyitish, yoshlar uchun zarur bo'lgan axborotlarni va zaruriy bilim ko'nikmalarni aks ettiruvchi internet saytlar soni va sahifalari sifatini

o'shinish

zarur.

Yoshlarni umumbashariy , milliy , ayniqsa, diniy qadriyatlarga, madaniyat durdonalariga bolalikdan boshlab hurmat ruhida tarbiyalash, ularda yot unsurlar hamda axborot xurujiga, “ommaviy madaniyat “ ga xos ayrim ko`rinishlarga tanqidiy munosabatni, aksilmadaniyatga, turli buzg`unchilik g`oyalar va axborotlarga nisbatan mafkuraviy immunitetni shakllantirish alohida ahamiyat kasb etadi. Mafkuraviy tahdidlarga, yot unsurlarga, yoshlar taqdiriga beparvo qarash yoxud bemalol va xotirjam yashash mumkin emas. Biz yosh avlod qalbiga ona yurtga muhabbat, milliy g`oyaga sadoqat tuyg`ularini chuqur singdirish g`oyaviy va axborot xurujlarining g`araz maqsadlarini fosh etish, hushyorligimizni oshirish bugungi kunda eng muhim vazifa hisoblanadi.

Ijtimoiy-siyosiy vaziyatning barqarorligini ta'minlashda, yoshlarni turli salbiy axborot xurujlaridan, ekstremistik oqimlar va missionerlik sektalar ta'siriga tushib qolishining oldini olish uchun oila, mahalla hamda ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirgan holda amalga oshirilsa, samarali natijalarga erishish mumkin.

Xulosa qilib tavsiya o`rnida quyidagilarni keltirish mumkin:

- Azal-azaldan yurtimizda ayol- farzandga tarbiya beruvchi birinchi bo`g`in hisoblanadi. Ayollar vatanimiz kelajagi , millatimiz ertangi kuni, taraqqiyotini belgilab beradi. Ona yanglishsa- millat yanglishadi, ona fasodga yuz tutsa, mamlakat kelajagi xavf ostida qoladi. Bugungi mafkuraviy jarayonlarni atroflicha tahlil qilgan holda, ta'lim muassasalari, korxona va tashkilotlar hamda mahallalarda xotin-qizlar o`rtasida tizimli ma`naviy-targ`ibot tadbirlarini amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi;
- Yoshlarni salbiy axborotlar ta'siridan himoyalash masalasini tartibga soluvchi qonunchilik va me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish;
- Yoshlarni milliy qadriyatlarimizga hurmat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda axborot iste'moli madaniyatini shakllantirish va g`oyaviy-mafkuraviy tajovuzlardan himoyalashning pedagogik-psixologik mexanizmlarini takomillashtirish;
- Yoshlarning ma`naviy-axloqiy va jismoniy rivojlanishiga salbiy ta'sir ko`rsatuvchi axborot tahdidlarining profilaktikasini takomillashtirishga doir amaliy tavsiyalar ishlab chiqish;

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАДИР

*Муҳаммадиев Усмонхон Боқибиллоевич - Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
“Қуръоношунослик” шўъбаси раҳбари*

Инсон руҳ ва жисмдан тузилган мукаммал мавжудотдир. У ўзидаги мана шу икки унсурни тарбиялаш орқали камолотга етади. Ҳар икки жиҳатнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳамиша тарбия ва эътиборга муҳтождир. Жисмнинг эҳтиёжларини ҳамиша англаб келамиз. Озуқа, уйқу, тозалик, кийим-кечаклар, дори-дармон сингари воситаларгадоимий мурожаат этамиз. Бироқ, аксарият ҳолларда руҳимиз, яъни ички оламимиз, маънавиятимиз эҳтиёжларини ўз ҳолича қолдираемиз. Уни озуқалантириш, қувватлаш ишларига бепарво қараймиз, керакли чораларни кўрмаймиз. Ваҳоланки, бизнинг моҳиятимизни англаш жижҳат мана шу ички оламимиздир. Жисмимиз руҳимиз аслиятини юзага чиқарадиган восита холос.

Бугунги глобаллашув даврида маънавий таҳдидларга қарши етарли иммунитетнинг ҳосил бўлмаслиги айнан ички оламимизнинг заифлигидан келиб чиқмоқда. Инсоннинг моҳияти, шахс, жамият ва диний маслак ўрни ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаслик маънавий тўс-тўпалонлар гирдобига қолиб кетишга сабаб бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу каби ҳолатларни мулоҳаза қилиб: “Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”, деган эди(1).

Қуръони каримда маънан юксалиш ҳақидашундай дейилади: **“Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришди. Ва Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлди”**(2). Оятда қалбини поклаб, маънан юксакликка эришган кишиларнинг барча жабҳада ютуққа эришишлари ва аксинча уни кирлаганларнинг яхшиликлардан ноумид бўлиб, таназзулга юз тутишини тушуниб оламиз(3).

Маънан юксалишучун ошиб ўтиш лозим бўлган энг муҳим довол бу – кишининг ўзидир. Яъни айтилган панд-насихатлар, ўғитлар, кўрсатмаларга қулоқ тутиш, яхшилар йўлидан бориш, ривожланишга интилишни ўрганмас эканмиз, атрофдагилар томонидан бизга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар бесамар қолиб кетаверади. Биз биринчи навбатда ўзлигимизни англашимиз керак. Шунинг учун ҳикматларда “Ким ўзини таниса Роббисини танийди”, деб айтилган.

Кучли рухий кувватга эга бўлиш йўларининг асосийлари: тарихга назар, бугунни англаш ва эрта ҳақида тафаккур қилишдадир. Тарих бизга ўзлигимизни англашга кўмаклашади, бугунни англаш билан ўзлигимизга муносиб ёки йўқлигимизни фаҳмлаймиз, келажак ҳақида тафаккур қилиш бизни интилишга чорлайди.

Абдулла Қодирийнинг таъбири билан айтганда “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”. Буюк адибнинг ушбу сўзининг ҳақиқатини англаган ҳолда ўтмишимизга назар соламиз. Зеро, “Ўзбекистон алломалар юрти” деган иборани барчамиз кўп эшитганмиз, кези келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтаемиз. Ушбу сўзлар замирида шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги санокли ўлкаларгагина насиб этган(4).

Тарихдан маълумки, VII асрдан бошлаб узоқ минтақаларга ёйила бошлаган ислом дини қисқа фурсат ичида етук уламоларни тарбиялаб чиқарди. Бизнинг диёрлардан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийлар ҳадис илмининг “олтин асрида” яшадилар. Улар яшаган даврда ҳадисларни тўплаш, саҳиҳ (ишончли) ҳадисларни ўзида жамлаган қимматли асарларни тасниф этиш ишлари амалга оширилди.(5). Шу ва кейинги даврларда Мовароуннаҳр диёри уламоларни етиштириб берадиган улуғ маскан сифатида дунёга донг таратди.

“Ўрта Осиё алломалари қомуси”да 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар VIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Ўзбекистон заминидан илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамиша мунаввар бўлиб келгани, энг оғир дамларда ҳам юртимизда бунёдкорлик тўхтаб қолмагани ҳақидаги мантикий хулоса келиб чиқади. (6)

Мисол тариқасида Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Мотуридий, Қафғол Шоший, Насафийлар, Бурҳониддин Марғиноний сингари ислом уламоларидан жуда кўпларининг номини зикр қилишимиз мумкин. Нажмиддин Умар Насафийнинг “Самарқандия” асарида биргина Самарқандда яшаб ўтган 1010 та уламоларнинг таржимаи ҳоли келтирилган(7).

“Олтин аср”нинг ёрқин куёши ўрта асрларгача (XVII асргача) минтақамиз сарҳадларини ёритиб турди. Ушбу даврда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидан алломалар, буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу даврларда Самарқанд, Шош, Кеш, Насаф, Термиз, Хоразм, Бухоро, Туркистон, Фороб, Хўжанд, Риштон, Марғинон, Сайрам каби шаҳарлар

диёримизнинг илм-маърифат ривожланган шаҳарлари ҳисобланар эди(8). “Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедиясида” ушбу шаҳарларда яшаб ижод қилган 650 нафар мутафаккир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шонли тарих яратган буюк миллатнинг бугунги авлодларимизмасида муносиб ворис бўлишдек юксак масъулият турибди. Ота-боболаримизнинг шарафига эришиш, Ватанимизни яна маърифат ўчоғига айлантиришни мақсад қилмоқчи бўлсак, аввало аجدодларимиз ҳаёт йўлини дастурул амал қилиб олишимиз керак.

“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, деб бежизга айтилмаган. Донолар ўғитлари, халқ мақоллари, айниқса ёшларнинг ички олами, руҳий дунёси ва тафаккурини шакллантиришда ниҳоятда катта ўрин тутди. Уларни меҳнатсеварлик, ватанга садоқатли бўлиш, илм-ҳунар эгаллаш, ҳар ишни ўз вақтида бажариш, лафзида туриш, ота-онага ҳурмат, устозларга эҳтиром кўрсатиш, яхшилик қилишни ўз маслағи деб билиш фазилатлари руҳида тарбиялайди(9).

Ҳаёт чиғириқларидан ўтган ҳикматли сўзларда айтиладики, қайси бир миллатнинг кечаси нима нарса билан тараққий этган бўлса, бугуну эртаси ҳам шу нарса билан тараққий этади. Бизнинг аجدодларимиз илму-маърифат билан тараққий этдилар. Улар муқаддас Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятидаги – **“Ўқи”**(10) иборасининг маъносини чуқур англадилар, иккинчи бўлиб нозил қилинган **“Эй, бурканиб ётган. Тур ва огоҳлантир”**(11) оятидан халқни огоҳлантириш, ҳақ йўлга бошлаш илмсизлик ва нодонлик билан бўлмаслигини англаб етдилар.

Шубҳа йўқки, бизнинг ҳам порлоқ келажагимиз фақат ва фақат кучли илм воситасидагина амалга ошади. Ўқиш ва ўрганишдек шарафли ва лаззатли нарса йўқ. Инсон билими билан кадрланади. Ҳазрати Одам алайҳиссаломни фаришталардан ҳам юксак мақомга кўтарган сир илм эди.

Имом Бухорий бобомизнинг шоҳ асари, Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба сифатида кўрилувчи “Сухихул Бухорий” асарининг “Илм китоби” қисми биринчи боби **“Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”**(12) ояти билан бошлаган бўлиб, мазкур оятда имон сўзи илмдан муқаддам келтирилган. Бу эса имон ва илм бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, илм олишдан мақсад жамиятнинг тараққиёти ва охират саодати экани, имонсиз илм эса инсониятга зарардан бошқа нарса келтирмаслиги баён қилинган. Имон бу – айна ўзиликни англашдир.

Бугун мустақил диёримизда маънавий меросимизни ўрганиш ўзининг янги босқичига чиқмоқда. Бунинг учун ҳукумат даражасида қатор салмоқли

чора-тадбирлар амалга оширилди. Халқаро Ислом академияси, Ислом цивилизациячи маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми Олий мактаби, “Мир Араб” Олий мадрасаси, Имом Термизий илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ҳозирда ушбу даргоҳларда тадқиқотчилар томонидан аҳолининг барча қатламига аجدодларимиз меросини етказиш учун изланишлар олиб борилмоқда(13).

Демак, бугунги глобллашув даврида маънавий-ахлоқий тақдидларга қарши курашмоқчи, аجدодларимизга муносиб ворис бўлмоқчи ва келажакка кучли жамият шакллантира оладиган салоҳиятли авлодлар билан кириб бормоқчи бўлсак фақат ва фақат илм воситасига таянишимиз лозимдир. Илмсиз ўзлигимизни англолмаймиз. Зеро, миллатимиз фахри Имом Бухорий ҳазратлари айтганидек “Илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмагай”.

(1)О.Салимов ва бошқалар.Ёшларга донолар ўғити. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи. Ўзбекистон Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.– Тошкент.2018-йил

(2) Абдулазиз Мансур.“Қуръони карим” (Ўзбекча изоҳли таржима). “Шамс” сураси 9-10 оят.– Тошкент ислом университети. Тошкент. 2001-йил

(3)Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий. Кашшоф. Дорул маърифат. – Байрут.2009-йил

(4)Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад.Проф. З.И.Мунавваров таҳрири остида. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти.–Тошкент.2007-йил.

(5)У.Усмонов ва бошқалар.Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Мовароуннаҳр нашриёти.–Тошкент-2011-йил

(6) Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад.Проф. З.И.Мунавваров таҳрири остида. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти.–Тошкент.2007-йил.

(7)Нажмиддин Насафий. Самарқандия. Ўзбекистон энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.–Тошкент.2001-йил

(8)Ш.Зиёдов ва бошқалар. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. Имом Бухорий халқаро маркази. – Самарқанд.2016-йил

(9) О.Салимов ва бошқалар.Ёшларга донолар ўғити. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи. Ўзбекистон Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.– Тошкент.2018-йил

(10) Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим” (Ўзбекча изоҳли таржима). “Алақ” сураси 1- оят. Тошкент ислом университети. – Тошкент. 2001-йил

(11) Ўша манба. “Муддассир” сураси 1-2 ояти

(12) Ўша манба. Мужодала сураси, 11- оят

(13) Халқаро ислом академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Ҳадис илми мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги №896-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Мир Араб олий мадрасаси Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташриф буюрганида вилоятда “Мир Араб” олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатмаси асосида ташкил этилган.

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли қарори асосида ташкил этилган.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Н.Алиматова - ф.ф.н., ТДИУ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

Инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида содир бўлаётган жараёнларнинг оламшумул аҳамият касб этиши «глобаллашув» тушунчасида ўз ифодасини топмоқда. Дунёга янгича оламшумул нуктаи назарнинг вужудга келиши коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар, универсал технологияларнинг тарқалиши глобализациянинг асосий омилларидир.

Глобаллашув жараёни инсоният ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қилиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамятига, алоҳида кишиларни эса бутун дунё универсал технологиялари ва ахборот тизимларига боғлайди. Натижада, илм-фан ва инсон билиши чегаралари кенгайиб, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлади (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа). Булар эса, ўз навбатида, янги назорат воситаларини талаб этади. Бугунги кунда иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда. Ушбу жараёнлардан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Глобаллашув жараёнида мамлакатимиз ёшларининг маънавий дунёсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборий таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғоянинг ўрни катталиги таъкидланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”,- деган эдилар. Ана шундай юксак маънавиятли, билимли, маърифатли ёшларни тарбиялашда, уларнинг онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли беқиёсдир.

Интеллект (лот. Intellectus-билиш, тушуниш, идрок қилиш)-инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеаларни олдиндан кўра билиш лаёқати[3].

Кадрлар деганда инсон ва инсоният учун ижобий аҳамиятли бўлган барча нарсалар тушунилади. Инсоният тарихи унга хизмат қиладиган, ўзи яратган, суянадиган ва қўллаб-қувватлайдиган кадрлар дунёсининг кенгайиши, бойиш ва такомиллашиш тарихидир. Инсоният ўзининг кундалик меҳнати билан яратаётган сунъий нарсалар дунёсида яшайди. Биз яратаётган ушбу моддий ва маънавий бойликлар оламнинг гултожи, сараси кадрлардир. **Кадрлар ва кадрлар мезонлари кишиларга, уларнинг ҳуқуқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади.** Бундай ўзига хос бошқаришнинг самарадорлиги кишиларимизнинг кадрлар оламини билишига боғлиқ[3].

Интеллектуал кадрлар деганда инсон ақл-заковати ёрдамида вужудга келтирилган ғоя, билим, ахборот тушунилади. Маънавий кадрларнинг таркибига кирилади. Илм-фан ҳам интеллектуал кадрлар жумласидандир.

Фан дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларида биригидир. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули-оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади; инсон билимининг айрим соҳаларини ҳам ифодалайди. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб беришдир.

Фан-бу одамнинг олий фаолиятларидан бири, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса бу ҳислатдан холидирлар. Одам дунёдаги, коинотдаги, оламдаги барча нарсаларнинг сирларини билиб олишга қизиқади, чунки бу билимлардан у

манфаатдордир. Фан одам, жамият ҳаётида, турмушда доимий маслаҳатчи ва ёрдамчидир. Фан бўлмаса деҳқончилик ва саноат, транспорт ва энергетика, инфорамацион ва маданият воситалари бўлмас эди. Фан табиий ва ижтимоий жараёнларнинг одам миёсидаги инъикосидир.

Ўзбекистон – илм-фан ва маданият қадимдан тараққий этган мамлакатлардан бири. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида айниқса, астрономия, математика, кимё, тиббиёт, меъморлик, маъданшунослик, фалсафа, тилшунослик, мусиқа, адабиётшунослик ривожланган. Ўзбекистон олимлари ўз илмий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

Мисол учун “Мажлиси уламо, ёки “Дор ул-ҳикма ва л-маориф” деб номланган илм даргоҳи ҳозирги вақтда Хоразм Маъмун академияси расман қисқа муддат бор-йўғи 17 йил фаолият кўрсатган. Лекин бу илмий даргоҳ асрлар оша етиб келган катта илмий анъаналар кудратини шу қадар оқилона ишга солдики, натижада жаҳон илмининг кейинги минг йиллиги тараққиётига улкан замин яратилди. Ибн Ироқ, Беруний, Масихий, Ибн Сино, Ҳаммор ва бошқа кўплаб улуғ алломаларнинг ишларини кейинги авлодлар давом эттирдилар [4].

Ҳозирги даврда фан Ўзбекистонда жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва восита бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов “..таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамияти”нинг катталиги тўғрисида фикр билдирган эдилар [5].

Ахборот ҳам интеллектуал кадрлар сирасига киради. Бугунги кунда ёшлар асосан ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат этишади. “Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани буни тасдиқлаб турибди” [6]. Интернетдаги фаолиятнинг ижобий томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) дунёқарашнинг кенгайиши;

- 2) объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ёки қизнинг ахборотга “тўқ” бўлиши ва уларни саралай олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Агар унда ахборотга бўлган “дид” бўлмаса, у ахборот оқимида “чўкиб” кетиши мумкин, яъни таъсирига берилиб кетиши мумкин);
- 3) масофавий ўқишларда иштирок этиш имконияти;
- 4) ахборотларни танлаш имконияти борлиги[7].

Шу билан бирга интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Ёшларни энг аввало Ватанга эътиқодли, урф-одат ва қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбияласакки, исталган бузғунчи ахборотларга нисбатан уларнинг ўз ахборот иммунитетлари шаклланади. Шунини айтиш керакки, ахборотлашув жараёнлари жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки ахборот – бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи, халқлар, давлатлар, мамлакатларни яқинлаштирадиган, жаҳон сиёсий ижтимоий жараёнларини бошқаришга хизмат қиладиган ҳодиса эканлиги яхши маълум. Ахборотдан фойдаланиш маданияти ўз-ўзидан келмайди, бундай маданият бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ахборот истеъмол қилувчи ёшлар шахсий юксак маданиятга эга бўлишлари лозим. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардан келаётган маълумотлар маъзини чақиб, уларнинг муаллифлари мақсадларини англаб олиш керак. Учинидан, касбий ўсиш ва шахсий дунёқарашни ривожлантирадиган маълумотларни олиб, кераксиз ахборотни тезда эсдан чиқариш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. - Б.179
2. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: Шарқ, 1998. - Б.281
3. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. - Б.16
4. Исҳоқов М. Цивилизацион жараёнлар ва Хоразм Маъмун акадкмияси. Т.: Фуқаролик жамияти, 2006. 7-сон. - Б.21
5. Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тарққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустуҳкам пойдевордир. Т.: Ўзбекистон, 2009. - Б.26
6. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. - Б.31

7. Мўминов Н. Глобаллашув жараёни ва ахборот завфсизлиги. Infocom. Uz веб сайти.

ANALYSIS OF THE CONCEPT OF IDENTITY IN THE CONTEXT OF CULTURAL HERITAGE INTERPRETATION

Pilyak Sergey Alexandrovich

PhD in Architecture

Director

The Museum "the Smolensk fortress wall"

Russian Federation, Smolensk

Identification and translation of regional identity is one of the most important stages in the socio-economic development of regions, the formation of an attractive image of the territory. In addition, depending on the unifying features, it is possible to distinguish professional, age, gender, and other types of identity. Identity as a certain community, united by some common properties or features, can arise both in the interpreter and in relation to the object of interpretation. Taking into account the above, the author proposes to consider the principle of identity as a component of the specifics of the interpretation of cultural heritage.

Keywords: cultural heritage, interpretation, identity, culture, actualization of cultural heritage, transformation, regional specificity, cultural studies.

The principle of identity consists in the identification of a person with certain typological categories, identified as certain generalities that have a number of distinctive properties. Naturally, in the process of interpretation, the involvement of both the interpreted object and the interpreter in an additional community can have a serious impact on the result of interpretation. When interpreting material cultural heritage, one of the most noticeable principles of identity formation is regional specificity.

Identity, as well as cultural heritage in general, is designated as a special category only in case of loss. The formation of the concept was associated with the process of radical restructuring of the cultural and national space of Europe in the course of large-scale socio-economic processes of the XIX-XX centuries. The sense of gradual loss of cultural bonds of a people, region, or local community has led to a scientific awareness of the value of identity.

According to the researchers, "despite the unity of the civilizational type, the cultures of all regions of the country are unique due to geographical, natural and climatic features, available natural resources, existing infrastructure, historical development, and demographic situation" [1, p.40]. At the same time, the most characteristic distinctive cultural features of the regions among many are traditionally called folklore, crafts, traditional architecture, including open-air

Museum complexes [1, p.43]. Such markers of regional identity make up the most obvious set of categories that convey the region's uniqueness, which greatly simplifies the understanding of regional specifics.

In the concept of regional specificity, national, regional and local identity is traditionally distinguished. In addition, analyzing the status of the interpreter, it is possible to identify professional, age, gender, and other types of identity. Any community that a person can relate to that can form an identity. The attributes that form this community will be the properties of identity.

When analyzing the mechanisms of interpretation, we should divide the identity that occurs in relation to the interpreter and the identity that occurs in relation to the object of interpretation. Both the interpreter itself and the object of its interpretation can be combined into certain generalities formed by common properties. Their influence on the result of interpretation should be accepted as indisputable.

Regional specificity, represented in the regional cultural heritage, acquires special significance in the context of accelerating globalization. At the same time, the interpretation of cultural heritage largely depends on the recognition of participation in the cultural heritage of a certain region and the level of interpenetration of human and cultural identity [2, p. 7]. R. Breton formulates three qualities of identity. First, identity has the potential to fulfill people's interests. Second, identity can increase the level of interdependence. Third, identity is based on a shared history, heritage, faith, and language.

Regional and national specificities are important in the preservation and interpretation of cultural heritage. As you know, "each region has its own cultural landscape, natural and climatic conditions, and the location of the territory, which cannot but affect the processes of the socio-cultural sphere" [3].

Taking into account the fight against the erosion of regional specificity, one of the most effective ways is to "preserve, correct and replicate "images" and material forms that are organic for the corresponding ethno-cultural formations" [4, p.34]. Currently, as various researchers note, ethnoculture, not supported by traditional methods of management, exists mainly in the information space, in the form of individual mentions, fixation in visual sources, etc. Accordingly, the storage and reproduction of ethnic culture is carried out by methods of information and digital culture.

The actualization of regional cultural heritage in modern methodology is often confined to expanding the participation of cultural heritage in everyday life, including in the form of event events, branding, information openness, thematic

flash mobs, Internet promotions, filling the information space and other events that cause extensive mentions of objects.

Spiritual and religious identity also play a significant role in shaping the identity of material cultural heritage. "The current situation in the world exposes the danger of lack of spirituality, which manifests itself precisely as the lack of integrity, harmonious interrelation of all sides" [5, p. 257]. At the same time, religious feelings that have their own spiritual value may come into obvious confrontation with the implementation of measures aimed at preserving cultural heritage. This can be confirmed by numerous property disputes in relation to works of Church art and architecture that arise from state institutions and religious organizations. Temples can also serve as a "sign of religion", that is, a milestone marking the field of presence of adherents of a particular religion.

According to L. M. Mosolova [6], by now regionalism has become a macrodiscipline that generalizes the materials of many specialized studies, including archaeological, ethnographic, anthropological, and others, which brings regionalism closer to cultural studies. Naturally, the equivalent of the concept of "region" in cultural studies is the concept of "historical and cultural zone", introduced By G. Lebedev and A. Gerd, which creates prerequisites for the analysis of territorial communities.

As the researchers note, "regionalization in its inner essence is a separation and delineation on the principle of "our – not ours", "we – they", which, in turn, is associated with self-identification, self-determination and self-reference of a set of people to a certain community of "regional" material conditions and spiritual (national, confessional, etc.) values [7, p. 50].

Formation, and in some cases, artificial creation of local cultural traditions is becoming at the present stage another trend in the work of local governments. It is worth noting that the emergence of this trend is largely due to the implementation of the state cultural policy, implemented, in turn, by the Federal authorities. The abundance of modern business projects, the spread of the format of private museums that exploit images of local and regional identity, allows us to consider them as both a resource and capital that can lay a foundation for full-scale socio-economic development of territories: "the starting point of the process of forming a creative and effective regional cultural policy should be recognized as the strengthening of identities that contribute to the harmonization of the system of public relations" [7, p.147].

Of particular importance in the context of the study of regional cultural specifics is the concept of cultural landscape, introduced into scientific circulation by Yu. Vedenin. According to M. Kuleshova, a cultural landscape is "a natural and

cultural territorial complex formed as a result of the evolutionary interaction of nature and man, his socio-cultural and economic activities, and consisting of characteristic stable combinations of natural and cultural components that are in a stable relationship and interdependence" [8]. Yu.Vedenin interprets the concept of cultural landscape as "an integral and geographically localized set of natural, technical, socio-cultural phenomena formed as a result of combining the action of natural processes and artistic and creative, intellectual and creative, and routine life-supporting activities of people" [9]. According to O. Lavrenova, "the Cultural landscape is a sign system in which signs are in complex and polyvalent relationships, so it can be considered as a text that can be read". At the same time, Yu.Gorelova complements these concepts with a key characteristic of the cultural landscape, which is the cultural activity of people.

Researchers, including D. Alisov, considering the cultural landscape, identify as a fundamental characteristic the presence of an information layer that creates an image of the landscape. An important part of the information layer is the representation of the local population, journalists, scientists and others about the natural and anthropogenic elements of the landscape [10, p. 19]. Thus, the collective interpretation in this interpretation is included in the structure of the object of cultural heritage. Researchers, including D. Alisov, considering the cultural landscape, identify as a fundamental characteristic the presence of an information layer that creates an image of the landscape. An important part of the information layer is the representation of the local population, journalists, scientists and others about the natural and anthropogenic elements of the landscape [10, p. 19]. Thus, the collective interpretation in this interpretation is included in the structure of the object of cultural heritage.

As modern researchers note, " ... the modern cultural landscape of any particular city is like a multidimensional matryoshka. The city is a multi-layered cultural entity, within which various "cultural components" intersect, forming relatively stable structural connections" [10, p. 6-7]. The principle of considering the cultural landscape as a multi-layered structure, each layer of which requires special consideration and reading in a particular language, can also be attributed to the interpretation of cultural heritage as a whole.

To date, the concept of identity in the system of philosophical knowledge acts primarily as a definition of a single information field that has certain norms and rules. The influence of identity on the character and result of interpretation is undeniable, which allows us to define this concept as one of the principles that form the specifics of the interpretation of cultural heritage.

List of used literature

1. Roife A. B. Culture of the regions of Russia in the context of cultural studies of M. S. Kagan / / Education and culture: potential of interaction and resources of nonprofit organizations in the socio-cultural development of Russian regions. Theory and practice of socio-cultural development: Collection of materials of the III Cultural forum of the regions of Russia. Moscow-Volgograd-Novosibirsk-Ryazan-Sykt'yvkar, (February-September 2017). Issue 2 / Compilers and General editors: O. N. Astafieva and O. V. Koroteeva. - M.: IP Lyadov K. V., 2017. - 576 p. p. 38-43.
2. Ikonnikova S. N., Leonov I. V. the Main vectors of self-identification in the formation of cultural identity // Bulletin of the Saint Petersburg state Institute of culture. 2019. No. 2 (39). p. 6-10.
3. Efimets M. A., Merzlov N. G., Shapovalov D. V. Cultural interests of a sustainable city in the context of regional welfare: Novouralsky city district / / Observatory of culture. 2019. Vol. 16, No. 2. p. 142-155.
4. Ulinova I. H. the Significance of cultural industries in preserving the ethnic identity of the Kalmyks // Bulletin of the Saint Petersburg state Institute of culture. 2019. No. 2 (39). p. 34-39.
5. Sakunov J. A. the Axiological bases of the state cultural policy // Russia as a state-civilization: higher goals and alternatives for development: a Collective monograph based on the materials of the Anniversary international Panarin readings dedicated to the 75th anniversary of the birth of A. S. Panarin / Ed.: V. N. Rastorguev; scientific ed.: A.V. Nikandrov / Russian scientific research. in-t cultural and nature. heritage named after D. S. Likhachev (in-t heritage); Mos. state. Univ they. M. V. Lomonosov, Doctor Of Philosophy. f-t. – M.: Institute of Heritage. 2016. - 400 p. – (Proceedings of the Heritage Institute). p. 249-267.
6. Mosolova L. M. Regionalistics and axiology // The ethical and the aesthetic: after 40 years. Saint Petersburg, 2000, p. 101.
7. Regional cultural policy: methodology, institutions, practices: Value-normative approach [Text]: monograph / I. I. Gorlova, T. V. Kovalenko, A.V. Kryukov et al.; ed. A. L. Zorin; South f-l Rus. science in-tof culture and nature heritage named D. S. Likhachev, 2019, 206 p.
8. Kuleshova M. E. Types of heritage and its subject value [Electronic resource] / / Center for wildlife protection: [site]. — URL: http://www.biodiversity.ru/publications/books/managcult/cultural_resource_ru.zip, free, (accessed 06.10.2018).

9. Vedenin Yu. A. Essays on the geography of art. Saint Petersburg, 1997, P. 9.
10. Alisov D. A. Cultural landscape of the small city: questions of theory and methodology / / Cultural landscapes of the Siberian city: problems of theory and practice [electronic edition] / ed. D. A. Alisov, I. A. Selezneva. - Moscow: Institute of Heritage, 2019-154 p.P. 4-17.

ИЖОД ЖАРАЁНИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Н.Тангиров – фалсафа доктори, ЖДПИ

Ижод ижтимоий-гносеологик ҳодиса сифатида инсоннинг оламга фаол ҳиссий-мантиқий таъсир этишнинг муҳим асоси ҳисобланади. Инсон ақлий тафаккур юритиш орқали олам ва уни ички моҳиятини, хусусиятини тўлароқ, ёрқинроқ акс эттирадиган фаолият шаклига ўтади. Ижод инсоннинг шаклланишида ижтимоий-аксиологик моҳият касб этади. Ижод ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг жамиятлашиш, индустриаллашиш жараёнининг муҳим омили ҳисобланса, аксиологик ҳодиса сифатида инсоннинг қадриятлар оламини яратилишида, ижод қилишида муҳим методологик роль ўйнайди. (Масалан, санъат, спорт, фан ва бошқалар).

Гегель фикрича, “Ижод қилиш одамзоднинг азалий фазилатидир. Бироқ одамларнинг ижодий изланишлари шу қадар фарқланиши мумкинки, ҳатто улар бир-бирларига бутунлай зид бўлиши ҳам мумкин” (1), деб ҳисоблайди. Ўзининг бу фикри билан Гегель ижоднинг диалектик табиатга эга эканлигини исботламоқчи бўлади. Яна бир немис файласуфи М.Шиллер эса Кантдан фарқли равишда ижодий фаолиятдаги априор билимларни инкор этади. Ижодий фаолиятни у инсондаги ижтимоий-маданий эркинликка боғлиқ эканлигини исботлашга уринади (2). Ницше ижод жараёнидаги объективлик ва субъективликнинг тубида ётган маънавий-руҳий омилларни фалсафий жиҳатдан таҳлил этади. Шунинг учун ҳам Ницше “Ижодий фаолиятдаги эмоционал кечинмалар инсоннинг субъектив эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб, уларнинг моддий қурилмаларга таъсир кўрсатиши ижодни юзага келтиради” (3) деб таъкидлайди.

Агар дунёнинг илк фалсафий манзаралари ҳақидаги антик фалсафа доирасида ижодий билимлар ўзининг содда натурфалсафий хусусияти билан фарқ қилган бўлса, кейинчалик, фалсафий билимнинг ривожланишига қараб, дунё ва инсон манзаралари янги шакллар ва кўринишлар касб эта бошлади. Бу жараёнда фалсафий дунёқараш етакчи регулятив-ижодий рол ўйнади, дунёнинг умумий манзарасини тузиш методологияси сифатида амал қилди. Дунёнинг фалсафий манзараларини тушуниб етиш жараёнида бир муҳим ҳолатни қайд этиб ўтиш керак: фалсафий билимлар тарихий ривожланишига қараб, уларнинг замирида кейинчалик мустақил фанларга ажрала бошлаган илмий билимларнинг куртаклари пайдо бўлди. **Дунёнинг илмий манзараси** вужудга келди (4).

Аввало, ижод инсоннинг атрибутив белгиси, унинг ўз қобилиятларини амалга ошириш усули ҳисобланади. Ижод – инсоннинг шундай фаолиятидирки, унинг натижасида бирор янги, унеча мавжуд бўлмаган нарсаяратилади. Масалан, янгисурат, янгидостон, янги кинофильм, янги станок. Табиийки, ижодчегарасиҳамтурлича. Биртомондан, буянгилойиҳабўйичақурилганбутунбошлиянги завод. Бошқатомондан, бор-йўғибирорўйинчоқ. Бунданташқари, ижодноиждодий, репродуктивфаолиятбиланбирлашибкетади. Масалан, автомобилнингянги модели яратилади, аммоҳаммасиолдингидекбўлади, фақаткузовинингюқориқисмишаклиўзгаради.

Ижоднингмаҳсулифақатмоддийнарсалар – бинолар, машиналар, суратларвабошқаларэмас, янгификрлар, ғоялар, қарорларҳамбўлади, фақат улар бирданмоддийсамарабермайди. Ижодбутурлихудудливачегарали, моддийваномоддийянгиликларяратишдир.

Буларнингҳаммасииждодийфаолиятбиланшуғулланаётганодамнингсубъектив кечинмаларигабоғлиқ.

Илмий ижодреал оламдаги ҳодисалар ва умумий қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқдир. Илмий ижоднинг хусусиятлари қаторида қуйидагиларни санаш мумкин:

–илмий-тадқиқот вазифасини ҳал этишда абстракт, мантиқий тафаккурғатаяниш;

–тимсоллар, тушунчалар, мулоҳазалар, назариялар ва абстракт ғоялар кўринишидаги янги билимлар илмий ижоднинг маҳсули ҳисобланади;

–илмий тадқиқот жараёни ҳам эмпирик, ҳам назарий характер касб этиши мумкин. Эмпирик тадқиқот кузатиш ва эксперимент жараёнида ўрганилаётган объект билан бевосита олиб бориладиган амалий ишни англаш ва умумлаштириш натижасидир. Назарий тадқиқот фаннинг тушунчалар апаратини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда объектив воқеликни билвосита англаш, шунингдек, эмпирик тадқиқотлар материаллари асосида ишлаб чиқилладиган назария билан боғлиқдир.

–илмий ижод кўп ҳолларда жамоавий хусусиятга эга бўлади. Чунки ҳатто алоҳида олинган олимлар томонидан гипотезалар, назариялар, аниқланган фактлар муҳокама қилинади, уларга тақризлар берилади, ҳамкасблар томонидан танқидий баҳоланади;

–илмий кашфиётлар тарихий босқич билан шартланган бўлади. Бундай шартланиш жамият тараққиётининг у ёки бу босқичида юзага келадиган заруриятлар билан боғлиқдир;

–кўп ҳолларда илмий ғоя ва кашфиётлар ўз давридан илгарилаб кетади, натижада улар жамоатчилик томонидан бир неча ўн йилликлардан сўнг тан олинади ва кўплаб етакчи олимлар ўлимидан сўнггина шон-шуҳратга эришадилар(5).

Келажақда барқарор ривожланишга ўтилганида фан фалсафасида асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик тадқиқотлардан табиатни, табиат ва жамиятни (экология қонунларини) ўрганишга қаратилса керак. Фаннинг экологиялашуви жараёни умуман олганда унинг энг аввало табиий фанлар соҳасида фундаментал тадқиқотларни ва билишнинг умумий илмий-интегратив шакллари ва воситаларини илдам ривожлантиришни тақозо этувчи мақсадларни амалга оширишга йўналтирилиши билан боғлиқ бўлади. Бу илмий билимларни техника ва ишлаб чиқариш, бошқариш ва таълим соҳаларига жадал татбиқ этиш учун замин ҳозирлайди. Илдам ривожланиш системасини бир хилда тушуниш аста-секин шаклланади. Мазкур тушуниш ноосферавий тафаккурда ва ақл-идрок соҳасининг қоидаларида мужассамлашган инсонпарварлик руҳи билан суғорилган маънавий қадриятларга, интеллектуал салоҳиятга ва маънавий-ахборот ресурсларига асосланади(7). Мазкур жараённинг шаклланишида фан фалсафаси, шубҳасиз, муҳим методологик, эпистемологик ва эвристик рол ўйнайди.

Маълумки, ноосфера ҳақидаги ҳозирги концепцияларнинг бир қанчасида фан фалсафаси янги йўналишига асос солган табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар муҳим рол ўйнадилар. Бу йўналиш фан ривожланишида унинг ҳозирги, баъзан постноклассик деб номланувчи босқичидан кейин янги босқич бошланаётганидан дарак беради. ХХІ асрда ана шу талаблар бажарилиши зарурлиги муносабати билан фанда ҳам, жамиятнинг табиат билан ўзаро алоқада ривожланишида ҳам фалсафа ролининг кучайишини башорат қилиш мумкин.

Кўпинча экология ва ноосферогенез муаммоларининг ҳал қилиниши илмий жиҳатдан таъминланмаганлиги натижасида фалсафа уларни илмий ишлаб чиқишда нафақат тадқиқотлар стратегиясини шакллантиришнинг дастлабки босқичида, балки қарорлар қабул қилишда ҳам катта ёрдам берувчи ижобий силжишга эришишнинг ягона назарий-методологик воситаси бўлиб қолаётир. Бугунги кунда фалсафа фаннинг бутун методологиясига таъсир кўрсатмоқда. Фан методологияси, фалсафа томонидан қўйилган инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш ва табиий муҳитни сақлаш мақсадларига қараб тобора кўпроқ мўлжал олиб, янги системали яхлитлик ва прогностик йўналиш касб этмоқда.

Хулоса сифатида сифатида шуни таъкидлаш муҳимки, ҳозирги кунда “...олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифаси” (8)га айланиши керак. Зеро, ҳозирги глобал дунё воқелигида инсоннинг ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Тохир Малик айтганларидек, одам боласининг энг улуғ ижоди — оқиллик билан умр кечирмоқликдир(9).

Бизнинг мустақил давлатимиз ҳам мана шундай интеллектуал бойликни кўпайтиришга, уни ҳар томонлама асраб авайлашга кенг имкониятлар яратиб бормоқда. Бундан биз ёшлар тегишли хулоса чиқариб, ундан ҳар томонлама фойдаланишимиз лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Гегель Г.В.Ф. Феноменология духа / Пер.с нем. Г.Г. Шпета, Коммент. Ю.Р. Селиванова. – М.: Акад. Проект, 2008. – 767 с.
2. Шеллер М. Философские фрагменты из рукописного наследия. – М.: Ин-т философии, теологии и ист. св. Фомы, 2007. – 382 с
3. Ницше Ф. Малое собрание сочинений / Пер. с нем. – СПб.: Азбука-классика, 2010. – 1056 с.
4. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А., Никитченко Г.В. Фаннинг фалсафий масалалари. – Т., 2006.
5. Кадирова З.Р. Илмий-ижодий фаолиятнинг фалсафий-методологик таҳлили. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Т., 2012. 40-бет.
6. Туленов Ж., Валиева С. Илмий ижод методологияси (услубий қўлланма). - Тошкент, 2008, 24-25-бет.
7. ноосфера – табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси соҳаси бўлиб, унинг доирасида инсоннинг оқилона фаолияти ер қуррасири вожланишининг асосий ҳалқилувчи омилига айланади.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 79 б.
9. Малик Т. Иймонлашиш умиди. Бадиа. – Т., 2003.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ МОҲИЯТ- МАЗМУНИ

*Мамажонов Маъмура - Қувасой педагогика ва иқтисодиёт коллежи
ўқитувчиси*

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, барча соҳаларда бўлганидек, глобаллашув бугунги кунда маънавий маданиятлар, уларнинг ўзаро таъсири бўйича ҳам катта муаммоларни, бу таъсирнинг замонавий восита ва усуллари нивужудга келтирди. Глобаллашув жараёнининг маданий аҳамияти, унинг янгича муҳитни шакллантириши, миллий ва минтақавий муаммоларнинг жа-ҳон муаммоларига айланиши, давлатлар ва халқлараро интеграция ва ҳамкорликнинг кучайиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифатга айланишини таъминловчи ижобий хусусиятлари мавжуд.

Шу билан бир қаторда бу жараён минтақалар, инсон ва жамият фаолиятининг кўпгина соҳаларини қамраб олмоқдаки, онгли равишда унинг сиёсий оқибатлари кейинги ўринга сурилиб, асосан иқтисодий жараён тарзида талқин қилинмоқда. “Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, - деб ёзган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов, - ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз”[1].

Глобаллашув жараёни бошқа жиҳатдан инсонга мафкуравий-маънавий таҳдид ўтказишнинг ўткир куралига айланиб бормоқда, бу таҳдид инсон эркинлигини бўғиш, фикрий мутеликни қўллаб-қувватлаш; турли-туман жозибатор шиорлар орқали унинг руҳиятига мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар кўринишида дахл қилмоқда, халқларнинг миллий ва диний илдизларига хавф солмоқда, энг хавфлиси, ёт ғоя ва зарарли қарашларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришга уринмоқда. “Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор,

уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[2].

Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи яқин ва узоқ қўшни давлатлар, балки бошқа минтақа ҳудудлар билан ҳам боғлиқ бўлмоқда, шу маънода “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”[3].

Шу ўринда глобаллашув терминининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, “глобаллашув” французча “global”-умумий, лотинча “globus”-шар, яъни ер юзига оид, бутун ер шарини қамраб олувчи[4] деган маънони англатади.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатлар ҳам одамлар ҳаётига реал офат эканлиги ҳаммамизга маълум. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, улар инсонни ўзлигидан айиришга, маънавий дунёсини тубанлик, жаҳолат иллатлари билан тўлдиришга, ҳатто инсон ҳаётини издан чиқариб юбориши билан хавфлидир. Инсон маънавиятини ўз измига солишга қаратилган турли таҳдид, хавф – хатарлар ялпи глобаллашув жараёнлари таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат ва катта куч билан кириб келмоқдаки, уларнинг тузатиб бўлмайдиган зарарини ҳамма ҳам англай олмайди, буни фақат кенг фикрлайдиган, бу бузғунчи, хавфли офатнинг моҳиятини англай оладиган одамларгина тушуниб етадилар.

Бугун инсониятга бўлаётган таҳдидларнинг энг хатарлиси ҳарбий ёки иқтисодий таҳдидлар эмас, балки маънавий – мафкуравий таҳдидлардир. Зеро, инсон маънавиятини эгаллашга қаратилган ҳар қандай мафкура инсонни бемалол ўз таъсирига бўйсундира олади. Буни узоқдан эмас, яқин кунларда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига қилинган турли таҳдидлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда мафкуравий, ғоявий, маънавий таҳдидлар мамлакатимиз келажаги учун энг катта хавф-хатарлардан бири бўлиб қолмоқда. Илм-фан, техника ютуқлари ривожланиб бораётган бугунги кунда бундай таҳдидлар янада хавфлироқ бўлиб бормоқда. Миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар ҳақида гапириб, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: “Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод

келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”[5].

Маънавиятга бўлаётган таҳдидларнинг хавfli томони шундаки, бузғунчи кучлар ўзларига нишон қилиб, авваламбор, барчамизнинг энг азиз, энг катта бойлигимиз, кўзимиз қораси бўлмиш ёшларимизни танламоқда, турли ниқоблар билан уларнинг фикрини чалғитишга, замонавий усул ва воситалар орқали уларнинг ҳали мурғак қалбларини эгаллашга интилмоқдалар. Улар иложи борица, ёшлар онгида асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларга нисбатан беписандлик, ҳурматсизлик кайфиятини уйғотиб, ўз мафқураси ва ғоясини сингдиришга интилмоқдалар.

Бугунги кунда маънавий таҳдидларга қарши тура олиш учун миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш, ёшлар онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларига онгли ёндашиш, ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларининг акс этиши, ёшларнинг асосий қизиқиши ва фаолият доирасини ташкил этаётган турли хил соҳаларни тарбия жараёнида тўлиқ қамраб олиш лозим, бунда ахборот технологиялари хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мультимедия ва роликларни кўпайтириш, шунингдек, ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ғоя тарғиботини изчил давом эттириш яхши самара беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қарор топиши, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши глобаллашув шароитида тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. - 112 б.
2. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. - 11 б.
3. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008 й., 111 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. Т.I. 507-б.
5. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008 й., 12 б.

ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ УЧЕНИЯ ЗОРОАТРИЗМА

Б. Б. Жалолов¹³

Аннотация: мазкур мақола доирасида зардуштийлик таълимотининг биринчи манбалари ва уларнинг классификациясига доир масалалар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Авесто, гатик, аҳамонийлар қоятош битиклари, паҳлавий, пазандий, гуҷарат; Бундаҳишн, Денкард.

Аннотация: в данной статье анализируются первоисточники зороастрийского учения и вопросы их классификации.

Ключевые слова: Авеста, гатический, наскальные надписи ахеменидов, пехлавийский, пазандийский, гуджаратский, Бундаҳишн, Денкард.

Маздаясна (авесточа «Маздага сиғиниш»; зардуштийлик) дини инсоният тарихидаги бугунги кун фанига маълум бўлган илк монотеистик таълимотдир. Унинг тараққиётида шу қадар ўзи-ўзини инкор қилиш қонуни кўп кузатиладики, ҳатто баъзи нуқталарда ваҳдоният ўзининг мутлақо акси бўлган кўпхудолиликка айланиб кетади. Буни диннинг муқаддас китоби Авестонинг кўп қатламлилиги, яъни «*Заратуштранинг бирданига илоҳий билимлардан илҳомланишининг натижаси эмас, балки Марказий Осиё ва Эрон халқлари цивилизацияси ва маданиятининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган тарихий эволюция ҳосиласи*»¹⁴ эканлиги билан изоҳлаш мумкин бўлади¹⁵. Маздаясна ҳақида билдириладиган илмий хулоса ва фикрлар ўзи асосланаётган манба нуқтаи назаридан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Қолаверса, она манбалар, яъни “Авесто” китобининг барча қисмлари, аҳамонийлар қоятош битиклари, паҳлавий, пазандий, ҳатто форс, гуҷарат ва санскрит тилларидаги асл матнларнинг мутахассислар томонидан тушунилиши ва интерпретация қилинишидаги муаммолар ҳам асл манба билан таржима орқали танишадиган тадқиқотчи ёки китобхонга дин моҳиятини тушунишда етарли қийинчиликларни туғдиради. Она матнларни тушуниш ҳатто мутахассисга ҳам қийинчилик туғдириши матннинг ички

¹³ Жалолов Баҳодир Бахтиёр ўғли – Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ А-1-92 «Авестонинг тизимли тадқиқотлари ва «Зардуштийлик хрестоматияси»ни тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги лойиҳа ижросиси, кичик илмий ходим. Ўзбекистон, Тошкент, 100174, Университет кўчаси, 4. E-mail: jalolov@mail.ru

¹⁴ Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд-во журнала «Санъат», 2010. – С. 21-22.

¹⁵ Kellens J. Avesta// Encyclopedia iranica. Vol. III, Fasc. 1. – P. 36;

The sacred books and early literature of the East. Volume VII. Ancient Persia. – New York-London: «Parke, Austin and Lipscomb», 1917. – P. 4;

Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: «Ўқитувчи», 1965. – Б. 67;

Исҳоқов М.М. «Авесто» - тарихий ва маънавий дунёмиз сарчашмаси // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Т.: «Фан», 2001. – Б. 5;

Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты... – С. 37.

хусусияти билан боғлиқдир. Манба бир даврда бир инсоннинг қўли билан эмас, балки бир неча авлодлар, диний мазҳаблар, ҳатто бир-бирини инкор қилувчи оқим вакиллари томонидан яратилганлиги сабабли бугунги кунда алоҳида китоб ҳолида тўпланган диний мазмундаги матнларда ғоявий жиҳатдан қарама-қаршиликлар мавжуд. Унинг устига, баъзи матнларда грамматик ва орфографик хатолар учраб туради. Бу эса китоб ёзилган даврда ўша тилнинг ўлик бўлганлигига ишора қилувчи далиллардан биридир.

Бир диний тушунчани ифодалаган терминнинг кейинги давр диний матнларида ўзи ёзилган тил ички қонуниятлари асосида бошқача шакл олиши уни терминологик жиҳатдангина ўзгартириб қолмай, балки функционал жиҳатдан ҳам жиддий янгиликларни яратди. Шунинг учун ҳам қайси давр, айниқса, қайси тилдаги зардуштийлик манбаси билан ишланаётганда ўша тилдаги зардуштийлик терминологиясини қўллаш қатъий талаб қилиниши керак. Лозим бўлганда, унинг зардуштийликнинг бошқа манбаларидаги шакли изоҳ сифатида берилиши мумкин. Мисол учун, «*Кичик Авестодаги «Доно илоҳ» Заратуштра ва Доро Аҳура Маздасининг шунчаки соясига айланиб қолди*»¹⁶. Мазкур ҳолат ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўзимиз учун биринчи бажариладиган вазифа сифатида зардуштийлик манбаларини классификация қилишни танлаб олдик. Бунда манба ёзилган тил асосий мезон сифатида танлаб олинди.

1) *гатик* тилидаги манбалар. Бу тил намуналари фақатгина “Авесто” китобида учрайди, яъни бу тилда *Заратуштра гаталари* (*Ясна* 28-34, 43-46, 47-50, 51, 53-*ҳаити*¹⁷), *Ясна ҳаптангҳаити* (*Ясна* 35-41 ва қўшимча 42-*ҳаити*), «*Ята аҳу ваиря...*», «*Ашем воҳу...*», «*Енгҳе ҳатам...*»¹⁸, *Аиряман* (*Ясна* 27, 54-*ҳаити*) лар ёзилган¹⁹;

¹⁶ Malandra W. An Introduction to Ancient Iranian Religion. – Minneapolis: The University of Minnesota Press, 1983. – P. 45.

¹⁷ Ясна китоби бўлимларининг номи.

¹⁸ Шу сўзлар билан бошланувчи зардуштийликдаги энг мўътабар дуолар. Улар Авестанинг деяри ҳар бир қисмида такрор ва такрор учрайди.

¹⁹ Boyce M. Zoroastrianism. Textual sources for the study of religion. – Manchester, 1984. – P. 2;

Idem. The history of Zoroastrianism. Vol. I. – Leiden/Kohl: E.J. Brill, 1975. – P. 51;

Idem. Zoroastrians. Their Religious Beliefs and Practices. – London/Boston/Henley: Routledge & Kegan Paul Ltd., 1979. – P. 37;

Hintze A. A Zoroastrian Liturgy. The worship in seven chapters (Yasna 35-41). – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2007. – P. 1;

Idem. Avestan literature. // A History of Persian Literature. – London: I. B.Tauris & Co Ltd., 2009. – P. 2;

Reichelt H. Avesta Reader. Texts, notes, glossary and index. – Strassburg: Verlag von KarlJ. Trubner, 1911. – P.168;

Moulton J.H. Early religious poetry of Persia. – Cambridge: Cambridge University Press, 1911. – P. 74;

Idem. Early Zoroastrianism. – London: Constable and company ltd., 1926. – P. 120;

Haug M. Essays on the sacred language, writings and religion of the Parsis. – London: Truber and co., Ludgate Hill, 1878. – P. 170;

2) кенжа авеста тилидаги манбалари. Бу тилда Авестонинг юқорида кўрсатилган ва Хорда Авестода учрайдиган баъзи дуолардан ташқари барча матнлари шу тилда ёзилган;

3) аҳамонийлар қоятош битиклари.

4) паҳлавий тилидаги манбалари. Бу тилда “Авесто” китобида алоҳида дуо ёки матн йўқ. Унда ёрдамчи матнлар, яъни *мантралар*ни қайси руҳонийнинг ўқишини (*Ясна* китобида *зот* ва *распи*) ва берилган матн неча маротаба ўқилиши лозимлигини кўрсатувчи (масалан, *ду бар* – икки маротаба ва бошқалар) сўзлар бор. Шундай бўлса-да, сосонийлар ва ундан кейинги даврда зардуштийча манбалар фақат мазкур тилда яратилган. Улардан паҳлавий тилидаги Авесто (Вендидот [авесточа вариантыда 21 874²⁰ (бу ва бундан кейинги ўринларда «*та сўздан иборат*» деган жумла тушириб қолдирилади), паҳлавийчада 48 000], Ясна [авесточа матнида 23 142²¹, паҳлавийча таржимада 39 000], Нирангистан, Виштасп яшт, Висперад [авесточа матнида 3 415²², паҳлавийча таржимада 3 300] ва бошқа қисмлар), Видевдот паҳлавий шарҳи (27 000), Денкард (169 000), Бундаҳишн (13 000), Датистан-и дениг (28 600), Паҳлавий ривоятлар (26 000), Манучехр пандномаси (9 000), Зат спарам (19 000), Ҳемете Ашаваҳиштан ривояти (22 000), Шиканд гуманик вичар (16 700), Шаяст не шаяст (13 700), Дана-и меног-и храт (11 000), Стайишн-и си розак (5 200), Арта Вираф намак (8 800), Матиган-и Ёшт-и Фрян (3 000), Баҳман яшт (4 200), Андар-и Аошнар-и данак (1 400), Патит-и хут (1 000), Патит-и Атурпат (1 500), Патит-и Ираниг (2 200), Жамасп намак (5 000), Ҳикояти Розҳа (300), Матиган-и маҳ Фравартин роз Ҳурдат ва б. (2 800), Панд-и намак-и Зартушт (1 400), Панд-и намак-и Маздаясна (1 000), Андарз-и Хусро-и Каватан (400), Андарз-и Атурпат-и Мараспандан (1 700), Атур-фарнбаг Бахт-африт (300), Панднамак-и Возург-Михр-и Бухтакан (1 800), Панднамак (250), Вачак аечанд-и Атурпат-и Мараспандан (1 300), Дарук-и Хурсандих (100), Стайишн-и Дрон (600), Вахрам-и Варжаванд (200), Африн-и шаш Гаҳамбар ва б. (3 250), Ниранг-и Бои-датан ва Яткартан (600), Матиган-и ҳафт Амешаспанд (1 000), Панд-и педар-и (600), Андарз-и данак Март (500), Аширвад (600), Чим-и Дрон (400), Намаз-и Аурмазд (300), Нам-стайишних (300), Матиган-и си Яздан (100); булардан ташқари соф диний мазмун касб этмайдиган манбалар ҳам бор.

Dhalla M.N. History of Zoroastrianism. New York/London/Toronto: Oxford University Press, 1938. – P. 163; Jackson. A.V.W. An Avesta grammar. – Stuttgart: W. Kohlhammer, 1892. – P. XXII;

Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И. М. Стеблин-Каменского. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2009. – С. 28.

²⁰ Жалолов Б. Ясна ҳаптангҳаити. – Т.: Мумтоз сўз, 2016. – Б. 14.

²¹ Ўша асар, 11-бет.

²² Ўша асар, 18-бет.

Булар қуйидагилар: Сосоний шоҳлар қоятош битиклари, Зардушт каъбаси, Картир битиги, Матигани ҳазар Дадистан (26 000), Карнамаки Артахшири Папакан (5 600), Яткари Зариран (3 000), Хусрои Каватан (1 700), Шахристониҳои Эрон (800), Афдиҳ ва саҳикиҳи Сағастон (290), Драҳти Асуриг (800), Чатрангнамак (820), Панднома (990), Никоҳ масаласи (400), Фарҳанги паҳлавиг (1300 та паҳлавий сўз изоҳи).

5) пазанд тилидаги манбалари. Бу тилдаги матнлар “Авесто”нинг таркибидаги матнларда фақатгина Хорда Авесто қисмидагина учрайди. Масалан, «*Ҳормазд ҳодай*», «*Дао нам сетаясине*» ва *баж* (овқатланиш, ухлаш, ҳожатга кириш-чиқиш ва бошқа ҳолатларда ўқиладиган) дуолари;

6) форс тилидаги манбалар. Бу тилда Хорда Авестодаги жуда оз дуолар бор. Масалан, зардуштийликнинг шаҳодат калимаси ҳисобланган «*Дин но каламо*» (*Ясна 12-ҳаити*);

7) гужарат тилидаги манбалар. Ҳинд Хорда Авестосида жуда кўплаб дуоларни гужаратча таржимасини учратиш мумкин²³;

8) санскрит тилидаги зардуштийлик дини манбалари. Парс (Эрон ҳудудидан Гужаратга кўчиб борган зардуштий) лар ўзларининг кўплаб диний китобларини бу тилга таржима қилиб қолдиришган. Бугунги кунда *гатик*, кичик авесто ва паҳлавийда учрамайдиган баъзи дуолар санскритча таржималарда учраб қолади.

²³ Boyce M. Zoroastrianism. Textual sources for the study of religion. – Manchester, 1984. – P. 3;
Idem. Zoroastrians. Their Religious Beliefs and Practices. – London/Boston/Henley: Routledge & Kegan Paul Ltd., 1979. – P. 190.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИСЛОМ ОМИЛИ

*Фаррух Абдусаматов,
ЖДПИ, ўқитувчи*

Инсонларга нимадир бўлди. Ҳамма ўзгариб кетди, қаёққадир шошади, нима биландир банд, нимадир етишмайди, хотиржамлиги йўқ, кимдан сўрамасанг – ҳамма шикоят қилади. Вақт етишмаслиги, яхши иш йўқлиги, юқори ойлик йўқлиги, соғлигининг ёмонлиги, адолатсиз бошлиқлардан, қўпол ўқитувчилардан, ўзларининг тарбиясиз фарзандларидан шикоят қиладилар.... Аллоҳни кам эслаётгани, масжидни кам зиёрат қилаётгани, яқинларига ёрдам бера олмаётгани, тунларини бедор ўтказа олмаётганидан, ёки Аллоҳга фақат ёмон кунларида итоат қилиш эмас, балки яхши кунларида ҳам етарли шукрона келтира олмаётганлигидан шикоят қилувчилар жуда кам!!! Ўз ҳаётидан қониқиб, Аллоҳга шукрона келтириб, бўш вақтини ибодат билан, кечаларни бедор, Қуръон тиловати ва зикрда, ёки таҳажжудга турувчи ва Аллоҳ йўлига мол-мулкни сарфловчи одамлар кам.

Аввалда мусулмонлар қандай бўлган, бу ҳақда хабар ва ривоятлар мавжуд, китобларда ҳам битилган. Мисол учун солиштириш ўтказишимиз мумкин.

Аввалги даврларда мусулмонлар жуда содда ҳаёт кечиришган, чунки келажакда уларни ўлим ва Аллоҳнинг олдида ҳисоб-китоб кутаётганини эсдан чиқаришмаган. Улар Аллоҳнинг Расули саллаллоҳу алайҳи вассалом сўзларига итоат қилганлар. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: Аллоҳнинг Расули саллаллоҳу алайҳи вассалом менинг елкамни қучиб туриб айтдилар: “Бу дунёда мусофир ёки йўловчи каби бўл”. Ибн Умар айтади: “Кеч тушса, тонг отишини кутма, тонг келса, кеч тушишини. Соғ вақтингдан касаллик келгунча фойдаланиб қол, ҳаётингдан эса ўлим келгунча” (ал-Бухорий).

Уларнинг ҳаётида биз ҳозир ҳис қилаётган ортиқча хирс, ҳаяжон, ғараз ва ҳасад бўлмаган. Улар жуда озга қаноат қилганлар, шу озда ҳам шубҳалардан эҳтиёт бўлганлар, ҳаромга асло яқинлашмаганлар. Инсонларни камбағаллиги сабаб камситмаганлар, бойлиги учун эса кўкларга кўтармаганлар. Танаю дашномларга ўрин бўлмаган. Кимники таъна қилинса, фақатгина гуноҳ ишлари учун, намозга эътиборсизлиги ёки Ислом меъёрларини риоя қилмаслиги учун бўлган. Инсон тўғри ҳаёти тарзининг тарозиси эса – Ислом шариати бўлган. Диний олим тарафидан айтилган сўз, уни таъна қилиниши ёки қўллаб-қувватланиши учун асос бўлган. Художўй

инсонлар хуфтон намози адо этилгандан сўнг барвақт ётишган, зеро тонгги намоз ва таҳажжудга ухлаб қолмасликлари учун.

Оламларнинг Роббиси айтади (маъноси): **“Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Улар Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қилурлар”** (Қуръони Карийм, “Сажда” сураси 16 оят).

Яна Раббимиз айтади (маъноси): **“Албатта, тақводорлар жаннатлар ва булоқлардадир. Роббилари берган нарсаларни олувчилардир. Чунки улар бундан олдин эҳсон қилувчилардан бўлганлардир. Улар кечалари оз ухлар эдилар. Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар”** (Қуръони Карийм, “Аз-Зориёт” сураси, 15-18 оятлар).

Тунги намознинг муҳимлиги ҳақида Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассаломнинг ҳадисларида ҳам таъкидланган. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий САВ айтадилар: ***“Туннинг учдан бирида Роббимиз Ўз раҳматини Ер юзига энг яқин осмонда нозил қилади ва айтади-ки: “Бор-ми, Менга дуо ва ибодат билан илтижо қилувчи? Мен унинг илтижосини қабул қиламан! Бор-ми, Мендан сўрагувчи? Мен унга ҳоҳлаганини бераман! Бор-ми Мендан гуноҳларини сўрагувчи? Мен унинг гуноҳларини кечираман!”*** (Ал-Бухорий, Муслим ривоятлари).

Техника ривожланиши натижасида замон жуда тез ўзгармоқда. Бу ўтқинчи дунёга, унинг ҳойи ҳаваслари, эрмакларига қизиқиш ортиб бормоқда, чунки уларга етишиш осон бўлиб қолмоқда. Одамлар телевизор, аудио ва видеомагнитофонлар харид қилишни бошладилар, қайта қуришдан сўнг биринчи бўлиб сериаллар ҳаётимизга кириб кела бошлади. Ҳамма, ёшимиз ва жинсимиздан қатъий назар, биз учун умуман фойдасиз бўлган “Бойлар ҳам йиғлайди” ёки “Одий Мария” каби сериаллар томошаси билан машғул бўлдик, уларнинг томошаси жараёнида худди ҳаёт “тўхтаб” қолар, барчамиз сериал қаҳрамонлари тақдирига қайғурардик. Эртасига эса, кўрганларимизни кўрмаганларга айтиб берардик. Қолган удабуронлар эса видеозаллар очиб, 24 соат давомида видеофильмларни “айлантира” бошлади: кундузи – жангари, кечқурун эса – “18+” фильмлар. Одамлар худди сеҳрлангандек эди. Бунинг ҳаммасига, импорт ва мода асосида кийинишга бўлган интилишни ҳам қўшимча қилиш лозим.

Сўнг компьютерлар ва компьютер заллари пайдо бўла бошлади. Компьютерлар нафақат офис балки уйларни ҳам “безаги” бўла бошлади. Уларни асосан катталар ва болалар “ўйин”ларини ўйнаш учун ола бошланди. Одамлар аста-секин унга “боғланиб” қола бошладилар. Бу дунёдан “узилиш” оддий ҳол бўлиб қолди. Бошқа турдаги “ҳаётий қизиқиш”лар пайдо бўлди,

вақтни фойдали ишлардан кўра кўпроқ компьютер ўйинларига бағишладиган бўлди. Ота-оналар учун эса энг муҳими – фарзанднинг уйдалиги бўлиб қолди, ҳаттоки бутун кунини компьютер ўйини ўйнаб ёки телевизор қаршисида ўтказса ҳам. Йўлдош телевидения ўрнатиш осонлашди, икки ёки учта зерикарли канал ўрнини, турли мавзу ва қизиқишдаги минглаб телеканаллар эгаллади. Ёшлар тарбияси - тўлиқ оммавий ахборот воситалари “қўлига топширилди”. Улардан сўнг “жаноб Интернет” етиб келди! Нима учун “жаноб”? Чунки Интернет худди ошхона пичоғи каби, нон кесса ҳам, одам ўлдирса ҳам бўлади, зеро кўпгина сайтларнинг негатив “юки” бўлиб, инсонларнинг маънавияти, қарашлари, вақт ўтказиши ва ҳаётини ўзгартира бошлади.

Интернет кўпчиликни боши берк кўчага киритди, тўғри йўлдан адаштирди, баъзилар Интернетда ўз ҳаётлари мазмунини йўқотган бўлсалар, баъзилар эса “онлайн-муҳаббат” соҳибига айландилар. Кўнгиллар Интернетга боғланди, у инсонлар кўлидаги “шайтоний тўр”га айланди. Одамлар кечаларини “онлайн-мулоқотлар”га бағишлайдиган, кераксиз маълумотлар ва видеороликлар томошаси билан банд, уларнинг мазмуни ва бошқа тарафларини гапирмаса ҳам бўлади. Интернет юқорида қайд этилган барча электрон воситаларни - инсоннинг вақти ва онгини ўғирлаши ҳамда қўлга киритиш осонлиги жиҳатидан “ортда қолдирди”. Асосийси – Интернет янаям мобил бўлди. Қайсики ерда мобил алоқа ва “вай-фай” мавжуд бўлса, телефон, смартфон, айфон, айпад, коммуникаторлар, нетбуклар, ноутбуклар орқали одамлар Интернетдан ҳамма ёқни ва ҳамма нарсани кўриш имконини қўлга киритдилар.

Одамларнинг қизиқишлари, асосан ёшларнинг дунёқарашлари, ҳаётий мақсадлари, психикаси, мулоқот, бандлик, илм олиш, ҳурмат, ўзаро тушуниш каби ҳислар кескин ўзгарди. Инсонларнинг тушунчалари, мулоқот тарзи ва кайфияти ўзгарди. Тушунчалар “бузилиши” билан одамлар ишлатадиган “сўзлар захираси” ҳам ўзгарди. Ҳурмат, илтимос ва узр маъноларини билдирувчи сўзлар ўрнини сўқиниш, ҳақорат тарзидаги сўзлар эгаллади. Бунинг натижасида – болалар ва ота-оналар орасидаги ҳаётий қарашларда ўзаро номутаносиблик юзага келди. Болалар учун ота-оналар – ҳаётда ҳеч нарса тушунмайдиган қариялар, ота-оналар учун эса улар – ардоқли фарзанд.

“Одноклассники” каби ижтимоий тармоқлар ва унга ўхшашлар эса, ёшга доир чекловларсиз барчани ўз “доми”га тортиб кетди. Хўш? Шу ҳаммаси-ми? Инсонлар ўзларига “эрмак”лар сотиб ола бошлади, бунинг учун нафақат пул,

балки вақтларини ҳам аямай сарфлай бошлади. Тунларини жойнамоз устида ўтказиш ўрнига, кўпчилик компьютер столи ва телевизор олдида ўтказмоқда.

Вақт эса баракасиз, худди яшин каби ўта бошлади, қарашга ҳам улгурмай – тун ўтиб кетмоқда, агарда уни ибодатга сарф қилишни синаб кўрилса, тонг отиши уларга жуда узокдек туюлар эди. Шундай қилиб, одамлар вақтнинг “барака”сини йўқотиб қўйдилар.

Эй мусулмонлар, охират тўғрисида ўйлаш фурсати келмади-ми, биз учун фойдали бўлган ва ҳаётдаги устувор мақсадларимизни қайта кўриб чиқиш ҳамда вақтни бефойда нарсаларга сарфлашда таъқиқ қўйиш вақти келмади-ми? Зеро, кун келиб Аллоҳни зикрисиз ўтказган ҳар бир нафасимиз учун, беҳудага кетган вақтимиз учун афсус надоматлар қиламиз...

Расули акрам саллаллоҳу алайҳи вассалом айтадилар: “Қиёмат кунида банда Аллоҳнинг олдида бу ўткинчи дунёдаги ҳаёти тўғрисида ҳисоб беради: қандай ҳаёт кечирди, қандай илмларни ўрганди ва ундан қандай фойдаланди, қанча бойликка эришди, уни қандай қўлга киритди ва қайси эҳтиёжлари учун сарфлади, ўз аъзоларини қандай сақлади ва қандай мақсадларда улардан фойдаланди” (ат-Термизий).

Шунингдек ёзилишича, Қиёмат кунида инсон энг афсус надомат қиладигани - бу ўткинчи дунёда Аллоҳнинг зикрисиз беҳудага сарфланган умри бўлар экан. Эй Аллоҳим, биз бандаларингга бу ҳақиқатни тўлиқ тушунишда Ўзинг инсофу тавфиқ бер!

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.А.Абдурахмонов - ЖДПИ мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикасида жамиятни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг туб моҳияти аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юқори даражага кўтариш, жамиятда ёшлар муаммолари ҳал этиш орқали уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантиришда ўз ифодасини топади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятнинг барча соҳаларида туб демократик ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократлашув жараёни инсонлар, турли хил ижтимоий қатламлар, сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ва ўзаро муносабати билан боғлиқ. Жамият ҳаётининг демократлашуви ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёнлари аҳолининг энг катта ижтимоий қатламини ташкил этадиган ёшларнинг ижтимоийлашувига ҳамда уларнинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Ёшлар – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли илохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ислохотлар ёшларга оид давлат сиёсатида ўз аксини топган.

Ёшларга оид давлат сиёсати — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ташкил этади. (1)

Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари келиб чиққан ҳолда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш,

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратади.

Давлат ва жамият бошқарув тизимини ҳар томонлама ислоҳ қилиш ҳамда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилингани жамиятда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тенденциялар ривожига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларни ўз аксини топган. Ҳаракатлар стратегиясининг 4.5 банди Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига оид саналади. (2)

Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тенденция шаклланди ва шу асосда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, **“Ёшлар – келажак бунёдкори”** шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, ёшларни, айниқса, улар уюлмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.

Бугунги кунда мазкур белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Ўзбекистон ёшлар иттифоқи орқали ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг иложи йўқ.

Мамлакатимизда содир бўлаётган салбий воқеа-ҳодисалар таҳлиliga эътибор қаратар эканмиз, мазкур муаммоларнинг кўпчилиги ёшлар билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Жиноятчилик, диний ақидапарастлик таъсирига тушиши, гиёҳвандлик гирдобига берилиш каби салбий иллатларнинг асосий қисми ҳам ёшлар томонидан содир этилмоқда. Демак бу шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёки ННТ фаолиятида ёшлар масалаларига эътибор бериш билан бу муаммоларни бутунлай бартараф этишнинг иложи йўқ. Бунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан бир қатордаёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳам муҳим саналади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз –

ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир”.(3)

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларига эътибор қаратиш ва ҳал этиш орқали жамият ривожига янги босқичга кўтарилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони. 6 (766)-сон. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. www.president.uz

GLOBALASHUV SHAROITIDA IJTIMOY-MA’NAVY QADRIYATLARGA ASOSLANGAN MAFKURAVIY TARBIYANING AHAMIYATI

Nabiyev Mansur Jamxur o‘g‘li, O‘zMU mustaqil izlanuvchisi, JDPI Falsafa, tarbiya va huquq ta’limi kafedrasi o‘qituvchisi

Dunyoda g‘oyaviy hamda informatsion xurujlar, turli mafkuraviy, ma’naviy tahdidlar avj olayotgan bugungi kunda yoshlarimiz ma’naviyatini yuksaltirish, tafakkurida sog‘lom dunyoqarash asoslarini shakllantirish muhim ahamiyatga egadir. Buning eng samarali usuli mafkuraviy tarbiyani to‘g‘ri tashkil etishdir. Xo‘sh mafkuraviy tarbiyaning o‘zi nima? Ilmiy adabiyotlarda qayd etilishicha: “Mafkuraviy tarbiya - inson, ijtimoiy guruh, millat, jamiyat dunyoqarashini shakllantirishga, ularni muayyan maqsadlarni ifoda etadigan g‘oyaviy bilimlar bilan qurollantirishga yo‘naltirilgan jarayon[1,250-b].

Yoshlar tarbiyasi bilan bog‘liq bo‘lgan barcha jarayonlar doimo davlatning diqqat markazda bo‘lib kelgan bundan keyin ham shunday bo‘lib qoladi.

Biz maktabgacha ta’lim va maktab ta’limi, oliy va o‘rta maxsus ta’lim tizimi hamda ilmiy-madaniy muassasalarni bo‘lg‘usi Renessansning to‘rt uzviy halqasi, deb bilamiz. Bog‘cha tarbiyachisi, maktab muallimi, professor-o‘qituvchilar va ilmiy-ijodiy ziyolilarimizni esa yangi Uyg‘onish davrining to‘rt tayanch ustuni, deb hisoblaymiz.

Men ishonaman – hurmatli ota-onalar bu tashabbusni albatta qo‘llab-quvvatlab, yangi Renessansning beshinchi halqasi, beshinchi ustuni bo‘ladilar. Va bu ma’naviy-ma’rifiy hayotimizdagi eng mustahkam ustun bo‘ladi, desam, o‘ylaymanki, sizlar to‘la qo‘llab-quvvatlaysizlar[2,5-b].

Davlatimizda, jamiyatimizda yangi renesansni amalga oshirishni maqsad qilgan ekanmiz buning uchun eng avvalo ta’lim-tarbiya tizimiga alohida e’tibor berishimizni ta’lab qiladi.

Jamiyatdagi har bir ijtimoiy kuch yoki aholi qatlamlari o‘z manfaat va maqsad-intilishlarini ifoda etuvchi g‘oyalar tizimini yaratgach, boshqa guruhlarini ham o‘z g‘oyalar ta’siriga tortishga harakat qiladi. G‘oyalar adolatli va haqqoniy bo‘lib, ko‘pchilikning talab-ehtiyojlariga mos kelsa, bu sohadagi tarbiya vositalari ta’sirchan, tarbiyachilar esa faol va fidoiy bo‘lsa ko‘zlangan maqsadga erishiladi. Jamiyat, xalq hali o‘z manfaatlarini anglab yetmagan, o‘z mafkurasini shakllantirib, maqsad sari safarbar bo‘lmagan hollarda begona va zararli g‘oyalar ta’siriga tushish ehtimoli ortib boradi. Bu esa g‘oyaviy tarbiyani yo‘lga qo‘yish,

sogʻlom mafkura tamoyillarini aholi ongi va qalbiga muttasil singdirishni dolzarb vazifaga aylantiradi.

Aslida shaxs tarbiyasining muhim yoʻnalishi - bu gʻoyaviy tarbiyadir. Bu inson ongi va tushunchalari tizimida hayot haqidagi falsafiy, siyosiy, huquqiy, diniy, estetik, axloqiy, badiiy, kasbiy qarashlarni maqsadli shakllantirish jarayonidir. Har qanday tarbiya jarayoni oxir- oqibat, oʻz maqsad va mohiyatiga koʻra gʻoyaviy tarbiyadir. Chunki oilani olamizmi, bolalar bogʻchasini, mahalla, maktab, kollej, litsey, universitet yoki akademiyani olamizmi – hammasida beriladigan taʼlim va tarbiya jarayonlari talaba va tinglovchilar dunyoqarashini kengaytirish, ularning ongini ilmiy asoslangan bilimlar bilan boyitish hamda jamiyat uchun, uning ravnaqi uchun kerak boʻlgan sifatlarni kamol toptirishga yoʻnaltirilgan boʻladi. Bu ishlar blaning dunyo haqidagi, olamning rivojlanish qonuniyatlari, insoniy munosabatlar borasidagi oʻziga xosliklar, axloq tamoyillari, goʻzallik haqidagi tushunchalarini kengaytirishga xizmat qiladi. Bu - tom maʼnoda mafkuraviy tarbiyaning asosiy poydevoridir. Shuning uchun mafkurasiz inson, mafkurasiz guruh, millat, xalq, jamiyat boʻlishi mumkin emas.

Har qanday mafkuraviy tarbiyaning maqsadi –jamiyatning har bir aʼzosi va ular timsolida har bir ijimoiy qatlam, guruhning tarbiyaviy darajasini taʼminlashdir. Oʻzbekistonda yashab, ijod qilayotgan har bir fuqaro ongi va shuurida asriy milliy qadriyatlarimiz, xalqimizning bugungi va kelgusidagi manfaatlarini ifodalovchi eng sogʻlom gʻoyalar va fikrlar tarzida – xalq tafakkuri tarzida oʻz ifodasini topishi lozim. Bu jihat mafkuraviy tarbiyaning bosh xususiyatlaridan biridir. Mafkuraviy tarbiyaviylik eng avvalo yuksak eʼtiqod, imon, Vatan va xalq oldidagi masʼuliyat, vatanparvarlik, fidoiylilik kabi fazilatlarda namoyon boʻladi.

Respublikamiz ahlisining 64 foizdan ortigʻini yoshlar tashkil etar ekan, yurtimizning istiqboli ham aynan yoshlar qoʻlida ekanligiga shubha yoʻqdir. Yoshlarning irodali, imon-eʼtiqodli, mustaqil va erkin fikrli, har qanday xurujlarga dadil qarshi bora olishga qodir inson boʻlib yetishishlarida taʼlim muassasasi, oila, mahalla hamkorligi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy tarbiyaning ahamiyati katta.

Bugungi yoshlar oʻzlarining kim ekanligini, hech kimdan kam emasligini, ajdodlari kim boʻlganini anglab yetdilar. Lekin ayni paytda xalqimizning maʼnaviy birligiga rahna solishga, yoshlarimizning yurtimizga boʻlgan ishonch-eʼtiqodini buzishga urinayotgan kuchlar ham bor. Ular turli xil vayronkor, aldamchi gʻoyalarni pesh qilib, yovuz va gʻarazli maqsadlarni koʻzlab, ayrim irodasi zaif yoshlardan oʻz yurtiga, ona Vataniga, hatto ota-onasiga qarshi boʻlgan dushmanlarni tayyorlashga urinmoqdalar.

Farzandlarimiz maktabdan qanchalik bilimli bo‘lib chiqsa, yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot tarmoqlari shuncha tez rivojlanadi, ko‘plab ijtimoiy muammolarni yechish imkoni tug‘iladi. Shunday ekan, Yangi O‘zbekiston ostonasi maktabdan boshlanadi desam, o‘ylaymanki, butun xalqimiz bu fikrni qo‘llab-quvvatlaydi[3,6-b].

Endigi asosiy vazifa kishilarimizning mustaqil fikrlashga o‘rganishi, o‘ziga ishonchining orta borishidir. Chunki tafakkur ozod bo‘lmasa, ong va shuur tazyiqidan, qullikdan qutulmasa, inson to‘la ozod bo‘lolmaydi”[4,34-b].

Tafakkurning ozod bo‘lishi yangicha, mustaqil dunyoqarashni shakllantirishning muhim omilidir. Yangichi dunyoqarash tizimda esa, olimlarimiz tomonidan e’tirof etilgan ertangi kunga ishonch tuyg‘usining ustuvorligini ta’minlash muhim ahamiyat kaasb etadi. Uning ahamiyati eng avvalo, shaxs dunyoqarashidagi barqarorlikni belgilovchi xalqa sifatida chiqishida, ikkinchidan, mavjud yoki yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan qiyinchiliklardan cho‘chimaslikka, ularga qarshi tura olish va bartaraf etishning oqilona yo‘llarini izlashga undashida, uchinchidan, xulqidagi sobitlik, izchillik va amaliyotidagi faollikni ta’minlashga xizmat qilishida ko‘rinadi. Ayni paytda, bu tuyg‘u keng ma’nodagi ijtimoiy taraqqiyot mo‘ljallarining nechog‘li aniq va asosli belgilab olinganining o‘ziga xos in’ikosi hisoblanadi[5,126-b]. Shunday ekan, bir tomondan, O‘zbekiston o‘z taraqqiyotining ana shunday aniq mo‘ljalini belgilab olganini va unga – buyuk kelajakka erishish uchun real ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma’naviy-ma’rifiy asoslarga egaligi va, boshqa tomondan, faqat istiqbol, faqat o‘z davlatchiligimiz ana shu maqsadga erishishning asosiy kafoloti bo‘lishi mumkinligi mafkuraviy tarbiya jarayonida markaziy o‘rinni egallashi shart. Mafkuraviy tarbiya bo‘lganda ham, milliy tarbiya asosiga qurilgan mafkuraviy tarbiya bo‘lishi lozim. Shuningdek, u globallashuvning hozirgi avj olayotgan sharoitlari va imkoniyatlarini hisobga olgan holda yangi mazmun va shaklda olib boriladigan tarbiya bo‘lishi taqazo etiladi. Milliy tarbiya millat vakillariga ayniqsa uning yoshlariga milliy meros, urf-odat. an’ana va azshokdagi eng iltor xususiyatlarni qadriyatlarni singdirish orqali milliy ong, dunyoqarash, ruhiyatni shakllantirish, o‘zligini anglatish, milliy g‘urur va iftixor tuyg‘ularini mustahkamlash, milliy manfaat, millat istiqboli uchun mas’ullikni ongi va qalbiga singdirish, milliy zaminlardagi boy meros asosida ma’naviy boyitish borasida olib boriladigan amaliy faoliyat yo‘nalishidir. Har qanday tarbiyada bo‘lganidek milliy tarbiyada ham aniq maqsadlar ko‘zlanadi. Globallashuv avj olayotgan bugungi kunda milliy tarbiyaning strategik yo‘nalishini keng ma’nodagi ma’naviyatimizni millatimizga yot bo‘lgan turli zararli ta’sirlardan himoya qilish, uni yoshlarimiz ongi, qalbi, dunyoqarashining ajralmas qismiga aylantirish tashkil

qiladi. Milliy tarbiya oiladan boshlanadi, mahalla va ta’lim tizimida davom ettiriladi. Chunki, shaxs ma’naviyati, uning dunyoqarashi, insonning tasavvur va e’tiqodiga aloqador ko’nikmalar majmui asosan oilada shakllanadi. Shu ma’noda, oila – haqiqiy ma’naviyat o’chog’i, mafkuraviy tarbiya omili va muhitidir. Binobarin, milliy mafkuramizga xos ilk tushunchalar inson qalbi va ongiga avvalo oila muhitida singadi. Bu jarayon bobolar o’giti, ota ibrati, ona mehri orqali amalga oshiriladi.

Milliy ongi rivojlangan, o’zligini anglagan, dunyoqarashi shakllangan millat vakili o’z millatini ulug’laydi, uning manfaatini himoya qiladi, uning oldida mas’ul ekanligini gushunib yetadi, uning manfaatini boshqalar manfaati bilan almashtirmaydi, unga sadoqat kuchli bo’ladi. Shu millat vakili bo’lganligidan faxrlanadi va g’ururlanadi. Bu inson uchun eng oliy ne’mat hamda ulug’ ma’naviy boylik ekanligini doimo his etib yashaydi. Lekin bugungi globallashuv jarayoni milliy tarbiyaga ham o’zining salbiy ta’sirini o’tkaza boshladi. Bugun turmushimiz va hayotimizning barcha sohalariga o’zga mamlakatlar xalqlari hayotidagi ko’pgina urf-odat, an’ana va qadriyatlar jadal kirib kelmoqda. Albatta, ularning biz uchun maqbul bo’lganlarini qabul qilishimiz mumkin. Ammo ularni ko’r-ko’rona, o’zimizniki hisobiga qabul qilishimiz maqsadga muvofiq emas. Masalan, millatimizda asrlar osha qon-qonimizga singib ketgan ota-onamizni ulug’lash, oila muqaddasligini himoya qilish, farzandning ota-ona oldidagi burchi, ularning gaplariga quloq solish, qilinadigan har bir katta ishlarni bamaslahat amalga oshirish, aka-ukalar, aka va singillar, kelin qaynota, qaynonalar o’rtasidagi o’zaro bog’liqlik mehr-oqibat, ustoz va shogird hurmati kabi muqaddas qadriyatlarni qayta tiklash milliy tarbiyamiz oldida turgan eng dolzarb vazifadir. Ammo bugun Yevropaga xos bo’lgan individualizm, ota-ona holidan xabar olmaslik hatto ular vafot etganda oxirgi manzilgacha kuzatishga yaramaslik aka-uka, akasingillar o’rtasidagi yaqinlikning bo’lmasligi va ularning bir-birini qo’llab-quvvatlamasliklari va boshqa bir qator holatlar millatimiz hayotiga kirib bormoqda. Bunday salbiy jarayonlarning oldini olish uchun ham milliy tarbiyamizning bosh yo’nalishi globallashuv jarayonida sodir bo’layotgan ana shu salbiy holatlarni bartaraf etish taraqqiyotimiz talabi hisoblanadi

Bizga bu borada jahonda eng yuksak taraqqiyotga erishgan, ammo o’zining milliy qadriyatlarini avloddanavlodga yetkazib, uni mustahkamlab kelayotgan Yaponiya davlati tajribasi o’rnak bo’lishi mumkin. Ular milliy g’ururi, iftixorning kuchliligi va millat istiqboli uchun kurashdagi yakdilligi bilan bugungi yuksak taraqqiyotga erishdi hamda mustahkam milliy ma’naviy immunitet salohiyatini shakllantirdi. Ular ma’naviyatida tashqaridan ko’rsatiladigan ta’sirlarni sezish

kiyin. Ular eng ilgʻor ishlab chiqarishni tashkil qilish, texnika va texnologiyalarni yaratish bilan jahon bozorlarini egallashlarida milliy tarbiya muhim oʻrinni egallaganliklari koʻpchilik uchun yangilik emas. Bu tajribadan samarali foydalanish milliy rivojlanish gʻoyasida ham oʻz ifodasini topishi foydadan holi boʻlmaydi. Shu munosabat bilan fikrimizcha, globallashuvning bugungi milliy hayotimizga oʻtkazayotgan taʼsiridan himoyalanimiz uchun mustaqil milliy maʼnaviy immunitetni shakllantirish zarur boʻladi.

Milliy istiqlol mafkurasi xalq farovonligi, yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, ijtimoiy xamkorlik, millatlararo totuvlik, dinlararo bagʻrikenglik, komil inson kabi gʻoyalarga tayanar ekan, ana shu gʻoyalarga qarshi qaratilgan xatti-xarakatlar tashqi va ichki tahdidlarning oldini oladi.

Chunki milliy gʻoya chuqur eʼtiqodga aylangan taqdirdagina u ulkan kuch va qudratga ega boʻladi. Buning uchun esa xalqda mafkuradan oʻrin olgan gʻoyalarga kuchli ishonch, eʼtiqod va unga amal qilish boʻlishi lozim.

Xulosa sifatida shuni adoxida taʼkidlashimiz lozimki, bunda, avvalo, har jihatdan faol insonni tarbiyalashga eʼtibor qaratish, gʻoyaviy tarbiya vositasida shaxsning salohiyatini maksimal darajada yuzaga chiqarishga erishish, har bir bolaning iqtidorini rivojlantirishga ypgʻu berish zarur. Buning uchun inson passiv ijrochilikdan emas, balki faol tashabbuskorlikdan koʻproq manfaatdor ekanligiga ishontirish kerak. Yoshlarda mehnatga ishtiyoq uygʻotish, tirishqoq va sergʻayrat shaxsni tarbiyalash, shaxsni oʻzi ustida qunt bilan ishlashga oʻpgatish. Shuningdeq milliy gʻururi baland, masʼuliyat va burch hissiga ega, intizomli, demokratiyani hayot tarziga aylantirgan, kelajagi oʻz koʻlida ekaniga ishongan mustaqil shaxsni tarbiyalashga ustuvor ahamiyat berish zarur.

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. Falsafa qomusiy lugʻat. T., Sharq, 2004, 250-bet.
2. <https://prezident.uz/uz/lists/view/3864>
3. <https://prezident.uz/uz/lists/view/3864>
4. Karimov I.A. Oʻzbekistonning siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyillari. // Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. 3-jild. –T., Oʻzbekiston, 1996, -34.
5. Ochildiev A. Milliy gʻoya va millatlararo munosabatlar. T., Oʻzbekiston, 2004. 126 –b.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ: МУАЪММО ВА ЕЧИМЛАР

Маматмусаева Маъмура - ЖДПИ талабаси

Дунёда ғоявий ҳамда информацион хуружлар, турли мафкуравий, маънавий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг энг самарали усули мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишдир. Хўш мафкуравий тарбиянинг ўзи нима? Илмий адабиётларда қайд этилишича: “Мафкуравий тарбия - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён (1). Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам ўз ғоялар таъсирига тортишга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия вситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидоий бўлса кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсад сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли онги ва қалбига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Аслида шахс тарбиясининг муҳим йўналиши - бу ғоявий тарбиядир. Бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оламизми – ҳаммасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар бланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу - том маънода мафкуравий тарбиянинг

асосий пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади –жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу–истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида – халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир. Мафкуравий тарбиявийлик энг аввало юсак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Республикаимиз аҳлисининг 64 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этар экан, юртимизнинг истиқболи ҳам айнан ёшлар қўлида эканлигига шубҳа йўқдир. Ёшларнинг иродали, иймон-эътиқодли, мустақил ва эркин фикрли, ҳар қандай хуружларга дадил қарши бора олишга қодир инсон бўлиб етишишларида таълим муассасаси, оила, маҳалла ҳамкорлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган мафкуравий тарбиянинг аҳамияти катта.

Бугунги ёшлар ўзларининг ким эканлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигини, аждодлари ким бўлганини англаб етдилар. Лекин айтилган пайтда халқимизнинг маънавий бирлигига раҳна солишга, ёшларимизнинг юртимизга бўлган ишонч-эътиқодини бузишга уринаётган кучлар ҳам бор. Улар турли хил вайронкор, алдамчи ғояларни пеш қилиб, ёвуз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, айрим иродаси заиф ёшлардан ўз юртига, она Ватанига, ҳатто ота-онасига қарши бўлган душманларни тайёрлашга уринмоқдалар.

“Мустақилликка эришганимиздан сўнг, биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зулмлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод

бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди”(2). Тафаккурнинг озод бўлиши янгича, мустиқил дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омилдир. Янгичи дунёқараш тизимда эса, олимларимиз томонидан эътироф этилган эртанги кунга ишонч туйғусининг устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Унинг аҳамияти энг аввало, шахс дунёқарашдаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан қўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўллариини излашга ундашида, учинчидан, хулқидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади. Айни пайтда, бу туйғу кенг маънодаги ижтимоий тараққиёт мўлжалларининг нечоғли аниқ ва асосли белгилаб олинганининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади(3). Шундай экан, бир томондан, Ўзбекистон ўз тараққиётининг ана шундай аниқ мўлжалини белгилаб олганини ва унга – буюк келажакка эришиш учун реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий асосларга эгаллиги ва, бошқа томондан, фақат истиқлол, фақат ўз давлатчилигимиз ана шу мақсадга эришишнинг асосий қафолоти бўлиши мумкинлиги мафкуравий тарбия жараёнида марказий ўринни эгаллаши шарт. Мафкуравий тарбия бўлганда ҳам, миллий тарбия асосига қурилган мафкуравий тарбия бўлиши лозим. Шунингдек, у глобаллашувнинг ҳозирги авж олаётган шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги мазмун ва шаклда олиб бориладиган тарбия бўлиши тақазо этилади. Миллий тарбия миллат вакилларига айниқса унинг ёшларига миллий мерос, урф-одат. анъана ва азшокдаги энг илтор хусусиятларни қадриятларни сингдириш орқали миллий онг, дунёқараш, руҳиятни шакллантириш, ўзлигини англатиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустиҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъуллиқни онги ва қалбига сингдириш, миллий заминлардаги бой мерос асосида маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолият йўналишидир. Ҳар қандай тарбияда бўлганидек миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзланади. Глобаллашув авж олаётган бугунги кунда миллий тарбиянинг стратегик йўналишини кенг маънодаги маънавиятимизни миллатимизга ёт бўлган турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, уни ёшларимиз онги, қалби, дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш ташкил қилади. Миллий тарбия оиладан бошланади, маҳалла ва таълим тизимида давом эттирилади. Чунки, шахс маънавияти, унинг дунёқарашини, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила – ҳақиқий

маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва мухитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила мухотида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Миллий онги ривожланган, ўзлигини англаган, дунёқараши шаклланган миллат вакили ўз миллатини улуғлайди, унинг манфаатини ҳимоя қилади, унинг олдида масъул эканлигини гушуниб етади, унинг манфаатини бошқалар манфаати билан алмаштирмайди, унга садоқат кучли бўлади. Шу миллат вакили бўлганлигидан фахрланади ва ғурурланади. Бу инсон учун энг олий неъмат ҳамда улуғ маънавий бойлик эканлигини доимо ҳис этиб яшайди. Лекин бугунги глобаллашув жараёни миллий тарбияга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Бугун турмушимиз ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига ўзга мамлакатлар халқлари ҳаётидаги кўпгина урф-одат, анъана ва қадриятлар жадал кириб келмоқда. Албатта, уларнинг биз учун мақбул бўлганларини қабул қилишимиз мумкин. Аммо уларни кўр-кўрона, ўзимизники ҳисобига қабул қилишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, миллатимизда асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онамизни улуғлаш, оила муқаддаслигини ҳимоя қилиш, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, уларнинг гапларига қулоқ солиш, қилинадиган ҳар бир катта ишларни бамаслаҳат амалга ошириш, ака-укалар, ака ва сингиллар, келин қайнота, қайноналар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик меҳр-оқибат, устоз ва шогирд ҳурмати каби муқаддас қадриятларни қайта тиклаш миллий тарбиямиз олдида турган энг долзарб вазифадир. Аммо бугун Европага хос бўлган индивидуализм, ота-она ҳолидан хабар олмаслик ҳатто улар вафот этганда охирги манзилгача кузатишга ярамаслик ака-ука, акасингиллар ўртасидаги яқинликнинг бўлмаслиги ва уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватламасликлари ва бошқа бир қатор ҳолатлар миллатимиз ҳаётига кириб бормоқда. Бундай салбий жараёнларнинг олдини олиш учун ҳам миллий тарбиямизнинг бош йўналиши глобаллашув жараёнида содир бўлаётган ана шу салбий ҳолатларни бартараф этиш тараққиётимиз талаби ҳисобланади

Бизга бу борада жаҳонда энг юксак тараққиётга эришган, аммо ўзининг миллий қадриятларини авлодданафлотга етказиб, уни мустаҳкамлаб келаётган Япония давлати тажрибаси ўрнатқ бўлиши мумкин. Улар миллий ғурури, ифтихорнинг кучлилиги ва миллат истикболи учун курашдаги яқдиллиги билан бугунги юксак тараққиётга эришди ҳамда мустаҳкам миллий маънавий иммунитет салоҳиятини шакллантирди. Улар маънавиятида ташқаридан кўрсатиладиган таъсирларни сезиш қийин. Улар

энг илғор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни яратиш билан жаҳон бозорларини эгаллашларида миллий тарбия муҳим ўринни эгаллаганликлари кўпчилик учун янгилик эмас. Бу тажрибадан самарали фойдаланиш миллий ривожланиш ғоясида ҳам ўз ифодасини топиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу муносабат билан фикримизча, глобаллашувнинг бугунги миллий ҳаётимизга ўтказётган таъсиридан ҳимояланишимиз учун мустақил миллий маънавий иммунитетни шакллантириш зарур бўлади.

Миллий истиқлол мафкураси халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон каби ғояларга таянар экан, ана шу ғояларга қарши қаратилган хатти-харакатлар ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олади.

Чунки миллий ғоя чуқур эътиқодга айланган тақдирдагина у улкан куч ва қудратга эга бўлади. Бунинг учун эса халқда мафкурадан ўрин олган ғояларга кучли ишонч, эътиқод ва унга амал қилиш бўлиши лозим.

Хулоса сифатида шуни адоҳида таъкидлашимиз лозимки, бунда, аввало, ҳар жихатдан фаол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, ғоявий тарбия воситасида шахснинг салоҳиятини максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу бериш зарур. Бунинг учун инсон пассив ижрочиликдан эмас, балки фаол ташаббускорликдан кўпроқ манфаатдор эканлигига ишонтириш керак. Ёшларда меҳнатга иштиёқ уйғотиш, тиришқоқ ва серғайрат шахсни тарбиялаш, шахсни ўзи устида қунт билан ишлашга ўргатиш. Шунингдек миллий ғурури баланд, масъулият ва бурч ҳиссига эга, интизомли, демократияни ҳаёт тарзига айлантирган, келажаги ўз кўлида эканига ишонган мустақил шахсни тарбиялашга устувор аҳамият бериш зарур.

Адабиётлар:

1. Фалсафа қомусий луғат. Т., Шарқ, 2004, 250-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т., Ўзбекистон, 1996, -34.
3. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., Ўзбекистон, 2004. 126 –б.

JIZZAX VOHASI TOJIKLARI: AN’ANAVIY TURMUSH TARZI VA URF-ODATLARI

Davlatova Hakima Babaydavlatovna

Jizzax Davlat Pedagogika Instituti


magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Jizzax vohasi tojiklarining an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlarini yoritgan. Jizzax viloyatidagi tojik qishloqlarining tabiati va tarixi, flora va faunasi, yodgorliklari va turizm sohasi yoritilgan.

Kalit so’zlar: Jizzax vohasi tojiklarining an’anaviy turmush tarzi, urf-odatlarini, tarixi, yodgorliklari va turizmi.

“Jizzax viloyati O’zbekistonning markaziy qismida joylashgan bo’lib, uning katta qismi cho’l va dashtliklardan iborat. Viloyatning reliefi o’ziga xos bo’lib, unda tog’, tog’ oldi, dasht va tekislik (cho’l) zonalarini tutashib ketgan. Hududda istiqomat qilgan dastlabki urug’ jamoalar chorvador hamda o’troq dehqonlar uchun qulay tabiiy shart-sharoit va unumdor yerlar, ayniqsa, oqar suv manbalari mavjudligi vohada inson faoliyati hamda uning ma’naviy dunyosi bilan bog’liq ijtimoiy jarayonlarning o’zaro rivojlanishiga asosiy sabab bo’lib, bu qadimgi davrlardan odamlar dunyoqarashi va e’tiqodi bilan bog’liq muqaddas ziyoratgohlarning shakllanishiga ham o’ziga xos zamin hozirlagan”-deb yozgandi Aqchayev F.

Jizzax vohasida ko’plab qishloqlar mavud. Bu hududda Asraf, Porasht, Uxum, Mojarm, Hoyat va Andigin kabi qishloqlar bor. Bu kabi uzoq tarixga ega va hali chuqur o’rganilmagan hazina. Forish tumani tojiklarining an’anaviy turmush tarsi, urf-odat va marosimlari o’ziga xos bo’lib, bir-biridan tubdan farq qilmasada, o’rganiladigan va tadqiq etiladigan jihatlari ko’p. Bu zamindan ko’plab olimlar va tadqiqotchilar yetishib chiqqan va aynan ular qishloqlari haqida ma’lumotlar yozib qoldirishgan.



“Forish tojiklari” yashaydigan hududning karta-sxemasi

Nurota tog’lari O’zbekistonning markaziy qismida joylashgan va ma’muriy jihatdan Samarqand, Navoiy hamda Jizzax viloyatlari tarkibiga kiradi. Nurota tog’lari yunon tarixiy manbalarida So’g’d tog’larining bir qismi deb ta’riflangan bo’lsa, arab geografik adabiyotlarda Qof tog’larining tarkibiy qismi sifatida qayd qilingan. Ilk o’rta asr yozma manbalarida Samarqandning shimoliy chegarasida joylashgan tog’lar “Ko’hi xud din” - “o’zi paydo bo’lgan din tog’i” nomi bilan tilga olingan. Mazkur tog’larda istiqomat qilgan mahalliy xalq islomni o’z xohishlari bilan qabul qilganlari uni shu nom bilan atalishiga sabab bo’lgan deyishadi. Shuning uchun, mahalliy xalq mo’g’illar istilosi davrida tog’larini muqaddas bilib, uni g’ayridinlardan qattiq himoya qilganlar. Tabiiy-geografik jihatdan, Nurota tog’lari janubi-sharqdan, shimoli-g’arbga qarab salkam 400 km masofaga cho’zilgan bo’lib, o’rtacha kengligi 50-70 km tashkil qiladi. Tog’ning shimoliy ctigidan taxminan 5-6 km masofada Qizilqum cho’li va Aydar-Amasoy ko’llar tizimidan shimolroqda Qozog’iston hududi boshlanadi. Tog’larning janubi-g’arbiy ctagi Zarafshon daryosining quyi oqimigacha boradi. O’rganilayotgan hududda O’rta Osiyoga xos bo’lgan barcha tabiiy - iqlim sharoitlarini uchratish mumkin. Hudud tabiiy-geografik jihatdan - cho’l, tog’oldi tekisliklari, adir va uncha baland bo’lmagan tog’lardan iborat. Nurota tog’larining shimoliy qismida yashaydigan aholi etnik jihatdan ancha murakkab bo’lib, soha mutaxassislari tomonidan nisbatan kam o’rganilgan. Shunga qaramasdan hududning ctogeografik xususiyatlari ayrim mutaxassislarni o’ziga jalb qilgan. Masalan, A.N.Xoroshxin, M.S.Andreyev, B.X.Karmishcva, A.Muxlorov, M.Numa/.arov kabi tarixchi va geografolimlar turli

ekspedisiyalar tarkibida bu joylarda bo’lib, tubjoy aholining turli qatlamlarini qisman o’rganishgan. Muhimi, ular tomonidan mahalliy xalqlarga oid to’plagan etnogeografik ma’lumotlari to’la bo’lmasa ham, hozirgacha o’z ilmiy ahamiyatini yo’qotmagan. Mutaxassislarning yozishicha, Nurota tog’lari ko’p asrlar davomida cho’l ko’chmanchi xalqlarning Samarkand va Buxoro vohalariga harakat qilishida tabiiy to’siq vazifasini bajargan. Bu holat tog’ning shimoliy etagida yashovchi xalqlarning etnik tarkibiga ta’sir ko’rsatganligi olimlar tomonidan e’tirof etilgan. Qadimdan bu hududda faol migrasion jarayonlar sodir bo’lib turgan va ular mahalliy aholining etnik tarkibiga sezilarli ta’sir ko’rsatib kelgan. Hozirda hudud aholisining asosiy qismini o’zbeklar tashkil etadigan Nurota tog’larining shimoliy qismidan o’tgan Buyuk ipak yo’lining tarmoqlaridan biri bu-Toshkent, Jizzax, Nurota, karmana va undan keying Buxoro shaharlarini birlashtirgan yo’lda va ikki ming yildan ziyod tarixga ega tojik qishloqlari shu yo’lning o’ng tomonida joylashgan”- deb yozgan edi Hakimov Q.

“Mojarm qishlog’i Nurota to’glari etaklarida yoqut kabi porlaydi. O’zining maftunkor tabiati bilan ajralib turadigan ushbu qishloqda odamlar qadim zamonlardan dehqonchilik, chorvachilik va hunarmandchilik bilan shug’ullanishadi- deb yozgan edi professor Yu.Nurnazarov”.

Mojarm daryosi-Forish tog’laridagi eng uzun va keng soydir. Uning havzasi 56 km² va uzunligi 36 km. Mojarm aholisi dehqonchilik qatorida bog’dorchilik bilan shug’ullanadi. Ular yurtimizning ko’plab hududlari yong’oq yetkazishadi. Mojarm yerlarida bodom, pista va zira o’sadi.

Mojarm qishlog’i o’zining noyob daraxti-Markaziy Osiyoda juda kam uchraydigan (Sharqiy biota-Iuni perus semiglobosa) savr archasi bilan mashxur. Aytishlaricha bu daraxtni Iskandar Zulqarnayn marhum qo’mondonlarini dafn etganda mana shunday daraxt ekarkan. Mojarm archasini ham Iskandar Zulqarnayn ekan emish. Nima bo’lganda ham bu archa qadimiyligidan dalolat beradi. Archa darxtining uzunligi 20 metr, diametri 24 metr.Daraxtni ko’rish uchun chet elliklar ham tashrif buyurishadi.

Mojarm qishlog’i urf-odatlar boshqa tojik qishloqlari va forishliklarnikiga yaqin. Mojarm qishlog’ida uy mehmonxonlari tashkil etilgan. Chet ellik sayyohlarga ekoturizm va etnoturizm misolida mahalliy aholining turmush tarzi va milliyligi namoyish etilmoqda.

Mojarm qishlog’ining turizm salohiyati juda yuqori va uni rivolantirish uchun alohida maqsadli rejalar ishlab chiqib, qishloq rivoji uchun amalga oshirish lozim. Nurota qo’riqxonasi Nurota tog’ tizmasining shimoliy etaklarida joylashgan bo’lib, dengiz sathidan 500 metrdan 2169 metrgacha baland va maydoni 17752 gektarni

tashkil etadi. Qo'riqxonada nodir tog' hayvonlari va noyob o'simlik turlari mavjud. Nurota qo'riqxonasining tog' yonbag'rlari o'rtasida Hoyat qishlog'i joylashgan.

Hoyat so'zi qadimgi so'g'diycha “bahorgi joy” demakdir. Hoyat shevasida U, Ye, E tovushlari o'rniga IY, I yoki Iy hoida talaffuz etiladi. Masalan, mur-muur, cho'pon-chuupon, mego'yam-miyguum, meravam-miyrum, xez-xiy, elak-iylak, e'lon-iylon va hokazo-deb yozgan edi Mahmudi Forishi “Tojikoni Forishi” asarida.

Hoyat tabiati Uxumnikidan farq qiladi, ya'ni Hoyat Uxumdan ancha balandroqda joylashgan bo'lib, yozi salqinroq, qishi sovuqroqdir.

Nurota qo'riqxonasida asosan hayvonlar (bug'i, cho'chqa, jayra, bo'ri, tilki va boshqalar); yovvoyi qushlar (kaklik, kalxat) va shifobaxsh o'simliklar (zira, makkajo'xori , ravoch va boshqalar) qo'riqlanadi.

Hoyat soylari o'nta katta-kichik ariqlardan Xornok, Sebinak, Xodxona, Bedak, Zimichik, Sangin, Andaburovud, Alichak, Nor, Doquli, Tillo va Biydarak kabi boshqa ariqlardan iborat.

Hoyatda bir nechta g'orlar mavjud: boboi G'afur, Xo'jamqul va Bahrimurod kabi. Aytishlaricha, Uxum tomonidagi go'rdan Nurota tomon yer osti yo'li bo'lgan. Ushbu afsonada hayotiy haqiqat yo'q. Hoyatning tabiiy va tarixiy yodgorliklari orasida Qo'rg'on(qal'a) shahri ajralib turadi. Ushbu shahar o'tib bo'lmaydigan joyda joylashgan va hoyatliklarning birinchi lageri. Aholi o'tgan asrlarda (200-250 yil oldin) dushmanlar bosqini paytida bu yerdan boshpana topgan. Qo'rg'on shahrining muzofoti shunchalik ajoyibki, 10-15 ta odamlar bu yerda 500 ta dushman bilan jang qilishlari mumkin.

Hoyat qishlog'i aholisi uch urug'ga mansub: ko'yiki, dohayiti va nodirboboi. Hoyat va Uxum hududlari bir-biriga yaqinligi sababli, bu-urug'lar Uxum odamlariga mansub emas. Aksincha, dohayiti urug'i Ej odamlariga aloqadordir.

Hoyat xalqining udum-an'analari Uxum va barcha forishliklarnikiga urf-odatlariga o'xshashdir.

Hoyat qishlog'ining vayrona tosh uylari, eski masjidleri, Saidon, Novi Daroz, Pichak va Forg'u kabi tosh sur'atlari hamda Hoyat (Hoyati bolo) tepaliklari uning qadimiyligidan dalolat beradi.

Hoyatda zamonaviy turizm rivojlanmoqda. U yerga chet elliklar tashrif buyurishmoqda. Qishloqda uy mehmonxonalarini tashkil etilib, sayyohlar bu yerda ekoturizm va etnoturizmdan bahramand bo'lishmoqda.

Uxum-Forish tog'laridagi eng yirik qishloqlaridan biri. Qishloqning kirishi Mo'la va Sirtikon deb nomlangan.

Uxum xalqi uch avlodga mansub: albaki, sultoni va tabakdi. Har bir avlod yana qismlarga bo'linadi. Masalan albaki soqigi, yorboy mullone'mati, dablari , arbobi,

qozigi; tabaqdi mulloartuqi, mullo niyozi, mullo mo’soi, to’rbagi, bobochagi; sultoni solehboy, aliboy, nekmahmadi, odinaboy.

Qadimgi davrlarda bu avlodlar asosan Yuqori va O’rta Uxumda alohida joylarda yashagan. Mo’la va Sirtikon aholi punktlari ancha keyinroq rivojlangan. Ba’zi ma’lumotlarga ko’ra O’rta va Yuqori qo’rg’onlar eng qadimgi turar joylari hisoblanadi. Bozorjoy, Sultoni Miyona va Tabaqdeh qishloqlari taxminan ikki yuz avval va Hoyati poyon, Mo’la, Sirtikon, Mushi Biryon o’tgan asrning 40-80-yillari oxirida paydo bo’lgan.

Uxum qishlog’ining boshqa qishloqlardan farqi shundaki Uxum reylefi o’zgacha va tog’lari juda baland. Nurota tizmazining eng baland tizmasi Hoyat (dengiz sathidan 2169 m) va Panjangusht (2100 m) . Panjangushtdan toza havoda Samarqandni ko’rish mumkinligi aytiladi-deb yozgan edi Maxmudi Forishi.

Parandoz, Dushoh, Qarovul va Tali surx cho’qqilari ham juda baland. Kajdum, Parrandoz, Soi Hoyat g’orlari va Shah izard, Shah ali va Ruxsha kabi tabiiy yodgorliklari mavjud.

Uxum aholisining urf-odatlarini forishliklarga o’xshaydi. Qadim zamonlardan bu qishloqlar aholisi do’slik va qarindoshlik munosabatlarida bo’lgan.

Uxum qishlog’ining darasining uzunligi 15 ming km. Qishloq aholisi dehqonchilik, chorvachilik va xalq hunarmandchiligi bilan shug’ullanadi.

Uxum viloyat markazidan 150km va tuman markazidan 50 km uzoqlikda bo’lsada, ekologig turizmni rivojlantirish uchun alohida e’tibor qaratilgan.

Nurota tog’ yonbag’rlarida Jizzax shahridan 150 km, Forish tumanidan 50 km uzoqlikda joylashgan Porasht qishlog’i judayam g’ozal flora va faunasi, qadimiy tarixi, baland cho’qqilari, turizm maskanlari, boy uruf-odat va an’analar, qadriyatlar va marosimlari bilan ajralib turadi.

Porasht so’zi arabcha “Farsh” (uch tomoni baland tog’ va o’rtasi tekis bo’lgan joy) degan ma’noni beradi. Sog’diycha “Porasht” (qal’a tubi) qo’rg’on degani. “Porasht” so’zining lug’aviy ma’nosini professor Mahmud Nurnazar “Porasht” so’zi sug’diycha “qal’aning oxiri, tubi” degan ma’noni beradi deb yozgan. Qadimgi Porasht hozirgi joyda emas, balki Yuqori Soyning darasida joylashgan. Qo’rg’onlar qoldiqlari, qadimiy uylar va bog’lar, toshdan yasalgan o’ymakorliklar mavjud va ba’zi ma’lumotlarga ko’ra XVII asrdan buyon u yerda hech kim yashamaydi.

Rivoyatlarga ko’ra hozirgi Porasht o’rnida ko’l qamishzor bo’lgan. Buxoro xoni Abdullaxon II (1534-1598) lashkari bilan dashtdan o’tayotib bu zaminda dam oladi. Qaytayotib bu yerlarni bir qarovulbegiga in’om etadi. Qarovulbegi o’z odamlarini Buxorodan olib kelib bu joylarni obod qiladi. Aytishadiki Porashtliklar uch urug’dan iborat: qishloqning tuv aholisi, qarovulbegi yaqinlari (Buxorodan kelgan

odamlari) va mahmadzamonliklar. Bu albatta ilmiy asoslarga ega emas va Porasht aholisi shevasi Buxoro shevasidan farq qiladi.

Porasht qishlog'i hozirgi kunda zamonaviy turizm sohasida o'ziga xos yo'nalishlarda ishlar olib bormoqda. Tabiiy flora va faunasi, qadriyat va milliyligini turistlarlarga namoyish eta olayabdi. Porashtda mahalliy aholi o'tovlar va uy-mehmonlarxonalar qurib turistlarni qabul qilishmoqda. Zamonaviy turizm rivojlanayotgan davrda chet elliklarga va yurtimiz aholisiga Porasht haqida ko'proq ma'lumotlar berish va tanishtirish kerak. Bunda qishloqdagi sharoitlarni ham yaxshilash, zamonaviy internet vositalari bilan ta'minlash va texnika vositalari bilan ta'minlash kerak!

Porasht qishlog'ining tarixiy yodgorliklari: Suxchi Abdulloxon, Sultonteppa (XVI asr) va uch masjid (Mullodehqon, Arabboy va Mergonsulolasi) mavjud. Jome masjidi XX asrning boshlarida qurilgan.

Porasht qishlog'idagi asosiy suv manbalari Musoboy, Navro'zboy va Domullo buloqlari hisoblanadi.

Porashtning boshqa qishloqlardan farqi shundaki qishloq daraning chiqish qismida joylashgan va shimol tomonga cho'zilgan. Mahalliy aholi shamol yoki muz shamoli deb ataydigan shamol esadi.

Birinchi yangi tipdagi boshlang'ich maktab 1928-yilda Porashtda, 1936-yilda yeti yillik maktab va 1968-yilda o'n yillik o'rta maktab tashkil etildi. Qishloqdagi 13-sonli o'rta maktab dastlab Rudakiy nomiga, so'ngra Jonibek Quvnoq nomiga qo'yilgan.

Porashtda 1950-yildan buyon kutubxona ishlab kelmoqda. Nurota tog'larini tomosha qilish va Nurorta qo'riqxonasi dunyosini tomosha qilish uchun tobora ko'p sayyohlar borar ekan, Porasht qishlog'ida oilaviy kompaniya "Porasht" mehmonhonasi ochildi.

Zamonaviy turizm rivojlangan davrda Porasht qishlog'ida ham uy-mehmonxonalar tashkil etilib ularda quyidagi dasturlar bor:

- Milliy taomlar tayyorlash va tandirda non yopishni tomosha qilish va yordam berish mumkin;
- Mavsumga qarab to'ylar va ko'pkari o'yinlarini tomosha qilish mumkin;
- Folklor uyushtirib milliy-madaniy urf-odatlar, kuy qo'shiqlardan baxramand qilish;
- Hududdagi chorvachilik bilan tanishmoqchi bo'lsa, chorvachilik bilan shug'ullanadigan fermer xo'jaliklariga olib borish.

Porasht qishlog'ining yuqori qismida va to'rt tomoni to'glar bilan o'ralgan go'zal tabiatiga ega Asraf qishlog'i joylashgan. Aholi dehqonchilik va bog'dorchilik, hunarmandchilik va chorvachilik bilan shug'ullanadi. Asraf qishlog'i tarixi m.a.

asrlarga borib tarqaladi. Ular yunonlar tomonidan Zarafshon vodiysidan shu yerlarga ko’chirilgan so’g’diylardir. Qishloqda Azizmurod va Abdulla Nayman buloqlari mavjud.

Zamonaviy texnologiyalar asrida yashar ekanmiz bu kabi boy tarixga va go’zal tabiatda ega qishloqlarimizda zamonaviy turizmni rivojlantirsak sayyohlar oqimi ko’payadi.

Foydalangan adabiyotlar ro’yhati:

1. Aqchayev F. “ Jizzax vohasi muqaddas qadamjolari va ziyoratgohlari”- Toshkent.:2020-yil
2. Hakimov Q. “Forish tijiklari: Hududiy joylashi va ayrim etnogeografik xususiyatlari” SamDU.-Samarqand.:2020-yil
3. Maxmudi Forishi. Tojikoni Forish.-Guliston.:2000 yil
4. Sharipov A. Forish: Odamlar va udumlar.-Samarqand.: “Turon nashr”, 2020 yil
5. Tolipov F.S. Nurota vohasi aholisi oilaviy turmish tarzida jamoa an’analari.- Toshkent.:2006 yil
6. Jizzakh Tourism internet sayti

ГЛОБАЛЛАШУВ: МАНФААТЛАР ВА ЗИДДИЯТЛАР

З.Миркомилова - ЖДПИ катта ўқитувчиси

Глобаллашув ва у билан боғлиқ муаммолар ҳозирда кўплаб олимларнинг тадқиқот марказидадир. Турли олимлар бу муаммоларнинг маълум қирраларини ўрганмоқдалар, аммо ҳали унинг тадқиқ этилмаган томонлари ҳам мавжуд. Умумсайёравий муаммолар инқирозларининг натижаси эканлигини илмий томондан олимлар тўлиқ исботладилар ва уни қуйидагича таҳлил этдилар. “XX-асрнинг ўрталаридан инсоний иқтисодий, ижтимоий, демографик, экологик, маданий инқирозга дуч келди. Чорак аср ўтмасдан бу инқироз умумумсайёравий, умуминсоний глобал воқеликка айланди”²⁴. Глобал муаммоларнинг келиб чиқишига инсониятнинг ўзи асосий сабабий омил эканлиги, Э.Кан, Э. Тофлер, А.Печчей, Д. Медоуз, Ян. Ченберген, Р.Робертсон каби олимларнинг илмий изланишларида ўз тасдиғини топган. Оғриқли муаммолар сирасига маънавий тизимдаги зиддиятлар ҳам киради.

Жамиятнинг маънавий соҳасида ҳам глобал зиддиятлар мавжудлигини, унинг замирида субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг фақат моддий манфаатларга асосланганлигини, шу билан бу ғаразли мафкуравий таъсир муаммосини ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини ҳурматли биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қарашларида ҳам учратамиз: “Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”²⁵.

Д.Медоуз маънавий инқирозлар, мафкуравий таъсирлар, субъектлар ўртасида носоғлом муносабатлар, хилма-хил эҳтиёжлар манфаатлар каби тушунчаларни ўрганар экан бу жараёнларни синергетика категорияси билан бевосита алоқадор эканлигини таъкидлайди. Қизиғи, инсоният бирор кашфиётга эришар экан чексиз қувонади, бу ҳақда бутун дунёга бонг уради, сўнг назарий таҳлиллар асосида амалиётда қўллайди, шунингдек эҳтиёжлар кетма-кет юзага кела бошлайди, улар моҳиятан ё яхшилик, ёхуд ёмонликка асосланиши мумкин. Бу инсониятнинг донолиги ёки бетизгин нафсга эғалигидан далолат беради.

Синергетика таълимоти: бутун сингари ҳар бир бўлак ҳам тараққиётда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ва улар орасида узлуксиз алоқалар

²⁴ Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – Б. 3

²⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б.113

мавжудлигини таъкидлайди. Ушбу таълимотлар қадимги италиялик файласуф Зенон, қадимги юнон олими Платон, миллатимизнинг буюк алломалари Форобий, Ибн Сино, Мавлоно Жалолиддин Рўмий, инглиз олимлари Адам Смит, Адам Фергустон, Чарлиз Дарвин, Девид Боми, П.Хакен каби илм намоёндалари томонидан ўрганилди ва таҳлил этилди.

Бу замонамизнинг буюк илмий ютуғи эди. Инсоният ундан оқилона фойдаланиб, эзгуликларга эришди, афсуслар бўлсинки таълимотга нотўғри ёндашувлар ҳам бўлди ва охир оқибат турли зиддиятларга дуч келди. Синергетикада “Артефакт”, яъни сунъийлик мавжуд бўлиб, у доимо объектив қонуниятларга мос бўлиши зарур: “Аксинча, сунъий алоқадорликлар асосида яратилган нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларга зид ҳолда шаклланган бўлса, улар амалиётда ўз тасдиғини топа олмай, инсон тафаккурида ҳаёлий нарса ёки ҳодиса бўлиб қолаверади. Уни мажбурий равишда амалга оширилса у муваффақиятсизликка учрайди”²⁶. Бу қарашнинг ҳаққонийлиги амалда ўз исботини ҳозирги кунда яққол топди. Мақсадимиз тараққиётнинг юқори чўққисига чиқиш бўлиб, моддий манфаат ва эҳтиёжларни биринчи ўринга қўйдик, зўрма-зўраки сунъийлаштиришимиз муносабатларнинг зиддиятлашуви, алал оқибат иқтисодий муаммоларнинг юзага чиқишига, аниқроғи: “Иқтисодиётнинг глобаллашуви умумсайёравий тараққиётни англатмайди; у бир вақтнинг ўзида бир неча мутараққий қудратли давлатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ўртасида зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда”²⁷.

Жамиятимизни тирик организм сифатида қарасак, бир органдаги касаллик бутун танани қамраб олганидек, иқтисодий зиддиятлар бошқа ҳамма соҳаларда ҳам муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ўзаро таъсирини юзага келтиради.

Сайёрамизда маънавий муаммолар мавжудлигини, уларнинг анча чуқурлашиб ва тармоқлашиб кетганини биламиз. Моддий муаммоларни бартараф этиш маънавий муаммоларга нисбатан қисқа вақтни ўз ичига олади.

Маънавий соҳани мувозанатлаштириш жуда қийин ва қанча вақт зарур бўлиши субъектлар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шу ўринда субъектларга тўхталсак, уларнинг миқдори ва тури жуда кўп. Илмий ва оммабоп нашриётларда субъектлар фаолияти, маънавий зиддият, маънавий инқироз, мафкуравий таҳдид, мафкуравий иммунитет каби тушунчалар атрофлича илмий таҳлил этилмоқда. Глобаллашув таъсирида янги субъектлар юзага келди; халқаро валюта жамғармаси, жаҳон банки, ЮНЕСКО, халқаро меҳнат

²⁶ Зиёмухаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: “Тиб-китоб”, 2009. – Б. 49

²⁷ Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – Б.7

ташкilotи, трансмиллий корпорациялар,”катта саккизлик” “яшиллар” ҳаракати ўртасида ниҳоятда мураккаб муносабатлар бор. Субъектлар ўртасида соғлом муҳит доимо ҳам мавжуд деб айта олмаймиз.

Юқоридаги категориялар жамият маънавий зиддиятларини тавсифлаш учун энг асосий омиллардир. Маънавий ва мафкуравий муаммолар жуда мураккаб, ҳамда нозик бўлиб: “Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, бунинг сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”²⁸.

Ҳозирда уч дунё мамлакатлари бўлиб, улар ўртасида муносабатлар доимо ҳам толерантликка асосланган бўлади деб айта олмаймиз.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ёш мустақил Ўзбекистон давлатида маънавий соҳадаги ўзгаришлар босқичма-босқич бўлаётганлигини ифодалаш зарур.. Жами таҳлиллар маънавий бухронлар манфаатларига узвий боғлиқ эканлигини курсатади, демак, сайёрамизда турли субъектлар манфаатларга таяниб таҳдид қилиши мумкинлигини доимо ёдда тутиш лозим.

Муаммо мавжуд, ундан холис бўлиш учун усул, воситалар ва турли йўллар аниқланди,вазифалар белгиланди: “Бироқ вазифани белгилаб олиш бир масала, уни уйддалаш, бажариш бошқа масала. Маънавиятга келганда, бутун бир муаммолар мажмуасини ҳал этиш зарурки, Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислам Каримов истиқлол мафкурасини ва миллий ғояни шакллантиришни улар орасида энг муҳими, деб ҳисоблаганди (ва бунга қўшилмасдан бўлмади)”²⁹. Ўзбекистон давлатини бўлак, сайёрамизни бутун сифатида қарасак, улар ўртасида узвий алоқа бор, демак, уларнинг бирортасида маълум муаммонинг ҳал этилиши бошқа зиддиятларнинг ечимини топиш учун калит вазифасини ўташи аниқ. Менинг назаримда, барча маънавий муаммолар ва субъектлар орасидаги зиддиятларнинг ҳал этилиши, мафкуравий таъсирларнинг барҳам топиши учун асосий омиллар мавжуд бўлиб, улар таркибига қуйдагиларни киритиш зарур деб ўйлайман:

-Ўзбекистон мустақил ёш давлат. Том маънодаги озодликка эндигина ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мушарраф бўлди. Мустақиллик барқарорлиги, мафкура теранлиги, бой маънавиятга эга бўлиш учун, албатта, чуқур билим зарур. Зеро: “...соғлом инсон мияси табиий эҳтиёжини сезиб туради... Билим инсон онги ва руҳининг озукасидир”³⁰. Билимли инсонлар онги ва

²⁸ Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б.113

²⁹ Исламов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б.179

³⁰ Зиёмухаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: “Тиб-китоб”, 2009. –Б. 24

тафаккурисиз, давлат ва миллат равнақ топмайди. Менинг назаримда, бирор муҳим нарсани билмаслик – бу фикрий қашшоқликдир. Билимнинг саёз бўлиши ўзаро ишончининг йўқолишига, кўрқувнинг пайдо бўлиши ва чуқурлашишига, мафкуравий иммунитетнинг заифлашувига олиб келади. Иммунитети паст организм касалликка тез чалинганидек, давлат ҳам ёт ва чет ғоялар таъсирига тушиб қолади, алал оқибат бу фаровонлик ва бахтдан мосуво бўлишга сабаб бўлади. Фақат теран ва ҳаққоний илм асосида инсон кенг ва тўғри мушоҳадага, қиёслашга, тараққиётга эга бўлади: “Авесто”да таъкидланганидек, одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро курашда яхшилик тантанаси ҳамда эзгулик ғолиблигини таъкидлашга одамларда маънавий қудрат, ижобий рағбат ва рухий даъваткорлик вазифасини ўтайдиган нарса бу билим яъни ҳақиқатдир”³¹. Давлат фуқароларида чуқур билимларнинг шаклланишига эришиш жамики ютуқларнинг асосий омили бўла олади. Диний ва дунёвий билимларнинг теранлиги ҳар бир шахсга воқеа-ҳодисаларни тўғри англаш омили, уларни объектив таҳлил этиш имконини беради.

Четдан келаётган ҳар бир ахборотни тўғридан-тўғри қабул қилмай, балки чуқур билимга таяниб тафаккурида гуёки синтезлаштиради, нотўғри фикрларга қарши дунёқараш шаклланади, фикран ҳақиқат учун кураш жараёни кечади, жаҳондаги субъектлар ўзаро алоқада чуқур билимга эга бўлганигина ўз ўрнини топа олади, уни мустаҳкам эгаллайди, ниҳоят, ўз мустақил анланган фикрини дадил баён этади, керак бўлса уни бошқаларга ҳам тан олдиради. Бу маънавиятни юксак бўлишига, миллий кадрятларнинг ворисийлигини таъминлашга, оммавий маданиятнинг салбий таъсирини олдини олишга, нафақат мафкуравий иммунитетнинг барқарорлигини, балки ўзликнинг басаломат бўлиши, иймоннинг бутунлигига олиб келади.

Ҳалқнинг ахлоқий, маънавий, миллий кадрятлари айнан билимлар билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Масалан, Киото Университетининг фахрий профессори, “Кесэра” компанияси президенти К.Инамури 1995-йилда чоп этилган “Фалсафага қайтиш. Капитализмнинг маънавий қиёфаси” номли китобида замонавий капитализмнинг маънавий ахлоқий инқироzi ҳақида тўхталиб, фақат азалий миллий кадрятларни тиклаш асосида ва уларга таянган ҳолдагина жамиятдаги муҳитни соғломлаштириш мумкин экани тўғрисидаги билдирган фикри чин ҳақиқатдир.

Демак, давлатимизда миллий маънавиятни, ўзликни англаш учун асл кадрятларни билмоғимиз, тараққиётдан ортда қолмаслик учун замонавий

³¹ Зиёмуҳаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: “Тиб-китоб”, 2009. – Б. 24

педагогик технологиялардан самарали фойдаланишимиз зарур. Аммо фаолиятимизга маъсул бўлишимиз, янги педагогик технология деб, қисман нисбий ўзгариш ясаб, аслида ахборот етказиш усулидан воз кечмаётган ҳолатларимиз ҳамон мавжуд. Ҳар бир ҳаракатларимизни англаб, чуқур билим асосида, миллий кадриятларимизга таяниб, менталитетни ҳисобга олган ҳолда ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланишимиз лозим. Бу онглилик даражасининг ўсишига ёрдам беради ва ҳуқуқий давлат куриш учун асосий омил булади: “Ҳа, бугун инсониятнинг идрок қилиш даражасига таъсир эта оладиган савиядаги онг керак. Бугунги жамиятимизда онгсиз одам ютқазади. Онгсизлик нима ўзи? Бу ўзининг, жамиятнинг ва ўзи мансуб бўлган замоннинг ҳолидан беҳабарликдир”³². Дунёдаги жамики давлатлар тўғри фаолият олиб бориши зарур. Зеро, мафкуравий таҳдидни қурол қилиб, ўз манфаати учун ҳар қандай разилликдан қайтмаётган субъектлар, афсуски, мавжуд. Уларнинг ҳаракати АҚШ - Ироқ, Афғонистон, Яқин Шарқ, Россия, Украина можаролари, турли диний оқимлар ўртасидаги кескин курашларнинг келиб чиқиши, занжирли давом этиши, глобал муаммоларнинг кескинлашуви, уч дунё мамлакатлари орасидаги фарқни кучайишига сабаб бўлмоқда. Уларнинг аксарияти билатуриб разил қадамларини ташламоқда, шу билан аслида ўзларига ҳам чоҳ қазимоқдалар. Ёш Ўзбекистон давлатимиз халқи билимли, миллий кадриятларга содиқ, ахлоқли бўлса, маънавияти ҳам ривож топади, ҳуружларга қарши кураша олади. Масаланинг яна бир томони халқимизнинг 60 %ни айна ишга лаёқатли ёшлар ташкил этади, шунинг учун уларни билимдан ташқари, касб-хунарли бўлиши узлуксиз иш билан таъминланишига эришишимиз зарур. Қишлоқ фаровонлигини ошириш айнан шу ёшларга бориб тақалади. Банклар ёшларни ишлаб чиқаришга жалб этиш учун молиявий узлуксизлигига эришиши, жойлардаги ҳокимият бўғинидагилар уларга ижтимоий-маънавий ёрдам кўрсатишлари, фаолиятларини меъёрий бўлишига кумаклашиши ва зинҳор улардан “Юлғичлик” билан фойдаланмасликлари, бунинг учун ҳокимият ҳуқуқ органлари ва банк тизимли фаолият олиб боришлари керак. Ҳорижий инвестициялар жалб қилиниши лозим. Миллий кадрлар тайёрлаш тизимини изчил давом эттириш эса чин маънода эркин фикрнинг шаклланишига олиб келади. Немис классик файласуфи И.Кантнинг бу ҳақидаги қарашларини: “...ҳеч ким мени ўзи хоҳлаганидек (бошқалар фаровонлигини ўзи тасаввур этганидек.) бахтли бўлишга мажбур эта олмайди; ҳар бир инсон ўзи тўғри деб тасаввур этган йўлдан бориб, ўз бахтини излаб топишга ҳақли, бунда ҳар бир инсоннинг ўз ҳолича эркинликка эриша олиши

³² Очилдиев А. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Ислон университети, 2007. – Б.41

мумкинлиги ҳақидаги умумий қонуниятга зиён-заҳмат етмаслиги лозим”³³, - объектив тарзда миллатимиз онгига сингдиришимиз долзарб вазифа деб ҳисоблайман. Бу уларга терроризмнинг туб моҳиятини тўғри англашга олиб келади.

Шунингдек, юқоридаги барча фикрлар жамланса, иқтисод ва маънавиятнинг узвий боғлиқлиги ҳамда таъсирини яққол намоён этади. Чуқур билим, малака, эркин фикрлаш, миллат равнақи учун маъсулиятли ва фидокор бўлиш, кўрқоқлик ва сусткашликни бартараф этиш, доимий меҳнат билан банд бўлиш фаровонлик ва тўқисликка олиб келади. Ўзликни англаш, инсон қадрини таъминлашга олиб боради, булар асносида турли субъектлар, улар яқка шахс, ташкилот ёки давлат бўлишидан қатий назар, ўрталарида соф маънавий мулоқотнинг ўрнатилишига ёрдам беради, бу ўз навбатида глобал муаммолардаги маънавий-мафкуравий зиддиятларнинг барҳам топишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу том маънодаги инсонпарварликнинг ўзидир.

³³ Кант И. Сочинения на немецком и русском языках..Т. 1. - М.: 1994. – С. 285

МИЛЛИЙ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

С.Музаффаров – ЖДПИ тадқиқотчиси

Миллий маънавият тарғиботида оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Айниқса, бугунги техника асрида ҳар куни, ҳар дақиқада радио, телевидение, интернет сайтлари орқали дунёдаги барча янгиликлардан воқиф бўлиб турибмиз. Хохлаймизми, йўқми, оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарқатилаётган турли бузғунчи ғояларга ҳам дуч келиб турибмиз. Бузғунчи кучлар ўз ғоя, мафкураларини ҳар кун ва ҳар дақиқада оммавий ахборот воситаларидан тарқатмоқдаларки, мамлакатимизнинг энг чекка кишлоғига ҳам у бемалол етиб бормоқда. И.Каримов айтганидек, “Бугун глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ҳаёти ва истиқболини замонавий ахборот коммуникация технологиялардан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Инсон тафаккурининг меваси бўлган мазкур интеллектуал ресурслар изчил тараққиёт омилига, билим ва ахборот манбаи ҳамда фаол мулоқот воситасига айланган. Айни патда ғаразли кучлар улардан ҳам ўз мақсадлари йўлида устамонлик билан фодаланмоқда”³⁴.

Бузғунчи кучлар ўзларининг инсонларни ўзлигидан, миллий хусусиятларидан айиришга қаратилган ғояларини оммавий воситалар орқали жуда чиройли, ҳар қандай одамнинг диққат–эътиборини торта олиш даражасида тарқатиш орқали, айниқса, мурғак, ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган ёшларни ўз мухлисларига айлантirmoқдалар. Бугунги ёшлар аввалги ёшлардан кескин фарқ қилади. Улар кўрган, эшитган ва ўқиган янгиликни амалда синаб кўришга ўч. Аслида бу ёшликка хос хусусият. Бунини яхши билган бузғунчи кучлар ўзларининг манфур ниятларини усталик билан ёшлар қалбига сингдиришга киришиб кетган, улар бу йўлда ҳар қандай усул, восита, маблағни аяётганлари йўқ. Бу ишларга махсус мутахассислар жалб этилаётгани берилаётган ахборотнинг янада мукамал ва чиройли чиқишига олиб келмоқда, бугун баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфилм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда халқаро интернет тармоғида 4,2 миллионга яқин порнографик, инсон ва жамият тинчлиги учун хавфли маълумотлар (курол, наркотик моддалар олди-сотдиси, инсонларни ўз жонига

³⁴ Каримов И.А. Мустақиллик – барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам меъзонидир. – Т.: “Ўқитувчи”, 2013. –Б.84

қасд қилишга даъват қилувчи, терроризм ва экстремизм ғоялари) тарғиботига мўлжалланган веб-сайтлар мавжудлиги аниқланган. Бу кўрсаткич жами интернет саҳифаларининг 12%ни ташкил этар экан. Халқаро экспертлар дунё микёсида 38% бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26% бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровларга кўра, Интернетдан фойдаланадиган 90 фоиз болалар ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60% эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди³⁵. Бундан ташқари, ахлоқий бузуклик, зўравонлик, эгоцентризм, аёлларнинг ичкилик ичиши, порнографик маҳсулотларни тарғиб қилиш, тамаки чекиш, баданига турли татуировкалар чизиш, бир жинсдаги кишиларнинг турмуш қуришини тарғиб қиладиган сайтлар, саҳифалар ҳам кўпайиб бормоқда.

Шу боис ҳар бир мамлакат ўз миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Миллий ахборий хавфсизлик тушунчаси ҳар бир инсоннинг, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ўз ичига олади. Ҳар бир инсон хавфсизлиги деганда унга шахс сифатида зарар етказиш мумкин эмаслиги тушунилади, унинг ижтимоий фаолияти олаётган ахборотларни идрок этишга ва бошқа инсонлар билан ахборий ўзаро алоқага кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар ҳуқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамига узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Очиқ ахборот тизимлари асосан: ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарздаги нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва ведеомаҳсулотлардир. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВ лари бўлиб, вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио, видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистика ҳисобланади. ОАВ очиқ ахборот тизимининг муҳим асосий қисмини ташкил этади.

Жамият қанчалик ахборотлашса, унинг миллий манфаатларига хизмат қиладиган ахбороти шунчалик устувор даражада бўлади. Бундай ахборот ўзга ахборотлар таъсирини пасайтиради, таъбир жоиз булса, уни йўққа чиқаради³⁶.

³⁵ Тарозининг икки палласи // «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси. – 2012. – 22-июн.

³⁶ Набиева А. Ахборотлашганг жамиятда ОАВнинг ўрни //Моҳият .– 2008. – 26 сентябрь

Жамият ҳар қанча ахборотлашган бўлишига қарамай баъзи кишилар тўғри, ҳаққоний ахборот ўрнига турли олди-кочди, салбий ахборотларга ўзгача эътибор билан қарайдилар. Баъзи давраларда «мен Ўзбекистон телевидениесини кўрмайман», «ўзимизнинг газеталарни ўқимайман» деб юрганлар ҳам йўқ эмас. Таассуфки, шундай кимсалар «эҳтиёжи»ни яхши англаган баъзи хорижлик устамонлар атай уларбоп ахборотларни қалаштириб ташлашга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларини гўё ҳақиқатни ошкор этаётгандек қилиб кўрсатиб, аслида чиройли ниқобланган ахборот хуружини усталик билан амалга оширадилар. Бу билан соддадил кишиларни, ишонувчан ёшларни аврашга уринадилар.

Бу хатти ҳаракатлар негизида қандай мақсадлар ётгани сир эмас. “Ҳар томонлама чуқур ўйланган, катта молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида қандай мақсадлар турибди, улар учун бу қадар кўп куч ва маблағ сарфланаётганини қандай изоҳлаш мумкин, бу ҳақда нега айнан бугун сўз юритишга, жамиятимиз, халқимиз эътиборини бу муаммога қаратишга мажбур бўляпмиз, деган саволлар кўпчилиكنи қизиқтириши табиий, албатта”³⁷.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича “дунё ахборотининг 80%ини Лондон, Париж ва Нью-Йоркка тўғри келади. Индустриал мамлакатлар сунъий йўлдош орқали олинadиган илмий ва техник ахборотни, саноат, тижорат, банк, савдо операцияларига тегишли ахборотни ҳамда табиий ресурслар ва иқлимга оид ахборотни тўлиқ назорат қиладди. Бундай номувофиклик, шунингдек, фильмлар, радио ва китобларда кузатилади”³⁸. Натижада ахборот-коммуникация соҳасида ортда бораётган аксарият давлатларнинг “ахборот қарамлиги” кузатилмоқда.

Табиийки, ҳар бир давлат ўз ахборот ҳудудини ўзи ташкил этади. Бошқа давлат томонидан ушбу мамлакат ҳудудида интенсив равишда ахборот тарқатиш ахборий хуруж ҳисобланади, бундай ҳаракат ушбу давлатни ўз ахборий маконини ҳақли равишда ҳимоя қилишга ундайди.

Маълумки, инсоният ривожланишининг «учинчи тўлқин» босқичида давлатларнинг асосий бойлиги ахборотдир. Демак, ҳар бир мамлакатга ахборот билан ишлайдиган мутахассислар ҳам керак. Одатда бундай одамлар сифатида журналистлар тилга олинади.

ОАВ ахборот-психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида. Афсуски, айрим ОАВ бугунги кунда шундай воситага айланганлар. Ушбу урушда ОАВнинг ўрнини ва ролини аниқлаш учун энг аввало ахборий-

³⁷ Каримов И.А. Энг асоси мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.:Ўзбекистон, 2009. –Б. 6-7

³⁸ Поченцов Г. Теория и практика коммуникации. – М.: Центр, 1998. –С.315-316

психологик урушни маъносини англаб олишимиз зарур. «Ахборот уруши» сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон ҳисобланади, 1976 йилда у ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф бўғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларни эътиборини қаратди. Шундан бери мазкур сўзларнинг аҳамияти кундан кунга кучайиб келмоқда.

Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир бирига очик ва яширин мақсадли ахборий таъсирларга айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот урушини деб янада рақиб устидан ахборий ҳукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасига айтилади.

Интернетни кўп мутахассислар ҳарбийларнинг ихтироси деб айтади. Аслида эса дастлабки босқичда уни АҚШдаги тўртта университет кашф этди. Мазкур университетлар компьютерларини бир тизимга бирлаштириб, ўзаро кутубхоналаридан фойдалана бошладилар. Пентагон эса бундан тез хабар топди. Ва ихтиронинг имкониятларини ўрганиб, ундан ҳарбий қўмондонликни такомиллаштириш мақсадида олимларни жалб этиб, уларга барча шароитларни яратиб, арпанетни (интернетнинг биринчи номи) ўз мақсадларига йўналтирди. Узоққа бормай ундан журналистлар ҳам фойдалана бошлади. Натижада интернет журналистикаси пайдо бўлди.

Демак, фикр-мулоҳазалар ва маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шахс маънавий ҳаётини ахборотларсиз, уларни тарқатувчи воситаларсиз англаш қийин биз хоҳлаймизми, йўқми уларга, албатта, мурожаат қиламиз. Шахс маънавий ҳаётини юксалтиришда глобаллашувнинг шиддатли тўфони ўз домига тортиб бормоқда. Шунинг учун унга қарши ахлоқий ҳаётнинг асоси бўлган ахлоқий маданият негизларини, унинг тарихий ривожланиш қонуниятларини ишлаб чиқиш, шунингдек миллий ахборот хавфсизлиги масалаларига жиддий эътибор қаратиш ва уни жамиятда белгилаш масалаларини амалга ошириш зарурдир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

*Тоштемирова Саодат Абдурашидовна - Тошкент вилояти Чирчиқ
давлат педагогика институти “Тарих ва ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси*

Ватанимизнинг азалдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи йўлларнинг муҳим қисмида жойлашганлиги унинг илм-фан, савдо-сотиқ, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган замин бўлишига асос бўлди. Бунинг ривожланишида қадимдан минталитетимизга хос бўлган ватанпарварлик, диний бағрикенглик, келажакка интилиш, ўзаро ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан бир қаторда, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро ҳавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериб ўтди. Айниқса, бу ўринда Президентимиз ташаббуси билан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши диққатга сазовордир. Бу резолюция дунё мамлакатларида тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг асоси бўлиб хизмат қилишини, ёшлар маънавиятидаги аҳамиятини раҳбаримизнинг **“Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”**(1), дея таъкидлаганларидан кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам унафақат юртимизда, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам катта эътибор билан қабул қилинди.

Бугунги глобаллашув даврида, экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, мурасасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида маърифат, диний бағрикенглик, таълим-тарбия масалаларини қўллаб –қувватлаш, маънавий муҳитни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу мақсад йўлидадини ва эътиқодий қарашлари турлича бўлган инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш қадриятларини, диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш муҳим саналади.

Хукукий демократик давлатнинг ҳам устувор вазифаси бой тарихимизни, миллий-умуминсоний қадриятларимизни мусулмон оламига хос бўлган фазилатлар хусусиятларини, диннинг асл моҳиятини англаши учун зарур имкониятларни ташкил этишдан иборат.

Мустақиллигимиз шарофати билан асл тарихимиз, диний қадриятларимиз тикланди. Имом Бухорий, Исо Термизий, Хаким Ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиновий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Ахрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний каби даҳоларимиз номи Ислом дини, айна вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган. Уларнинг бизга қолдирган ноёб дурдоналари қайта нашрдан чиқарилди ва бугунги кунда ёшларимизнинг ислом динини туб ва асл моҳиятини англашида, муқаддас Қуръони каримдан кейинги ишончли ёзма манба бўлиб келмоқда.

Ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси маркази барпо этилди. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таърифига кўра, “Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот марказининг асосий фаолияти дунё халқларига муқаддас Ислом динимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларин тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатлараро тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини кенг тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатларининг бирдамлигини, умумий Ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришдан иборатдир”(2).

Ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизими қамраб олади. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя руҳи билан йўғрилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эсаҳар биримиз асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар”(3). Бу мақсад йўлида юртимизда самарали усуллари татбиқ этган ҳолда жамиятнинг энг

кучли ва нозик бўғини ҳисобланган ёшлар таълим-тарбиясини, маънавиятини янада ривожлантириш масалаларига тобора катта аҳамият берилмоқда. Шунинг билан бир қаторда ҳар бир ёш авлод ўз мустақил соғлом фикрига, кучли илмий дунёқарашига, фидойилик, ватанпарварлик, диний бағрикенглик каби фазилатларга эга бўлсагина, глобаллашув жараёнининг зарарли ғоялари, мафкуравий ҳуружлар, таҳдидлар қаршида мағлуб бўлмайди.

Диний бағрикенглик турли динларга эътиқод қилувчи дин вакиллариининг ўзаро ҳамжиҳат, тинч-тотув, ҳурматга асосланган муносабатида, жамиятнинг тараққий этишидаги асосий омиллардан бири эканлигини исботлаб келмоқда. Бугунги кунда ҳалқаро ҳамжамят томонидан ҳам дунёда тинчликни таъминлаш, низо ва таҳдидларни олдини олиш, ёшларни ватан олдида қомил инсон бўлиб етишиш, муросасизликнинг ҳар қандай таҳдидларини олдини олишда бу омил муҳим ўринга эга эканлиги тан олинмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нуткидан.
2. Мирзиёв Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

ШАХСНИНГ ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Каримов Санжар Синдорқулович - ЖДПИ катта ўқитувчиси

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти бевосита шу жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, савияси ва албатта, уларнинг муштарак мақсадлари йўлидаги баҳамжихат фалиятидан келиб чиқар экан, ўзининг аниқ ҳаётӣ мақсадларига эга бўлган ижтимоӣ фаол шахсларни тарбиялаш масаласи бугунги кунда жамиятнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу хусусда тўхталар эканлар юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев - “мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат”(1) деб таъкидлаганлар.

Зеро, ҳар бир индивид шахс сифатида шаклланар экан ўз ҳаётини маълум бир мақсад ва мўлжал асосида ташкил қилди ва фаолиятга киришади. Мақсад ва ҳаётӣ мўлжални амалга ошириш учун керакли восита, тамойил, усуллар танланади ва буларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги борасида ўзича ишонч ҳосил қилиб борилади. Шахснинг бундай ҳаётӣ сценарий асосида ижтимоӣ фаолиятга киришиши унинг жамиятдаги ижтимоӣ роли ва у орқали ижтимоӣ ўрнини белгилаб беради. Бошқача айтганда, шахс фаолияти унинг ҳаётӣ мақсадлари инъикосидир. Шу нуқтаи назардан мақсад ва ҳаётӣ мақсад тушунчаларини ижтимоӣ-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим масалала ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, мақсад тушунчаси асосан психология соҳасига оид тадқиқотларда кенг ёритилган бўлиб, бу тушунчанинг ижтимоӣ, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари батафсил ёритилган бирон бир тадқиқот ишинини ёки бу тушунчага берилган фалсафий таърифни учратиш қийин. Тўғри инсонда мақсадларнинг шаклланиш жараёни унинг руҳий оламида содир буладиган психик жараёнлар билан боғлиқ бўлсада, ҳар қандай мақсад, аввало, шахснинг ижтимоӣлашув жараёни ва жамиятдаги ижтимоӣ муҳит, шунингдек, жамиятдаги қадриятлар тизимининг тасирида шаклланади ва энг асосийси ҳар бир шахс ўзининг ҳаётӣ мақсадига мувофиқ ижтимоӣ фаоллиги орқали ижтимоӣ муносабатларга киришади ва фаолият юритади. Демак, ҳаётӣ мақсад категориясини шахс фаолиятининг асосий детерминанти сифатида ижтимоӣ

фалсафий нуқтаи-назардан ҳам ўрганилиши муҳим ҳисобланади. Қуйида бу тушунчага берилган бази бир таърифларни келтирамиз: “Мақсад инсон онги ва иродасининг махсули бўлиб, субъект иродавий мотивларининг мавҳум шаклидир” (2). Лекин шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мақсад ҳеч қачон мааҳум шаклда бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда унинг орзудан ҳеч қандай фарқи бўлмайди. Яна бир муаллиф: “Мақсад бу инсон онгли фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларининг муҳим элементи бўлиб, фаолият натежаларининг аввалдан фикран режалаштирилишини ифодалайди” (3) деб таъриф беради. Шунингдек, мақсадга инсон рўёбга чиқаришга ҳаракат қилувчи тасаввур; кишилар эришишга ҳаракат қилувчи якуний истак, интилиш, таҳмин сифатида қараш ҳоллари ҳам куп учрайди.

Дарҳақиқат, мақсад инсон тафаккурининг махсули, аммо, у инсон тафаккурининг бошқа махсуллари булган оддий фикр, таҳмин, ғоя ва тасаввурлардан фарқли равишда қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

Шахсийлик, аниқлик, аниқ вақт билан чегараланганлик, аниқ режага асосланганлик, илҳомлантира олиш, вазифаларнинг белгиланганлиги ва шу кабилар. Юқорида қайд этилган жиҳатларни умумлаштирган ҳолда мақсад тушунчасига қуйидагич тариф бериш мумкин:

Мақсад инсон маънавиятида энг муҳим ўрин тутувчи ақлий тафаккурий ҳодиса бўлиб, инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натежаси, келажакнинг лойиҳасидир.

Шахс фаолиятининг энг узоқ муддатли мулжалларини ифодаладиган, ҳаётининг мазмунини ташкил этадиган энг биринчи даражали мақсадлар эса ҳаётӣй мақсадлар дейилади.

Ҳаётӣй мақсад-инсон ўз ҳаёти давомида амалга оширишга интиладиган энг асосий мақсад бўлиб, инсон фаолияти йўналишини белгилаб берувчи, унинг ҳатти-ҳаракатлари ва интилишларини йўналтирувчи, келажаги ва юксалишини белгиловчи маънавий омилдир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инсондаги барча эзгу ғоялар муайян ҳаётӣй мақсад асосида шаклланади ва бутун халқни ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Жамиятда ялпи фаравонликка, умумий тараққиётга, барчани эзгуликка бошловчи, халқни халқ, миллатни миллат қилишга асос бўлувчи маънавий-мафкуравий ташаббусларни юзага келишини ҳам ҳаётӣй мақсад белгилайди. Шунинг учун ҳам, ёшарда ҳаётӣй мақсадни шакантириш масласининг шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги ўрни ҳар жиҳатдан аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан ҳам, бугунги кунда Юртимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, жамият ҳаётини демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёни жамиятнинг

табиатига, моҳиятига мос шахсни вояга етказишни устувор вазифа сифатида белгилаб берар экан, ҳар қандай шахсни эмас, балки ўзининг аниқ ҳаётий мақсадларига эга бўлган ва бу йулда оғишмай ҳаракат қила оладиган шахсларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, Президентимиз Ш. Мирзиёев айтганларидек, “фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди”(4).

Бу жараёнда айниқса, шахс тарбиясининг бевосита таркибий қисми бўлган ёшларда аниқ ҳаётий мақсадларнинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.. Зеро, инсон ҳаётининг маъноси, бугуни ва истикболи муайян мақсад асосида кечади. Негаки, инсон фаолиятини ҳаётий мақсадсиз тасаввур этиш қийин. Ҳаётий мақсаднинг шахс баркамоллигига таъсири масалалари имий доирларда махсус ўрганилмаганлиги сабабли, шахс камолотида ҳаётий мақсаднинг ўрнини асослаш орқали ёшлар ижтимоий қиёфасини шакллантиришга йўналтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Мазкур мавзунинг тадқиқ этишнинг долзарблиги кундалик ҳаётда фаоллашиб бораётган маданий-мафкуравий таҳдидларнинг энг ҳавфли шакли бўлган оммавий маданиятга қарши курашда мустаҳкам негизни ташкил этувчи ҳаётий мақсадни тарбиялаш услубларини яратиш билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида ислохотлар муваффақиятини белгиловчи шахс ва унинг ҳаётий мақсадини илмий-назарий асослаш ва бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, шахс маънавий камолотида ва ижтимоий фаоллик жараёнида ҳаётий мақсадни шакллантиришнинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатларини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига табриги. <http://uza.uz/oz/politics/barkamol-avlod-sport-yinlari-atnashchilariga-25-05-2017>
2. Абулханова К.А. Психология и сознание личности. М. Мысл, 1999. 224с.
3. Болототова А.К. Психология временной организации деятельности. Автореф. докт. дисс. психол. наук. М., 1995. 14с
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожатномаси. Press serves. uz

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

*А.Э.Зиётова - СамДАҚИ катта ўқитувчиси,
Э.А.Бозоров - СамДАҚИ талабаси*

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи “хавф-хатар, хуруж ва бузиш” маъноларини англатади(1). Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлардан мақсад: биринчидан, шахснинг маънавий-ахлоқий оламини бузиш; иккинчидан, ўз ватани ва жамиятига нисбатан ёвузлик фикрини уйғотиш; учинчидан, миллий ахлоқий қадриятларни айнитиш; тўртинчидан, ўзгалар жамиятини идеал деб билиш кўникмасини ҳосил қилиш; бешинчидан, зарарли одатларга хуруж қўйишдир. Дикқат қилсак, маънавий таҳдидларнинг барча тури носоғлом турмуш тарзи билан боғлиқлигига ва у мафкуравий нуқтаи назардан энг хавфли омил эканлигига амин бўламиз. Чунки, унинг негизини шахс тарбиясини издан чиқаришга қаратилган ғоя ташкил этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда маънавий таҳдидлар қуйидагича иллатларни тарғиб қилаётгани намоён бўлмоқда: худбинлик, нопоклик, нафс қутқусига учиш, хузур-ҳоловатга берилиш, енгил-елпи умр кечиришга даъват, гиёҳвандлик, мутаассиблик, тажовузкорлик, молу-дунёга ўчлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни эскилик сарқити деб деб қараш, лоқайдлик, маҳаллийчилик, ҳасадгўйлик, бахиллик, сотқинлик, иродасизлик ва х.зо.

Глобаллашув яратаётган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мафкуравий марказлар фойдаланмоқдалар(2). Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий

йўқотишлар, миллатимизнинг асрий қадриятлари, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига хавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Агарда масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан холи бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади.

Лунда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилганлиги билан айниқса хатарлидир.

Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларни йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътиборда эканлиги кишининг кўнглига таскин беради. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлгани каби глобаллашув жараёни ҳам салбий ижобий моҳият касб этаверади. Профессор С.Отамуродов глобаллашувнинг ижобий жиҳатларига тўхталар экан, “кўпгина мамлакатларга фан техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, халқлар турмуш тарзининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда”, деб таъкидлайди(3).

Глобаллашувнинг миллий маънавиятга кўрсатаётган ижобий таъсирлари тўғрисида билдирилган фикрларни умумлаштириб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

-маданий алоқалар ва муносабатларнинг глобаллашуви, бир ҳудудда янги маданий ва маънавий қадриятларни, санъат турларининг вужудга келишига сабаб бўлади, бу эса миллий маънавият таркибини янада бойиб боришига олиб келади;

-иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви мамлакатлар моддий ҳаётини яхшилашга кенг йўллар очиб беради ҳамда фуқаролар фаровонлигининг таъминлашига имкон беради;

-фан ва техника соҳасининг глобаллашуви миллий маънавиятнинг асоси бўлмиш миллий интеллектуал салоҳиятни кучайтиради;

-сиёсий-мафкуравий соҳаларнинг глобаллашуви умумжаҳон маънавий муҳитни ривожланишига замин яратади, бу эса миллий маънавиятни янада такомиллаштиришига асос бўлади.

Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнларининг миллий маънавиятга кўрсатаётган салбий таъсири хусусида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

-демогرافик кўчишларнинг айрим ҳудудларда ҳаддан зиёд ошиб кетиши маънавий таъсирлар оқимини ҳам ошишига олиб келади, бу ҳолат шу ҳудуддагимиллий маънавиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади;

-умумжаҳон миқёсида маънавий-маданий неъматларга эҳтиёж ривожланган давлатлар талабига кўра шаклланиши миллий маънавиятга бир қутбли таъсирини кучайтиради;

- трансмиллий компаниялар маҳсулотлари дунё бўйлаб тарқалиши маънавий таъсирлар ташувчиси сифатида, айниқса жамият келажаги бўлган ёш авлод дунёқарашида шаклланиши ўз миллий заминлари ҳисобига эмас, балки унга зид бўлган “оммавий маданият” ҳисобига ривожланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида миллийликнинг барбод бўлиш жараёнини тезлаштиради;

-сиёсий-мафкуравий муносабатлар кескинлашуви, бу борадаги рақобат дунё сиёсий манзарасида моддий фан, техник, технологик имкониятлари юксак тараққий қилган мамлакатларнинг маънавий устуворлигини таъминлашга, бу ўз навбатида, миллий маънавиятнинг емрилишига олиб келади.

Буларнинг олдидини олишда биринчи навбатда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни, Ватанни севиш ва маъсулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, шу билан бирга андиша, ғурур, ор-номус, улуғларга ҳурмат, муросачилик принципига асосланган “шарқона демократия” тушунчасини ёшлар онгига сингдириш, уларни халқимизнинг урф-одатларига, маънавий меросини улуғлаш, умуминсоний тамойиллар ва инсон қадрини ҳурмат қилиш каби фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ёшлар ҳаётига кўринмас, яширин тарзда кириб келаётган глобал хуружларга онгли равишда муносабат билдириш, ёшларга “оммавий маданият” ниқобидаги мафкура нима эканлигини тушунтириш ва бу таҳдидларга қарши кураша оладиган баркамол

инсонларни вояга етказиш зарурдир(4). Булардан ташқари жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни олиб бориш билан бирга бугунги глобаллашув шароитида ёш авлодда мустақил онгни шакллантириш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга тадбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчидан, ёшларнинг инновацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, ҳарактини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришда санъат ва маданият соҳасидаги қизиқишларини юксалтириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, ахборот алмашилиши, алоқа, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот муҳитини хатарсиз, қулай тарзда кенгайтириш. Оммавийахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ёшларни ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш зарурдир.

Бу хусусият ва омилларнинг ёшлар камолотида аҳамияти катта. Бу авваломбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда давлат буюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аجدодларимиз бошлаган эзга ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди. Бу имкониятлар ўз навбатида ёшларни бугунги глобаллашув жараёнларида фаол иштирокини таъминлашда, мамлакатимиз тараққиёти ва келажагига ўз билим ва маҳорати билан ҳисса қўшишларида катта амалий ёрдам бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юлдашева С.М. «Соғлом турмуш тарзи - таҳдидларга қарши кураш омили сифатида» // Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни. Т., 2009. 191-бет.

2. Отамуродов С. Глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга таъсири.
// Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. 36-бет.
3. Ўша жойда. 37-бет.
4. Самаров Р. Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) Монография. Т., Академия, 2010. 63-бет.

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

*А.Ш.Эшмуҳаматов – ЖДПИ Тарих факультети Тарих ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси*

Ж.Хушбақов - ЖДПИ Тарих факультети талабаси

XIV асрда Мовароуннаҳр ҳудуди айрим феодал ҳукмдорлар, ерли ҳарбий зодагонлар ва Чингиз авлодларидан бўлган мўғул хонларининг ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борган тўхтовсиз курашлар майдонига айланган. Бу даврда Мовароуннаҳр ҳудуди кичик-кичик давлатларга бўлинган, ҳар бир йирик феодал бутун Мовароуннаҳрни бўйсундириш ва уни битта ҳокимиятга бирлаштириш учун зўр бераётган кучлар қарама-қаршилиги гирдобига тортилган эди¹.

Мовароуннаҳрда юз бераётган ушбу тарихий сабабли XIV аср иккинчи ярмида Амир Темур Соҳибқирон сифатида тарих сахнасига кўтарилган. У мавжуд ижтимоий, сиёсий, ҳарбий аҳволдан моҳирлик билан фойдаланиб, Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва ўзаро курашларга, мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берган.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш мақсадидаги хатти-ҳаракати асосан XIV асрнинг 60-йиллари бошларидан бошланди. XIV асрнинг 50-йиллари охирида Мовароуннаҳрда амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, амир Қазағон ўлдирилиши оқибатида мамлакатда ижтимоий-сиёсий парокандалик авжига чиқиб, оғир танглик содир бўлган.

Чингизий хонларидан бўлган Жета ҳукмдори Туғлуқ Темур ва унинг вориси Илёсхожа 1360-1361 ва 1365 йилларда Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб кирганлар. Мўғул хонларининг босқинчилик юришлари ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади. Бироқ, Мовароуннаҳр амирлари халққа бош бўлиб, мўғул босқинчиларига қарши курашга журъат эта олмаганлар. Уларнинг бир қисми душман тарафига ўтган бўлса, иккинчи қисми эса эл-юртни тарқ этиб, ўзга мамлакатлардан бошпана излайдилар. Амир Темурнинг амакиси, Кеш вилоятининг ҳукмдори амир Ҳожи Барлос Хуросонга қочган. Мана шундай оғир паллада сиёсат майдонига Амир Темур кириб келди. Мўғулларга қарши курашиш учун кучлар нисбати тенг эмаслигини ҳисобга олган 24 ёшли Амир Темур 1360 йилнинг бошида Туғлуқ Темур томонидан элчи сифатида Кешга юборилган беклар билан сулҳ тузади. Шароит тақозоси билан хон хизматида ўтиб, унинг ёрлиғи билан ўз вилоятининг доруғаси этиб

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370. –Т.: “Камалак”, 1994. – Б.3

тайин қилинган. Шубҳасиз, Амир Темур учун бу ҳолат ноиложликдан қўйилган сиёсий ҳамда стратегик қадам бўлиб, бу билан Амир Темур мўғулларнинг навбатдаги талон-тарожининг олдини олган, мамлакат ва халқни фалокатдан қутқарган эди¹.

Амир Темур мўғулларга қарши курашиш мақсадида қайнағаси амир Ҳусайн билан иттифоқ тузиб, икковлон куч тўплашга киришади. Дастлаб улар Туғлуқ Темурхоннинг фармониغا биноан Амир Темурни таъқиб қилишга киришган Хива доруғаси Тўқол (Таваккал) билан жанг қиладилар. Сўнгра Амир Темур амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан Сейистонга юриш қилган ва 1362 йилнинг кузида Сейистонда вилоят ҳукмдори Малик Қутбиддиннинг тарафида туриб қилган жангида Амир Темур ўнг қафти ва ўнг оёғидан жароҳатланаган.

Амир Темур амир Ҳусайн билан иттифоқ бўлиб кейинги икки йил давомида Илёсхожа бошлиқ Жета лашкарига қарши бир неча марта жанг қиладилар. Ниҳоят, 1364 йил охирида улар мўғул қўшинларини Мовароуннаҳр ҳудудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлганлар. Бироқ, Мовароуннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхожа 1365 йилнинг баҳорида яна Туркистон музофотида қўшин тортган. Амир Темур ва амир Ҳусайн ҳам қўшинларини Сирдарё бўйига олиб келганлар. 1365 йил 22 май куни эрта тонгда Тошкент билан Чиноз оралиғидаги бир майдонда қонли жанг бўлган. Бу жанг Амир Темур олиб борган жанглардан умуман фарқ қилган, чунки ўша куни кучли жала ёғган ва икки томон қийин аҳволда қолганига қарамай жангни давом эттирган. Шунинг учун ўртада содир бўлган жанг тарихда «Лой жанги» деб ном олган². Бу жангда Амир Темур катта жасорат кўрсатган, бироқ амир Ҳусайннинг хиёлати оқибатида мағлубиятга учраган ва ўз қўшинлари билан Амударё бўйларида чекиниб, Балх вилоятида ўрнашганлар. Илёсхожа эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Хўжанд, Жиззах ва бошқа бир қанча шаҳар ҳамда қишлоқларни эгаллаб, Самарқанд устига юради. Самарқанд ўша пайтларда бунчалик катта қўшинга қаршилик кўрсата олмасди. Шаҳарнинг на девори ва на мустаҳкам истехкомлари, на қуролланган сипоҳийси бор эди. Бек ва амирлар шаҳарни тарк этган эди. Шунга қарамай мўғулларга қарши халқ кўтарилди, Сарбадорлар шаҳар мудофаасини ўз қўлларига олдилар. Шаҳар мудофаачиларига Мадраса толиби илмларидан Мавлонозода Самарқандий, жун (пахта) титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф ва мерган мавлоно Хурдак Бухорийлар бошчилик қилганлар. Сарбадорлар Самарқанд шаҳрида мўғулларга қақшатқич зарба берганлар.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 1998 йил. –Т. 1. – Б.273

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари 1360-1370. –Т.: “Камалак”, 1994. – Б.102

Илёсхўжа дастлаб Самарқандни, сўнгра бутун Мовароуннахрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Сарбадорларнинг мўғуллар устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги хушхабар амир Ҳусайн билан Амир Темурга ҳам бориб етган. Улар сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабаларидан мамнун бўлганларини ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Бироқ, сарбадорларнинг бошлиқлари Абу Бакр Калавий ва Хурдак Бухорий амирлар ҳузурига келганларида амир Ҳусайн буйруғи билан дорга тортилади. Уларнинг қатл қилиниши Амир Темурнинг ғазабини келтирган ва шу муносабат билан улар ўртасида зиддият вужудга келган.

Мовароуннахрда амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилади, аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн билан Амир Темур ўртасидаги муносабат кескинлашиб, очикдан-очик низога айланади. Амир Темурнинг нуфузи ортиб бораётганлигидан хавфсираган амир Ҳусайн Балхга қайтиб, унинг қалъа деворлари ва истехкомларини мустаҳкамлашга киришади. Балх, Қундуз ва Бадахшондан кўп сонли лашкар ҳам тўплайди. Кеш ва Қарши вилоятларига бош бўлган Амир Темур ҳам амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўради. 1366-1370 йиллар ўртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади. Мовароуннахр учун икки амир ўртасида узоқ йиллардан бери давом этиб келган кураш Амир Темурнинг ғалабаси билан тугаган.

Амир Темурнинг Мовароуннахр тахтини расман қўлга олиш йили сифатида 1370 йил қайд этилади ва бу музаффарият Балхда юз берганлиги айтилади. Ҳақиқатда амир Ҳусайн ибн Мусаллабни енгиб, қўли баланд келган Амир Темур жами акобирлар, қўшин бошлиқлари томонидан Мовароуннахр ҳукмдори деб тан олинган эди¹. Амир Темурнинг кенг тарих саҳнасига чиқиши мана шу тарзда амалга ошди.

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннахрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, янада кучли бир давлат ташкил этишни тақозо этаётганини Амир Ҳусайндан кўра яхшироқ тушунган Амир Темур ўз фаолиятининг дастабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннахрда марказлашган қудратли давлат, салтанат тузишга қаратган.

Буюк салтанат, эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур ўз қўшинининг тузилишига катта аҳамият берган. У «амир» ва «амир ул-умаро» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилган. Қўшинни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, у айниқса лашкарбошиларни танлаш ва уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар таркиби ва

¹ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. –Т.: Чўлпон, 1991. – Б.9

уларнинг географик жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қурол-аслаҳа турлари ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда қатъий эътибор берарди.

Амир Темур Мовароуннахрни мўғуллар ҳукмронлигидан озод этиб, бу қадимий мамлакатда мустақил давлат барпо этган бўлса-да, ҳали мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилган эмас эди. Бир томондан айрим вилоят ҳокимлари Амир Темур ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб турган бўлсалар, иккинчи томондан мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудлари нотинч эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берган. Исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борган.

Умуман, Амир Темурнинг юришларида бир хусусият кўзга яққол ташланиб турадики, у мумкин қадар ишни жанггача олиб бормаслик пайдан бўлган. Уни яхшилик билан қарши олган мамлакат ҳокимларини ўз ўрнида қолдирган, уларга мурувват кўрсатган. Аксинча, гапида турмаган, сотқинлик йўлига кирган, рақиблар билан тил бириктирган юрт эгаларини у аёвсиз жазолаган, бадарға қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур қурган давлатнинг ривожланиш назарий асослари, бу давр давлатчилигида ҳар бир соҳа аниқ ва пухта ишлаб чиқилган давлатчилик назарияси ва таълимоти орқали бошқарилган деган хулосага келдик. Шунингдек, давлатчилик механизмларининг ўзаро уйғунлиги, мутаносиблиги, бир-бирига мувофиқлиги, қонун устуворлиги, халқ ва давлат бирлиги таъминланган. Амир Темур давлат бошқарув асосларини назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиққан. Амир Темур ижтимоий қарашларига кўра, ун иккита ижтимоий табақани мувофиқлаштириш давлатни ривожлантириш қафолатларидан бири деб ҳисоблаган. Давлат кам таъминланган, камбағал, етим-есирларни кучли ижтимоий химоя қилган. Шунингдек, мансаб ва унвонларга тайинлаш, энг паст табақадан юқори табақгача уларнинг ижтимоий муҳофазасини ташкил этишга муҳим масала деб қараган. Амир Темур кадрлар масаласини ҳал қилишда аввало ахлоқий жиҳатларга эътибор қаратилган ҳамда мутахассисларнинг кучли малака ва билимга эга бўлиши шарт деб қаралган. Уларга маош тайинлашда бир хиллик йулидан воз кечилган ва давлат учун катта нафи теккан мутахассислар айрича тақдирланган. Бу эса давлатчилик тараққиётига кучли ижобий таъсир кўрсатган.

ЁШЛАР ВАТАНПАРВАРЛИГИ - ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

*Пармонов Акмал Ортиқбоевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Жиззах минтақавий ўқув маркази тарбиявий ва психологик бўлинмаси
бошлиғи.*

Мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласининг долзарблиги, давлат сиёсати марказида турганлиги, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим жиҳатлари ҳамда глобаллашув жараёнида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усуллари ёритилган.

Таянч иборалар: ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат сиёсати, ёшлар, ислохот, ҳаракатлар стратегияси, ёшлар иттифоқи, ҳарбий-маъмурий сектор, глобализация, ахлоқ, анъанавий ва замонавий усуллар.

В статье рассмотрены актуальность воспитания молодежи в духе военного патриотизма, внимание к данному вопросу в государственной политике, важные аспекты проводимых в данной сфере реформ, а также традиционные и современные способы формирования у молодежи морали военного патриотизма с учетом современного процесса глобализации.

Ключевые слова: воспитание в духе военного патриотизма, государственная политика, молодежь, реформа, стратегия действий, союз молодежи, военно-административный сектор, глобализация, мораль, традиционные и современные способы.

This article explores issues of educating youth in the spirit of patriotism and it is essence in the state policy, significance of reforms being conducted in the state as well as traditional and modern ways of forming youth's military patriotic behaviour.

Key words: educating in the spirit of patriotism, state policy, youth, reforms, Strategy directions, Youth's union, military-administrative sector, globalization, morale, traditional and modern methods.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сонли қарори ижроси юзасидан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясининг қабул қилингани, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани миллий армиямиз

сафларини мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига ҳаётӣ ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоӣ-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атроф ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоӣ-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, биз янги Мудофаа доктринасини қабул қилдик”, – дея фикр билдирди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси Мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимини яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва мукаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш, ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоӣ-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётӣ позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этишни тизимли асосда йўлга қўйиш белгилаб олинган.

Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!” деган ҳаётӣ эътиқодни қарор топтириш, диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат

муносабатларини ривожлантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва кадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ватан равнақи ғояси Ватанга дахлдорлик ҳисси мазмунини, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватанни ардоқлаш, эъзозлаш ва унга хизмат қилиш Конституциямизнинг 52-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар” [1].

Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, кучли фуқаролик жамияти ва ҳукуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўёбини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшларни замон талаблари даражасида таълим–тарбия олиши, ватанпарвар бўлиши, шу азиз Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” [2].

Аксарият ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича давлат дастурлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш концепциялари қабул қилинган, ёшларнинг ватанпарварлик борасидаги тарбияси билан шуғулланувчи ва давлат томонидан молиявий кўмак берилувчи кўплаб жамоатчилик асосидаги фахрийлар ва жамоатчилик ташкилотлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳарбий соҳадаги давлат сиёсати, Қуrolли Кучларимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш борасида ислохотларнинг

янги босқичи бошлаб берилди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитар экан, соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиб, “Булар – кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир”, деб таъкидлаган[3].

Шу билан бирга, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепция”си қабул қилинди. Концепциянинг 2-боб 6-бандида ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва мукаддас бурч эканлигини сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудратини ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш масаласи кўриб чиқилган[4].

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, 2017 йил 30 июнь куни Давлатимиз раҳбарининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” номли нутқидан сўнг бу соҳада катта ўзгаришлар бошлаб юборилди. “Камолот” ЁИХ тугатилиб, “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти ташкил этилди ва низомлари тасдиқланди. Юртимизда 30 июнь - Ёшлар куни деб эълон қилинди. Президентимиз ушбу нутқида “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак”, деб алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига “Темурбеклар мактаби” деб ном бериш, турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келаётган йигитлар учун

“Мард ўғлонлар” номли Давлат мукофотини, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларимизни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш таклифини ҳам берган эдилар[5].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармонида янги ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб олиши, уларни демократик принциплар асосида бирлаштириши, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини ошириш ҳамда тегишли имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилди[6]. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини мустаҳкамлаш мақсадида юқорида Президентимиз томонидан тақлиф этилган ҳарбий таълим-тарбия берадиган жойларда “Темурбеклар мактаби” ташкил этилди, турли соҳа ва тармоқларда юқори натижаларга эришиб келатган йигитлар учун “Мард ўғлон” номли Давлат мукофоти ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Бугунги кунда Ёшлар Иттифоқининг 14 та ҳудудий кенгашлари ва 196 та туман (шаҳар) кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» деб номланган алоҳида банд акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бунда жойлардаги Мудофаа ишлари бўлимлари ижроия ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда амалий ишлар олиб бормоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёни ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усуллари билан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Булар қуйидаги усуллардан иборат.

1. Тарғибот усули. Ватанпарварликнинг тарбиявий-ахлоқий мазмуни ва бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб беришдан иборат. Шу боис ҳарбий ватанпарварлик туйғусини ёшларга содда, лўнда

қилиб тушунтириб бериш, уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

2. Жамоавийлик усули. Бугунги кунда Қуролли Кучларимизнинг умумий жанговар шайлиги бирлашма, қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги даражаси билан белгиланади. Ҳарбий бўлинмалар ўз ички тузилмасига кўра, фаолият юритиши қатъий белгиланган ижтимоий гуруҳни ифодалаб, ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари ва улар ўртасидаги хизмат муносабатлари, ички тартиб-қоидалари, мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, кундалик ҳамда маиший шароитлар, ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш, ички хизматни олиб бориш масалалари Интизом ҳамда Ички хизмат Низомларининг асосий ҳолатларида қатъий белгилаб берилган.

3. Анъанавийлик усули. Ҳарбий анъана армияда ҳарбий хизмат жараёни жанговар вазифаларни бажариш, шахсий таркибни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган, тарихан шаклланган, авлоддан авлодга ўтувчи ғоя, қоида, урфодат, ҳуқ-атвор меъёрларида намоён бўлади. Қуролли Кучларда ҳарбий анъаналар тизими ҳарбий фаолиятнинг асосий уч соҳасини: жанговар анъаналар; ҳарбий турмуш анъаналари; таълим-тарбиявий анъаналарни қамраб олади.

4. Қадриятлар устуворлиги усули. Ҳарбий хизматчиларда миллий қадриятларга, илғор анъаналарга, ахлоқий тамойилларга, юксак маданиятга содиқлик каби инсоний фазилатларни ҳосил қилмасдан туриб ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бўлмайди. Чунки Ўзбекистоннинг қарийб 27 йиллик мустақил тараққиёт йўлига назар ташланса, ватанпарварликни рўёбга чиқариш, мард ва жасур авлодни вояга етказишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий мақсади ҳам Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига бефарқ бўлмаган авлодни шакллантиришдан иборат. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар прагматик асос бўлиб хизмат қилади.

5. Замонавийлик усули. Қийинчиликлар, тўсиқлар, номутаносибликлар, ҳатто жиной ҳаракатларнинг ошиб бориши ҳам соф виждонли киши қалбида Ватан туйғусини, агар у чуқур эътиқодга айланган бўлса, ўчиролмайди. Ранг-баранг мақсад ва манфаатларга эга ижтимоий гуруҳлар мавжуд экан, умуммақсадни турлича, гоҳо бир-бирига зид тарзда идрок этиш ҳам сақланиб қолади. Янги-янги авлодларнинг туғилиши, ҳаёт сахнасига чиқиши жамият олдига янги-янги муаммоларни кўндаланг қўяверади; айнан ушбу

узлуксизлик, тадрижийлик ижтимоий ҳаётнинг ҳам узлуксиз, тадрижий давом этишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, Ватанни севиш ва асраш туйғуларини шакллантириш ахлоқий эҳтиёжга айланди. Бугунги кунда бу давлат сиёсати марказида туради. Бу эҳтиёжни эса маънавий-ахлоқий мерос воситасида қондириш самарали натижа бериши яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, ватанпарварлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. У меҳр-оқибат, Ватан тақдири учун қайғуриш, ташвиш ва фалокатларга ҳамдардлик каби ахлоқий фазилатлар сирасига киради. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик умумхалқ, умуммиллий ватанпарварликнинг алоҳида тури ва ажралмас бўлагидир. Ҳарбий ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалбига сингдириш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2017, -Б. 18.
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сони. – 2017. 7 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 3-сони. - 2017 йил. 10 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февраль куни тасдиқланган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепция” Ватанпарвар газетасининг № 9 (2760) – сони, 2018 йил 2 март.
5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // www.prezident.uz. 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ5106-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27- сони.

ШАХС МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Қўлматов Примқул Меликузиевич, ф.ф.н., доцент, Жиззах политехника институтини

Аннотация: Биз улкан тарих, улкан цивилизация яратган улуғ аждодларнинг қонуний ворисларимиз. Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятлардан бири ота-она фарзандларинг суянчиғи битмас-туганмас бойлигидир.

Калит сўзлар: Тарбия, маънавият, тарбия воситалари, “оммавий маданият”, одоб-ахлоқ, ота-она, оналик ва болалик, эзгулик, масъулият, жавобгарлик, бурч.

Аннотация: Мы - законные наследники великих предков, создавших великую историю, великую цивилизацию. Одна из великих ценностей узбекского народа, которая существует с древних времен и никогда не теряет своего значения, - неиссякаемое богатство родителей и детей.

Ключевые слова: воспитание, духовность, средства воспитания, «массовая культура», мораль, воспитание, материнство и детство, доброта, ответственность, ответственность, долг.

Annotation: We are the legitimate heirs of the great ancestors who created a great history, a great civilization. One of the great values of the Uzbek people, which has lasted since ancient times and never loses its significance, is the inexhaustible wealth of parents and children.

Keywords: upbringing, spirituality, means of upbringing, “popular culture”, morality, parenting, motherhood and childhood, kindness, responsibility, responsibility, duty.

Тарбиянинг асосий турларидан бири оила тарбиясидир боланинг ақлий камолотига ҳам ёшлигидан аҳамият берилиши керак. Бола ёши улуғлашган сайин оила тарбияси ҳам мураккаблашади. Ота-она фарзандидан ҳеч нарсани аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда. Лекин ота-оналар унар-унамасга болага ёрдам беравермай, уларни кейинчалик турмушда дуч келадиган тўсиқларни, мураккаб ҳаётини масалаларни ечишга одатлантириш мақсадида қийинчиликдан чиқишни ўз-ўзига қўйиб бориши ҳам керак. Ўзбек халқи одоб-ахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Ота она болалари олдида ўзлари танлаган касблари ҳақида нолимасликлари, омадлари юришмаганда сўз очмасликлари маъқул. Шунда ота онанинг бола олдидаги обрўйига путур

етмайди. Болалар ўз ота-оналарини намуна деб билишлари, уларнинг касб корларига хурмат билан қарашлари ана шундан бошланади. Хаётнинг қувончли томонлари ҳақидаги гаплар, ишдаги муваффақият болаларни рухан тетик этади. [1, 25-б.].

Тан олишимиз кераки глобаллашув, оммавий маданият таъсирида, ота оналарни Ҳурмат қилиш ҳақидаги миллий қадриятларимиз бироз хира торта бошлади. Баъзи ёшларимиз ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига қулоқ солиш сингари юксак маънавий фазилатлар йўқолиб кетилаётгани сезилмоқда. Эҳтимол бошқа миллат вакиллари бунга унчалик эътибор беришмас, лекин биз, ўзбеклар буни ҳис қилмай иложимиз йўқ. Шўролар даврида авлод аجدодларимизнинг ўғитлари, панд насиҳатлари, ажойиб анъаналаримиз тарғиб қилиниш ўрнига нуқул қораланди, ёмон отли қилинди. Мустақилигимиз туфайли буларга чек қўйилди, бундай салбий иллатларни тугатиш борасида сезиларли ишлар амалга ошмоқда. Мухтарам президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, фарзандларимиз мустақил фикрли, замонавий билим ва касб–хунарларни эгаллаган, соғлом ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайдиган масала ҳисобланади”, [2, 65-б.]. дея бежиз таъкидламаган.

Давлатимизнинг асосий қонунида ҳам фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Албатта фарзанднинг ота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги масъуляти саналади. Шу билан биргаликда ота-онанинг ҳам фарзанди олдидаги бурчи ниҳоятда катта ва масъулиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб этиши керак. Ваҳоланки ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим аҳамиятга эга. Фарзанд тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она билиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биринчидан, бола туғилмасидан олдин бошланиши керак, бўлғуси ота ва онанинг соғлиги, фарзанд тарбиялашга масуллигани ҳисобга олиш зарур бўлади. Фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига маъсулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашлари лозимдир.

Иккинчидан, ҳомиладорлик давридаги парвариш ўта муҳим ўта аҳамиятлидир. Албатта бугунги кунда бунга катта эътибор қаратилмоқда

президентимиз Ш.Мирзиёев Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқида “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари дастури ҳақида гапириб дастурга мувофиқ барча янги туғулган чақолоқлар, ўсмир қизлар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар 100 % патронаж тизими билан қамраб олинishi” ҳақида таъкидлаган. [3, 11-б.]. бугунги кунда ушбу сўзлар ўз исботини топмоқда.

Учинчидан, бола туғилгандан 6-7 ёшгача бўлган даврда бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу маънавий куртакларни парваришlash ва янада ривожлантириш даври бошланади. Бугунги кун тажрибаси яна шуни маълум қиладики боладаги маънавий баркамолик бешикдаги алланинг мазмунидан, болани кийинтириш учун ҳалол луқма билан боқишдан шаклланишини айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек инсондаги яхши феъллар, ҳалол луқмадандир. Халқимиз азалдан меҳнаткашлиги, буюк яратувчанлик қувватига эгаллиги, ҳамиша эзгуликка интилиб яшаши, инсонга муносабатининг ғоят ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантиргани билан ажралиб туради. [4, 42-б.]. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Маънавий тарбияда кишилар онги руҳи, руҳиятига таъсир этишда театр санъатининг ўрни беқиёс.

Ота-она фарзандини ҳалол луқма билан боқса, у фарзанд маънан пок ва ҳалол бўлиб вояга етади. Бола тарбиясини доно халқимиз айтганидек у ҳали туғилмасидан ота-она ва бутун оила азолари ҳамжиҳатлигида бошлаш яхши самара беради. Оила жамиятнинг биринчи бўғини зарачаси. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий, маънавий мезонлари бор. Оила одобига кўра катта ёшлилар болаларга, балоғатга етган фарзандлар, келинлар катта ёшлиларга очиқ сочиқ ҳолда кўринмайдилар, пардасиз сўзлар айтмайдилар. Ўзбек оиласининг фазилатлари кўп, қонунларда белгиланмаган, аммо милатимизнинг қадриятларига айланган тартиб талаблар мавжуд. Уларни фарзандларимиз ўзлаштириш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Албата оила –жамиятнинг асосий бўғини оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг қалбига бир умр муҳрланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сон Фармоннинг 4-бандига мувофиқ Ёш авлоднинг тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини

юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш режасига асосан, ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида “Ота – оналар университети” фаолиятида фойдаланиш учун услубий қўлланма ва кўргазмали материаллар ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғини ходимлари ва фаолари учун “Ёш авлод тарбиясида ота онанинг масъулиятини ошириш” мавзусида республика илмий амалий конференциясини ўтказиш белгиланди. [5, 15-б.]. Ушбу чора тадбирлар баркамол авлодни ҳуқуқий маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялашда ота-оналарнинг саводхонлигини ошириш, наъмунали ибратли оилалар тажрибасини оммалаштиришни, мавжуд ибратли анъана ва қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Ёшларимиз ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва медиа маданиятни оширишга қаратилган учршувлар давра суҳбатлари тренинглар, тушунтириш тадбирларини ўтказиш, маҳалаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризм ва диний экстеримизмга қарши курашишга бағишланган учрашувлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади ва бу борада ҳам тегишли вазифалар белгиланади.

Адабиётлар

1. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет
2. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. Ўзбекистон. 2016 й.
3. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. Ўзбекистон. 2016 й.
4. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Т., Ўзбекистон 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

МАЪНАВИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ, АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ш.Ж.Хашимов – СамДУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриши назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси
С.Х.Хашимова - Пастдарғом Автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи маънавият – маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучаяётган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган даврдир. Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида дунёдаги турли халқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир бўлаётган вақтда бутун инсоният, жумладан, халқимиз ҳам маънавиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамокда.

Бугунги кунда глобаллашув инсоният жамияти тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг жаҳон миқёсида интеграциялашиб, оламшумул аҳамият касб этиб боришини ўзида ифодаловчи тушунча бўлиб, глобаллашув коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар, дунёга янгича қарашнинг вужудга келишида намоён бўлади. Глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг кўплаб минтақалар, давлатлар ва бутун ер юзини қамраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатувчи тушунчадир.

Бугунги кунда глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятини ўзида ифодалаб, у жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва маънавий – мафкуравий соҳаларини қамраб олади. Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий – сиёсий жараёнларни ўзида ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий – маданий глобаллашув жараёнлари содир бўлмокда. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида ғоявий жараёнларга таъсир кўрсатишидир.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамяти билан боғлайди. Бугунги кунда глобаллашув жамият тараққиётидаги қонуний тарихий жараён бўлиб, глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодаламокда. Жамият ҳаётидаги

бу янги сифат даражаси ахборот – техникавий ёки ахборот – компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожига ва бу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ходисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш имкониятига эга. Радио, телевидение, Интернет энг сўнгги илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилишга, илм – фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланиб, бугунги кунда Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан, маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм – фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи чуқур тахлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига кўрсатадиган таъсири ниҳоят даражада беқиёс бўлиб, глобаллашув натижасида кириб келаётган “оммавий маданият”нинг жамият тараққиёти ва инсон камолотига таъсири тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда.

XX асрнинг ўрталаридан “оммавий маданият”га оммавий ахборот воситалари кучли таъсир ўтказа бошлаган бўлса, аср охирига келиб ва XXI асрнинг бошларида бу таъсир янада кучайди. “Оммавий маданият” ёки Ғарбда айтилганидек “популяр культура” бугунги кунда халқ ва миллатларнинг мумтоз маданиятига, санъатига, унинг бойликларига қарши курашиб, унинг ютуқларини инкор қилиб келяпти.

Шунинг учун бугунги кунда “оммавий маданият”нинг маънавий-ахлоқий тубанликларидан давлатимиз фуқаролари, энг аввало ёшларни асраб авайлаш, уларни огоҳликка даъват этиш, ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айна пайтда, жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлар йўналишидаги курашларнинг хатарли таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Инсон онги ва қалби учун кураш эса, энг аввало, ахборот орқали, ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали олиб борилади. Турли оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, даврий матбуот ўзига хос психологик таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, Интернетнинг пайдо бўлиши билан оммавий коммуникация, ахборот етказиш имкониятлари нихоятда кучайиб кетди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бутун дунё бўйича тарқалиб, ОАВ дан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажара бошлади. Интернетдаги маълумотлар жуда кўп, арзон ва ўта тезкор бўлиб, бир томондан, илм-фан, маданият ва маънавият соҳасидаги маълумот ва ахборотлар, иккинчи томондан “оммавий маданият”га тааллуқли бўлган маълумотлар ОАВ, Интернет, мобил телефон, адабиёт ва санъат орқали тарқатилмоқда.

Хозирги даврда глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатаётган бир шароитда миллий маънавият, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш, маънавий юксалиш жараёнларига асосий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизация ва ислоҳ этиш жараёни босқичма – босқич амалга оширилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Республикада хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди. Миллий қадриятларни тиклаш ва ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш концепцияси ишлаб чиқилди. Глобаллашув шароитида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган зарарли ғоялар ҳамда мафкуралардан ҳимоя қилишнинг муҳим омили, мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантириш, Ватан равақини маънавий таъминлаб беришга қаратилган назария – миллий истиқлол ғояси шаклланди. Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини англашда

буюк шахслар, атоқли алломалар ҳақидаги тарихий ҳақиқат рўёбга чиқарилди. Миллий урф – одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши асосида янги жамият қуришда маънавий – маърифий тарғибот ва таълим тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳадаги ислохотлар, янгиланиш ва модернизация жараёнлари изчил равишда давом эттирилмоқда. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз, - дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев, - Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади³⁹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар глобаллашув шароитида фуқароларда миллий ўзлиқни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг юксалишига ёрдам бериб, уларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда замонавий, демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо қилишга ёрдам беради.

³⁹ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Самарқанд” газетаси, 2016 йил, 3 бет.

ЁШ АВЛОДНИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ – ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

А.Холбоев - Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Резюме: Мазкур мақолада таълим тизими элементлари, таълим жараёнлари ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги қонуниятлар ҳамда таълим жараёнини инновацион ривожлантиришнинг таҳлили, юксак маънавият ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Таълим, инсон, давлат, маънавият, жамият, инновация, объект, субъект, ғоя, қонуният, тизим, жараён, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, субстанция, методология, принцип, мезон.

Бугунги кунда таълим – тарбия жараёнларини самарали ташкил қилишда, буюк ота – боболаримизнинг маънавий меъросларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги жами саъйи – ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Шунинг учун ҳам ёшлар ўртасида бунёдкор ғояларни тарғиб қилишда ибрат – намуна тизимини янада жонлантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, юксак маънавиятли шахс тарбиясини шакллантиришни долзарб деб ҳисоблаймиз.

Бундай долзарб муаммолар ечимини оила, таълим муассасалари ва маҳалла фаолияти уйғунлигида олиб боришни йўлга қўйиш орқали амалга ошириша бўлади. Бунинг учун Халқимиз маънавиятининг тарихий илдизларига эътиборни қаратиш керак. Бунда она заминда яратилган ижод намуналари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Асосан, қадимги тош битиклар, ривоятлар, афсоналар, ҳикоятлар ва дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди, халқ амалий саънати, халқ ҳаракатли ўйинларига бориб тақалади. Мисол учун ҳаммамиз севиб ўқийдиган Спитамен, Алпомиш, Гўрўғли, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоят ва дostonлар ёш авлодни ватанпарварлик, мардлик, дўстлик, садоқат, вафо, ватаннинг мустақил, озод келажаги парлоқ бўлиши учун фидоийлик кўрсатишга чорлайди, даъват этади.

Ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида тарбиялашда миллий маънавиятимизнинг тарихий илдизлари муҳим аҳамият касб этади 1) маънавиятнинг шаклланиши, тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий тарзда такомиллашуви, инсоният ҳаёти ва ижтимоий муносабатларида қарор топиб бориши ва намоён бўлиши; 2) маънавиятнинг ҳар бир давр ва шароитда ижтимоий турмуш талаб-эҳтиёжларини ўзида ифода этган ғоявий куч сифатида янгиланиб, ижтимоий тараққиётнинг кундалик талабларига мослашган ҳолда намоён бўлишини ифодаловчи тушунча. Кишилиқ жамияти тарихида маънавиятнинг замонавийлашуви “modern” дейилади. Шу маънода, маънавият инсоннинг ўзлигини англаши билан бошланган ва доимо содир бўладиган маънавий комиллик сари интилишидир. Бу ҳол ҳар бир тарихий

даврда халқ ва миллатнинг ўзига хос маънавиятининг шаклланишига олиб келади. Маънавиятнинг тадрижий тараққиётини мутахассислар томонидан даврлаштиришнинг қуйидаги умумий тамойили қабул қилинган: 1. Қадимги маънавий тараққиёт. 2. Ўрта асрлар даври маънавияти. 3. Янги давр маънавияти. 4. Бугунги истиқлол давридаги маънавий жараёнлар ва ўзгаришлар бу соҳадаги замонавийликни ифодалайди. Маънавиятнинг такомил босқичлари шартли бўлса-да, улар орасида ўзаро алоқадорлик ва ворисийлик мавжудки, ҳар бир даврда маънавият кишилик жамияти тараққиётини таъминлашга хизмат қилган ва авлоддан авлодга энг илғор ғоя ва одат, маросимларни мерос қолдирган “Авесто” ва зардуштийлик даври қадимги одамлар маънавиятида анимизм, фетишизм, тотемизм, магия каби қабилавий динларга хос жиҳатларни ўзида мужассам этади. Ўша замон қадриятлари халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятларда, деҳқончилик ва чорвачилик анъаналарида, урф-о. ва расм-русумларида ўз аксини топган маънавият шакллари тарзида намоён бўлади. Бу давр маънавияти кейинроқ миллий ва жаҳон динлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожини учун асос бўлган. Бу эса кейинроқ янги давр жаҳон маънавиятининг юксак тараққиётини таъминлади. Шу тариқа маънавият жараёнлари вужудга келдики, ушбу жиҳат бугунги миллий маънавиятимизнинг шаклланишида ҳамда унинг такомил босқичида аجدодларимиз меросининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади. Маънавият билан боғлиқ қонуният шундан иборатки, ижтимоий - тарихий тараққиёт натижасида маънавиятнинг шакллари муайян халқ томонидан яратилиб, тарихнинг ҳар бир босқичида аجدодлар қўлга киритган муваффақиятларнинг ижобий қирралари билан бойитилиб, авлоддан авлодга узатиловчи қадриятлар тизимини ташкил қилади. Масалан ўрта асрларда Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари буюк даҳолар томонидан яратилган маънавият намуналари, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларнинг исломий қадриятлар мағзи билан йўғрилган маънавий мерослари минтақа халқлари тафаккурининг шаклланиши ва рив-шида тараққиётимиз пойдеворига муҳим манба бўлди. Халқимиз кўп минг йиллик тарихий тараққиёт жараёнида бугун биз яшаётган заминда аста-секин тақдирнинг залворли синовларига дош бериб, ўз маънавий борлигини намоён эта олган. Унинг шаклланиш жараёни инсониятнинг энг қадимий даврига бориб тақалади.

Ёшларни юксак маънавий руҳда тарбиялашда биз ота – бообларимиз томонидан яратилган фалсафий, илмий ва баддий асарларга мурожаат қилишимиз учун аввалом бор бўлажак ўқитувчиларнинг ўзини унга тайёрлашимиз керак. Биз ёш авлодга фахр ва ифтихор билан шуни тушунтиришимиз керакки, буюк алломаларимиз нақадат мусулмон оламига ва маданиятининг ривожланишига, балки бутун дунёнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Мисол учун, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби қомусий олимларимиз, ал-Бухорий, ат-Термизий, Марғиноний,

Замахшарий, Насафий, Нажмиддин Кубро, Нақшбанд каби дин пешволари, илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Навоий, Бобур каби шоир, давлат арбобларининг баддий асарлари жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган.

Милоднинг VIII – IX асрларига келиб ички урушлар нисбатан барҳам топган, ижтимоий ҳаётда нисбатан барқарорлик ҳукм сураётган эди. Бу даврда маданий юк салиш, илм-фан ҳамда адабиётнинг керакли даражада тараққий этиши учун имконият яратиб берган десак хато бўлмайди. Ўша даврнинг буюк мутафаккирларидан бири Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850) халифа Маъмун ташкил қилган «Байтул ҳикма»да катта мавқега эга бўлганлигини яхти биласмиз. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий томонидан олға сурган ғояларда юксак маънавиятли шахс тарбиясида умуминсоний кадрларнинг тарбиявий аҳамияти ёритилган.

Бугунги кунда ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида тарбиялашда Хоразмийнинг қуйидаги ўғитларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. «Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқларида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилардан қолган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади, уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди». Бундай бебаҳо фалсафий қарашлар, бутун инсоният оламининг юксалишида умумий талаб, камолот мезони сифатида эътироф этилиши мумкин.

Абу Наср Форобий (873-959) ҳам инсониятни маънан камол топтиришга катта эътибор берган. Форобийнинг инсон маънавиятга оид қарашлари «Мадинаул фозила» таълимотида ўз ифодасини топган. Аллома фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган юксак маънавий мезонлар тизимини изоҳлаб берган. Форобий бундай жамиятда дин ва ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг асосини ташкил этиб, унда бошқарувни файласуф-хукмдорлар амалга оширишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Аллоҳ ғоясини, балки инсон, жамият ва илм-фан маънавият ва фалсафий билимларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида талқин этган. Шунинг учун ҳам дастлабки Шарқ файласуфларидандир. Маънавият мавзусини Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам четлаб ўтмаган. Унинг фикрича, маънавиятнинг вужудга келиши ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғланган. Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларнинг бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга

келган. Беруний хунар, савдо-сотик, мамлакактлараро маданий-илмий алоқаларни кучайтириш, ижтимоий ҳаётда илм-фанни ривожлантириш, унинг ролини оширишнинг тарафдори эди. Шу билан бирга, у босқинчиларнинг юртимиз маданий ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, маданий соҳада ривожланишга эришишнинг муҳим аҳамиятларини таъкидлайди.

Жаҳон маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий каби буюк алломаларнинг юксак маънавиятли шахс тарбиясига оид қарашлари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган «Саодатнома», «Гулистон» ва «Бўстон», «Баҳористон», «Хамса» каби бебаҳо асарлари жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Юксак маънавий –ахлоқни тарғиб қиладиган асарлар бутун дунё адабиётида жуда кам учрайди. Юксак маънавиятли шахс тарбиясига оид анъана юртимиз маданияти тарихида асло тўхтаб қолмаганлиги ҳақли ўзи бу борадаги ишларнинг изчиллигидаг далолат беради. А. Донишнинг «Ўғилларга насиҳат» (XIX а. охири), А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (XIX а. бошлари) ислом қаримовнинг “Юкс ак маънавият – енгилмас куч” асарларини эслаш кифоя. Унда “Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо — Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради [4]

Ўрта асрлар Амир Темур ва темурийлар даврининг, умумбашарий маънавиятга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг маънавияти, ҳулки, ахлоқ-одоб талаблари, давлат ва сиёсат юритиш санъати баён қилинган «Темур тузуклари»да ижтимоий - сиёсий масалалар билан бирга маънавият масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Ушбу асар Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, қўшин, уламолар, аркони давлат ва бошқаларга муносабати учун асосий мезон бўладиган маънавият тамойиллари ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган. Соҳибқирон Амир Темур томонидан асос солинган буюк империя – бир томондан, миллий давлатчиликнинг реал ҳаётдаги

ифодаси бўлса, иккинчи томондан, у юксак маънавиятнинг ривожланишига жуда катта замин яратиб берди. Бугунги кунда биз, ёш авлодни юксак маънавий шахс даражасига олиб чиқиш дастури устида ишлар эканмиз, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Қадимдан ота - боболаримиз эзгу ғояларга, маънавий меросга, анъаналар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа бормаслигини яхши англаган ҳолда иш олиб борган. Шунинг учун ҳам бу буюк ўлкада ота – боболар маънавиятига асосланган мустақил, демократик давлат ўз фаолиятини бошлаб, 25 йил ичида мисли қўрилмаган, эришилиши қийин бўлган ютиқларни қўлга киритди. Шу билан бирга, у муайян вақт талаб этадиган, аста-секинлик билан шаклланиб борадиган мураккаб тарихий жараёндир. Шарқ миллий давлатчилигида ахлоқ, маънавият, комиллик ва адолат асосий мезон қилиб олинган. Инсонпарварлик, эзгуликни ҳимоя қилиш, мадани ятини ривожлантириш ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам муҳим соҳа сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам айнан ана шу заминда инсоният тарихида бурилиш ясаган ва катта аҳамиятга эга бўлган улкан маънавият яратилиб, авлоддан авлодга узатилиб, бойитиб ва такомиллаштириб келинган. Ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги тарихи жуда бой ва қадимий бўлиб, у милоддан аввалги 3-4 мингинчи йиллардаёқ шаклланган. Табиийки, давлатчилик қарор топган жойда унинг ўзига хос эҳтиёжларидан келиб чиққан қонунчилиги, тартиб ва тамойиллари ҳам вужудга келади. Бу жараён ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида халқ дунёқараши, маънавий -руҳий эҳтиёжи билан бирга мавжуд ахлоқий қоидалар, демакки, маънавий тамойиллар билан уйғунлашиб кетган. Амир Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мамлакатни озод қилишдаги хизмати катта. Унинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўғит ва насиҳатлари кейинги даврнинг сиёсий арбоблари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилгани шубҳасиз. **“Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган мақолга ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир («Юксак маънавият – енгилмас куч», 45-б.).**

Имом Бурхониддин Марғинонийнинг 53 китобдан иборат "Ҳидоя" асари маънавиятимизнинг тарихий асослари орасида алоҳида ўрин тутди. Мазкур асардан ўрин олган фикр илми — ҳуқуқшуносликка доир қатор кўрсатмалар, қонунлар, ҳулосалар ва фикрлар бу фикрни яққол исботлайди. Кейинроқ бутун Шарқ давлатчилиги айна шу қонуниятларга таяниб, бошқарув усуллари жорий қилганлиги ҳам халқимиз маънавиятининг тарихийлигини кўрсатувчи омилдир. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ана шундай анъанавийлик асосида ўз давлатида ниҳоятда аниқ ва ҳаётий қонунчиликни жорий этиб, маънавий масалаларга асосий эътибор қаратгани бежиз эмас. Амир Темурнинг марказлашган давлат ва миллат қудратини юксалтириш учун маънавият ва

адолатга асосланган салтанатга асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг фан ва маданият равнақи, Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа темурийзодаларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, инсонпарвар жамиятни вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари бугунги кунда фахр ҳиссини уйғотади. Буюк аجدодларимиз яшаган бу кўҳна заминда қадим-қадимдан буён ҳур фикр қадрланганлиги, фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг нақадар равнақ топганида яққол кўриш мумкин. Фикр эркинлиги туфайли буюк аجدодларимиз жаҳоншумул асарлар яратганлар. Улар қолдирган мерос, жамият аъзолари маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ интилиш ва ҳаракатлар тарихий тараққиёт жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келган. Булар албатта, маънавиятнинг тарихий характерга эга эканлигини кўрсатади. Ана шу тарихий асосларни назарда тутиб Давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов: **“Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришга татбиқ этмоғимиз керак”**, - деган ғояни илгари сурган эди. Табиийки, ушбу ғоя бугунги тараққиётимизнинг бош мазмунини белгилайдики, бунда маънавий омилларнинг устуворлиги ҳамда унинг тарихийлиги ва замонавийлиги тамойиллари етакчи ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т. Ўзбекистон, 1992. - 43 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитада уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.:«Иқтисодиёт» 2009й
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”. 2008 й 173 бет

МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДА ИСЛОМ ОМИЛИ ВА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ

Пўлатов Абдор, PhD.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мусулмон араб давлатлари ҳуқуқий тизими ва давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларни тартибга солишда ислом динининг ўрни ҳамда ислом қонунчилиги амалиёти масалалари таҳлил қилиниб, турли араб давлатларидаги ислом ҳуқуқи қўлланиши ва диннинг давлат бошқарувига таъсири ўрганилади. Мақолада ислом дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутиши, давлат ва диннинг бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлиши, шу билан бирга, мусулмон давлатларидаги замонавий дин сиёсати хусусиятлари қиёсий таҳлил асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются правовая система и управление мусульманскими арабскими государствами, роль ислама в регулировании социально-правовых и политических отношений и практика исламского права, применение исламского права в различных арабских странах и влияние религии на государственное управление. В статье обсуждается роль ислама в политических и идеологических целях большинства арабских стран, проявление государства и религии как символа солидарности, а также проводится сравнительный анализ особенностей современной религиозной политики в мусульманских странах.

SUMMARY

The article analyzes the legal system and governance of Muslim Arab states, the role of Islam in the regulation of socio-legal and political relations, as well as the application of Islamic law in various Arab countries and the impact of religion on public administration. The article discusses the role of Islam in the political and ideological goals of most Arab countries, the manifestation of the state and religion as a symbol of solidarity, as well as a comparative analysis of the features of modern religious policy in Muslim countries.

Таянч сўз ва иборалар: дин, ислом дини, ислом омили, араб давлатлари, шариат, конфессия, дин арконлари, диний қадамжолар, ислом ҳуқуқий тизими

Ключевые слова: религия, исламская религия, исламский фактор, арабские государства, шариат, конфессии, религиозные колонны, религиозные святыни, исламская правовая система

Keywords: religion, islam religion, islamic factor, arab states, sharia, religious confession, religious pillars, religious shrines, islamic legal system

Ҳозиргача ислом дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутган. Бу бир тарафдан, сиёсий тузумларнинг барқарорлигига олиб келса, иккинчи томондан, айрим тафовутларни юзага келтирмоқда.

Ислом дини энг авваламбор, мамлакат, давлат ва дин бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Миллий-озодлик урушлари ва сиёсий мустақилликка эришиш даврида ислом омили муҳим аҳамият касб этган. Қонуншуносларнинг таъкидлашича, конституцияларда исломни жамият ва давлат асоси сифатида эътироф этишга интилиш кўп кузатилган. Қуръон ва шариат қоидалари ҳуқуқий нормаларнинг асоси ҳисобланади, улар қайсидир кўринишда конституциявий актлар ва қонунларнинг асосидир.

Анъанавий ислом сиёсий концепциясига мувофиқ ҳукмдорнинг асосий вазифаси – дин ҳамда диний этика ва амалий шартларни жам этган шариатни сақлаш ва ҳимоя қилиш муҳимдир.

Мазкур моделнинг классик мисоли сифатида Саудия Арабистони давлати келтирилади. Давлатда ислом нафақат давлат дини, балки давлат ва ижтимоий-иқтисодий тузумни, барча давлат органларини, уларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини,

шунингдек, фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи асосий қонун ҳамдир. Диний ва дунёвий мансаблар ҳам мазкур давлатда ўзаро боғлиқдир. Зеро, 1992 йилда қабул қилинган “Давлат тизимининг асоси” номли дастурнинг 1-моддасига кўра, “Саудия Арабистони Подшоҳлиги — мустақил араб давлатидир. Унинг дини – ислом, Дастури (Конституцияси) – Қудратли Аллоҳнинг китоби ва унинг пайғамбарининг суннасидир”⁴⁰. Ушбу ҳужжатда ислом динини тарғиб қилиш ва бошқа диннинг фаолиятига тўсқинлик қилиш қатъий белгиланган. “Давлат тизимининг асоси”нинг 48-моддасида қироликда шариатнинг ўрни аниқ белгиланган: “Суд ишлари кўрилиш маҳалида Қуръон ва суннага, шунингдек, ҳукмдорнинг қарорларига асосланган ҳолда иш юритишлари лозим”⁴¹.

Диний таълимотни омма ичида бажартириш яхшиликни ёйиш ва ёмонликка чек қўйиш (Ал-амру бил маъруф ва наҳйи аън Ал-мункари) қўмитаси томонидан амалга оширилади. Мазкур қўмита деярли барча аҳоли пунктларида фаолият юргизиб, “давлат ислом динини муҳофаза қилиши, унинг ўрнатилиши, гуноҳларга йўл қўйилмаслиги ҳамда исломнинг тарқатилиши устидан назорат ўрнатади” (“Давлат тизимининг асоси”, 23-модда) деб конституциявий ҳуқуққа асосан иш юритади⁴².

Таъкидлаш жоизки, араб давлатларида, айниқса, Форс кўрфазидаги монархияларда ислом омили фақат сиёсий фаолият билан чекланмайди. Аксинча, давлат омма орасида ислом ғояси, маданияти, этикасини тарғиб қилиш бўйича кўп ишларни амалга оширади. Зеро, талаблар ушбу давлатларнинг конституцияларида зикр этилган. Ислом ўзлиги энг авваламбор, оилада ва умумтаълим муассасаларида тарғиб қилинади. “Давлат тизимининг асоси”нинг 9-моддасида шундай дейилади: “Саудия жамиятининг асосини оила ташкил этади. Унинг аъзолари ислом дини асосида, айниқса, Қудратли Аллоҳ ва Унинг расулига бўлган садоқат ва бўйсунуш руҳида тарбияланмоқликлари лозим. Улар қонунларни ҳурмат қилиши ва бажариши, ўз Ватани ва унинг тарихини севиш ва ардоқлашлари лозим”. Мазкур модда оиладаги муҳитни фақат ислом дини асосларига қуришни талаб этади. Шунингдек, қироликдаги таълим ҳам шу йўналишдадир: “Таълимнинг мақсади – ўсиб келаётган ёш авлодга ислом динининг тамойилларини сингдиришдир”⁴³.

Албатта, шу ўринда араб мамлакатларидаги қонун-қоидаларни ўзаро солиштириб ўтиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳрайн давлати конституциясининг 22-моддасига кўра, “Давлат диннинг дахлсизлигини, диний қарашларнинг эркин танланишини, диний қадамжоларнинг дахлсизлигини, шунингдек, мамлакатда бўлган урф-одатларга асосланган ҳолда дин арконларига амал қилиш ва диний йиғинларда қатнашиш ҳуқуқини кафолатлайди”. 18-моддага кўра, “барча шахслар ирқи, келиб чиқиши, тили, дини ва қарашларидан қатъий назар, қонун олдида ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажаришда тенгдирлар”⁴⁴.

Қонунда судларнинг уч поғонаси назарда тутилган: қуйи поғона судлари, юқори турувчи апелляция судлари ва шикоят аризаси судлари. Судлар иккига ажратилган: фуқаролик ва жиноят судлари ҳамда шариат судлари (шахсий ишлар бўйича). Суннийлар ва жаъфарийлар ишлари бўйича Шариат судлари никоҳ, ажралиш, ворислик, ғамхўрлик ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланади. Шариат судлари конституцияда келтирилган виждон эркинлиги тамойилларига асосан, мурожаат қилганлар шахсий масалаларини уларнинг қайси ҳуқуқий мактабга тегишлилигини ҳисобга олган ҳолда кўриб

⁴⁰ دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية

// <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

⁴¹ دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية

// <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

⁴² Ўша жойда.

⁴³ Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

⁴⁴ Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

чиқадилад. Мусулмонлар ўртасидаги баҳсли вазиятлар шариат судлари томонидан, ҳар хил дин вакиллари ўртасидаги вазият фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилад⁴⁵.

Шариатга келадиган бўлсак, Қувайт (2-модда), Бахрайн (2-модда), БАА (7-модда), Уммон (2-модда) конституцияларида у қонунчиликнинг “асосий”, “фундаментал” манбаи ҳисобланади⁴⁶.

Араб монархияларида сиёсий партияларнинг тақиқлангани ҳам дин билан боғлиқ. Зеро, улар мусулмон жамоаси (умма)нинг бирлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ислонинг конституциявий тартибга солиниши ҳам ҳар хил кўриниши мавжуд. Аввалом бор, барча араб давлатларининг конституциялари ислонни давлат дини деб тан олади. Аммо, Ливан бу ҳолатдан мустаснодир. Ҳозир Ливанда 17 хил диний конфессиялар мавжуд бўлишига қарамай, ислон ва христиан асосий динлар ҳисобланади. 1998 йилги Судан конституциясига бироз тўхталсак, унда ҳам эҳтиёткорона таъриф берилган: “Судан давлати миллий ва маданий тенглик ва диний бағрикенглик давлатидир. Ислон кўпчиликнинг дини ҳисобланади, христианлик ва миллий динлар кўп тарқалган” (1-модда)⁴⁷.

Баъзи араб давлатларида конституциявий ҳолатлар жиноят кодекси билан тўлдирилган. Хусусан, Сурия Жиноят кодексининг 307-моддасига биноан, ҳар қандай диний ёки душманлик, жамоалар ва табақалар ўртасида ғайрилиқка олиб келишни мақсад қилувчи ҳаракат, оғзаки ёки ёзма чақириқ олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, 200 фунтгача жарима ва сайланиш ҳамда давлат мансабини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баъзи давлатларда (Марокаш, Ливия, Иордания, Миср ва б.) ҳозиргача мусулмон ҳуқуқларига амал қилиниб, ҳуқуқ манбаи сифатида Қуръон тан олинади. Кўпчилик конституциялар давлат қонунчилиги ислон тамойиллари асосида тузилилади.

“Ислон давлат динидир, ислон ҳуқуқий тизими эса қонунчиликнинг асосий манбаидир”, – дейилади 1991 йилги Яман конституциясининг 2-моддасида⁴⁸. Судан конституциянинг 55-моддасида қонунчиликнинг асоси сифатида қуйидагилар белгиланган: “ислом ҳуқуқи ва консенсус, референдумдаги халқ хоҳиши, конституция ва одат”⁴⁹.

1971 йилги Миср конституцияси ислоннинг жамият ривожига муҳим ролини эътироф этади. Шариат қонунларига риоя қилиш – нафақат диний ва шахсий, балки мусулмон фуқароларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳамдир. Ислон давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир (2-модда), белгиланган давлат структуралари (Маслаҳат кенгаши) ислон маданиятини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Конституциянинг баъзи қисмлари ислон ҳуқуқини акс эттиради. Хусусан, фуқароларнинг давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари, аёлларнинг оила ва жамият олдидаги мажбуриятлари шулар жумласидан. Сиёсий ҳуқуқлар Миср конституциясида тўлиқ баён этилишига қарамадан, ижроси ахлоқ тамойилларига мос қилини зарурлиги таъкидланади. 1980 йилги “Қадриятларни парокандаликдан асраш

⁴⁵ Ўша жойда.

⁴⁶ Дастур Мамлакатул ал-Бахрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

Дастур ли Давлат Қатар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>

Дастур ли Давлат Ал-Қувейт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf

Дастур ли ад-Давлат Ал-имарот ал-арабиййа ал-Муттаҳида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>

Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>

⁴⁷ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан // <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

⁴⁸ Дастур Дастур ал-Жумхурият ал-Жумхурият ал-Яман // <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهورية اليمنية/الدستور/tabid/2618/Default.aspx>
http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf

⁴⁹ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан // <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

ҳақида”ги қонунга асосан раҳбарлик лавозимларини “илоҳий қонунлар”ни рад этувчилар эгаллаши таъқиқланади.

Мисрда 2010-2013 йиллар давомида юз берган расмий ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги курашлар бартараф этилганидан сўнг янги конституцияда ҳам 1971 йилги каби исломнинг жамият ривожига муҳим роли эътироф этилади. Ислом давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир, деб 2-моддада белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги конституцияга мамлакатда истиқомат қилувчи христиан ва яҳудий жамоалари мақоми билан боғлиқ баҳсли масалаларни улар ўз қонун қоидаларига мувофиқ ҳал этишлари ҳуқуқини берадиган модда қўшилди.

Ливияда давлат дини сифатида ислом, қонунчилик асоси сифатида шариат тан олинади. 1977 йилда қабул қилинган “Халқ ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги декларация”нинг 2-моддасига асосан: “Муқаддас Қуръон Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг конституциясидир”. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний омил Ливия давлат механизмининг асосий унсурларидан бўлган. Ливия монархи сенусийлар орденининг (тахминан 30% Ливия мусулмонлари сенусийлар ордени таълимотларининг тарафдорлари эди) бошлиғи бўлган. Монархия даврида кўпчилик уламолар ҳудудий вакилликларда ва судларда муҳим лавозимларни эгаллашди. 1969 йилда давлат тепасига келган М.Каддафи ҳам давлат органи тизимларини яратишда уларнинг ислом характериға эътибор берди. М.Каддафининг “Яшил китоби”да шундай дейилади: “Ўзида одатларни жам этган дин табиийлик қонунининг исботидир. Дин ёки урф-одатларға асосланмаган қонунлар бир инсон томонидан иккинчи инсонға қарши тузилган бўлади ва шунинг учун кучға эға эмасдир. Зеро, улар табиий манбаға – одат ва динға асосланмагандир”. Ислом дини Ливияда (бошқа араб давлатлари каби) турли қатлам вакиллари (шаҳарлик, қишлоқ, ўтроқ, кўчманчи) боғловчи халқа сифатиға хизмат қилган.

Ислом давлат қонунларида акс эттирилишининг яна бир жиҳати – унинг олий давлат органлари ва давлат бошқарувида асос деб эълон қилинишидир. Биринчи ўринда, бу ҳолат барча давлат тизимлари учун жуда муҳим бўлган институт – давлат бошлиғига (монарх ёки президент) алоқадордир. Мусулмон назариясига биноан давлат раҳбари лавозимини эгаллашнинг асосий шартларидан бири унинг ислом динидалигидир. Бундан фақат Ливан конституцияси истиснодир. Давлатнинг бошқарувида маронийлар (католик араблар), шунингдек, проваслав, сунний, шиа, друз, юнон-католик конфессиялари вакиллари ҳам учратиш мумкин. Араб мамлакатларида давлат тизимини диний конфессиялар асосида ташкил этишға бўлган урунишлар кўп кузатилади. Хусусан, Сурия ва Ироқда 50-йилларгача депутатлар палатасига ҳар хил конфессия вакиллари тенг миқдорда депутатлар олинган. Ироқда эса олтита ўрин христианлар учун ажратилган. 1949 йилги Суриянинг сайлов қонунига кўра, депутатлар палатасига 86 та мусулмон, 15 та христиан, битта яҳудий ва олтита бадавий вакиллари сайланган. Аммо, ҳозиргача фақатгина Ливанда мазкур ҳолатнинг классик кўриниши сақланган.

Ливандаги давлат тизимининг умумий тамойиллари француз мандати даврида шаклланган эди. Аҳолини рўйхатға олишда берилган маълумотларға кўра, 1932 йилда христианлар аҳолининг 52 фоизини, мусулмонлар эса 48 фоизини ташкил этган. Христиан аҳоли кўплиғи учун Франция ва Ливан (айниқса, маронийлар) христианлари ўртасида ўзаро яқин тарихий алоқалар шаклланган. Франция аҳолининг айнан шу қисми учун кўпроқ ваколатлар бериб, Ливаннинг кейинги ички ва ташқи сиёсатиға таъсир ўтказишни режалаштирганлар. Катта буржуазия вакиллари бўлган христианлар мазкур ҳудуддаги Сурия, Иордания ва бошқа мусулмон давлатларнинг таъсиридан хавотирға тушиб, мамлакатда конфессионал тизим ўрнатилиши тарафдори бўлганлар. Уларнинг фикриға кўра, Ливан давлатининг конфессионал асоси христианлар мақсадларининг таянчи бўлиши лозим эди. Конфессионал тизим 1926 йилдаги Ливан конституциясида (95-моддаға кўра,

“давлат ва вакиллик органларида жамоаларнинг адолатли нисбатда вакиллари бўлиши”⁵⁰ лозим) ҳам 1943 йилдаги Миллий пактга кўра ҳам мосдир. Мазкур пакт республиканинг биринчи президенти, христиан-мароний бўлган Бишар ал-Хури ва унинг биринчи бош вазири, мусулмон сунний бўлган Риёд Солих ўртасидаги келишув бўлиб, амалда мамлакатнинг ёзилмаган конституция кучига эгадир⁵¹. Унга кўра, давлат аппаратида турли хил жамоаларнинг ўзаро адолатли вакилликлари таъминланди. Конституцияга кўра, катта ваколатларга эга мансаб – президентлик энг катта христиан жамоаси маронийларга, бош вазир – суннийларга, парламент раислиги – шиаларга, бош вазир ва парламент раиси ўринбосарлари – проваславларга берилган⁵².

Сурия (2-модда), Мавритания (23-модда), Жазоир (73-модда), Тунис (40-модда) ва бошқа давлатлар конституциясида президентликка номзод мусулмон бўлиши шартлиги кўрсатилган⁵³. Ундан ташқари, давлат раҳбари лавозимига ўтиришдан олдин расмий қасамёд қилинади. Қасамёд конституциянинг махсус бўлими сифатида берилади. Қасамёд қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” (“Меҳрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман”) ўз мажбуриятларимни виждонан бажаришга, конституцияни ҳимоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қасамёд қиламан.

Бошқа давлат мансабларига келсак, мусулмон қоидаларига кўра, уларда бошқа дин вакиллари бўлиши мумкин. Ҳатто халифалик даврида ҳам вазир ва ҳукмдорлар лавозимига бошқа дин вакиллари қўйилган ҳолатлар тарихдан маълум. Аммо замонавий қонунчиликда истисно ҳолатлари учраб туради. Баъзи давлатларда давлат раҳбарининг қасамёдида ўхшаган қасамёд матнини унинг олдида келтирилиши талаб қилинади. Хусусан, 1990 йилги Ироқ конституциянинг 59-моддасига кўра, нафақат президент ёки вице-президент балки вазирлар маҳкамасининг барча аъзоларидан қасамёд қабул қилдириш талаб қилинади. Хусусан, Сурия конституцияга кўра (116-модда), Вазирлар кенгашининг раиси, унинг ўринбосарлари, вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳам келтиришлари лозим. Миср Миллий йиғилишининг депутатлари (90-модда) ҳам ўз вазифаларига киришар экан, қуйидагича қасамёд қилади: “Ватан дахлсизлигини сақлашга ва республика тизимини ҳимоя қилишга, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга, конституция ва қонунларни ҳурмат қилишга Қодир Аллоҳ номи билан қасамёд қиламан”.

Яна бир исломнинг конституциявий таъсир омили кўпгина араб давлатларида (хусусан, республикаларда ҳам) махсус маслаҳат-келишув органларининг (одат давлат бошлиқлари қошида) тамомила исломнинг анъанавий тамойилларига асосланган ҳолда тузилишидир. Масалан, Жазоир конституциянинг 171-моддасига кўра, республика президенти қошида Олий ислом кенгаши ташкил этилади ва унга қуйидаги ваколатлар берилади: “Ижтиҳоднинг ривожланишини қўллаш; президент томонидан топширилган масалалар бўйича ўзининг диний фикрларини билдириш; ўзининг фаолияти тўғрисида президентга доимий ҳисоботлар бериш”⁵⁴. Жазоирнинг Олий Ислом кенгаши 15 аъзодан иборат бўлиб, унинг раиси президент томонидан тайинланади (172-модда)⁵⁵.

Худди шундай хусусиятларга эга бўлган маслаҳат кенгаши Мисрда ҳам амал қилади.

⁵⁰ Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf

⁵¹ Ўша жойда.

⁵² Ўша жойда.

⁵³ Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

Дастур ли Жумхурият ат-Тунис//<http://www.tunisie-constitution.org/>

⁵⁴ Дастур Ал-Жумхурият Ал-Жазаирийа Ад-Демократийа Аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

⁵⁵ Ўша жойда.

1991 йилги Мавритания конституцияси ҳам шахсан президент томонидан тайинланадиган ва 5 кишидан иборат президент қошидаги Олий ислом кенгаши ташкил этилишини назарда тутди. Президент талабига кўра, мазкур кенгаш президент томонидан киритилган ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришлари лозим. Шу алфозда Олий ислом кенгашининг мавқеи президент қошидаги бошқа кенгашлар, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашлардан ҳам юқори туради.

Яна бир ислом тамойилларининг конституцияда акс этилиши бу фуқароларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликларидир. Энг муҳими, шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тенглик тамойилидир. Мазкур тамойилга кўра, араб давлатларининг конституцияларида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги кўрсатиб ўтилади. Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенгдирлар, деб эълон қилинади. Улар орасида жинси, irqи, танасининг ранги, этник келиб-чиқиши, тили, иш фаолияти, ижтимоий ҳолати ва дини бўйича чекловларга ва таҳқирларга йўл қўйилмайди (Яман конституцияси, 27-модда). Баъзи конституцияларда барча фуқаролар ўзларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳеч қандай чекловларсиз тенглиги эътироф этилади (Ливан конституцияси, 7-модда). Иордания конституциясида бу ҳолат сал эҳтиёткорлик билан белгиланади. 6-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари жинси, тили ва дини асосида чекланиши мумкин эмас. Сурия конституциясида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги кўзда тутилади. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тенгдирлар, шу ўринда давлат улар учун бир хил имкониятлар яратади. Худди шу тенг имкониятлар тамойили Ироқ конституциясининг 19-моддасида ҳам акс этади.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, исломга конституциянинг асосий манбаи сифатида қаралади ва ислом қонун-қоидаларига амал қилиш конституция даражасига кўтарилган. Турли конституциялар мазкур ҳолатга турлича ёндашган бўлсалар-да, конституцияга исломнинг шу даражада таъсири давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми, давлат органлари тизими, олий ҳокимият органлари ва давлат бошлиғи ва давлат аппарати ўз-ўзидан ислом омилига асосланади. Ислום ўзининг конституцион ва кенг оммага таъсири натижасида у бутун таълим ва тарбия тизими, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва оилавий муносабатларни белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>
2. Дастур ал-Жумхурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
3. Дастур ал-Жумхурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
4. Дастур ал-Жумхурият ал-Яман// <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهوريةاليمنية/الدستور/tabid/2618/Default.aspx>
http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf
5. Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf.
6. Дастур ли ад-Давлат Ал-имароот ал-арабиййа ал-Муттаҳида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>
7. Дастур ли Давлат Ал-Кувайт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf
8. Дастур ли Давлат Қатар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>
9. Дастур ли Жумхурият ат-Тунис// <http://www.tunisie-constitution.org/>
10. Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>
11. Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>
12. Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

13. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
14. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
15. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18*.
16. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
17. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Özbekistan'da toplumsal yaşamın ana özelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
18. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.
19. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
20. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
21. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*,(40), 69-72.
22. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. Atatürk University. *Journal of Social Sciences*, (54), 7.
23. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
24. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.

ВИРТУАЛ ТЕРРОРИЗМ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Нурийман Абулҳасан, PhD.

Аннотация

Ушбу мақолада жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида кибермакондаги хуружлар, виртуал жиноятчилик ва унинг ғоявий асослари ҳамда амалга оширилиш технологиялари таҳлил қилинади. Виртуал технологияларнинг жамият ижтимоий ҳаёти ва инсоннинг кундалик турмуш тарзига таъсири ортиб бориши шароитида ундан ғаразли мақадларда фойдаланиш тенденциялари, бу борадаги сўнги кўрсаткичлар келтирилиб ўтилган. Шу билан бирга, мақолада виртуал маконда намоён бўлаётган кибертерроризм, киберхуруж ва кибержиноят тушунчалари таҳлили асосида уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсири баҳоланади.

Калит сўзлар: барқарорлик, виртуал, терроризм, киберхуруж, кибертерроризм, виртуал терроризм, интернет, кибержиноят, виртуал макон

ОСОБЕННОСТИ БОРЬБЫ С СОВРЕМЕННЫМ ВИРТУАЛЬНЫМ ТЕРРОРИЗМОМ

Аннотация

В данной статье анализируются кибератаки, виртуальная преступность и ее идеологическая основа, а также технологии внедрения как фактора, негативно влияющего на социально-политическую стабильность общества. Приводятся тенденции использования виртуальных технологий в контексте возрастающего влияния общества на социальную жизнь и повседневный образ жизни человека, а также последние показатели в этой связи. В то же время в статье дается оценка их влияния на социально-политическую стабильность общества на основе анализа понятий кибертерроризма, киберпреступности и киберпреступности, которые проявляются в виртуальном пространстве.

Ключевые слова: стабильность, виртуальный мир, терроризм, кибератака, кибертерроризм, виртуальный терроризм, интернет, киберпреступность, виртуальное пространство.

FEATURES OF THE FIGHT AGAINST MODERN VIRTUAL TERRORISM

Annotation

This article analyzes cyberattacks, virtual crime and its ideological basis, as well as implementation technologies as a factor that negatively affects the socio-political stability of society. Trends in the use of virtual technologies in the social life of society and in the context of increasing human impact on daily life, the latest indicators in this regard are given. At the same time, the article assesses their impact on the socio-political stability of society based on the analysis of the concepts of cyberterrorism, cyber-attack and cybercrime manifested in the virtual space.

Keywords: *stability, virtual, terrorism, cyber attack, cyberterrorism, virtual terrorism, internet, cybercrime, virtual space.*

КИРИШ

Ҳозирги даврда жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш муаммоси жуда ҳам долзарб даражада муҳокама қилинмоқда ва бу ҳолат хатто ҳар бир давлатнинг сиёсий қудратини ҳам белгилаб бермоқда десак янглишмаган бўламиз. Барқарорлик ҳар қандай замонавий жамият ривожланишининг муҳим шартидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўлиқ ривожланиш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида барқарорлик таъминланиши зарур. Бир соҳада барқарорликнинг ижобий ва сифатли ўзгариши бошқа соҳанинг беқарорлиги ва таназзулига сабаб бўлмаслиги керак ва шундагина давлатнинг стратегик тараққиётини таъминлаш мумкин бўлади. Барқарорлик деганда жамиятда ноқонуний зўравонликнинг реал таҳдидининг йўқлиги ёки давлатнинг уни йўқ қилиш қобилиятини мавжудлиги тушунилади.

Барқарорлик - бир ҳукуматнинг узоқ вақт давомида фаолият кўрсатиши ва шунга мос равишда ўзгарувчан воқеликка муваффақиятли мослашиш қобилиятини англатади. Бироқ, барқарорликдан беқарорликка ўтиш фақат ҳукуматнинг кулаши билан изоҳланмайди. Чунки Конституциявий тузумнинг мавжудлиги демократик мамлакатларда барқарорликни белгиловчи омил сифатида қаралиши мумкин. Сиёсий ҳокимият фаолиятида қонунийликни таъминлаш асосидагина барқарорликка эришилади. Барқарорлик эса сиёсий тизимда таркибий ўзгаришларнинг йўқлиги ёки уларни бошқариш қобилиятининг мавжуд эмаслиги оқибатида пайдо бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Беқарорлик ўз-ўзини бошқараолмаслик натижасида келиб чиқади. Бундай ҳолда, бу жамиятдаги беқарор вазият тобора кчайиб бориб, турли даражадаги зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай беқарорликни амалга оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда. Масалан, бугунги кунда интернет – даври қанчалик илгарилагани сари, бугунги кунда қандай яшаш керак? деган саволга жавоб топиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб “глобал ақл”дан максимум фойдаланиш ва унда (виртуал оламда) ўзини йўқотиб қўймаслик керак? Бизнинг жамиятимизда тармоқли экстремизм муаммоси қанчалик кескин? Нима учун ундан асосан бегуноҳ болалар ва ёшлар азият чекмоқда, нима қилиш керак? Бундан бор-йўғи 20 йил олдин дунё аҳолисининг 4,1 фоизигина интернетдан фойдаланиш имкониятига эга эди. 2019 йилга келиб глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони 4,5 млрд.дан ошиб кетди. Бу башариятнинг 58,8 фоизи деганидир. Интернетнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнаши БМТ томонидан ҳам алоҳида таъкидлаб келинади. Ушбу ташкилот томонидан интернетдан фойдаланиш инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган резолюция қабул қилингани, ўзига аъзо

давлатларни рақамли нотенгликка қарши курашишга мудом чақириб келаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир[11].

2004 йил 27 январга ўтар кечаси Бутунжаҳон Интернети тарихида Novarg ва Shimgari деб номланувчи Mydoom электрон почта вирусининг кенг миқёсда тарқалиши компьютер терроризми даврини бошлаб берди. Мутахассисларнинг фикрига кўра Mydoom эпидемиясининг тарқалиши натижасида интернетдаги вирусларни гўёки “зафарли юриши” бошланган. Бир неча соат ичида электрон почта ва KaZaA файл алмашиш тармоғи орқали тарқалган зарарли вирус 200 мамлакатда 300 мингдан ортиқ компьютерни ишдан чиқарган. Mydoomнинг ушбу версиялари ишлашидан етказилган зарар миллиардлаб долларни ташкил этган. Ҳозирда эса турли даражадаги вируслар сабаб етказилган зарар миқдори 30 миллиард доллардан ортимоқда. Касперский лабораториясининг вируслар бўйича таҳлилчиси Александр Гостевнинг сўзларига кўра, бир қатор далиллар Mydoom эпидемияси бир гуруҳ жиноятчилар томонидан олдиндан жиддий тайёргарлик кўриб тарқатилган.

Тўғри виртуал технологиялар инсонга пул топиш учун ҳақиқий имкониятни беради бироқ бу жараён ҳар доим ҳам қонуний йўл билан амалга оширилмайди. Масалан, кибержиноятчилик гуруҳларининг бирлашиши уларга ўз фаолиятидан тушган даромадни кўпайтиришга ёрдам беради. Бироқ уларни бундай ҳатти-ҳаракати нафақат ижтимоий-иқтисодий балки сиёсий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Тўғри вирусли эпидемиялар ҳеч қачон тўхтамайди. Чунки ушбу эпидемия кибержиноятчиликнинг янги шаклланишининг дастлабки белгисидир. Баъзи шахслар томонидан берилаётган молиявий ва сиёсий мотивация унинг янада ривожланишига сабаб бўлмоқда. Кўп бизнинг асримизда антивирус ҳимояси ҳақида тасаввурга эга бўлмаган одамлар бор, дея шикоят қилишади таҳлилчилар. Panda Software томонидан олиб борилган сўнгги изланишларга кўра, Европа Иттифоқидаги фойдаланувчиларнинг 66% дан кўпроғи етарли даражада антивирус ҳимоясига эга эмас ёки уларда умуман антивирус дастурлари ўрнатилмаган ёки дастурлар ўз вақтида янгиланмаган[15].

Келажакда терроризмнинг таъсир доираси виртуал таҳдидлар даражаси билан ўлчанади. Шу пайтгача сиёсий мотивларга асосланган бундай таҳдидлар кенг кўламли фалокатларни юзага келтирмаган бўлса-да келажакда жиддий фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Бир неча йил олдин Америка ва АҚШнинг жосуслик самолёти устида олиб борилган Хитой ва АҚШ ўртасидаги можаро пайтида хакерлар Оқ уй, Энергетика вазирлиги ва Ҳаво кучларини ўз ичига олган 1200 га яқин веб-сайтларга ҳужум қилишган эди. Оқибатда эса баъзи сайтлар ишдан чиқган, бошқалари бутунлай ўчириб қўйилган эди. Россиядаги ва Шарқий Европадаги хакерлар Косовода уруш пайтида худди шундай ҳаракат қилишган, Покистонликлар ва Ҳиндистонликлар бир-бирларига нисбатан хатто бугунги кунда ҳам худди шундай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. АҚШ экспертларининг фикрига кўра, бир неча йиллар мобайнида россиялик хакерлар Пентагоннинг

компютер тармоқларига киришган ва ноқонуний равишда катта миқдордаги ҳарбий-техник маълумотларни юклаб олишган[14].

Киберхужумлар натижасида сув ва энергия таъминоти тизимлари, нефт ва газ заводлари ва омборхоналари, электрон банк тармоқлари, телекоммуникация воситалари, транспорт ёки авария хизматлари тизимида турли муаммолар юзага келиши мумкин. Террористлар ушбу тизимларнинг ишлашини тўхтатишга ёки ундан ҳам ёмони, уларни тўлиқ ўчириб, турли фалокатларни юзага келишига эришиши мумкин. Шу боисдан ҳам кўпгина давлат идоралари ва кўплаб тижорат фирмалари ўзларининг компютер тизимларининг энг нозик элементларини интернетдан узиб қўйганлар. Аммо ушбу тизимларни ишчилардан ҳимоя қилиш анча қийин. Матбуот томонидан тасодифан эслаб ўтилган ва тезда олиб ташланган шунга ўхшаш воқеа 2000 йилда Россияда рўй берган. Йил бошларида, Газпром ходими бир гуруҳ хакерларга компаниянинг компютер тизими ва қувурлари учун газ тақсимлаш схемасига кириш учун бир неча соат давомида ёрдам берган[14]. Маълум бўлишича, Лондон шимолидаги Финсбер хиёбонида жойлашган масжиднинг имоми Абу Ҳамза ал-Масри бўлиб, у ўз атрофида компютер соҳасидаги бир гуруҳ мутахассисларни тўплаган. Бу исломий экстремистлар компютер терроризмининг потенциалидан хабардор эканлигининг исботидир. Россиялик компютер жинояти бўйича бошқа бир экспертнинг таъкидлашича: Америкалик экспертлар ҳам Покистон тарафдори бўлган Покистон хакерлари клуби билан яқиндан қизиқаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ал-Қоида гуруҳи ҳам бошқа жиноий уюшмалар қатори киберхужумларни олиб бориш учун дастурчиларни топишга интилаётганлиги ҳам ўз-ўзидан амалга оширилаётганлиги йўқ. Чунки уларда пул бор ва улар ақл қидирмоқдалар. Эртами-кечми мутахассислар буни топадилар. Шу боисдан ҳам ўз вақтида бундай таҳдидларга қарши туриш ҳар бир мамлакатнинг муҳим стратегик вазифасига айланиши даркор. Замонавий жамият тобора кўпроқ ахборот маконига кириб бориши ва одамларнинг кундалик ҳаётлари энг янги рақамли технологиялар билан тўлиқ уйғунлашгани сайин инсонлар виртуал маконда янги турдаги террорчилик ҳаракатларининг турли хил кўринишларига дуч келмоқдалар. Глобаллашув ва рақамли технологияларнинг инсоннинг кундалик ҳаётига кириб бориши натижасида виртуал ҳақиқат деб номланган янги ижтимоий макон пайдо бўлмоқда. Замонавий илм-фанда виртуаллаштириш деганда киберфазо деб аталадиган воқелик тушунилади. Шу боисдан ҳам жамият ҳаётида ахборот технологияларининг кенг тарқалиши янги муаммолар ва таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Агар яқинда интернетнинг кенг имкониятларидан фақат молиявий фойда олишни истаган фирибгарлар фаол фойдаланган бўлса, энди виртуал макон имкониятлари асосан сиёсий мақсадларни кўзлаган янада хавфли ўйинчилар қўлига ўтмоқда. Замонавий кибертерроризм ўзининг кўлами, техник имкониятлари ва оқибатлари нуқтаи назаридан анъанавий терроризм ва уюшган жиноятчилик билан бир қаторда инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Замонавий жамиятнинг ушбу янги муаммосини таҳлил қилишни давом эттиришдан олдин, ишлатилган атамаларни аниқлаш керак. Кибертерроризм нима? Муаммони ўрганишнинг дастлабки босқичларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий фанларда кибертерроризм қандай таҳдид деб қаралиши тўғрисида яқдил фикрга эга эмасмиз. “Кибертерроризм” атамаси 1980 йилда Калифорния хавфсизлик ва разведка институти катта ходими Барри Коллин томонидан ишлатилган. Ўша пайтда Интернет мудофааси бўлган АҚШ Мудофаа вазирлигининг АРПАНЕТ идораси тармоғи битта штат ҳудудида бир нечта компьютерларни бирлаштирган. Бироқ, тадқиқотчи яқин орада кибернетларнинг имкониятлари террорчилар томонидан кўриб чиқилишига урғу берган. 1997 йилда ФҚБ ходими Марк Поллитт кибертерроризмни “ноҳарбий мақсадларга, одамлар гуруҳларига ёки махфий агентларга қарши зўравонликка олиб келадиган ахборот, компьютер тизимлари, дастурлар ва маълумотларга қасддан, сиёсий асосланган ҳужум” сифатида қарашни таклиф қилиб, янги қонуний атамани ишлаб чиқган” [6].

“Кибертерроризм” тушунчасини аниқлашдаги муаммолар бир томондан, ушбу турдаги терроризмни ахборот урушидан ва ахборот қуролидан фойдаланиш жараёнидан ажратиш олимларда баъзи қийинчиликларни туғдиради. Одатда рақамли жиноятлардан ва рақамли ахборот соҳасидаги жиноятлардан ажратиш қийин эмас. Бошқа томондан, терроризмнинг ушбу шаклининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга уринишда янги тадқиқот йўналишларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Шундай қилиб, кибертерроризмнинг иқтисодий ва психологик жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қайси бири муҳимроқ эканлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Ж. Девост, Б.Х. Хьютон, Н.А. Поллард каби олимлар кибертерроризмни рақамли тизимлар, тармоқлар ёки уларнинг таркибий қисмларини террорчилик операциялари ёки ҳаракатларининг амалга оширилишига қаратилган мақсадларни амалга ошириш учун атайлаб ишлаб чиқилган тизим сифатида баҳолайдилар[8]. Бироқ, бугунги кунда кўпгина мутахассислар “ахборот жинояти” атамасини тизимни бузиш, шахсий ёки безорилик мақсадида маълумотни ўғирлаш ёки йўқ қилишга қаратилган шахслар ёки гуруҳларнинг ҳаракатларини англатишини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Булар, қоида тариқасида айтиш мумкинки, киберҳужумнинг муайян объектига қарши бир марталик жиноятлардир. Киберҳужумда содир этилган ҳар қандай жиноят компьютерлар, компьютер дастурлари, компьютер тармоқларига ноқонуний кириб бориш, компьютер маълумотларини рухсатсиз ўзгартиришдир.

Кибержиноятларнинг асосий фарқловчи хусусияти тажовузкорнинг хатти-ҳаракатларининг ғаразли табиати билан характерланади. Кибертерроризм юқоридаги жиноятлардан, авваламбор, одатий сиёсий терроризмга ўхшаш мақсадлардан фарқ қилади. Бу ҳужумни амалга оширишда ахборот ва террорчилик ҳаракатларини ўтказиш воситалари ҳар хил бўлиши мумкин ва замонавий ахборот қуроллариининг барча турларини ўз ичига олиши

мумкин. Шу билан бирга, уни қўллаш тактикаси ва усуллари ахборот уруши ва ахборот жинояти усулларида сезиларли даражада фарқ қилади. Кибертеррорист худбин ёки безорилик мақсадида ҳаракат қиладиган ҳакер, компьютер ўғрисидан жиддий фарқ қилади. Виртуал терроризмнинг асосий вазифаси мукамал террорчилик ақтининг нафақат хавфли оқибатларга олиб келишини, аҳолига кенг маълум бўлишини, балки кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинишини ҳам таъминлашга қаратилади[8]. Қоидага кўра, кибертеррорчиларнинг талаблари ушбу объектни ахборот жиноятидан ажратиб турадиган аниқ бир объектни кўрсатмасдан ҳаракатни такрорлаш хавфини мавжудлиги билан характерланади.

Замонавий ижтимоий-гуманитар фанларда кибертерроризмнинг аниқ таърифи ҳам йўқ. Жиноий амалиётда кибертерроризм ўзининг соф шаклида рўй бермайди, аксарият ҳолларда бу терроризмнинг бошқа турлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади: биологик, кимёвий, транспорт ва бошқалар шулар жумласидандир. Баъзи бир олимлар кибертерроризмни сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда устунликка эришиш учун инсон ҳаётига суиқасд қилиш, вайронкор ҳаракатлар, объектив маълумотни бузиб кўрсатиш ёки жамиятдаги қўрқув ва кескинликнинг кучайишига олиб келадиган бошқа хатти-ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунадилар. Бошқалар буни компьютер, компьютер тизими ёки тармоғи томонидан қайта ишланган маълумотларга қасддан қилинган ҳужум деб баҳолайдилар. Агар бундай ҳаракатлар жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёки ҳарбий можароларни кўзгаш мақсадида қилинган бўлса, одамлар ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдиради[7].

Ахборот терроризми тушунчасини терроризм мақсадларида ишлатиш тушунчасини фарқлаш керак. Журналистика доирасида нашр қилинган адабиётларда бу тушунчалар кўпинча алмаштирилади ва ахборот терроризмининг амалга ошириш ҳақида гап кетганда, террорчилик мақсадларида тарғибот ишлари олиб борилади деб қаралади[13]. Замонавий кибертерроризм ҳақида гап кетганда, бу кўп қиррали ҳодиса, одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган виртуал оламга ёки бошқа жиддий оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сиёсий асосли ҳужумда намоён бўлиши кераклигини тушуниш керак. Кўпинча бундай ҳаракатлар жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ва шаҳарлар инфратузилмаларини бузиш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Кибертерроризмнинг ўзига хос хусусияти кишиларни қўрқитиш, жамият аъзоларининг хоҳиш-иродасини сусайтириш, ваҳима ва ишончсизлик ҳиссини тарқатиш мақсадида жамиятга тўғридан-тўғри таъсир қилишдир. Бунга турли даражадаги таҳдидлар тўғрисида маълумот тарқатиш, муайян сиёсий ёки бошқа мақсадларга эришиш учун доимий қўрқувни сақлаш, кишиларни муайян ҳаракатларга мажбур қилиш, шунингдек террорчилик ташкилотининг ўзига эътиборни жалб қилиш орқали эришилади. Террористик киберҳужумнинг асосий мақсади нафақат ўзининг техник қобилиятлари ёки

имкониятларини намоёни қилиш (бу безорилик хакерларига хос), балки уларнинг ёрдами билан мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятга таъсир ўтказиш ҳам устувор аҳамият касб этади. Жоржтаун университети информатика фанлари профессори Д. Деннинг кибертерроризм ҳақида “компьютерларга, тармоқларга ёки уларда жойлашган маълумотларга ноқонуний ҳужум ёки таҳдид қилиш, ҳокимиятни сиёсий ёки ижтимоий мақсадларга эришишда ёрдам беришга мажбурлаш” [10] деб баҳо беради. Кибертерроризмни бошқа виртуал жиноятлар билан таққослаб, шуни таъкидлаш керакки, ахборот террорчилари кибержиноятчилар билан бир хил техник воситалардан фойдаланадилар, аммо уларнинг мақсадлари бир-биридан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мазмунига кўра фарқ қилади.

Жамиятга кўрсатадиган таъсири бўйича кибертерроризм универсал характерга эга, чунки у жамиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади ва бу уни бошқа жиноятчилик турларидан ажратиб туради. Ривожланган мамлакатлар жамиятларининг деярли юз фоиз рақамли технологиялар билан интеграциялашуви туфайли виртуал макон нафақат инсон ҳаётида баъзида реал воқеликка қараганда кўпроқ рол ўйнайди. Кибертерроризм муаммоси глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлат суверенитети ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бирига айланганлигидан далолат беради. Бугун бутун дунёда виртуал таҳдидлар даражаси ошиб бормоқда. Хавфлар сони ортиб бормоқда ва турли хил киберҳужумларнинг салбий оқибатлари энди маҳаллий даражада эмас, балки моҳияти ва миқёси жиҳатидан ҳам глобал даражага чиқди. Масалан, 2017 йил май-июн ойларида «WannaCry» вирусининг тарқалиши натижасида дунёнинг 150 мамлакатида, шу жумладан Россиянинг ахборот манбаларига ҳам катта зарар етказди[5].

Кибертерроризм таҳдиди жуда катта ва баъзи ҳолларда уни қайтариб ҳам бўлмайди. Замонавий жамиятда ушбу виртуал таҳдидга қарши курашиш учун самарали тизимни ишлаб чиқиши керак. Бунинг учун уни ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади. Бу жараёнда кибертеррорчилар ҳужум қилиши ёки зарба бериши мумкин бўлган энг заиф нуқталарини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ахборотлашган жамиятнинг таъсири мамлакатимизда ҳам кескин ошиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи интернет каналининг ўтказиш қобилияти 2018 йил охирида 10 баробарга оширилди ва бугунги кунда 1200 Гбит/с га тенг. Бу ҳозирги кунда Ўзбекистондаги барча провайдер ва операторларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли. 2019 йил давомида Халқаро пакетли коммутация марказига уланган оператор ва провайдерлар учун ташқи каналга уланиш тарифлари нархи 1 Мбит/с учун 85 минг сўмдан 70 минг сўмгача (17%га) арзонлаштирилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда интернет хизматларига тарифларнинг ўртача 4 бараварга арзонлашганини, хусусан симли интернет тезлиги бутун Ўзбекистон фойдаланувчилари учун деярли икки бараварга ошганини кўрсатади...

Speedtest.net веб хизматининг маълумотларига кўра, дунё микёсида мобил ва симли интернет тезлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Speedtest Global Index нинг ойлик рейтинги жорий йил ноябрь ойи натижаларига кўра, Ўзбекистонда қайд этилган интернет тезлиги 11 поғонага юқорилаган. Мамлакатимиз умумий рейтингда дунёнинг 180 та мамлакати орасида 108-ўринни эгаллади (11 поғона юқорилаш). Бу йил давомидаги энг ишончли ўсишдир! 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистонда қайд этилган интернет тезлиги 2018 йил ноябрь ойида қайд этилган 9,98 Мбит/с дан (Download) 21,47 Мбит/с гача, яъни икки бараварга ошган [12].

Замонавий терроризмнинг асосий ғояси - бу турли даражадаги террор таҳдидлари орқали норозиликларни яратиш ва давлатни заифлаштиришдан иборат. Назарий жиҳатдан, жамиятда мавжуд норози инсонлар иккита сиёсий стратегияни амалга ошириш орқали оммавий норозиликларни келтириб чиқаришлари мумкин. Биринчидан, улар иқтисодий воситалардан, шу жумладан тўғридан-тўғри тўловлардан фойдаланишлари мумкин, улар радикал жамоаларга қўшилган кишиларидан олинади, шунингдек, террорчилар ҳар доим босиб олинган ҳудудларни талаш, босқинчилик қилиш орқали пул топишга интилишади[2]. Террорчилар ўз тарафдорларига уларнинг садоқатини янада ошириш учун озиқ-овқат, бошпана ёки хавфсизлик масаласида ёрдам беради. Масалан, Афғонистондаги Толибоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар гўёки фуқароларни ўзбошимчалик ва зўравонликдан ҳимоя қилишган[1]. Террорчилар тарафдорлари кузатиши мумкин бўлган иккинчи стратегия сиёсий норозиликда қатнашмаганлик учун жазоланишдир. Террористларнинг раҳбарлари зўравонликка аралашмаслик ва қонуний ҳокимиятни қўллаб-қувватлашни афзал кўрган фуқаролар ва шахсларга жиддий зарар етказадилар[4].

Россияликлар интернет аудиторияси – Европада энг катта аудиториялардан биридир, у 80 млн.фойдаланувчилар бўлиб, улардан 72 млн.и (аҳолининг 61 %) кунига онлайн режимда бўладилар. Бу жуда катта рақамлар ва улар кун сайин ўсаяпти. Асосан бу рақамлар смартфонлар орқали интернетга кирувчи ёшлар ҳисобига ошмоқда. GfK Group тадқиқотлар концернининг Россия филиали томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра 16–29 ёшдаги фуқаролар орасида интернетга кирувчилар бугун 97% ташкил қилади. Шундай қилиб, ёшлар қатлами (97%) интернетнинг фаол фойдаланувчилари бўлиб уларга смартфонлари орқали – мулоқот қилиш, фото ва видео кўриш, ахборотларни ўқиш, мусиқа эшитиш қулай[3].

Ёшларга берилган: “Бирор бир воқеа-ҳодиса ҳақида ижтимоий тармоқларда ўз фикр-мулоҳазангизни билдирганмисиз”, саволига, улар: “Ҳа, шахсий саҳифада”деб жавоб берганлар. Бироқ аниқланишича, ёшлар ҳаётида ижтимоий тармоқлар қанчалик кўп ўрин эгаллагани сари улар кўпроқ танқидга дучор бўлаяптилар. Сабаби эса тушунарли, бу охириги вақтларда ижтимоий тармоқлар ҳаддан ташқари кўп, ёшларнинг соғлиқ ва дунёқараши билан боғлиқ “чақирувлар” кўпайиб бормоқда. Яъни, суицид интернет-

жамиятига киришдан тортиб, то радикал диний ташкилотларга аъзо бўлиш, санкцияланмаган сиёсий митингларга чиқиш, шарҳлардаги жаргон мулоқотлар, турлиияшининг мавзуларда очик-ойдин мулоқот қилиш, порнографик снэп-чатларнинг яратилиши ва ҳоказолар ёшлар ахлоқига кескин салбий таъсир қилмоқда. Энг асосийси шаклланиб бўлган бу воқеъликни ёшлардан ососликча тортиб ололмайди. Интернет янгиликка ўч, фаол, креатив фикрловчи ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Шу нуқтаи назардан, виртуал оламни назоратга олиш ва бошқариш ҳукумат даражасидаги масала сифатида юқори ташкилот вакиллари томонидан катта мажлислар кун тартибига қўйилмоқда, аммо бу баҳс-мунозара ва кейсларни ишлаб чиқишдан нарига ўтолмаяпмиз.

Яқинда Казань креатив индустриялари резиденциясида “Ёшларни интернетдан “даволаш” керакми ёки йўқми?” саволи ўртага ташланди. Машҳур блогерлардан Нияз Латипов ҳамда психотерапевт психология фанлари номзоди Рамиль Гарифуллин ҳам сўзга чиқдилар. Биринчиси, интернет-чекловларга йўл қўймаслик керак деб ҳисоблайди, у буни сузишга чеклов қўйиш билан қийнади. Яъни, кимдир чўкиб кетган бўлса “сувнинг айби йўқ”! Латипов фикрича, қирғоқдагиларга сузишни ўргатиш – интернетда қандай яшаш кераклигини ўргатиш керак. Шунда у янги дўстлар ортириш мумкин бўлган, интеллектуал ривожлантирувчи макон бўлиб хизмат қилади. Психотерапевт Рамиль Гарифуллин эса буни инкор қилди. Унинг фикрича, ёшларни “даволаш” лозим! Айнан интернетнинг ўзидан эмас, балки унинг психоневрологик оқибатларидан: бегоналашув, шахсий ёлғизлик, ўзига ҳаддан ортиқ юқори баҳо бериш – гипертрофия, мурасасизлик, асоциал ҳатти-ҳаракат. Ҳудди алкоголь мутеълик инсоннинг ўзига кўринмагандек, “лайк” мутеълиги ҳам жиддий касаллик. Ижтимоий тармоқларда ёшлар гуруҳларидаги суицидлар кўпайиши сабаби ҳам шунда. Демак, интернетдан фойдаланишини жиддий назоратга олиш керак[3].

ХУЛОСА

Демак, замонавий виртуал терроризм қуйидаги соҳаларда намоён бўлади: биринчидан, хавфсизлик тизимида кириш, ишларни тўхтатиш ёки алоқа, таъминот, жамоат транспорти ва ҳарбий объектларни тўлиқ ёпиш орқали катта миқдорда моддий ва иқтисодий зарар етказиш; иккинчидан, вазиятни беқарорлаштириш ва бетартибликни ёйиш учун аҳолининг кенг қатламларига психологик таъсир ўтказиш; учинчидан, алоҳида ижтимоий гуруҳларга, шунингдек, ахборот соҳасига жалб қилинган одамларга психофизиологик таъсир ўтказиш; тўртинчидан, ҳарбий, миллатлараро ва диний можароларни кўзғатиб, халқаро майдондаги кучлар мувозанатини бузиш учун провокацион нотўғри маълумот бериш; бешинчидан, радикал ва экстремистик ғояларни тарғиб қилиш, мавжуд террористик ташкилотларга янги аъзоларни жалб қилиш, олтинчидан, маълум бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига унинг ҳудудида ўрнатилган портлаш мосламалари тўғрисида нотўғри маълумот бериш, террорчилик актларини

тайёрлаш ва ҳ.к; еттинчидан, террорчилик ҳаракати таҳдиди орқали ҳокимиятнинг қарор қабул қилишига таъсир қилиш, давлатнинг ахборот инфратузилмаси, ижтимоий аҳамиятга эга ва ҳарбий ахборот тизимлари, шифрлаш кодлари, шифрлаш тизимларининг ишлаш принциплари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида тўпланган тажриба ва бошқалар тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилиш ёки эълон қилиш таҳдиди ва бошқалар шулар жумласидандир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Eck, K. Coercion in Rebel Recruitment // Security Studies 2014. Vol. 23, N 2. P. 364-398, DOI:10.1080/09636412.2014.905368.
2. Gates, S. Recruitment and Allegiance: The Micro-foundations of Rebellion // Journal of Conflict Resolution, 2002. Vol. 46, N 1, p. 111-130.
3. Реальные угрозы виртуального мира // <http://elitat.ru/opinion/realnye-ugrozy-virtualnogo-mira/>. - 18.09.2017
4. Iannacone L. R., Berman E. Religious Extremism: The Good, the Bad, and the Deadly // Public Choice. 2006. Vol. 128, N 1, p.109-129.
5. Владимир Путин обсудил с членами Совета безопасности России меры борьбы с киберугрозами // Новости. Первый канал. //URL: <https://www.1tv.ru/news/2017-10-26/335153/vladimir-putin-obsudil-s-chlenami-soveta-bezopasnosti-rossii-mery-borby-s-kiberugrozami> (дата обращения: 23.02.2018).
6. Капитонова Е.А. Особенности кибертерроризма как новой разновидности террористического акта // Общественные науки. Право. 2015. № 2. С.29 – 34.
7. Капитонова Е.А. Особенности кибертерроризма как новой разновидности террористического акта // Общественные науки. Право. 2015. № 2. С.5.
8. Томас Т.Л. Сдерживание асимметричных террористических угроз, стоящих перед обществом в информационную эпоху // Мировое сообщество против глобализации преступности и терроризма. Материалы международной конференции. М., 2002.
9. Туронок С.Г. Информационный терроризм: выработка стратегии противодействия // Общественные науки и современность. 2011. № 4. С.131 – 140.
10. Туронок С.Г. Современный терроризм: сущность, причины, модели и механизмы противодействия. Москва, 2008.
11. Ўзбекистонда интернет бoшқа давлатларга нисбатан қимматми? // <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-internet-boshqa-davlatlarga-nisbatan-qimmatmi>. - 16 Декабрь 2019 йил
12. **Ўзбекистонда интернетнинг ривожланиши. Йил якунлари ва 2020 йилга мўлжалланган**

режалар//<https://pv.uz/uz/news/razvitie-interneta-v-uzbekistane-itogi-goda-i-plany-na-2020-god>

13. Фарвазова Ю.Р. Совершенствование информационной безопасности как части антитеррористической стратегии России // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2014. № 1. С.116 – 120.
14. Виртуальный терроризм // <https://p.dw.com/p/2QGq>
15. Виртуальный терроризм: угроза нового времени// https://www.cnews.ru/news/top/virtualnyj_terrorizm_ugroza_novogo_vremeni i 02.02.2004
16. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
17. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
18. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18.*
19. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
20. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Özbekistan'da toplumsal yaşamın ana özelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
21. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.
22. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
23. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
24. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*, (40), 69-72.
25. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. *Atatürk University. Journal of Social Sciences*, (54), 7.
26. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
27. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.

MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI

M.M.Muhammadsidiqov, siyosiy fanlar doktori, professor

Tushunchalar va tayanch iboralar: *Mintaqa, mintaqaviylashuv, siyosat, xalqaro mintaqaviy siyosat, mintaqaviy tashkilotlar, mintaqaviy hudud, ittifoqlar, xalqaro siyosiy mintaq, mintaq, nizo, siyosat, xalqaro mintaqaviy siyosat, mintaqaviy tashkilotlar, mintaqaviy mojaro, ittifoqlar, xalqaro siyosiy mintaq, urush, hududiy nizolar.*

Asrlar mobaynida urushlar o‘chog‘i, jahon urushlarining asosiy ishtirokchisiga aylangan Yevropa davlatlari mintaqaviy hamkorlik tufayli 70 yildirki, urushsiz yashamoqda. Yevropa hamkorligi haqida Yevropa Markaziy bankining sobiq vitse-prezidenti T.Padao-Shioppa, o‘zining “Yevropa - jamoaviy kuch” kitobida “Urushdan keyin butun dunyo kabi Yevropa ham o‘sha davr qiyinchiliklariga duch keldi. Lekin hamkorlikdagi harakati uni bu qiyinchiliklardan boshqalarga nisbatan tezroq va osonroq qutulishiga olib keldi. Yevropa Ittifoqining tajribasi dunyoni keyingi rivojlanishiga o‘rnak bo‘la oladi” – deb yozadi.

Bugungi kunda aynan hamkorlik natijasida ushbu davlatlar dunyoning eng yetakchi davlatlari safidan o‘rin egalladi. Ularning tarixiy tajribasidan kelib chiqib, dunyoning boshqa mintaqalarida joylashgan mamlakatlar ham mintaqaviy hamkorlik jarayonlarini shakllantirishga intilmoqda. Jumladan, mintaqamizda ham bu jarayon o‘ziga xos tarzda kechmoqda. Ana shunday sharoitda mintaqaviy hamkorlikning nazariy va amaliy jihatlarini o‘rganish, tahlil qilish, uni amaliyotga tadbiq etish muhim ahamiyat kasb etadi. Birinchi bobda biz «mintaqaviy hamkorlik» tushunchasi, mazmun va mohiyatini, mintaqaviy hamkorlik tizimi, unga xos murakkab munosabatlar, mintaqaviy hamkorlik jarayonining asoslari va ularni rivojlantirish zaruriyati, unga ta’sir etuvchi omillar haqida to‘xtalamiz.

Hamkorlik tushunchasi ijtimoiy-siyosiy fanlarda XX asrning 20-yillarida talqin qilina boshlandi. Bu masala ko‘proq konflikt tushunchasi bilan yonma-yon uning oldini oluvchi vosita sifatida o‘rganilgan. 1960-yillarga borib g‘arbda integratsiya jarayonlari kuchayishi hamkorlikni jiddiy o‘rganishga, unga nisbatan yangicha yondashuvlarni shakllantirishga olib keldi. Bunda integratsiyaga hamkorlikning bir shakli sifatida qaraldi.

Mazmun va mohiyatiga ko‘ra «hamkorlik» tushunchasi ko‘p qirrali. Shu boisdan uni qo‘llanilayotgan sohasiga qarab turlicha talqin qilish mumkin.

“Hamkorlik” tushunchasi ijtimoiy-falsafiy lug‘atlarda turlicha talqin etiladi. Hamkorlik - maqsad va manfaatlar to‘g‘ri kelganda ikki yoki undan ortiq tomon o‘rtasidagi ijobiy hamfaoliyat hisoblanadi. Bunda hamkorlikning manbasi maqsad va manfaat o‘rinli ko‘rsatilsa-da, ammo u faqat ijobiy faoliyat o‘rnida talqin qilinadi. Vaholanki, hamkorlik har doim ham ijobiy bo‘lavermaydi. Zero, insoniyat istiqboliga soya solayotgan terroristik tashkilotlar ham o‘zaro hamkorlikka intiladi.

Boshqa bir talqinga ko‘ra, hamkorlikni bevosita konflikt bilan bog‘lashga e’tibor qaratilgan. Unda yozilishicha u - tomonlarning birgalikdagi faoliyati, konfliktlarning oldini olishi yoki unga birgalikda yechim izlashga oid yo‘nalish bo‘lib, hamma ishtirokchilarning manfaatlarini qondirishga xizmat qiladi. Bunda muhim jihat manfaatdorlik ochib berilgan bo‘lsa-da, konflikt masalasiga urg‘u berish hamkorlik mohiyatini tushunishga to‘sqinlik qiladi. Chunki, hamkorlikdan maqsad faqat konfliktni oldini olish emas, balki o‘zaro manfaatlarni qondirishdir.

Yana bir masala - hamkorlik vaziyatmi yoki jarayonmi masalasida turli qarashlar o‘rtaga tashlanadi. Masalan, g‘arb tadqiqotchilaridan R.Koxeyn davlatlararo hamkorlikni tahlil qilarkan, unga aktorlar faktik yoki kutiladigan manfaatdorlik uchun o‘z munosabatlarini tartibga solish vaziyati (situation) deb yondoshadi.

Xalqaro hamkorlik masalasini uzoq yillar tadqiq qilgan g‘arb olimi E.Milner bu jarayon ekanligini ilgari surib, uch elementdan tashkil topishini ta’kidlaydi:

- hamkor davlatlarning umumiy maqsadi;
- vaziyatdan foydani (manfaatdorlikni) kutish;
- manfaatdorlikni o‘zaro xarakterga egaligini ilgari surish.

Olimning fikricha yuqoridagi uch elementning reallikka aylanishi esa yaxlit jarayonni qamrab oladi.

Rossiyalik professor P.A. Tsgankov hamkorlikni jarayon bilan bog‘liqligiga to‘xtalib, uni muzokara, kelishuv va unga amal qilishdan iborat yahlit jarayon, - deydi.

O‘zbekistonlik olim R.Alimov ham hamkorlikning jarayon ekanligini asoslaydi. U mintaqani o‘rganishga bag‘ishlangan kontseptsiyalarda “integratsiya” va “hamkorlik” roli haqida to‘xtalib, ular mohiyatan jarayon ekanligini qayd etadi.

Masalaga falsafiy jihatdan yondoshsak, vaziyat deganda ma’lum bir jarayon natijasida vujudga kelgan holat tushuniladi. Jarayon ma’lum tamoyillar asosida davom etayotgan o‘zgarish hisoblanadi. Vaziyat tugallangan, jarayon tugallanmagan hali davom etadigan h latdir.

Falsafiy lug‘atlarda jarayon muayyan vaqt oralig‘ida bo‘lib o‘tgan hodisaning davomiyligi deb talqin qilinadi. Yoki, jarayon - voqealar rivojidagi uzluksizlikni ifodalovchi falsafiy tushuncha sifatida qabul qilinadi.

Yoki professor S.Otamuratov “jarayon tabiat, jamiyat va insoniyat hayotida kechadigan voqea va hodisalarning uzluksizligini anglatuvchi tushunchadir. Uning o‘zak mohiyatini ana shu uzluksizlik tashkil qiladi” - degan qarashni ilgari suradi.

Hamkorlikda vaziyat ham belgilovchi omil hisoblanadi. Chunki vaziyatdan kelib chiqib yoki uni shakllantirish uchun hamkorlik amalga oshiriladi. Biroq hamkorlikni ibtidosidan boshlab intihosigacha bo‘lgan oraliq esa jarayon bilan bogliq. Shunga asoslanib ham- korlikni jarayon sifatida talqin qilish maqsadga muvofiq.

Yuqoridagilarga asoslanib, hamkorlikni ikki yoki undan ortiq subyektning ummumanfaatdorlik uchun birgalikdagi amaliy faoliyati, deb talqin qilish mumkin.

Hamkorlik turli shakllarda, xususan sohasiga ko‘ra, iqtisodiy, harbiy, madaniy, siyosiy; ishtirokchilariga ko‘ra ikki tomonlama, ko‘p tomonlama; ko‘lamiga ko‘ra davlatlararo, mintaqaviy, global; darajasiga ko‘ra faol, sust hamkorlikka ajratiladi.

Mavzumizdan kelib chiqib, mintaqaviy hamkorlik haqida to‘xtalsak. Bizningcha mintaqaviy hamkorlikni o‘rganishda hamkorlik bilan birga bu mavzu uchun muhim bo‘lgan kategoriya mintaq (region) hisoblanadi. Shundan kelib chiqib “mintaqa” tushunchasiga to‘xtalamiz.

Taniqli nemis olimi Karl Doytch mintaqani turli yo‘nalishda bog‘lanadigan hududiy birlik sifatida talqin qilib, uchta asosiy belgi- sini qayd etadi.

1. Umumiy geografik yaqinlik.
2. Hamkorlikning doimiyligi va intensivligi.
3. Mintaqa tizimi haqidagi umumiy yondashuv.

Shvetsiyalik professor B.Xettne mintaqani ushbu jihatlari mavjudligini ta’kidlaydi:

- tabiiy chegaralar bilan cheklangan geografik va ekologik birlik (masalan, Yevropa Atlantikadan -Uralgacha);
- ijtimoiy tizim sifatida ijtimoiy, siyosiy, madaniy va iqtisodiy tartibotning translokal munosabatlarda aks etishi;
- ichki yaxlitlikning mavjudligi, birdamlik yoki qismlar bilan genetik bogliqlikning mavjudligi;
- xalqaro munosabatlarda alohida maqomga egaligi va tan olishi.

Rossiyalik tadqiqotchilar A.A. Sergunin va L.Remkeldalar talqiniga muvofiq, mintaq superatama bo‘lib, aholi, hudud, umumiy tarix, tabiiy sharoit va muammolarni echish xarakterini o‘z ichiga oladi.

Ko‘rinib turibdiki, mintaqaga uning asosiy belgilaridan kelib chiqib yondashish ko‘proq qo‘llaniladi.

“Mintaqaviy hamkorlik” tushunchasi haqida ham turli qarashlar mavjud. Rossiyalik tadqiqotchi Olga Butorina mintaqaviy hamkorlik to‘grisida “globallashuv sharoitida dunyo stratifikatsiyasi jarayoniga bir guruh davlatlarning anglangan faol ishtiroki modelini o‘zida aks ettiradi, degan kontseptsyani ilgari suradi. Ta’rif lo‘nda va ancha mukammal bo‘lib, mintaqaviy hamkorlik aynan globallashuv sharoitida yuz berayotganligini, bu anglangan faoliyat ixtiyoriylik asosida sodir bo‘lishini aytadi. Tadqiqotchi ko‘proq jarayon asosiga e’tiborni qaratadi. Shu bilan birga, bu yondashuvda makon omili aks etmagan. Ya’ni, ma’lum bir mintaqada joylashishi sharti ko‘rsatilmagan. Bunday yondashuv asosida global hamkorlik bilan mintaqaviy hamkorlikni farqlash qiyin kechadi.

G‘arb tadqiqotchisi E.Xaas bu atamani milliy ko‘lamda harakat qiluvchi davlatlarni o‘ziga torta oladigan yangi siyosiy ta’sir etuvchi markazlarning vujudga kelish jarayoni, deydi. Muallif yondashuvda asosiy e’tiborni jarayon mahsuliga qaratadi va Yevropa ittifoqi hamkorlik modelidan kelib chiqib yondashishiga harakat qiladi. Bugungi kunda nafaqat siyosiy ta’sir markazlari, shuningdek, iqtisodiy ta’sir markazlari ham mintaqaviy hamkorlikni ta’minlab bermoqda. Bu borada birinchi Prezidentimiz Islom Karimov to‘g‘ri ta’kidlaganlaridek “...barcha ishtirokchi mamlakatlar tomonidan tanlangan va vujudga keltirilgan umumiy boshqaruvchi tuzilmalar faoliyat olib borayotgan Yevropa ittifoqi bilan bir qatorda Janubiy Sharqiy Osiyo (ASEAP) va Osiyo-Tinch okeani mintaqasi (ATES) mamlakatlari

tajribasi ham mavjud. Biroq ularda milliy davlatlardan yuqori turuvchi Parlamentlar, Vazirlar kengashlari va boshqa birlashtiruvchi tuzilmalar yo‘q”.

Rossiyalik tadqiqotchilar N.Liventsev va V.Xarlamovlar “mintaqaviy hamkorlik umumiy ko‘rinishda bir qator davlatlarni bosqichmabosqich birlashuvi natijasida yangi yaxlit xo‘jalik organizmi - xalqaro mintaqaviy majmua shakllanishi”, - degan fikrni ilgari suradilar. Tadqiqotchilar jarayon mahsuliga e’tibor qaratib, qaysi tamoyillar asosida birlashuviga e’tibor qaratishmaydi. Masalan, imperiyalar- da davlatlar kuch asosida bosqichma-bosqich birlashtirilib yagopa xo‘jalik “organizmi” shakllanadi. Vaholanki, mintaqaviy hamkorlik jarayonlarida moyillik va tenglik ustuvorlik kasb etmogi, eng muhimi bu jarayon milliy suverenitetga, mustaqillikka daxd qilmasligi lozim.

Rossiya FA Lotin Amerikasi instituti olimlarining tadqiqotlarida mintaqaviy hamkorlik globallashtiruvning ulkan raqobati davrida mintaq davlatlari uchun islohotlarni jadallashtiruvchi qo‘shimcha jarayon va xalqaro munosabatlarga to‘g‘ri yo‘l ochuvchi voqelik sifatida talqin qilinadi. Shunga o‘xshash yondashuvni ko‘plab integratsion birlashmalarning hujjatlarida ham uchratamiz. Masalan, MERKOSUR davlatlari hujjatlarida “Umumiy bozorning tashkil etilishi ulkan iqtisodiy makonda sodir bo‘layotgan iqtisodiy o‘zgarishlarga o‘ziga xos javob bo‘ladi”deb yozib qo‘yilgan.

Mintaqaviy hamkorlikning bugungi kundagi natijalari ham (mintaqaviy hamkorlikni yuqori cho‘qqisi mintaqaviy integratsiyaning kuchayishi) tushunchaga turli ta’rif berishga sabab bo‘lmoqda. Ya’ni, ba’zi olimlar mintaqaviy hamkorlik natijasida ishtirok etuvchi davlatlar o‘rtasida chegaralarning yo‘qolib ketishi tushuniladi desa, boshqalari davlatlarning yagona iqtisodiy-siyosiy birlikka jipslashishi sodir bo‘lishini ilgari suradi. Yana bir talqinga ko‘ra, mintaqaviy hamkorlik ishtirok etuvchi subyektlarning o‘zaro iqtisodiy va siyosiy aloqalarini mustahkamlashga qaratilgan jarayon tushuniladi.

Ko‘rinib turibdiki, «mintaqaviy hamkorlik» tushunchasiga yagona ta’rif ishlab chiqilmagan. Ammo aksariyat nazariyotchilar mintaqaviy hamkorlik ishtirok etuvchi tomonlar uchun bir qator imkoniyatlari yaratishini e’tirof etishadi. Shu bilan birga, yuqoridagi fikrlarni- ing mintaqaviy hamkorlikni jarayon ekanligi va ma’lum mintakada kechishi, ma’lum tamoyillar asosida shakllanishini inobatga olib, mintaqaviy hamkorlik - bu obyektiv zaruriyat natijasida ma’lum bir mintaq davlatlarining tenglik, ixtiyoriylik, ummummilliy manfaatlarning uyg‘unlashuvi asosida birgalikdagi faoliyati, deb ta’rif berish mumkin. Bunda mintaqaviy hamkorlik o‘zagini obyektiv zaruriyatdan boshlanib, ma’lum tamoyillar asosida mintaqaviy integratsiyani shakllantiruvchi yaxlit jarayon tashkil etadi.

Xo‘sh, mintaqaviy hamkorlik boshqa turdosh jarayonlardan nimasi bilan farqlanadi yoki uning o‘ziga xos belgilari nimada? Avvalo, bunday hamkorlik tenglik, yaxlitlik manfaatlar uyg‘unligi asosida amalga oshiriladi. Tarixda aynan bir xil modeldagi mintaqaviy hamkorlik uchramaydi.

Birinchidan, bu hamkorlikning maqsadi va vazifasidan kelib chiqib, turli modellari va turlari borligini bildirsa, ikkinchidan jarayon subyektlarining imkoniyatlari,

milliy manfaatlari, mintaqalar turli- tumanligi va davr talabining o‘zgaruvchanligi bilan bog‘liq masala ham mavjud. Bundan tashqari, jarayonga mintaqaga xos omillar o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

Bundan o‘ggiz yil oldin Yevropadagi hamkorlik jarayonlarini o‘rgangan olim V.Baranovskiy nazariy tadqiqotlarda turdosh tushunchalar bog‘liqligini inobatga olish zarurligini asosli ta’kidlagan edi. Zero turdosh tushunchalarni qiyosiy tahlili ularning mohiyat- ini ochib berishga xizmat qiladi. Shundan kelib chiqib, “mintaqaviy hamkorlik” ning “globallashuv”, “mintaqaviy integratsiya” bilan bog‘liqligi va farqli tomonlari haqida to‘xtalib o‘tish lozim.

Mintaqaviy hamkorlik va globallashuv. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov globallashuv haqida to‘xtalib: “globallashuv - bu avvalo hayot sur’atlarining beqiyos darajada tezlashuvi” ekanligini qayd etadilar. Globallashuv va mintaqaviy hamkorlik haqida tadqiqotchilar tomonidan turli fikrlar bildirilmoqda. Jumladan, M.Lebedeva hamkorlikni globallashuv jarayonining muhim bir qismi ekanligini qayd etadi. Yana bir rossiyalik olim L.E.Grinin ‘Globallashuv - bu mintaqalar va umuman jahonning hamkorligi, yaqinlashuvning natijasidir’, degan fikrni ilgari suradi.

Globallashuv va mintaqaviy hamkorlikning farqli jihatlari mavjud. Birinchidan, globallashuv dunyoni universallashuviga olib borsa, mintaqaviy hamkorlikda mintaqadan tashqaridagi davlatga nisbatan ma'lum cheklovlar qo‘yiladi. Ikkinchidan, mintaqaviy hamkorlik jarayonida tomonlarning manfaatdorligiga amal qilinadi. Ya’ni, undan bir tomon emas, balki barcha tomonlar manfaat ko‘radi. Globallashuv jarayonida esa, bu amalga oshmaydi. Bundan tashqari, globallashuvda tengsizlik mavjud bo‘lsa, mintaqaviy hamkorlik tenglik, xohishiylik tamoyillari asosida rivojlanadi.

Mintaqaviy hamkorlik barqarorlikning samarali vositasi. U mintaqaning rivojlanishiga imkoniyat yaratish bilan birga, globallashuvning ijobiy jihatlaridan to‘la foydalanish, salbiy ta’sirlarini cheklash imkonini beradi. U ishtirokchi davlatlar guruhining tenglik, ihtiyoriylik, umummanfaatlar ustuvorligi asosiga quriladi.

Mintaqaviy hamkorlik globallashuvdan farqli ravishda tenglik, ihtiyoriylik, eng muhimi, umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik asosida shakllanayotganligini alohida qayd etish lozim. Shu nuqtai nazardan, u insoniyat taraqqiyoti uchun faqat ijobiy ahamiyat kasb etsa, globallashuvning insoniyat boshiga ne kunlar solishini bugungi kunda uning ayrim qusurlari vujudga kelganligi bilan ham izohlash mumkin. Aniqroq qilib aytganda globallashuv ko‘proq yetakchi davlatlar manfaatlariga xizmat qilib, davlatlar o‘rtasida tabaqalanishga, keskinlikka, eng yomoni, xalqaro tartibotda ikki qutbli yoki bir qutbli dunyo shakllanishiga xizmat qilsa, mintaqaviy hamkorlik dunyoda kuchlar balansini muvozanatga keltirishga, ko‘p qutbli dunyoni shakllanishiga, davlatlararo tinchlikni ta’minlanishiga yordam beradi.

Buni ko‘plab tadqiqotchilar, jumladan G‘arb olimlari ham e’tirof etishmoqda. Masalan, amerikalik tadqiqotchi K.Doytch mintaqaviy hamkorlikni “davlatlararo tinchlikni ta’minlashi mumkin bo‘lgan real imkoniyat”, deb baholaydi. Professor V.Bobkov “O‘zaro hamkorlik unda ishtirok etuvchi subyektlarga shunday moddiy,

intellektual va boshqa vositalarga ega bo‘lish imkoniyatini yaratib beradiki, bunday imkoniyatlarga alohida olingan hech bir davlat umuman erisha olmaydi», degan fikrlarni bildiradi.

Globallashuv insoniyatning xohish va ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan sa'y-harakatlar mevasi bo‘lib, u obyektiv jarayondir. Lekin ana shu jarayondan turli kuchlar, davlatlar o‘z manfaatlari yo‘lida foydalanib, qolganlarni o‘zlari ortidan ergashtirishga harakat qilmokdalar. Bu borada rossiyalik olim A.Dugining “hozirgi paytda dunyoda borastgan globallashuv jarayonida biz amerikacha jamiyatdan nusxa olingan tsivilizatsion modelni boshqa davlatlarga ularning xohishiga qarshi ravishda tiqishtirish va o‘rnatishni ko‘rmoqdamiz”, degan fikrlari asosiga o‘xshaydi.

Globallashuv jarayoniga doir tadqiqotlar olib borayotgan va bir nechta monografiyalar chop ettirgan professor S.Otamuratovning bu masalaga qarashlari diqqatga sazovor. “Globallashuv real jarayon sifatida bir qator omillar bilan bugun yuksak taraqqiy qilgan mamlakatlarning ustuvorligini ta'minlashga, kam taraqqiy qilgan yoki taraqqiyot yo‘liga kirayotgan mamlakatlar va ularda yashayotgan xalqlarning ongi, qalbi va dunyoqarashida “boqimandalik” ruhiyatini rivojlantirmoqda. Fikrimizcha, ular quyidagilar orqali yuzaga kelmoqda:

a) iqtisodiyot omili; b) fan-texnika va texnologiya yutuqlarini ommalashtirish; v) yuksak taraqqiy qilgan mamlakatlarning qudratli iqtisodiy, intellektual va uddaburonlik salohiyati ustuvorligi asosida vujudga kelgan “ommaviy madaniyat” ni jahon xalqlari o‘rtasida keng yoyish va ular ongiga singdirish borasida olib borayotgan faoliyatlar orqali o‘z ifodasini topmoqda”.

Yana bir o‘zbekistonlik olim N.Tuxliev ham globallashuv va mintaqalashuvni solishtirib “Globallashuv jahon xo‘jalik aloqalarining barcha qatnashchilari uchun ularning real salohiyatidan qati nazar, o‘yin qoidalarini birxillashtirish (unifikatsiyalash)ni taqozo etadi. Mintaqalashuv esa qo‘shni mamlakatlar o‘rtasidagi alohida preferept- sial, ya'ni imtiyozli, masalan, boj undirilmaydigan, ko‘nroq qulaylik tarkibini yaratish tamoyiliga asoslangan bo‘lishi mumkin”, degan fikrni ilgari suradi. Olim ikki jarayonning muqim jihati unifikatsiya va prefentsiya orqali globallashuv va mintaqaviylashuvni mohiyatini ochib beradi.

Yuqoridagi jarayonlarning rivojlanish tendentsiyalarini kuzatadigan bo‘lsak, mintaqaviy hamkorlik jarayonida rang-baranglik, xilma-xillik namoyon bo‘ladi. Aynan shuning uchun ham yuqorida ta'kidlab o‘tilganidek, bir xil modeldagi mintaqaviy hamkorlik mavjud bo‘lmaydi. Bo‘lishi ham mumkin emas. Buni quyidagilar bilan izohlash mumkin:

- a) mintaqalarning taraqqiyot darajalari;
- b) milliy mentalitetdagi turli tumanlik;
- v) hozirgi paytda jahon miqyosida turli ziddiyatlarning kuchayishi;
- g) mintaqaviy manfaatlarning turli-tumanligi.

Globallashuvda esa umumiylik namoyon bo‘ladi.

Bundan tashqari, globallashuv haqida o‘rtaga tashlangan ilmiy bashoratlar kishini o‘ylantirib, mintaqaviy hamkorlikni obyektiv zaruriyat sifatida anglab etishga turtki

beradi. Masalan, dunyoning shakllanish jarayoni ikki yo‘ldan borishi mumkinligi haqida tadqiqotchilar bashorat qiladi:

birinchisi, yaxshi boshqarilmaydigan, turli kuchlar o‘rtasidagi kelishmovchilik yo‘li. Bu yo‘ldan borish oqibatida insoniyatni dunyoviy halokat kutadi (bugun uning u yoki bu ko‘rinishiga guvoh bo‘lmoqdamiz);

ikkinchisi, yangicha dunyoviy tuzilmalarni shakllantira borish orqali inqirozlarni boshqarish taraqqiyot davomiyligini ta'minlash imkonini berishini e'tirof etishadi. Nazarimizda, mintaqaviy hamkorlik jarayon sifatida yangi tuzilmalarni shakllantirishga keng imkoniyat beradi.

Globallashuv davrida insoniyatning bugungi kungacha erishgan ma'naviy boyligi xavf ostida qolmoqda. Eng xatarlisi, globallashuv - o'ta murakkab hamda notekis jarayon sifatida o'ng'aysizlikni keltirib chiqarib, boshqarib bo'lmaydigan darajaga etdi.

Globallashuv davlatlararo chegaralarning “yuvilib” ketishiga, transmilliy korporatsiyalar (TMK), turli xil nohukumat tashkilotlarning xalqaro maydonga chiqishiga yo‘l ochib bermoqda. Bugungi kunda TMKlar xalqaro munosabatlarda ham mustahkam mavqega ega bo‘lib, son jihatdan ham davlatlardan o‘zib ketdi. Globallashuv natijasida ko‘pchilik mamlakatlar bir yo‘la 100 dan ortiq tashkilotlarda muntazam ishtirok etishga majbur bo‘lmoqdalar. Masalan, Daniya - 164, Frantsiya - 155, Buyuk Britaniya - 140, AQSh -122, O‘zbekiston 100 dan ortiq xalqaro tashkilotlar faoliyatida muntazam qatnashmoqda.

Fikrimizcha, agar tegishli tadbir, choralar ko‘rilmasa, kelajakda davlatlar milliy manfaatlarni himoya qilishda globallashuvning lokomotivlari bo‘lgan TMKlar bilan raqobatlasha olmaydilar. Globallashuv oqibatida siyosiy xavfsizlik uchun javobgar bo‘lmagan kuchlarning mavqei oshishi esa, professor T. Jo‘raev ta'kidlaganidek, tizimbardor tayanchlarning barbod bo‘lishiga olib keladi. Bugungi kunda butun hamjamiyatni tashvishga solayotgan global iqtisodiy inqiroz aynan ana shu tizimbardor tayanchlarning yemirilishidan nishonadir. Bunga yo‘l qo‘ymaslik uchun milliy manfaatlarni uyg‘unlashtira olgan hamkorlik lokomotivlari bo‘lgan mintaqaviy qurilmalarni shakllantirish zarur bo‘ladi.

Bu borada milliy manfaatlar masalasiga ham to‘xtalib o‘tish joiz. Ular obyektiv zaruriyatdir. Aslini olganda, davlatlarning xalqaro maydondagi harakati ham o‘z manfaatlari yuzasidan bir maqsad- ni amalga oshirish ehtiyoji bilan bogliq. Milliy manfaatlar mavjud ekan, ularni himoya qilish ham muhim. Zero, globallashuvning talabi bo‘lgan barchaning manfaati aynan bir vaqtda va bir masalada bir xil-da bo‘lishi mumkin emas, unga intilishning o‘zi yangi muammolarni tug‘diradi. Bundan tashqari, globallashuv davlatlar yoki tomonlarning ma'lum masalada manfaatdorligini turlicha bo‘lishiga olib keladi. Chunki o‘yin qoidalarini birxilashtirishdan rivojlangan davlatlar ko‘proq manfaatdor bo‘ladilar. Bunday sharoitda norozilik, manfaatlar qarama-qarshiligi kuchayadi. Natijada insoniyat yangi mojarolar, urushlar girdobiga tushib qolishi mumkin. Bizningcha mintaqaviy hamkorlik orqali bu muammoning oldini olsa bo‘ladi. Ya'ni, mintaqaviy hamkorlik

jarayonlari oqibatida davlatlar milliy manfaatlarini uyushgan holda, hamkorlikda har qanday kuch oldida himoya qila oladilar.

Xullas, mintaqaviy hamkorlik jarayonlari globallashuvning ijobiy jihatlarini rivojlantirishga, salbiy jihatlaridan himoyalanihga imkon yaratadi. Shu bilan birga davr talabi bo'lgan xalqaro tizimni isloh qilishga, xalqaro munosabatlarda yangicha gartibotlar shakllanishiga, insoniyat uchun vorisiylikni, taraqqiyot davomiyligini ta'minlashga imkoniyat paydo bo'ladi. Bir so'z bilan aytganda, mintaqaviy hamkorlik umuminsoniy taraqqiyot nuqtai nazaridan konstruktiv jarayon bo'lsa, globallashuvning destruktiv jihatlar ham mavjud.

Adabiyotlar

1. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
2. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
3. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18*.
4. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
5. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Ўzbekistan'da toplumsal yashamin ana o'zelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
6. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.
7. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
8. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
9. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*,(40), 69-72.
10. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. *Atatürk University. Journal of Social Sciences*, (54), 7.
11. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
12. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.

ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Сайидов, ф.ф.н, доцент

Ушбу мақолада жамият маънавий –ахлоқий муҳитининг характер – хусусиятлари ва уни тоқомиллаштириш йўллари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: муҳит, маънавий муҳит, ахлоқий муҳит, ижтимоий муҳит, сиёсий муҳит, илмий муҳит

Бугун Ўзбекистонда миллий давлатчилик тарихида мутлақо янги ходиса бўлган демократик фуқаролар жамияти барпо этилмоқда. Бу жамият асос эътибори билан янги бўлиб, у бир томондан, миллий қадриятларга таяниши иккинчи томондан эса умуминсоний маданият ютуқларига асосланиши билан диққатни тортади. Шу сабабли бугунги жамиятимиз ўзига хос маънавий-ахлоқий муҳитни юзага келтиришга эҳтиёж сезмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек “Халқимизнинг маънавий қудрати ва бой қадриятларини асраб – авайлаш ва бутун дунёга тараннум этмоғимиз зарур”[1,48]

Ўзбекистон жамиятининг ҳозирги ривожланиш босқичида жамият ҳаётига оид бир неча муаммоларнинг илмий-назарий ечимларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Шундай муаммолардан бири ва энг асосийси жамият маънавий-ахлоқий муҳитини тоқомиллаштириш масаласидир. “Жамиятнинг маънавий - ахлоқий муҳити бу-одамларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлигининг натижасидир” [3,12]

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити тушунчаси бир неча характерли хусусиятларга эга. Биринчидан, бу одамлар ҳаётининг ахлоқий жихатларини ифодалайди; иккинчидан, бу муҳит турли жамоаларда турлича бўлади; учунчидан, маънавий-ахлоқий муҳит жамият тараққиётининг ахлоқий-маданий қиёфасини белгилайди. Айни пайтда, ҳар бир жамият ўз маънавий-ахлоқий муҳитини таъсис этади. Маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланишида шахс бир маслакка эга шахсларнинг бирлашувчанлик фаолияти муҳим ўрин тутди. Чунки “жамият-шахсларнинг уюшган мажмуидир” [4,64] Шу маънода маънавий-ахлоқий муҳитнинг юзага келишида шахс компоненти муҳим ўрин тутди. Айни пайтда, маънавий-ахлоқий муҳит жамиятнинг ривожини билан уйғун ҳолда тоқомиллашиб боради.

Шахс ва жамият муносабатлари оралиғида маънавий-ахлоқий муҳит боғловчи родини ўйнайди. Бу боғловчилик шахсга ҳам, жамиятга ҳам тенг таъсир қилиш қонуниятига эга бўлади.

Бизнинг бугунги жамиятимиз мутлақо янги асосларга таянган ҳолда ривожланиб бормоқда. Унинг асосини миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун қабул қилиш ташкил қилади. Бунинг маъноси шуки, жамиятимиз

турмуш тарзи ва ахлоқий тарбияда миллий қадриятларга; ижтимоий ҳаёт, инсоний фаолият ва тизимли ривожланишда эса умуминсоний қадриятларга асосланади. Бу ҳам жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитининг ўзига хос тарзда бўлишини тақозо этади. Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитини йўналтириб боришни тақозо этади. Француз файласуфи Д.Дидро таъкидлаганидек, “инсон айнан жамиятда ўз эҳтиёжларига қониқиш ҳиссини ва ўз имкониятларидан фойдаланиш йўлини топади. У айнан шу ерда ўз ҳис-туйғуларини, табиат ато қилган самимийлик, дўстлик, меҳрибонлик, бағрикенглик ва изтироб чекиш фазилатларни кўрсатади”.[5,63] Бу фикр диққат қилишга лойиқ. Негаки, жамиятимизда ижобий ва салбий омилларнинг таркиб топиши ёки одамларни улардан биридан таъсирга тушиши муаян муҳитда рўй беради. Худди шу ўринда жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг таркиби намоён бўлади.

Аввало “муҳит” тушунчаси ҳақида. “Муҳит”- бу қонуниятларидан бири бўлиб, у инсон мавжуд бўлган ҳолат ва жойни англатади.[6,60] Илмий адабиётларда “ижтимоий муҳит” тушунчаси сифитида ҳам кенг қўлланилади. Ижтимоий муҳит-бу инсонни ўраб турган ва унинг онги ҳамда хулқига фаол (бевосита ва билвосита, стихияли ва онгли) таъсир ўтказувчи барча ижтимоий шарт-шароитлар, фаолиятлар ва алоқадорликларни белгилашда хизмат қилувчи фалсафий категориялардан биридир. “Ижтимоий муҳит” тушунчаси кенг ва теран маънога эга. Ижтимоий муҳит ҳақида гап кетганда “сиёсий муҳит”, “иқтисодий муҳит”, “маънавий муҳит”, “ахлоқий муҳит”, “илмий муҳит”, каби унинг таркибий қисмларини тушуниш мумкин.[7,72]

Ижтимоий муҳитнинг асослари ёки таркибий қисмлари хилма-хил ва турли даражада намоён бўлади. Масалан, микро, мезо, мего даражаларини кўрсатиш мумкин. Бизнинг жамиятимизда ижтимоий муҳитнинг таркибий қисмларида маънавий-ахлоқий жиҳат асосий элемент ҳисобланади. Шу маънода ижтимоий муҳитнинг қуйидаги таркибий қисмлари муҳим аҳамиятга эга.

1.Оила муҳити. Бу муаян шахсларнинг, яъни ота-она ва фарзандларнинг бир оилада яшаб, ўзаро муносабатларга киришишидан иборат. Оила муҳити умумий ва хусусий хусусиятларга эга бўлади. Барча оилаларга хос бўлган ҳолатлар умумий хусусиятни, бир оилага хос бўлган одатлар хусусий хусусиятни ифодалайди. Оила муҳити жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг бирламчи негизи ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон оилаларида маънавий-ахлоқий тарбия бирламчи масала ҳисобланади. Инсоннинг ҳаёти ва турмушида, айниқса ёш авлоднинг камол топишига, ахлоқий вояга етишида оиланинг ўрни ва вазифаси бекиёсдир.Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бола туғиган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади”. [2,35] Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-

номус, шарм-у ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган. Шу маънода оила жамият ичидаги муҳитдир. Бу муҳитнинг ўз салтанати ва ўз ҳудуди бор. Бунда кўплаб микро муҳитлар анъаналари, урф-одатлари маънавий-ахлоқий меъёрлар синтезлашади. Ворисийлик қонуниятига кўра таҳлил этилиб такомиллашиб боради. Оила ана шу асосларга таянган ҳолда кишилик тафаккури ва ижтимоий ҳаракатининг улуғ кашфиёти даражасига етган. Кишилар учун мукаддас муҳит ҳисобланмиш оила инсонларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муносабатлари замирида вужудга келади. Албатта оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади. Бу жараёнда энг аввало муайян микро муҳитдаги соғлом турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий муносабатлар муҳим роль ўйнаб қолмай, балки бошқарувчилик, назорат ва йўналтирувчилик каби ахлоқий вазифаларни ҳам бажаради. Инсонининг, айниқса ёш авлоднинг ахлоқий камол топишида оиланинг ўрни ва роли бениҳоя катта. “Оила ижтимоий-тарихий хусусиятга ва муайян тузилишга эга бўлган ижтимоий гуруҳнинг кўринишидир” [8,56] деб берилган таърифда ҳам оила муҳитининг инсон шаклланишида ва унинг ахлоқий камолотида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

2. Мактаб муҳити. Шахснинг келажак тақдирида белгиловчи омиллардан бири мактаб муҳити бўлиб, бу муҳитни оқил раҳбар, яшаш ўқув жамоаси, маънавий-ахлоқий тарбия, ўқитувчиларнинг одиллиги, билимдонлиги, қатъийлиги, талабчанлиги, масъулият ҳисси, ўқитувчи ва ўқувчиларни тақдирлаш, мактабнинг ўзига хос обрўси, анъанаси, ўқувчиларнинг дарсга қайнашиш тартиб-интизоми, дарс сифати, спортчилари, иқтидорлиларнинг кўп ёки озлиги ва бошқаларни ўз ичига олади. Инсон мактаб муҳитида шахс сифатида вояга етади. Агар оилада унинг маънавий-ахлоқий шаклланишига пойдевор қўйилса, мактабда бу ҳолат ривожлантирилади. Шухснинг ахлоқий онги айнан мактабда шаклланиб, маромига етади. Инсон кейинги ҳаётида мактаб муҳитида олган кўникма, масала ва тажрибаларига таяниб яшайди.

3. Иш жойи муҳити. Раҳбар, ходимлар ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабати, ўзаро ҳурмат, ишчанлик, жамоа ор-номуси, шон-шухрати учун кураш, масъулият ҳисси, манфаатдорлик, эътибор, талабчанлик, ғамхўрлик, рағбатлантириш усуллари, юқори лавозимларга тавсия этиш, жамоа билан фихрланиш кабиларда иш жойи муҳити катта аҳамият касб этмоқда. Чунки иш жойида шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси тўлиқ намоён бўлади. Шу сабабли олимлар бу борада қуйидаги олтин қонидани қатъий таъкидлашади: Шахс хизмат доирасида ўзига бўйсинувчиларга, раҳбариятга, жамоадошларга ва мурожаат қилувчиларга ўзига нисбатан яхши муносабат келтирадиган ахлоқий муносабатда бўлиши шарт.[9,5] Бу қоидага амал қилиш учун шахсга имконият ва шарт-шароит керак. Бундай шароитни иш жойининг маънавий-ахлоқий муҳити таъсис этади.

4. Маҳалла муҳити. Бу бир неча оилалар уюшмасидан иборат, ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий мақсадлар йўлида бирлашувчи кишилар маконидир. Маҳалла муҳити жамиятнинг жамоатчилиги тамойилини руёбга чиқаради. Бизнинг жамиятимизда маҳалла муҳити шахс ахлоқий фаолиятининг муҳим макони ҳисобланади. Айтиш лозимки, маҳалладаги маънавий-ахлоқий муҳит жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитининг негизини ташкил қилади. Бу муҳитда Шарқ ахлоқ фалсафаси реалликка айланади. Маълум бўладики, микро муҳитнинг мажмуи жамият организмни ташкил қилади. Шу маънода жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити деганда ана шу микро муҳит назарда тутилади. Микро даражада чойхона муҳити. Мижозлар суҳбати, гурунги, гап-гаштаклари ёки бўш вақтни оқилона ўтказиш шакллари. Дўстлар давраси муҳити. Ўзгуликка, ўзаро ҳурматга, бир-бирига ёрдам, яхши ва ёмон кунларида бирга бўлиш ҳис-туйғуси, қўллаб-қувватлаш керак ва ҳ.к. Қариндошлик муносабатларни ташкил этувчи микро муҳит: ўзаро ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, яхши ва ёмон кунларда хабардор бўлиб туриш, аждодларининг яхши анъаналарига риоя қилиш, фарзандлар ўртасида қариндошлик масъулиятини англаш.

5. Илмий муҳит. Илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва руҳий, ишчанлик, ёшларга ғамхўрлик, ўқув-услугий, илмий тадқиқотлар учун қулай шароит, маънавият ва маърифат, соғлом муҳит, ўзаро ҳурмат, талабчанлик, масъулият, ўзаро ёрдам, ижтимоий ҳимоя, рағбатлантириш кабилар киради.

Носоғлом, ғаразли манфаатларга асосланган алоқа ва муносабатлар, бу тўдалар миқдоридан қатъий назар жамиятнинг соғлом муҳитига хавф туғдирувчи салбий ҳодиса бўлиб, нафақат ўз оиласи, фарзандлари тарбиясига катта зарар етказувчи, балки жамиятга зарар, унинг осойишталигига, тинчлигига, хавфсизлигига путур етказувчи “Зарарқунандалик”дир. Шарқ ва Ғарб олимлари ҳар бир инсоний жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни бузишга ва бу йўналишни ноинсоний йўлга буриб юборишга уринувчи кучлар бўлиши мумкинлигини қайд этадилар. Шу сабабли олимлар инсон онги ва қалбида “ўзгулик ва ёвузлик” каби тушунчалар асрлар давомида сақланиб келаётганлигини таъкидлайдилар.[10,40]

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитига нисбатан фалсафий ёндашувлар анъанаси тадрижий равишда шаклланиб келган. Лекин бу ёндашувлар яқдил характерга эга эмас. Жумладан, баъзилар жамият маънавий-ахлоқий муҳитини “донишмандона яшаш тажрибаси” деб, бошқалар эса “бахт-саодатга олиб боровчи қисқа йўл” дея ва учинчилари “абадий ҳаётга етиш учун илохий қонунларга амал қилиш манбаи” деб ўқтирадилар.[11,35] Бу талқинларнинг барчаси тўғри, лекин уларда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ижтимоий-тарихийлик принципи ҳисобга олинмаган. Бизнинг фикримизча, жамият маънавият-ахлоқий муҳитининг тушунчалари, нормалари, принциплари ва қадриятлари жамиятнинг ривожланиш манбаи бўлган ижтимоий-тарихий жараёнда шаклланиб боради.

Шундай қилиб, муҳит-бу инсонни ўраб турган ва унга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи шароитлар йиғиндисидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М Янги Ўзбекистонда эркин ва фаравон яшайлик Тошкент .ТАСВИР нашриёт уйи 2021.-52 б.
2. Каримов И.А.Юксак маънавият енгилмас куч.Т.Ўзбекистон.2008 й.
3. Анальбоев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л,: ЛГУ.1978
4. Уткин А.И. Векторы Глобальных перемен: анализ и оценки основных факторов // Полис. 2000. 1. –С. 12.
5. История в энциклопедии И.Д. Алембер. – М.: НАУКА, 1978 – с. 63.
6. Донцов А.И. Проблемы Групповой сплоченности. – М,:Высшая школа. 1979. – с. 60.
7. Нормуродов Б. Ижтимоий муҳмт ва унинг тараққиётдаги ўрни.// Таълим – тарбия жараёнида ижтимоий муҳитнинг роли. Қарши 2004. – Б. 21.
8. Ўразов Х., Ғозие Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби Т.,2012. 25 –Б.
9. Ботавсина Р.Н. Этика делавых отношений. Учебное пособие. – М, : Финансии и статистикий 2005. – б. 5.
10. История этических учений. Пед общ. Ред. А.А. Гусейнова. – М,:Мысль. 2002. С 40-41.
11. Голубева Г.Г. Этика – М,: Экзамен. 2005. С 100.
12. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
13. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
14. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18*.
15. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
16. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Özbekistan'da toplumsal yaşamın ana özelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
17. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.

18. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
19. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
20. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*, (40), 69-72.
21. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. Atatürk University. *Journal of Social Sciences*, (54), 7.
22. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
23. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.

ДУНЁҚАРАШДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ОНГНИНГ ЎЗARO ДЕАЛЕКТИКАСИ

*Рўзиев Анвар Жуманазарович,
Жиззах политехника институти*

«Хотира – атроф муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва невербал шаклда, мантикий ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат рухий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (эслаб қолиш, эсда сақлаш) хотира, фаолиятдир»⁵⁶.

Арасту қарашларида, хотиранинг инсонга ҳам, ҳайвонларга ҳам хос, лекин эслаш эса фақат фикрлаш қобилиятига эга бўлганларгагина тегишли ҳодиса экани таъкидланган⁵⁷.

Абу Али Ибн Сино хотирани ички сезгилар билан боғлаган ҳолда, уни ташқи сезгилардан олинган ахборотни умумлаштириш, сақлаш ва сўнг тасаввур этиш учун хизмат қиладиган восита сифатида талқин қилган⁵⁸.

Республикаимизнинг мустақилликка эришиши билан эса миллий тарихий онг ва хотирамиз ривожда мутлақо янги давр бошланди, дейишимиз мумкин. Албатта, миллий тарихий хотирадаги қатламларни даврийлаштириш шартли ҳарактерга эга. Негаки, биринчидан, ҳар бир халқда у ўзига хос таснифланиши ва хронологик нуқтаи назардан турли даврларни қамраб олиши мумкин. Иккинчидан, ўз миллий тарихий хотирамизга тадбиқан олинганда ҳам, ҳар бир қатлам доирасида бир-биридан сифатий фарқланувчи даврларни ажратса бўлади. Шундай экан, миллий тарихий хотирада турли қатламларни ажратиш унинг ривожига хос бўлган хусусиятларни таҳлил қилиш учун қулайлик яратишини қайд этиш лозим.

Миллат ўз тарихида бошдан кечирган воқеа-ҳодисаларни, ижобий ва салбий томонларни таҳлил қилар экан, бу воқеалар нима сабабдан юз бергани ва келажакда уларнинг такрорланмаслиги ва эришилган ютуқларни сақлаб қолиш, ривожлантириш учун нима қилиш кераклигини англаб етади.

Онг ва хотира мураккаб структуравий ҳодиса бўлиб, унинг бир нечта асосий элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур элементлар ижтимоий-тарихий ҳақиқатни англаш усуллари, шакллари, мезонлари, муайян ижтимоий-тарихий давр ва цивилизацияларга бўлган муносабатига кўра ўзаро

⁵⁶ Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг роли (Абдуқодир Гийлоний асарларининг фалсафий таҳлили). Chahma Print МЧЖ нашриёти, 2013. –Б.12.

⁵⁷ [Аристотель](#). Поэтика / Пер. М. М.Позднева. –СПб.: Амфора, 2008. –С.120.

⁵⁸ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 2-жилд. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –Б.4-6.

фарқ қилади. Аммо, илмий доирада умумэътироф этилган таомилга биноан, тарихий онгни кундалик ҳамда назарий даражада кўриб чиқиш мумкин. Онгнинг ушбу соҳалари ўзаро алоқадорликда ижтимоий-тарихий воқеъликни турли даража ва сатҳларда акс эттириш имконини беради.

Инсон ўз тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган ўзгаришларнинг асл моҳиятини англаб ета олмайди, ўз навбатида келажагини ҳам тасаввур қилиши мушкул. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз – келажак йўқ» ибораси аини ҳақиқатдир.

Зеро, ҳозирги инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда, воқеъликдаги бўлаётган жараёнларни таҳлил этиш, керак бўлса англаш, унга муносабат билдириш учун нафат илмий билимлар балки, тарихий билим ва тажриба суянишни тақозо этади.

«Тарихий онг» атамаси сўнгги йилларида маълум соҳадаги тадқиқотларнинг асосий мавзуси бўлиб келмоқда. Ўзбекистонлик тадқиқотчи М.Н.Меликова «Ўзбекистон ёшларининг тарихий онги (ижтимоий фалсафий таҳлил)» мавзусида тадқиқот олиб борган. Мазкур тадқиқотда тарихий онг атамаси Ғарб ва Шарқдаги фалсафий қарашлар доирасида таҳлил қилинган. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу борада Ғарбда бир қанча моделлар ишлаб чиқилган ва улар баъзида бир-бирларини инкор этишса-да, айрим ҳолларда эса тақозо этадилар.

Шарқ олимлари томонидан тарихий онг ва хотира жамиятнинг тараққиётини кафолатловчи омил сифатида қарайдилар, шу билан бирга тарихий онг ва хотирани янада ривожлантириш учун бор имкониятни амалда қўллашни таклиф этадилар.

Умуман олганда тарихий онг масалалари дастлаб Европа фанларида тадқиқ этила бошланди, зеро, у аввал айтганимиздек, ушбу масалага дастлаб герман олимлари асосий эътиборни қаратган бўлсаларда, сўнгга бошқа Европа мамлакатларида ҳам тарихий онг масалалари асосий тадқиқот мавзуларидан бирига айланди, алалоқибат жаҳон илм-фанида унга катта қизиқиш билан муносабат билдирилди.

Мамлакатимизда ҳам тарихий онг ва хотира ҳамда дунёқараш борасида бир қатор ижтимоий фанлар доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тарихий онг тушунчасига берилган таърифлар орасида ўзбекистонлик олим Н.Жўраевнинг «тарихий онг – бу жамият, ижтимоий гуруҳларнинг ажралмас қисми бўлиб, аини пайтда шахс, инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурларидир. Бинобарин, тарих ўтмиш, бугунги кун ҳамда келажакни бутун бир уйғунликда қамраб олади»⁵⁹ – дея берган таърифи алоҳида аҳамиятга молик.

Тарихий онг ўтмишда юз берган тарихий воқеаларни тиклашда катта аҳамиятга эга. Бунда тарихий онг ўтмишга онгли равишда мурожаат қилади, ундаги воқеаларга ижобий ҳамда салбий (яхши ва ёмон) нуқтаи назардан баҳо беришга интилади. Файласуфлар бундан ташқари тарихга, онгда акс этаётган

⁵⁹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.215.

ходисаларга мурожаат қила туриб, у ёки бу даврда жамият ривожланишининг асосий йўналишларини, моҳиятини тушунишга интиладилар.

Тарихий онгда «ўтмиш-бугун-эрта»дан иборат ички зиддият мавжуд. Ушбу хусусиятни эътироф этган ҳолда А.В.Гулига тарихий онгга «инсон (ижтимоий гуруҳ, жамият) томонидан ўз ининг замондаги ўрни, ўтмишнинг бугунги кун ва келажак билан алоқадорлигининг ўзлаштирилишидир. Бу истиқбол учун муҳим бўлган ўтмишга қаратилганликдир»⁶⁰ – дея таъриф беради. Бундай ёндашув Тожикистонлик тадқиқотчи А.Х.Самиев қарашларига ҳам хосдир⁶¹.

Демак, тарихий онг алоҳида олинган шахс, ижтимоий гуруҳ ва этносларнинг замондаги ўрни, ўтмиши, бугуни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликни англашининг инъикоси ҳисобланади.

Тарихий онгнинг моҳиятига бундай ёндашув тарихий хотиранинг мазмунини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Айни пайтда, айрим тадқиқотларда йўл қўйилаётганидек, унга юзаки ёндашишдан сақлайди. Бунга «...тарихий хотира миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири»⁶² ёки «...тарихий хотира дейилганда жамиятнинг моддий-маънавий ҳаёти доирасида тадбиқ қилиш мумкин бўладиган, шахснинг ҳаёти ва фаолиятини инсонпарварлаштиришга имкон берадиган халқ, миллатнинг ўтмишдаги ижобий тажрибаларининг мажмуи тушунилади»⁶³, «шахсни бутун инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар билан боғлаб турадиган, унинг онги ва кундалик амалий фаолиятига маънавий-руҳий озуқа берадиган қудрат тарихий хотирадир»⁶⁴ – деган фикрлар мисол бўла олади.

Қайд этилган фикрларда, биринчидан, «тарихий хотира» ва «миллий тарихий хотира», иккинчидан, «шахс тарихий хотираси» ва «миллий тарихий хотира» тушунчаларининг мазмуни айнанлаштириб юборилган. Учинчидан, «тарихий хотира» тушунчасининг мазмуни сунъий тарзда торайтирилган.

Бундай чалкашликларни инобатга олмаганда ҳам, тарихий хотирани «миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири», «ўтмишдаги ижобий тажрибаларнинг мажмуи», «маънавий-руҳий озуқа берадиган қудрат» дейиш бир ёқламаликдир. Негаки, бундай ёндашувда тарихий хотира фақат позитив мазмунга эга бўлиб қолади. Аслида эса, унда салбий ҳарактерга эга бўлган, ғурурланиш, руҳий қудрат манбаи бўлиш учун замин бўла олмайдиган ҳодисалар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам мавжуд бўлади.

⁶⁰ Гулига А.В. Историческое сознание.//Современные проблемы философии истории: Тезисы докладов в межвузовской научной конференции. – Тарту, 1989. – С.16.

⁶¹ Самиев А.Х. Историческое сознание и развитие духовного мира человека. – Душанбе: Дониш, 1994. – С.87.

⁶² Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.207.

⁶³ Курбанмамедов А. Историческая память в духовном совершенствовании личности.//Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – С.107.

⁶⁴ Курбонов Т. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни. Фалс. фан. номз. дис. автореф. – Қарши, 2005. – Б.12.

Тарихий хотира моҳиятига бир ёклама ёндашув бошқа шаклларда ҳам учрайди. Хусусан, тадқиқотчи Россиялик В.Б.Устьянцев тарихий хотирани «тарихий ёзма манбаларга таянган ҳолда шаклланиши»⁶⁵ ни таъкидлайди.

Маълумки, тарихий хотирада ёзма манбалар билан бир қаторда оғзаки ижод ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Тарихий хотирани фақатгина ёзма манбаларга боғлаган ҳолда тушунтириш, бизнингча, унинг мазмун доирасининг торайишига олиб келади. Чунки, тарихий хотира системалашган тарихий билимлар, ўтмиш ҳақидаги тасаввурлар каби кўплаб ахборотларни қамраб олади ва уларга таянган ҳолда такомиллашиб боради. Тарихий хотира янги ахборотларни қайта ишлаш оқибатида муттасил ривожланиб боради ва у моҳиятан келажакка қаратилган бўлади. Унинг шу жиҳати эътиборни қаратган ҳолда, профессор Д.Алимова «Тарихий хотира халқ ижтимоий борлигининг ривожланиш истикболлари, яъни келажакни ўзида акс эттиради. Зеро, келажак – ўтмиш ва бугуннинг муқаррар якуни, уларнинг натижаси ва давомидир»⁶⁶ – деган фикрни билдиради.

Мазкур таърифда ҳам «тарихий хотира» ва «миллий тарихий хотира»нинг мазмуни тенглаштириб қўйилган бўлса-да, ўтмиш, бугун, келажак ўртасидаги боғлиқлик тўғри эътироф этилган. Айни пайтда, тарихий хотирага узлуксиз ривожланиш хослиги таъкидланган. Бундай ёндашув «Тарихий хотира – инсон ҳаёлотида ўрнашиб қолган қатъий ҳолат. Бошқача қилиб айтганда, инсон фотоаппаратга айланади-ю, аниқ объект, ҳолат ёки воқея қандай бўлса, шундайлигича суратга олади. Аниқроғи, унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу суръат фикрдан, кайфиятдан, мантиқ ва мазмундан бегона. Унда ҳаракат йўқ»⁶⁷ – деган қарашларнинг ўринсизлигини кўрсатади.

Тарихий хотирага ворисийлик хосдир. Маълумки, аجدодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос авлодлар томонидан ўзлаштирилади. Уни сақлаб, кейинги авлодларга етказиш вазифасини бажаришда тарихий хотиранинг роли муҳимдир. Шунга кўра, тадқиқотчи Ж.Т.Тощенко «...тарихий хотира ўтмиш ҳақидаги ахборотни бугунги кун ва келажак билан боғлиқ ҳолдаги муҳим хусусиятини акс эттиради. У ўз моҳиятига кўра халқ, давлат, мамлакатнинг ўтмиш тажрибасининг тўпланиши, сақланиши ва қайта тикланиш жараёнининг уни кишилар фаолиятида қўллаш эҳтимолини унинг таъсирини ижтимоий онг соҳасига қайтаришнинг акс этишидир»⁶⁸ – деган фикрни билдиради. Мазкур таърифда тарихий хотирага хос бўлган хусусиятлар очиб берилган бўлса-да, унда ўтмиш тажрибасининг тўпланиши шакллари масаласи эътибордан четда қолган. Бундан ташқари хотира инсон, инсонлар гуруҳига хос руҳий ҳолат ҳисобланишини инобатга олсак, тарихий хотиранинг субъектлари доираси сунъий тарзда кенгайтирилганига ишонч

⁶⁵ Устьянцев В.Б. Социальные и гносеологические аспекты становления исторического знания. Автореф. дис. уч. канд. филос. наук. – Саратов, 1982. – С.5-6.

⁶⁶ Алимова Д., Гуломова Д. Тарихий хотира ва ёшлар. / FIDOKOR. 2001 йил, 18 октябрь.

⁶⁷ Жўраев Н. Миллий истиклол ғояси ва тарихни англаш. // Жамият ва бошқарув, 2003, №2. – Б.5.

⁶⁸ Тощенко Ж.Т., Что такое историческое сознание и историческая память. <http://vivovoco.rse>.

ҳосил қилиш мумкин. Зеро, «мамлакат тарихий хотираси» ёки «давлат тарихий хотираси» ҳақида гапириш маънисиздир. Қайд этилган мулоҳазалар тарихий хотирани муттасил ривожланиб борадиган, ўзида «ўтмиш-бугун-эрта» ўртасида боғлиқликни, ижобий ва салбий ахборотлар мажмуини ифодаладиган ҳодиса сифатида тушуниш имконини беради: тўлиқлиги конкрет вазият билан белгиланадиган, муҳим аҳамият ва қимматга эга бўлган ўтмиш тажрибасининг муайян тасаввур, билим ва хулосалар кўринишида эса олиб қолиниши, сақланиши ва зарур бўлган ҳолда қайта тикланишидан иборат бўлган маънавий-руҳий жараёнга тарихий хотира дейилади. Хотиранинг моҳиятини билиш, унинг ўзига хос кўриниши бўлган тарихий хотиранинг ва бу ўз навбатида миллий тарихий хотиранинг мазмуини тўғри англашга ёрдам беради. Субъектига кўра фарқланадиган шахс, ижтимоий гуруҳ ва миллат тарихий хотирасига хос хусусиятларни ўрганиш эса, уларнинг специфик ва ўхшаш жиҳатларини ҳамда ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўл очади.

Миллий тарихий хотиранинг мазмуини англашда Абдурауф Фитратнинг фикрлари ҳам эътиборга молик. Жумладан, у «ҳар бир қавм ўзининг босиб ўтган ижтимоий, сиёсий аҳволини билиши керак, ўзини ўша ўтган тарихий даври билан таққослаб ўша даврдан қанчалик ривожланганлигини билиши жоиздир. Ҳар бир миллат агар яшашни хоҳласа, ўз қавмининг ўтмиши, тарихига мурожаат қилади ва агар бирор қавм ҳалокатга маҳкум бўлган бўлса, унинг сабабларини ўрганиб, бу ҳалокатга боғлиқ бўлган одатларини тарк қилиши керак. Бошқа бир миллатнинг тараққийсига сабаб бўладиган қоидаларни ўзига қабул қилиши заруриятдир»⁶⁹ – деб ёзган эди.

Мазкур мулоҳазалардан ўз ўтмиши, аجدодлари босиб ўтган йўлни чуқур билиш ва ўзга халқлар тарихи, уларнинг ютуқ ва хатоларидан тўғри хулосалар чиқариш ҳар бир миллатнинг тараққиётига сабаб бўладиган омиллардан бири сифатида талқин қилинганини англаш мумкин.

Бугунги кун илмий адабиётларида мавжуд бўлган қарашларни ўрганиш миллий тарихий хотиранинг мазмуини янада чуқурроқ ва теранроқ англашга ёрдам беради.

Мазкур мулоҳазалардан ўз ўтмиши, аجدодлари босиб ўтган йўлни чуқур билиш ва ўзга халқлар тарихи, уларнинг ютуқ ва хатоларидан тўғри хулосалар чиқариш ҳар бир миллатнинг тараққиётига сабаб бўладиган омиллардан бири сифатида талқин қилинганини англаш мумкин.

Демак, дунёқараш, онг ва хотира ўртасидаги муносабат – умумийлик, жузъийлик ва хусусийлик ўртасидаги муносабат кабидир. Тарихий онг ҳамда тарихий хотира тарихий дунёқарашнинг муҳим таркибий компонентларини ташкил этади. Улар бир бутунликда яхлитлашиб тарихий дунёқарашни ҳосил қилади, шунингдек, онг индивид, жамоа, элат, миллат, халқларнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақидаги кундалик идрок ва тасаввурлари, билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик тамойили асосида чиқарган илмий-

⁶⁹ Абдурауф Фитрат. Раҳбари нажот. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.50-51.

амалий хулосаларининг мажмуи сифатида гавдаланиб, тарихий дунёқарашда тизимлашади ва яхлитлашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурауф Фитрат. Раҳбари нажот. – Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Самиев А.Х. Историческое сознание и развитие духовного мира человека. – Душанбе: Дониш, 1994.
4. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 2-жилд. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
5. Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг роли (Абдуқодир Гийлоний асарларининг фалсафий таҳлили). Chahma Print МЧЖ нашриёти, 2013.
6. [Аристотель](#). Поэтика / Пер. М. М.Позднева. –СПб.: Амфора, 2008.
7. Алимова Д., Гуломова Д. Тарихий хотира ва ёшлар./ FIDOKOR. 2001 йил, 18 октябрь.
8. Гулыга А.В. Историческое сознание.//Современные проблемы философии истории: Тезисы докладов в межвузовской научной конференции. – Тарту, 1989.
9. Жўраев Н. Миллий истиқлол ғояси ва тарихни англаш.//Жамият ва бошқарув, 2003, №2.
10. Курбанмамедов А. Историческая память в духовном совершенствовании личности.//Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
11. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.207.
12. Устьянцев В.Б. Социальные и гносеологические аспекты становления исторического знания. Автореф. дис. уч. канд.филос. наук. – Саратов, 1982.
13. Тощенко Ж.Т., Что такое историческое сознание и историческая память. <http://vivovoco.rse>.
14. Қурбонов Т. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни. Фалс. фан. номз. дис. автореф. – Қарши, 2005.
15. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
16. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
17. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18*.

18. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
19. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Özbekistan’da toplumsal yashamin ana o‘zelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
20. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.
21. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
22. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
23. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*, (40), 69-72.
24. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. Atatürk University. *Journal of Social Sciences*, (54), 7.
25. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
26. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.